Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари

Илмий-амалий конференция материаллари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами

Тошкент - 2022

“Шарқ мамлакатларидаги тарихий жараёнлар ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари” мавзусида вазирлик миқёсида илмий-амалий конференция. – Тошкент. 2022. № 8. 370 б.

Таҳрир ҳайъати:

Т.ф.д., проф. Н.Э.Каримова
Т.ф.д., проф. С.Б.Шодманова
С.ф.д., доц. Н.А.Абдуллаев
Т.ф.д., доц. З.Дж.Арипова
Т.ф.н., доц. А.Х.Худойбердиев
Т.ф.н. К.С.Азимов
Т.ф.н. С.М.Турсунова
Т.ф.н. У.А.Абдуллаев
Т.ф.н. Ш.И.Икромов

Тақризчилар:
т.ф.д., проф. А.Хасанов
т.ф.н., доц. Ю.Исмоилова

Тўплам Тошкент давлат шарқшунослик университети Шарқ цивилизацияси ва тарих факультети Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (22.06.2022 й. № 11)

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2022

СЎЗБОШИ

Бугунги кунда дунё миқёсида рўй бераётган ўзгаришлар шарқшунослик соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларни нафақат объекти ва муаммоларини янгиланиши, балки уларни ўрганишда қўлланиладиган тадқиқот методларини ҳам ўзгартириш зарурлигини кўрсатмоқда. Шунингдек бу давр тарихий тадқиқотлар предмети ҳамда методологиясини ўрганишга бўлган қизиқишнинг кучайиши билан ҳам характерланади. Яъни бу даврда тарихга фан сифатида қараб, уни назарий ўрганишда янги дунёқарашга асосланиш зарур бўлди. Бу эса тарихчиларимиз олдига тарихини илмий ва ҳаққоний ёритиш, бу соҳани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш билан бирга, тарихий тадқиқотларни замон талаби ва дунё миқёсидаги ўзгаришларга мос равишда ўрганиш учун уларни назарий ва методологик жиҳатдан тадқиқ қилиш масаласини ҳам қўйди. Чунки шуни таъкидлаш жоизки, сўнгги йилилларда Ўзбекистонда шарқшунослик, тарихшунослик, манбашунослик ва тарихнинг ижтимоий ва сиёсий соҳаларига оид бир қанча тадқиқотлар олиб борилди. Улар ўзларининг мавзулари ва тадқиқотни олиб боришда янгича методларга асосланганлигини эътироф этиш мумкин.

Жорий йил саккизинчи маротаба ташкил қилинаётган “Хорижий шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари” номли илмий-амалий анжуман ўтган давр мобайнида республика шарқшунос тарихчилар орасида эътироф этилди.

Муаллифлар томонидан ўрганилган мавзулар географияси шарқ мамлакатларини тўла қамраб олади. Уларнинг хронологик чегараси эса энг қадимги даврлардан бугунги кунга қадар бўлиб, мақолаларда шарқда давлатчилик тараққиёти, сиёсий институтлар ва тизимларнинг шаклланиши, шарқ халқларининг ижтимоий ҳамда маданий ривожланиш хусусиятлари, шарқ халқларининг халқаро ҳамкорлик алоқалари, шарқ давлатлари тарихига оид манбалар таҳлили, шунингдек, шарқ давлатлари тарихини ўқитишнинг долзарб муаммолари ва методологияси каби мавзуларда тўрт юзга яқин илмий мақолалар ва тезислар нашр қилинди.

Ушбу тўпламда Хорижий Шарқ мамлакатларнинг ҳозирги кундаги тарихи, сиёсати, иқтисоди, ижтимоий ҳаёти ва бошқа соҳаларида содир бўлаётган жараёнларни доимий равишда кузатиб бориш, илмий асосда таҳлил қилиш ҳамда келажакда мазкур давлатларда кутилиши мумкин бўлган воқеалар тахминини айтиб беришга интилиш шарқшунослар олдида турган энг долзарб вазифаларидан бирига айлантирилиши давр талабидир. Хорижий Шарқ мамлакатларидаги ҳозирги жараёнларни

илмий таҳлил этиш ўз навбатида хорижий Шарқ мамлакатларининг яқин орада ва келажакда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бирламчи йўналишларида тутиши мумкин бўлган ўрнини белгилашга ҳам ёрдам беради.

Бу борада мазкур Анжуманнинг аҳамияти катта бўлиб у келажакда янада такомиллашиб иштирокчилар географияси ва илмий савияси янада ортиб боради деган умиддамиз.

Рихсиева Гулчехра Шавкатовна
Тошкент давлат Шарқшунослик университети ректори

SAYFULLAYEV D.B.
Tarix fanlari doktori (DSc)
TDSHU Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektor

O‘ZGARUVCHAN GLOBAL KONTEKSTDA YAQIN SHARQ MINTAQASI: SO‘NGGI YUZ YILLIKNING ENG MUHIM HODISALARI

Annotatsiya*. Yaqin Sharq xalqaro munosabatlarda eng muhim strategik ahamiyatga ega mintaqalardan biridir. Bu mintaqada to’plangan diniy, etnik, energetik va geosiyosiy masalalar mintaqa davlatlari, yirik davlatlar o‘rtasida doimiy raqobatni yuzaga keltirgan. Natijada, Yaqin Sharq dunyoning eng qaynoq nuqtalaridan biriga aylandi va vaziyat yanada murakkab xususiyatga ega bo’lib bormoqda. Ushbu maqola Yaqin Sharqda so’nggi yuz yillikda yuz bergan eng muhim siyosiy jarayonlar tahliliga bag’ishlangan.*

Kalit so‘zlar: *Yaqin Sharq, Falastin-Isroil mojarosi, “arab bahori”, Misr inqilobi, BMT*

Yaqin Sharq mintaqasi xalqaro munosabatlarda eng muhim ahamiyatga ega bo‘lgan strategik makon hisoblanadi. Ushbu makonda zamonamiy o‘tkir diniy, etnik, energetik, geosiyosiy muammolari jamlangan bo‘lib, yirik davlatlar manfaatlaridan tortib mintaqaviy qudratga ega davlatlar o‘rtasida doimiy raqobat bo‘lib keladi. Natijada Yaqin Sharq dunyoning eng “qaynoq nuqta” laridan biriga aylanib qoldi va muammolar borgan sari murakkab xususiyatga ega bo‘lmoqda. Xususan, qariyb yarim asrdan ziyod vaqt davomida hal etilmayotgan Falastin-Isroil mojarosi, shuningdek, Kurdlar muammosi, Eron yadroviy dasturi, qochoqlar muammosi, xalqaro terrorizm va ektremizm xavfi va boshqa yirik masalalar Yaqin Sharq mintaqasida hanuz davom etib kelmoqda. Bunga asosiy sabablar sifatida mintaqaning xalqaro munosabatlardagi o‘rni va rolini keltirish mumkin. Siyosiy fanlar doktori, professor M. Muhammadsidiqovning quyidagi fikrlari ushbu masaladagi sabablarga oydinlik kiritadi:

“Yaqin Sharq – Osiyo, Afrika va Yevropaning kesishgan mintaqasida joylashgan. Bundan tashqari geosiyosiy ahamiyati jihatidan Yaqin Sharq, Kavkaz va Markaziy Osiyo bilan birgalikda chegaradosh sifatida qaralib, geostrategik va geosiyosiy imperializmda, shu jumladan, AQSh gegemonlik loyihasida juda muhim o‘rin egallaydi.

Yaqin Sharq mintaqasi jahonning muhim transport koridori hisoblanadi. Aynan shu yerda Atlantika va Hind okeanini bir biriga bog‘laydigan muhim geostrategik ahamiyatga ega bo‘lgan Suvaysh kanali joylashgan hamda shu mintaqa davlatlari qulay dengiz yo‘llariga chiqish imkoniyatiga ega, bu xalqaro iqtisodiy munosabatlardagi rolini oshirish va

ishtirokini kengaytirishda zaruriy omillardan biridir.

Yaqin Sharq dunyo aholisining deyarli yarmi e'tiqod qiladigan uch eng yirik jahon dinlari: yahudiy, xristian va islom dinlarining kelib chiqish markazi hisoblanadi[1].

Yaqin Sharqdagi vaziyat va u haqida to'xtalganda bugungi kunda ham ahamiyatli va dolzarb hisoblangan Falastin-Isroil muammosi hamda "Arab bahori" voqealarini eslab o'tmaslikning imkoni yo'q. Yaqin Sharq masalalari va Arab-Isroil mojarosi bo'yicha olim M.Nishonov Falastin muammosi haqida quyidagilarni qayd etadi: "637-yilda xalifa Umar ibn al-Xattob boshliq arablar Ierusalim va Falastinni bosib oladi. O'sha vaqtda bu yerda yahudiylar 5% ni tashkil qilar edi. Falastinda yashagan aromiylar asta-sekin arablar bilan chatishib, arab tilini qabul qiladi va islom diniga kirishadi. VII asrdan boshlab Falastinda asosan arablar yashay boshlaydilar. 1099-yilda salibchilar Ierusalimni bosib oladi va Falastinning bir qismida Ierusalim qirolligini tashkil qiladi. Keyinchalik Salohiddin al-Ayubiy boshliq arablar salibchilarni bu yerdan haydab chiqaradi. 1516-yilda Yaqin Sharq hamda Falastin turklar tomonidan bosib olinadi. Turklar bu yerda 400 yil hukmronlik qildi. Turklar hukmronligi davrida Falastin bir necha sanjaqlarga: Ierusalim, Nablus, G'azo, Sidon va Bayrut rayonlariga taqsimlangan edi"[2]. Bu jihatdan muammoning ildizlari diniy omilga borib taqalishini anglash mumkin.

- Ma'lumki, Arab-Isroil o'rtasida bir necha marotaba qurolli urushlar bo'lib o'tgan. Arab-Isroil majorosining kelib chiqishida Britaniya imperiyasi hal qiluvchi rolni o'ynagan. Britaniyaning Isroil va Falastin munosabatiga bo'lgan siyosati ikki standartli bo'lib, quydagi hujjatda aks etadi: 1917-yil noyabrdagi yahudiylarga Falastinga ko'chib kelish huquqini bergan "Balfur Deklaratsiyasi"ning qabul qilinishi bo'lib, unda yahudiy davlatini tashkil etishga va'da qilingan. Biroq bu arab dunyosi Britaniya imperiyasi munosabatlarida bir qator muammolarni yuzaga keltirdi, natijada keyinroq "Makdonaldning Oq kitobi" nomli hujjat qabul qilinib, darhol yahudiylar immigratsiyasini cheklagan va arab yerlarini sionistlarning sotib olishini ta'qiqlagan. Bu masalaning hal etilshiga olib kelmadi. 1947-yilgi 29-noyabrdagi BMT BoshAssembleyasining qarori bilan Falastin, Yahudiy va Arab davlatiga ajratildi. Yangi davlatlar 1948-yil 1-oktyabrigacha tashkil etilishi kerak edi. Arablar hududning 43%ni, Isroil esa 57%ga egalik qilish huquqini qo'lga kiritdi[3].

---

[1] Muhammadsidiqov M.M. Musulmon mamlakatlari va zamonaviy xalqaro munosabatlar. O'quv qo'llanma. – T.: 2019. – B.36-37.

[2] Нишонов М. Якин Шарқ: муаммо ва можароларнинг тинч ҳал этиш жараёнлари (1948-2002). –Т.: 2004. – Б.7.

[3] Wendy McElroy. Background of the Middle East Conflict // part3 // http://www.fff.org/freedom/fd0312d.asp - October2003.

Uch omil hozirgi vaqtda Isroil va Falastin o‘rtasidagi nizoning barham topishiga to‘sqinlik qilmoqda:

1. Quddus shahrining maqomi. Ushbu shahar islom va yahudiy dinlarida muqaddas shahar hisoblanadi va ikki davlat uni o‘z poytaxtiga aylantirish tarofdori. Ammo bugunga qadar yagona yechimga kelinmagan. Shahar BMT tomonidan baynalmilal hudud deb e’lon qilingan.

2. G‘arbiy qirg‘oq (West Bank) dagi yevropaliklar turar manzillari masalasi va kelajakdagi Falastin chegarasi masalasi. BMT Xafvsizlik kengashining 242 rezollyusiyasida Isroildan 1967-yil bosib olingan hududlarni tark etishni talab qilgan. Biroq Isroil dunyoda o‘z chegaralarini tan olishni rad etgan yagona davlatdir. AQSh singari Isroil o‘z koloniyasi ekspansiyasi uchun kurashish huquqini talab qilmoqda. Boshqacha aytganda, Isroil BMT rezolyutsiyasini ochiqchasiga bajarmasligini e’lon qilgan yagona davlat hisoblanadi[4].

3. Falastin qochoqlar muammosi. Qo‘shni arab davlatlari va BMT hisobiga kun ko‘rayotgan va lagerlarda yashayotgan qochoqlarning umumiy soni 2,5 mln.ga yaqi[5]. Ularni o‘z uylariga qaytarish zaruriyati tug‘ilmoqda. Qochoqlarning hozirga kundagi uylari Isroil hududida joylashgan va ularning qaytishi masalasi ochiq qolmoqda.

Britaniya imperiyasi va u tomonidan tashlab ketilgan nizo turli yillarda alanga oldi. Eng asosiysi ushbu urushda Isroilning qo‘li baland kelishi va uning ortida AQShning o‘rni mavjud ekanligi muammoni yanada jiddiy tus olishiga sabab bo‘lmoqda. Qo‘shma Shtatlar hattoki bir qator arab davlatlarini Isroil bilan tinchlik sulhi tuzishga, ba’zilari bilan o‘rtadagi munosabatlarini normallashtirishga muvaffaq bo‘ldi. 2020-yil 15-sentyabrda Isroil Oq Uyda AQSh vositachiligida BAA va Bahrayn bilan tinchlik shartnomasini imzoladi. AQSh uchun ushbu bitimlar Eronga qarshi “maksimal bosim” o‘tkazish strategiyasida muhim o‘rin tutar edi. BAA va Bahrayn uchun bu bitim yangi savdo imkoniyatlari va xafvsizlik kafolati hisoblanardi. BAA bu bitim ortidan AQShdan zamonaviy qurol-yarog‘lar oqimini kutishi mumkin. Shuningdek, bu Eronga qarshi turish uchun ajoyib imkoniyatdir. Eron 1969-yilgacha Bahraynni o‘z hududining bir qismi deya da’vo qilgan. Bugungi kunga qadar ham Bahrayn hukmdorlari Eron tomonidan ehtimoliy xatarlarni kutishardi. Ammo, Eron Bahraynning tinchlik bitimiga qo‘shilganini hazm qila olmadi va Bahrayndan o‘ch olishini ma’lum qildi. BAA va Bahraynning Isroil bilan imzolagan bitimlarini Falastin ham

[4] Отношения Вашингтона и Лондона ждет некоторое охлаждение // http://www.rusk.ru/st.php?idar=723764

[5] Георгий Мирский. Большой Ближний Восток — самый конфликтный регион мира// http://www.wpec.ru/text/200704171449.htm

keskin qoralab, Arab Davlatlari Ligasi tashkilotidagi o‘z rolini bekor qildi[6]. Falastin keyingi olti oy davomida Arab Davlatlari Ligasi tashkilotining yig‘ilishlariga raislik qilishi kerak edi. Ammo, Falastin tashqi ishlar vaziri Riyod al-Malikiy tashkilotda Falastinning ushbu roli bekor qilinganini ma’lum qildi. Falastin BAA va Bahraynning Isroil bilan imzolagan bitimlarini o‘ziga nisbatan qilingan xiyonat va mustaqil Falastin davlatini tashkil qilish yo‘lidagi harakatlarga bo‘lgan qattiq zarba sifatida baholadi. Ayrim arab davlatlarining Isroil bilan munosabatlarini iliqlashuvi ortidan 2021va 2022-yilning aprel oylarida Masjid ul-Aqsoda Falastin-Isroil nizolarini qaytadan alanga olishiga sabab bo‘lgan voqea sodir bo‘ldi. Tomonlar o‘rtasida keskin qurolli to‘qnashuvlar kuchayib ketgan bo‘lsa-da, oldin bo‘lgani singari yetakchi arab davlatlari tomonidan urushni hal etish uchun qat’iy choralar amalga oshirilmadi. Bu esa Falastining yolg‘izlanib qolishiga olib keldi.

Juda yaqin tariximizda ommaviy axborot vositalari (OAV)da Shimoliy Afrika va Yaqin Sharq mamlakatlarida yuz bergan ommaviy noroziliklarga nisbat berilib, “arab bahori” deb nomalangan tushuncha paydo bo’ldi. Voqealar rivojining paydo bo’lishi va ommalashishi ushbu hodisalarni “inqilob” deb atash uchun sharoit yaratdi. Bu hodisalarni g’arb OAV “arab bahori inqilobi” deb atasa, boshqalari “arab bahori va qishi”, “arab uyg’onishi”, “panarab inqilobi”, “arab isyoni” kabi tushunchalar bilan nomlashdi[7]. Ayrim tadiqiqotchilar ushbu voqealar to’g’risida fikr yuritishar ekan, unda OAVlari nihoyatda muhim va hal qiluvchi ahamiyatga ega bo’lganligini ta’kidlashadi va ushbu hodisalarni tahlil etishda “Twitter inqilobi”[8], “Facebook inqilobi”[9], “Al-Jazira inqilobi”[10], “WikiLeaks birinchi inqilobi”[11] kabi tushunchalardan foydalanishadi. Lekin eng umumiy talqin sifatida “arab bahori” tushunchasi ilmiy muomalada keng foydalaniladi.

“Arab bahori” tushunchasining paydo bo’lishi xususida turli xil munozaralar va bahsli holatlar mavjudligini ko’rish mumkin. Ba’zi bir

---

[6] Palestine quits Arab League role in protest over Israel deals. Aljazeera, September 22, 2020. https://www.aljazeera.com/news/2020/9/22/palestine-quits-arab-league-role-in-protest-over-israel-deals

[7] Подгорнова Н. П. “Арабская весна” в странах Магриба. – М.: 2014. – Б. 4.

[8] “Twitter inqilobi” atamasi dastlab belorus ilmiy tadqiqotchisi Yevgenij Morozov tomonidan 2009-yilda Tehrondagi voqealar munosabati bilan ishlatilgan. Qarang: Lakomy M. Arab Spring and New Media/The Arab Spring. Faculty of Political Science and Journalism Adam Mickiewicz University Poznañ 2011. – P. 12.

[9] Nikila Srinivasan, Of Cyber-Skeptics and Cyber-Utopians: Debunking Myths and Discussing the Future”, Meta-Activism (blog), February 17, 2011.

[10] Abdelaziz Kesbi. Political upheavals the Arab spring. This paper was presented in the second Annual International Conference on Cultures and Languages in Contact at the Faculty of Letters and Human sciences Eljadida, Morocco in November 23-24, 2012. – P. 2.

[11] Foreign Policy jurnali Tunisdagi hokimiyat almashinuvini shunday nomladi. Qarang: Политическое цунами. Аналитика событий в Северной Африке и на Ближнем Востоке. Авторы: С.Кургинян, Ю.Бялый, А.Кудинова, И.Кургинян, В.Новиков, В.Овчинский, М.Подкопаева, М.Рыжова. - М.: МОФ ЭТЦ, 2011. – С. 6.

tadqiqotchilarning fikriga ko'ra, bugungi "arab bahori" va "arab uyg'onishi" kabi tushunchalarni o'rganishda arab jamiyatlaridagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlarning o'ziga xos tarixiy xususiyatlarini tahlil qilish nihoyatda muhim ahamiyatga ega. Arab olamidagi to'ntarishlarni tadqiqotchilar ommaviy tartibsizliklarning uchta to'lqini sifatida baholashadi.

Arab ommaviy isyonlarining birinchi to'qini 1914-yilda sodir bo'ldi va "Buyuk arab inqilobi" nomi bilan ataldi. Sharif Husayn rahbarlik qilgan ushbu inqilobning o'ziga xos xususiyati shundan iboratki, uning asosiy mo'ljali arab dunyosida Usmonlilar imperiyasini tugatishga qaratilgan edi. Ushbu to'lqin ikkita asosiy hodisa bilan muvofiq keladi - global va mintaqaviy. Birinchi jahon urushi asosiy global hodisa hisoblansa, Usmonlilar imperiyasining tugatilishi asosiy mintaqaviy hodisa edi. Britaniya imperiyasi tomonidan qo'llab-quvvatlangan ushbu inqilob to'lqinining asosiy sababi Usmonlilar imperiyasini mintaqada mavjudligini yo'qotish hisoblangan[12].

Arab ommaviy isyonlarining ikkinchi to'lqini XX asrning 50-60-yillarida sodir bo'ldi va aynan 1959-yilda fransuz yozuvchisi Jak Benua Meshin tomonidan "arab bahori" atamasi foydalanildi. U o'zining 1959-yilda nashr etilgan "Un Printemps Arabe" nomli maqolasida Yaqin Sharqda sodir bo'lgan arab isyonlarini tasvirladi va ularni 1848-yildagi "millatlar bahori" yoki "xalqlar bahori" nomi bilan mashhur Yevropa inqiloblari bilan bog'lashga harakat qildi[13]. Xuddi birinchi to'lqin singari ikkinchi to'lqinga ham asosiy global va mintaqaviy hodisalar muvofiq keladi. Asosiy global hodisa ikkinchi jahon urushi hisoblansa, asosiy mintaqaviy hodisa arab dunyosining markazida Isroil davlatiga asos solinishi edi. Ushbu davrda Isroil davlatining "sionizm" iga qarshi o'laroq "arabizm" shiori asosiy o'rinni egalladi. Arab isyonlarining ikkinchi to'lqini va arabizm shiorini asosan Misr Prezidenti Jamol Abdul Nosir nomi bilan bog'lashadi. Ayrim tadqiqotchilarning nuqtai nazaricha, ushbu davrda tashqi kuchlarning o'z intervensiyasi va gegemonligi kuchaygani sari mintaqada arab millatchiligi ham kuchaya boshladi[14].

Arab ommaviy chiqishlarining uchinchi to'lqini 2010-yil 17-dekabrda Tunisda meva sotadigan savdogar Muhammad Buazzaziyning politsiya o'zboshimchaligi va poraxo'rligiga qarshi norozilik bildirib, Sidi-Buzid shahar maydonida namoyishkorona o'z-o'ziga o't qo'yishi natijasida boshlandi. Tunis to'ntarishi muvaffaqiyatli tugaganligi sababli, norozilik

[12] Mehmet Sahin, '1950-1960 Arab Revolutions and the 2011 Arab Spring: Similarities and Differences', in New World Order, Arab Spring and Turkey, B. Senem Cevik- Ersaydi and Bora Baskak (eds.), Ankara: Ankara University Center for the Study and Research for Political Psychology, 2012. – P. 3-5 .

[13] Jacques Benoist-Méchin. Un Printemps Arabe (An Arab Spring), Paris: Albin Michel, 1959.

[14]Fadi Elhusseini. Post Arab Spring Thoughts: The Middle East between external and internal mechanisms (Political Economic & Social Forces). Polish Academy of Sciences. November 2013. – P. 5.

to’lqinlari Misr, Liviya, Suriya, Iroq, Bahrayn, Yaman, Iordaniya, Marokash, Jazoir, Ummon, Quvayt, Saudiya Arabistoni, Sudan, Mavritaniya va boshqa arab mamlakatlariga yoyilib ketdi. Arab dunyosidagi namoyishlarning asosiy shiori “Odamlar rejimni qulatishni istashadi” (*Ash-sha’b yurid isqat an-nizam*) bo’ldi. Shu tariqa, Shimoliy Afrika va Yaqin Sharq mamlakatlarida ommaviy tartibsizliklarning ketma-ket avj olishi “arab bahori” (arab. الربيع العربي) degan atamaning paydo bo’lishiga zamin yaratdi[15].

“Arab bahori” atamasida mavjud “arab” so’zi ushbu inqiloblarning arab mamlakatlariga tegishli ekanligini ko’rsatib turibdi. Lekin shuni ta’kidlash joizki, unda ishlatilgan “bahor” so’zida turli xil talqinlar vujudga kelganligining guvohi bo’lishimiz mumkin. Masalan, Shayx Solih Favzon “arab bahori” haqida so’z yuritib, voqealar rivojiga diniy talqin beradi. Uning fikri quyidagicha: Allohga qasamki, biz hech qanday bahorni ko’rmadik! Odamlar qatlidan boshqa hech narsa ko’rmadik va fitna ko’rdik, undan boshqa narsa emas…Bu hech qanday bahor emas. Ha, uni faqat ular shunday (bahor deb) nomlashadi. Musulmonlar esa, buni bahor deyishmaydi. Shunday. Yana bu ular uchun bahor ekani ham to’g’ri. Chunki, u (bahor) sabab musulmonlarga zarar yetkazishyapti va bundan xursanddirlar. Va bu ular uchun “bahor”. “Arab bahori” deganda, ko’pchilik odamlar voqealar bahorda boshlangani uchun shunday nomlangan deb o’ylashmoqda. Aslida unday emas. Chunki yuqorida aytib o’tilganidek, arab voqealari bahor faslida emas, balki dekabr oyida boshlangan. Yuqoridagi ma’lumotlarga ko’ra, shuni aytish mumkinki, namoyishlar bo’lib o’tayotgan davlatlardagi xalq bugungi kungacha kuchli tazyiq ostida yashagan va bu holatni ular majoziy ma’noda bulutli qish kunlari deb, endi erilishishi kutilayotgan g’alaba va undan keyingi hayotni erkinlik, arablarning “bahori”, yorug’lik, yengilllik hamda erkinlik kunlari deb izohlashmoqda[16]. Qo’shimcha sifatida ta’kidlash o’rinliki, arab davlatlaridagi “arab bahori” voqealari natijasida diniy ekstremizm, fuqarolar urushi, mintaqaviy beqarorlik va etno-diniy nizolarga sifat berilib “arab qishi” atamasi ham ishlatiladi. Aslida, ushbu atama ham dastlab 2011-yil dekabrda Washington Post jurnalida foydalanilgan edi[17].

Arab dunyosining yetakchi davlatlaridan biri hisoblangan Misrda sodir bo‘lgan “arab bahori” butun Yaqin Sharq mintaqasi uchun alohida xususiyatga ega. Zeroki, 2011-yilda yuz bergan “Arab bahori” hodisalarida radikal diniy tashkilotlarning uyg’onishi va faol siyosiy harakatlarni amalga oshirishi Misr demokratik jarayonlarida islom omilini qayta ko’rib chiqishni taqozo etdi.

---

[15] The Arab Spring. https://en.m.wikipedia.org/wiki/Arab Spring

[16] Бозоров О. Бугунги куннинг энг долзарб вазифаси/ Тинчлик ва осойишталик – олий неъмат / масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур; Ўзбекистон мусулмонлари идораси; Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. –Т.: “Movaraunnahr”, 2013. – Б. 83-84.

[17] Arab Winter. https://en.m.wikipedia.org/wiki/Arab Winter

Agar Misr tarixiga nazar soladigan bo'lsak, uni diniy va dunyoviy kuchlarning hokimiyat uchun murosasiz kurashi bilan o'tganligini ko'rish mumkin. Mamalakatda diniy tuzilmalarning g'oyaviy qarashlari jamiyat hayotiga ta'sir etishi kuchayib bordi. Bu esa radikal tashkilotlarning mafkuraviy harakatlarini davlat boshqaruvida ham sinab ko'rishni maqsad qilib olishiga olib keldi. XX asr boshlari va o'rtalariga kelib Misrda islom dinining o'rni pasaygani va taraqqiyot yo'lini g'arb qadriyatlari asosida emas, balki islom shariati asosida bunyod etish xususida turli xil munozaralar paydo bo'la boshladi.

2011-yil "Misr inqilobi"dan keyingi voqealar "Musulmon birodarlar" ning hokimiyatga kelishiga deyarli shubha qoldirmagan edi. Hattoki, marshal Muhammad Tantovi ham 12-fevralda Tahrir maydonidagi manifestdagi chiqishida "Musulmon birodarlar bo'lajak Misr hukumatida hech bo'lmaganda bitta vazirlikni boshqarishga loyiq"ligini ma'lum qildi[18]. Misr inqilobida "birodarlar"ning roli katta bo'lganligi ularning Muborak rejimidan keyingi manifestlarda tashkilot a'zolarini qamoqdan ozod etish, tashkilotning g'oyaviy rahnamolarini Misrga qaytarish hamda 2010-yilgi parlament saylovlarini bekor qilish kabi talablarni ma'lum qilishida yaqqol ko'zga tashlandi. Tashkilotning barcha talablari bajarildi. Xususan, mashhur islom targ'ibotchisi Amri Xolid, tashkilotning g'oyaviy lideri Yusuf al-Kardoviy va tashkilotni boshqa keng doiradagi vakillari Misrga qaytib keldi. Shuningdek, parlamentning quyi palatasi spikeri Fathi Surer 2010-yil saylovlariga "tuzatish" kiritish lozimligini ma'lum qildi. Bu o'tgan saylovlarning soxta o'tganini rasmiy ravishda tan olinganini anglatardi. 2011-2012-yillarda g'alaba qozongan "Erk va adolat partiya"si o'zining saylovoldi dasturida asosiy shiorini "Islom – bu yechim" deb e'lon qilib, shariat qonun-qoidalariga asoslangan boshqaruv o'rnatilishi partiyaning asosiy maqsadi ekanligini ochiq-oydin ko'rsatdi. 2011-yil mayda islomist yetakchilaridan biri Subh Solih "fuqarolik jamiyati" va "dunyoviy davlat" atamalari soxta ekanligi qayd etar ekan, islom shariati barcha musulmon va nomusulmonlar uchun eng yaxshi tizim hisoblanishini qo'shimcha qildi. Shuningdek, uning fikricha, "Musulmon birodarlar" hokimiyat tepasiga kelsagina, mamlakat shariat qonunlari asosida yashaydi[19].

2012-yilda Misrda diniy boshqaruv unsurlarining joriy etilishida islomistlar oldida turgan asosiy muammo armiya edi. Zeroki, armiya dunyoviy hokimiyatni asosiy maqsad sifatida belgilab olgani hamda davlat boshqaruvidagi tarixiy tajribasi "Musulmon birodarlari"ni tashvishga solishi

[18] Политическое цунами. Аналитика событий в Северной Африке и на Ближнем Востоке. Под ред. Курягина С.-М.: МОФ ЭТЦ.-2011. - С.188.

[19] Мохова И. М. Эволюция "Братьев-мусульман" в послереволюционном Египте // Конфликты и войны XXI века (Ближний Восток и Северная Африка) / Институт востоковедения РАН. – М.: ИВ РАН, 2015. - С. 362.

va faol targ'ibotni yo'lga qo'yishida xalaqit berishi tabiiy holat edi. Shuningdek, Muhammad Mursiy prezidentligi davrida radikal diniy-siyosiy tashkilotlarning jamiyatda ichki ijtimoiy-siyosiy vaziyatni beqarorlashtirishga bo'lgan harakatlari avj ola boshladi. Bu esa keng omma qatlamining norozilik harakatlari kelib chiqishiga asos bo'ldi. Oqibatda 2013-yil 3-iyulda M.Mursiy hokimiyatiga qarshi ommaviy chiqishlar uyushtirilib harbiylar ushbu noroziliklarni boshqaruvchisi sifatida asosiy o'rinni egalladi. Mursi bilan birgalikda "birodarlar" rahbari Muhammad Badia va uning ikki o'rinbosari – Hayrat Shotir va Rashid Bayyumi qamoqqa olindi. Ba'zi ma'lumotlarga ko'ra, 15 ming "birodarlar" qamoqqa olingan va mingga yaqini o'lim jazosiga hukm qilingan[20]. Ushbu norozilik chiqishida harbiylarning yetakchisi mudofaa vaziri Abdulfattoh as-Sisi bo'lib, 2014-yilda u mamlakat prezidenti lavozimini egalladi va hozirgacha Misrni boshqarib kelmoqda.

Arab olamidagi voqealarni o'rganish, "arab bahori" hodisalarini tub mohiyatini tahlil etishda albatta, bu yerda uning o'ziga xos tarixiy xususiyatlari haqida to'xtalib o'tish joiz:

birinchidan, ba'zi arab mamlakatlarida hali hanuz ham "arab bahori" voqealarining ta'siri fuqarolar urushi, terrorchilik, diniy ekstremizm kuchayishi, shuningdek radikal islomizm g'oyasi tarafdorlarining qarshilik harakatlari, mazhabiy nizolar hamda millatchilik ko'rinishida davom etayotganligi bu hodisalarni tarixiy ahamiyatini chuqurroq bilishni taqozo etadi;

ikkinchidan, "arab bahori"da ishtirok etgan norozilar soni jihatidan "tarixdagi eng katta yurish" sifatida baholandi[21];

uchinchidan, arab mamlakatlarida sodir bo'lgan ushbu hodisalarda XXI asrning zamoniy quroli – OAVlari nihoyatda muhim rol o'ynadi;

to'rtinchidan, tashqi kuchlarning "demokratiya eksporti"ni islom diniga e'tiqod qiluvchi arab mamlakatlarida joriy etishga urinishi kuzatildi;

beshinchidan, ushbu inqilobning tarixdagi boshqa inqiloblardan farqli jihati shundaki, u bir davlat hududi bilan chegaralanmasdan deyarli barcha arab mamlakatlariga o'z ta'sirini o'tkazdi va voqealar o'ziga xos zanjir reaksiyasini tashkil etdi;

oltinchidan, ikkinchi jahon urushidan keyin davlat hokimiyatida o'rnatilgan harbiy-avtoritar rejimlar yangi davrga kelib o'z halokatini boshladi;

yettinchidan, Shimoliy Afrika va Yaqin Sharq mamlakatlarida sodir bo'lgan voqealar, shuningdek ushbu mintaqaning ulkan tabiiy-iqtisodiy resurslar salohiyatiga ega ekanligi yetakchi kuchlar o'rtasida geosiyosiy

[20] May Atta. La CPI rejette la demande des Freres // Al-Ahram Hebdo, № 1024, du 7- 13.05.2014. URL: http://hebdo.ahram.org.eg/NewsContent/0/1/130/5833/La-CPIrejette- la-demande-des-Fr%C3%A8res.aspx.

[21] The Arab Spring. https://en.m.wikipedia.org/wiki/Arab Spring

raqobatning kuchayishi hamda mintaqa xavfsizligiga yangi ko’rinishdagi tahdidlarning paydo bo’layotganidan dalolat beradi.

Ш.С. КАМОЛИДДИН
д.и.н.

ИЗ ИСТОРИИ КИТАЙСКО-АРАБСКИХ ДИПЛОМАТИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ В ЭПОХУ ТАН

В нач. XXI в. китайский археолог и историк Чжан Шиминь (Zhang Shimin 張世民) в провинции Шанси (Shaanxi) недалеко от совр. Сияня (Xi'an 西安), в селении Сяохуян (Xiaohuyang 小戶楊) уезда Юньян (Yunyang 雲陽) административного района Цзинян (Jingyang 涇陽) недалеко от Сяньян (Xianyang 咸陽) обнаружил гробницу китайского евнуха Ян Ляняо (Yang Liangyao 楊良瑤 736–806), занимавшего высокие государственные должности при дворе Тан. Над гробницей установлена эпитафия с большой надписью на китайском языке, повествующая о жизненном пути и заслугах Ян Ляняо [Zhang Shimin 2005: 1 – 8].

Для нас в этой надписи особый интерес представляет информация о посольстве, отправленном в 785 г. императором Дэ-цзун (Dezong 780 – 804) к «чернорубашечным таджикам» (Heiyi dashi 黑衣大食; lit. «Black-dressed Tajik»), т.е. ко двору ʻАббасидских халифов. В 2015 г. была опубликована обширная статья Анжелы Шоттенхаммер (Angela Schottenhammer), профессора Зальцбургского университета (University of Salzburg) в Австрии, исследующей средневековые китайские источники, с английским переводом текста эпитафии и подробным анализом сведений о посольстве китайцев в Багдад [Schottenhammer 2015: 177 – 241].

В тексте эпитафии говорится, «в 4-м месяце первого года [периода правления] Чжэньюань (Zhenyuan) [т.е. в 785 г.] Ян Ляняо был удостоен портфеля пурпурной рыбы и приступил к обязанностям правительственного посланника в империи ʻАббасидов. Его сопровождали административные помощники и последователи, он получил дипломатическую аккредитацию и указы. После получения всех инструкций он сразу же отправился в путь, не страшась дальнего расстояния. Как только он достиг Наньхая (т.е. Кантона), он завершил путь по суше и сел на корабль». В конце текста говорится, что «когда прошел еще один год, он уже проехал десятки тысяч стран. Он провозгласил нравы империи среди иностранных обычаев, чтобы ее престиж был перенесен за пределы границ. Поездки за границу и обратно были совершены по плану, он выполнил поручение Небес, и миссия была успешно выполнена (букв. «не провалилась»). Это, опять

же, блестяще подчеркивает верность и доверие нашего Господина [Яна]».

К сожалению, подробности пребывания Ян Ляняо в Багдаде и других местах в тексте эпитафии не сообщаются. В китайских официальных хрониках сведений об этом посольстве нет. По мнению, А.Шоттенхаммер, это объясняется тем, что миссия Ян Ляняо была не официальной, а тайной. Ян Ляняо мог быть послан в ‘Аббасидский халифат для того, чтобы попросить у арабов помощи против Тибета. Танский Китай в то время был внутренне нестабилен, особенно после восстания Ань Лушаня (755 – 763 гг.), власть императора была подорвана и слаба. Дэ-цзун (Dezong) оказался изолированным в политическом и военном отношении. В то же время империи приходилось противостоять постоянным нападениям со стороны соседней Тибетской империи. Логично предположить, что в такое время национального кризиса император Тан мог искать помощи сильного партнера, чтобы отразить иностранную агрессию, которая угрожала положению не только императора, но и империи [Schottenhammer 2015: 187 – 189].

Это уникальное сообщение о посольстве китайцев в Багдад, осуществленном в 785 г. Ян Ляняо морским путем, имеет очень важное значение для изучения истории дипломатических связей между Арабским халифатом и Китайской империей в эпоху династии Тан. Хотя эти сведения о миссии Ян Ляняо 785 г. в Багдад, зафиксированные в надписи на его надгробном памятнике, не подтверждаются ни официальными китайскими хрониками, ни арабо-мусульманскими источниками, есть большая вероятность того, что эта миссия в действительности состоялась.

Из китайских источников известно, что арабы, в частности, ‘Аббасиды, с самого начала своего правления пытались наладить связи с Китайской империей и регулярно отправляли посольства с дарами к китайскому Двору. Обычно это были чистокровные арабские кони и драгоценности [Шефер 1981: 579 – 583]. Но об ответных посольствах китайского императора к халифам, насколько известно, каких-либо сведений нет.22 Тем не менее, такие посольства, несомненно, были. Так, арабский историк Ибн аз-Зубайр (XI в.) в своей книге «Китаб аз-заха’ир ва-т-тухаф» («Книга сокровищ и подарков») пишет, что государь ас-Сина написал первому умайядскому халифу Му‘авийе ибн

22 Китайское правительство, которое обычно не предпринимало ответных действий, никогда обстоятельно не исследовало причины и цель посылаемых к ним посольств и по обыкновению рассматривало их как знаки уважения и подчинения, а присылаемые дары – как дань. Посольства прибывали обычно с торговыми караванами, поэтому прибытие торгового каравана всегда рассматривалось в Китае как «посольство» [Бартольд 1963а: 185].

Абу Суфйану (правил в 41 – 60/661 – 680 гг.) письмо следующего содержания: «От государя государей, которому прислуживают дочери тысячи государей, дворец которого возведен из золотого молока, в конюшне которого тысяча слонов, у которого есть две реки, орошающие алоэвые и камфарные деревья, от которого исходит приятный запах за 20 миль. Государю арабов, который поклоняется [только] Аллаху и ничего не делает ему компаньоном. Я отправил тебе подарок, это не [просто] подарок, а [редкостная] диковинка. А ты отправь мне то, что проповедовал ваш пророк из запретного и дозволенного, отправь мне того, кто объяснит мне это. С миром». А подароком [императора] была книга, [содержащая] их сокровенные знания. Говорят, что впоследствии она перешла к Халиду ибн Йазиду ибн Му‘авийе. Пользуясь ей, он делал великие дела в искусстве ремесел и других [Ибн аз-Зубайр: 9 – 10].

В правление Харуна ар-Рашида (170 – 193/786 – 809 гг.) один из государей ал-Хинда подарил ему великолепные подарки, среди которых было изумрудное ожерелье длиной больше локтя, увенчанная фигуркой птицы, сделанной из красного яхонта, которому нет цены, или около ста тысяч динаров. [Харун] отдал его своей жене Умм Джа‘фар Зубайде, дочери Джа‘фара. От нее [ожерелье] перешло к [их сыну] ал-Амин би-ллаху, затем к его брату ал-Ма’муну, а затем к [его брату] ал-Му‘тасим би-ллаху [Ибн аз-Зубайр: 20 – 21].

О подарках государя ас-Сина халифу Харуну ар-Рашиду в источнике сведений нет. Но это можно объяснить тем, что миссия Ян Ляняо была не ординарной, а тайной, и преследовала конкретную цель – заключить взаимовыгодный военно-политический союз с ‘Аббасидами против Тибета. Поэтому я присоединяюсь к мнению автора, и считаю, что эта миссия вполне могла быть осуществлена, хотя она и не упоминается в официальных китайских хрониках и арабских источниках. В эпоху ранних ‘Аббасидов Арабский халифат был наряду с ар-Румом и ас-Сином, т.е. Византией и Китаем, одной из самых могущественных империй мира, и китайский император, ослабленный восстанием под руководством Ань Лушаня и изнурительной войной с Тибетом, был вынужден искать для себя новых союзников.

Далее я хотел бы привести свои комментарии и уточнения некоторых данных, приведенных в статье профессора Анжелы Шоттенхаммер.

На стр. 190 автор пишет, что первый контакт между китайцами и арабами произошел в сер. VII в., а именно в 651 г., когда халиф ‘Усман ибн ‘Аффан оправил посольство с дарами императору Гао- цзуну (Gaozong 649 – 683) в Чанъан.

По имеющимся данным, первые контакты между арабами и китайцами относятся еще к III – IV вв. н.э., когда в руках арабов была сосредоточена вся морская торговля между Египтом, Персией, Индией и Дальним Востоком. Арабы имели свои многочисленные колонии вдоль всего морского пути от Аравии до Кантона. В VII в. по этому пути вместе с купцами происходило и проникновение ислама в Китай. В нач. VII в. в Кантоне была большая колония арабских купцов, составлявшие значительную часть населения города [Pickens 1942: 195 – 211]. Первое знакомство Китая с исламом, по некоторым данным, относится ко времени правления императора K'ai Hwang из династии Sui (581 – 600 гг.). Согласно надписи, вырезанной на каменной плите в мечети Sianfu, датирующейся 742 г., именно в это время в Китай прибыли первые sa-ha-ba (асхабы) и построили мечеть. По преданию, зафиксированному в китайских источниках, когда в Китае узнали о появлении нового пророка на западе23, император отправил посла в Мекку, приглашая пророка Мухаммада в Китай. Последний отказался, но посол тайно сделал его портрет, чтобы показать императору. В это же время вместе с послом в Китай прибыли первые мусульмане и основали там свою общину [Bretschneider 1929: 52 – 61]. Первым мусульманином, принесшим ислам в Китай, был Wan Ko-szu (Са'д Ваккас), который называется дядей по матери пророка Мухаммада. Он основал первую мечеть в Кантоне и был похоронен в ней [Pickens 1936: 232 – 239].

По другим данным, начало проникновения ислама в Китай относится к 628 или 633 г., когда в Китай прибыли первые мусульмане. Существует также другая версия, согласно которой, арабы пришли в Китай по суше с северо-запада вместе с уйгурами и основали первую мусульманскую общину на западе Китая [Masom 1929: 249 – 263]. Как бы там ни было, к сер. VIII в. роль мусульманской общины Китая в политической жизни страны была довольно большой, о чем свидетельствует тот факт, что в 747 г. правителем крупной области, включавшей также большую часть Туркестана, был назначен потомок тюркского рода Ko-Shu-Han, который исповедовал ислам был знаменитым военачальником, находившимся на службе у Китайского императора [Pickens 1936: 233]. Об этом же свидетельствуют и подробные сведения о городах Китая, встречающиеся в арабских и персидских источниках [Leslie 1982: 1 – 38].

23 По преданию, в 6-году K'ai Hwang (586 г.), который был первым годом пророчества Мухаммада, на небе появилась необыкновенная звезда. Китайские император Wen Ti приказал главному астроному объяснить значение этого. Тот ответил, что на западе появилась сверхъестественная личность. Император отправил посла изучить это явление, так ли это, и через год он прибыл в Мекку.

Далее на этой же странице автор пишет: «О других дипломатических миссиях в последующие десятилетия ничего не известно. Только после того, как войска Умайядов проникли в Среднюю Азию в нач. VIII в., контакты возобновились».

Действительно, в китайских официальных хрониках и арабских источниках нет каких-либо сведений о контактах арабов и китайцев в период между серединой VII в. и нач. VIII вв. Но такие известия имеются в средневековых армянских источниках.

В историческом сочинении армянского автора VIII в. Гевонда приводится интереснейший рассказ, в котором описывается ранее не известный военный поход арабов в Китай и их посольство к китайскому императору. Согласно его данным, в правление халифа ал-Валида (правил в 86 – 96/705 – 715 гг.) арабский военачальник по имени Махмет, который ранее был наместником Армении, попросил у халифа предоставить ему большое войско, чтобы он мог поехать с ним в страну Тченов (т.е. в Китай), и привести в повиновение китайского государя. Халиф исполнил его просьбу и снарядил для него огромное войско в 200 тысяч человек. Махмет выехал вместе с этим войском из Дамаска и, пронхав через Сирию, Персию и Хорасан, достиг пределов Китайской империи. Расположившись лагерем на берегу большой реки по имени Ботис, он написал китайскому государю следующее послание: «Почему ты один не повинуешься властелину нашему, имя которого приводит в трепет все народы. На кого ты надеешься, что не покоряешься нам? Не считаешь ли ты нас за девушек, среди которых ты, принарядившись, роскошничаешь? Теперь же, если ты не подчинишься рабски нашему игу, знай, что опустошу землю твою и положу конец твоему владычеству. Но не будь беспечным, не медли с ответом, а, как только можно скорее дай нам знать, что ты намерен делать».

Когда государь китайский по имени Дженбакур прочитал письмо, он призвал к себе своих телохранителей и сановников и стал советоваться с ними, какой написать ответ на полученное письмо. Наконец, согласились дать следующий ответ: «Ужели ты славие всех государей, которые с начала и до сих пор повелевали светом – государя вавилонского, который покорил вселенную, македонского, персидского? Знай, что ты бесстыднее всякой собаки. Ты дышешь только похотливостью и скверным сластолюбием. Слух о красоте моих девиц заставил тебя жертвовать собою и жизнью войска, пришедшего с тобой. Будто бы не было для вас могил в Дамаске. Знай, что страна наша никому не покорялась, и я не могу согласиться на предложения твои. А если ты просишь у меня подарков, то я тебе дам их по обычаю государей, и ты отправишься с миром в страну свою».

Махмет снова послал к Дженбакуру письмо, в котором писал: «Дай мне 30 тысяч дев, тогда я отправлюсь с миром, а если не дашь, пойду на тебя войной». Китайский государь согласился на его требование и послал к Махмету сказать, чтобы он остался в своем лагере, пока тот исполнит его просьбу. Между тем он приказал своим войскам изготовить закрытые колесницы, обитые парчей, и посадить в них отборных всадников, вооруженных с ног до головы, вместо дев, которых просил Махмет, чтобы заманить неприятелей в ловушку.

Прибыв на берег реки, они расположились лагерем против войска Махмета. В колесницах поместилось 40 тысяч всадников, а сам Дженбакур с несколькими всадниками остался поодаль за несколько стадий и послал к военачальнику Махмету с вестью: «Приди и возьми требуемых тобою 30 тысяч дев, которых я выбрал из всего государства моего. Возьми заслуженных из войска твоего по числу дев, перейди на эту сторону реки, и я раздам девиц моих по жребию, кому какая достанется, чтобы не произошло ссоры между твоими войсками». Вместе с этой вестью он послал корабли, чтобы все войска Махмета могли разом переправиться.

Выбранные, лучшие из войска Махмета, переправились через реку в числе 30 тысяч человек. Едва только они вступили на противоположный берег, китайский государь приказал своим людям напасть на войско исмаильтян (т.е. арабов). Когда началась битва, вдруг вышли и те, которые до этого скрывались в своих кибитках, окружили их и перерезали всех мечом. Не спасся ни один воин даже бегством. Между тем канаты кораблей были отрезаны, чтобы уже не было никакой возможности опять переправиться на противоположный берег и спастись от преследования. Один только Махмет с несколькими всадниками, сев на коня, бросился вплавь через реку, надеясь на силу коней. Таким образом, пристыженные китайским государем, они возвратились восвояси и не смели более идти войной на Китай» [Гевонд: 25 – 26; Тер-Мкртичян 1985: 54 – 55].

Этот же рассказ вкратце приводит и другой армянский историк Степанос Таронеци (X – XI вв.), который уточняет, что прежде чем отправиться в поход, Махмет долгое время «не переставал питать в своем сердце замыслы на землю Тченов» [Тер-Мкртичян 1985: 58].

Эти данные, содержащиеся в армянских источниках, имеют огромное значение для истории арабских завоеваний в Средней Азии и открывают новую страницу в истории ранних походов арабов на востоке. Из данных этих источников следует, что первый военных поход арабов в Китай был осуществлен еще в правление умаййадского халифа ал-Валида (правил в 86 – 96/705 – 715 гг.) неким

военачальником по имени Махмет, который ранее был правителем Армении. В сочинении Гевонда имеются данные, позволяющие точно определить, кем был этот военачальник Махмет. Согласно его данным, в 701 г. Махмет по поручению халифа ‘Абд ал-Малика (правил в 65 – 86/685 – 705 гг.) завоевал Армению, в 703 г. он подавил восстание армянских князей, а в 705 г. учинил кровавую расправу над ними. После этого вновь назначенный халиф ал-Валид своей грамотой отозвал его из Армении и вместо него назначил некоего ‘Абд ал-‘Азиза. После этого Махмет просил халифа дать ему войско с тем, чтобы он отправился в поход против китайского государя [Гевонд: 12, 25 – 26; Тер-Мкртичян 1985: С. 54 – 55].

По данным арабских источников, в 73/692-93 г. наместником Армении и всего Северного наместничества, в состав которого входили также Азербайджан, Джазира, Мосул и пограничная с Византией область (ас-сугур), был назначен брат халифа ‘Абд ал-Малика – Мухаммад ибн Марван ибн ал-Хакам, который оставался на этой должности до 91/709-10 г. [ал-Куфи: 12]. Все события, описанные в истории Гевонда с участием Махмета, в точности совпадают с хроникой военно-политической деятельности Мухаммада ибн Марвана, зафиксированной в арабских источниках.24 Следовательно, мы имеем полное основание утверждать, что арабским военачальником, совершившим поход в Китай в правление халифа ал-Валида, был не кто иной, как Мухаммад ибн Марван, являвшийся сыном халифа Марвана I (правил в 64 – 65/684 – 685 гг.), братом халифа ‘Абд ал-Малика (правил в 65 – 86/685 – 705 гг.) и отцом последнего умайядского халифа Марвана II (правил в 127 – 132/744 – 750 гг.) [Kamoliddin 2007: 198 – 205; Камолиддин 2008: 187 – 199].

На стр. 179, 180, 191 и 200 статьи упоминается китайский термин даши (Dashi 大食), который автор переводит как Tajik в значении «араб». Однако, по нашим данным, термин даши (大食) является китайской передачей персидского термина тази (تازي) – «араб». Что касается персидского термина Тазик/Таджик (Tazik/Tajik), то в китайской литературе он передаётся в форме Тяочжи (條枝, 條支). Этот термин китайцы использовали начиная со II в. до н.э. для обозначения конкретного государства, расположенного на территории Сирии и Ирака. Что касается термина даши, то его китайцы начали использовать в VII в. для обозначения Арабского халифата [Ходжаев 2021: 11 – 29].

На стр. 179 автор пишет, что персидское слово тазик (Tazik) изначально обозначало иранцев в противоположность тюркам, но

24 О нем см.: at-Tabari II: 592, 804 – 808, 853, 863, 887, 889, 1073 – 1075, 1096, 1871, 1873, 1876.

впоследствии оно стало обозначать арабов в целом в правление императора Дэ-цзуна (Dezong) в 785 г.

Здесь чувствуется, что автор пользовалась данными китайского энциклопедического словаря «Цыхай» («Море слов»), изданного в 1979 г., в котором написано: «Даши является транскрипцией персидского слова Tazi или Tazik. По происхождению было названием одного персидского этноса. Начиная с эпохи Тан империя арабов [т.е. Арабский халифат] стал именоваться Даши». Однако в более поздней коллективной научной работе «Сиюй димин каолу» («Исследование и пояснение топонимов западных стран»), изданной в 2008 г., написано: «Термин Даши / Dashi, Taji / Tajik трансформирован от персидского названия арабского племени (Tayyi) [Ходжаев 2021: 11 – 29].

В XIX в. западноевропейские востоковеды (Картмер, Нёльдеке, Хартман) производили этноним таджик от арабского племени тай (طي) или таййи‘ (طيئ) и связывали его с персидским названием арабов – тази/тазик. Впоследствии это мнение было развито в работах В.В.Бартольда [Бартольд 1963а: 121, 162, 194, 196, 459, 469 – 470]. Мнение о происхождении этнонима таджик от слова tazi/tazik в значении «араб» (tačik – taziγ>tazi – tažik – tajik) остается актуальным до сих пор [СДГМ II: 87 – 88].25

В сирийских источниках V – VII вв. арабы называются арабайе (Arabaje) [Пигулевская 1939: 73, 76 – 78; 1964: 291, 297, 302 – 307, 310], но чаще всего тайāйе (Thajaje), т. е. тайцы [Пигулевская 1941: 114, 116, 121, 131, 135, 149, 155, 159, 161, 165; 1958: 78, 87, 97, 100, 102, 107, 111, 123]. В последующие века термин тай расширился в своем значении и стал обозначать арабов-бедуинов вообще [Миллер 1929: 41; Фасмер IV: 10]. В источниках исламского времени слово тайайе использовалось также в значении «мусульмане» [Гусейнов 1979: 36, 42, 43; 1981: 12 – 14, 18, 19, 22; 1982: 23, 25, 26, 28, 29; 1984: 73, 75, 80, 81, 84, 86; 1987: 52; 1960: 41 – 45, 50, 68 – 77, 80, 85, 86].

Арабское племя таййи’ (طيئ) или тайй (طى), мигрировавшее в III в. из Южной Аравии в Сирию и Месопотамию, обосновалось на плато Шаммар по соседству с землями племени асад. Родоначальником этого племени был Джулхума ибн Удад, родословная которого, состоявшая из 15 колен, восходила к Саму ибн Нуху [ас-Сам‘ани VIII: 187]. Они делились на 3 группы: горских (ал-джабалиййун), равнинных (ас-сахлиййун) и пустынных (ар-рамлиййун). В доисламское время тайи

25 Есть также мнение, что слово тазик в значении «араб» происходит не от этнонима тай, а от авестийского слова tâyush [tâyu] – «вор», как иранцы называли своих арабских соседей, кочевавших в южных степях Ирана вдоль караванных путей и занимавшихся грабежами [http://www.avesta.org/avdict/avdict.htm#dctt].

играли столь важную роль в регионе, что в сирийских источниках их именем обозначали всех арабов (таййайе – тайцы). В пехлевийских источниках название этого племени приводится в форме Taǧ – Тадж [ПС: 245]. Тайцы имели близкие отношения как с вассалами Персии Лахмидами в Ираке, так и с вассалами Византии Гассанидами в Сирии. Большая часть их приняла христианство, а часть продолжала поклоняться идолам. После падения династии Лахмидов Сасаниды посадили на их трон своего ставленника из племени тайй, Ийаса ибн Кабису (602 – 611). Представители этого племени продолжали играть важную роль и в исламское время [Shahid 2000: 402 – 403].26

В среднеперсидских источниках эпохи поздних Сасанидов этноним ‘араб приводится в форме Täzīk (tačik) [ПС: 245] или Tāzîg (t’cyk) [MacKenzie 1971: 83]. Так, в сочинении «Шахристанха-и Иран» (VIII в.) упоминаются Tačik šah – «государь арабов», dašt i Tačik – «Арабская степь» и var i Tāčikār или var i Tāčikān – «озеро арабов», т.е. Персидский залив [Markwart 1931: 14, 20, 21]. В источниках, написанных в IX в. в Индии («Бундахишн», «Дадистан-и Диник», «Динкард» и др.), упоминаются Tāzīgān – «арабы» [Pahlavi Texts I: 151, 210, 232] или Tāzīkān [Pahlavi Texts IV: 27, 28, 87] и Dašt-i Tāzīkān – «равнина арабов» (plain of the Tāzîkān/Arabs) [Pahlavi Texts I: 58, 116], а также Asp-i Tazig (Arab horse) – «арабский конь» [Pahlavi Texts II: 403; V: 12]. В «Книге деяний Арташира, сына Папака» (XIV в.) упоминается войско из арабов (spāh az Tāzīgān/Tāčīkān) и оманцев, воевавшее против персов [Книга деяний: 49, 74].

По данным «Динкард», родоначальником арабов (Tāzîk) был некий Таз, брат Хошанга, который жил в период между правлением Йима и правлением Дахака. Он был первым правителем арабов [Pahlavi Texts IV: 27, 28]. В «Бахман яште» в числе врагов иранцев (Pārs) наряду с тюрками (Tūrk) и византийцами (Rūman) называются арабы (Tāzîk) [Pahlavi Texts I: 218, 232]. В эпоху раннего ислама среди персов-зороастрийцев слово tačik стало означать не только «араб», но и «перс магометанин» [Фасмер IV: 10].

В бактрийских документах из Рабатака (Афганистан), датирующихся 507 и 525 гг. (нач. VIII в.), упоминаются ταζιγο – арабы, ταζιιαγγο – «арабский» и δδραχμο ταζαγο (ταζαυο) – «арабские дирхамы» [Sims-Williams 2000: 116, 117, 126 – 135]. В согдийских источниках упоминается слово t’zyk (tazik/tažik) – «араб», «арабский» [Henning 1940: 8. 9; Gharib 1995: 385].27

Таким образом, персидский термин тазик/тажик происходит от

26 Более подробно см.: Камолиддин 2016: 145 – 153.
27 Более подробно см.: Камолиддин 2017: 51 – 57.

названия арабского племени тайй/таййи’, и в эпоху Сасанидов персы использовали его для обозначения арабов. В эпоху раннего ислама персы персы-зороастрийцы включали в этот термин также принявших ислам персов.

Subsequently psychotropic agents for processing poppies were procured for conversion to heroin and the Taliban ensured its availability. This gave a boost to criminal gangs who sprang up and they oversaw the production, its processing and transportation of heroin to the border.

Generally, it was the Afghan Tajik border that was the gateway to transporting the contraband via Central Asia to Russia and Europe. In Central Asia it was the jobless youth that acted as conduits for transporting. In the process many of them consumed heroin, often leading to abuse and domestic violence. Studies have shown the number of addicts in Central Asia is quite high.

Since the drug trade is not only lucrative, but a vital source of revenue, the present Taliban interim regime has encouraged its cultivation. According to Khabibullo Vohidzoda, Head of Tajikistan's Drug Control Agency "If we analyse our statistics, drug trafficking in Tajikistan has increased since the Taliban came to power; of the more than 4 tons of drugs seized, over 2 tons were seized during this period".[1]

Inter related with drug trafficking is the weapons trade. Weapons are being smuggled into Central Asia, by and for the extremist organisations, and also for the use of warlords/drug-lords. Most of these extremists groups are located in the Fergana Valley, the heart of Central Asia. Any turmoil created by the extremists in the Fergana Valley adversely affects the entire region.

Refugees. The massive presence of refugees from Afghanistan poses a major burden on the economies of these countries. All are in the transformative mode, and are yet to complete their transition to democratic polities, free market economies.

The ongoing pandemic and the current Russia-Ukraine war has impacted their economies in a negative manner. Apart from the economic burden the apprehension is that among the refugees could be extremist elements in the garb of refugees.

The Uzbek and Tajik authorities are concerned about the involvement of their own citizens in the activities of extremists and extremism. It is believed that Tajik people are in a banned organisation Ansarullah and Uzbeks in the Islamic Movement of Uzbekistan. Their presence could strengthen the ethnic factor. It is openly mentioned that…"we do not want Central Asia to be secular".

Results. Consequently, Turkmenistan and Uzbekistan have refused to accept refugees. Kazakhstan and Kyrgyzstan have agreed to take only Kazakh and Kyrgyz refugees, and Tajikistan has welcomed Tajiks who cross the border. Estimates suggest that Tajikistan has accepted 15,000 Tajiks. The

Tajik leader Emomali Rahmon considers himself as the leader of all Tajik diaspora.

It is apparent that there is no imminent solution to Afghan imbroglio. These are serious challenges and have the potential to destabilise the region resulting in an integrated region based on religion.

The Central Asian States (CAS) have to consider these challenges and arrive at a unified approach. Uniform rules and regulations on borders among the CAS need to be worked out.

It is not clear whether the Collective Security Treaty Organisation committed to protection of external borders of its members will be able to help Tajikistan its member, and protect the Tajik-Afghan border given Russia's war with Ukraine.

India perspective. India shares the Central Asian perception of challenges emanating from drugs and drug trafficking and the increase in the presence of extremist elements in the garb of refugees. The creation of an integrated region based on religion is an anathema to both India and the CAS. Hence India will have to enhance its engagement with CAS in the sphere of economic development and initiate measures to deepen its counter terrorism efforts. In order to facilitate enhanced Indian engagement it is essential to have a sustainable land corridor that in turn will allow for access to the Indian Ocean.

Outlook **(Conclusion).** The near to medium term outlook for Afghanistan is highly challenging and not very promising, for all the littoral countries and the neighbourhood at large.

With the onset of Spring & Summer 2022 this quagmire will only worsen the on-ground situation in Afghanistan, with challenges of last mile delivery of humanitarian aid, the factional conflict between warlords, drug cartels/groups, the internal dissonance of the Taliban factions, external pressures from state backed proxies, all wanting intra-country control.

Economic activities having come to a grinding halt will only exacerbate the dangers of the narcotic & arms trade, to the entire CAS region. The refugee problem has, and will, add another dimension in the complexity of providing and paying for services to native populations, but the new arrivals also.

The flailing multilateral approach, brought on by the collapse of the Afghan government in August 2021 was daunting in of itself. But, with the current Russia-Ukraine war it is has forced the Afghan problem off centre stage and relegated it to the back burner; where it will remain till such time a proactive concerted regional effort is forthcoming to work at/out solutions.

Globally the attention will be predominantly Eurocentric over the foreseeable future due to the ongoing Russia-Ukraine conflict. Multilateral

cooperation in resolving ongoing situations will be limited, hence bi-lateral & regional cooperation & diplomacy need to step up, to address these equally volatile and pressing, dangerous issues.

REFERENCES

1. Bifolchi Giuliano. Geopolitical Report ISSN 2785-2598 Volume 16 Issue 4: https://www.specialeurasia.com/it/2022/02/20/afghanista-drug-terrorism/
2. The global heroin market. https://www.unodc.org/documents/wdr/WDR_2010/1.2_The_global_heroin_market.pdf
3. Philip Keefer and Norman Loayza. Innocent bystanders. Developing Countries and the War on Drugs. https://documents1.worldbank.org/curated/en/144831468154466729/pdf/536410PUB0Inno101Official0Use0Only1.pdf
4. Krausen Erik S. Central Asia: Can Secular Islam Survive? https://thediplomat.com/2015/04/central-asia-can-secular-islam-survive/
5. Andrea Schmitz. Central Asia's Muslims and the Taliban. https://www.swp-berlin.org/en/publication/central-asias-muslims-and-the-taliban

ДОНИЁРОВ А.Х.
т.ф.д., проф

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАДАНИЯТИ ТАРИХИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР

Аннотация: *Жанубий Коря Республикаси ўзининг энг қадим илдизлари билан Марказий Осиё минтақасига боғлиқлиги ҳақидаги қарашлари ортидан минтақанинг қадим тарихига катта қизиқиш билдиради. Мазкур тезисда Марказий Осиё маданияти ва санъатининг ислом дини кириб келгунга қадар бўлган даврининг Корея тарихчи ва антропологлари томонидан ўрганилишига доир айрим маълумотлар тақдим қилинган.*

Марказий Осиё тарихини ўрганишда минтақада шаклланган тарихшунсолик билан чекланиб қолмасдан, ундан ташқарида эълон қилинган ишлар билан танишишнинг ҳам аҳамияти муҳимдир. Бу бир тарафдан тарихий жараёнларни ёритишда фикрлар хилма-хиллиги ва турли талқинлар билан танишиш имкониятини берса, бошқа томондан минтақа тарихини хорижда ўрганилиши бўйича шаклланаётган тенденциялардан хабардор бўлиш, уларни таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш имкониятини беради. Шу нуқтаи назардан Марказий Осиё тарихининг турли босқичлари ва соҳаларини хорижда яратилган тадқиқотлар кесимида ўрганиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири деб айтишимиз мумкин.

Марказий Осиё халқлари тарихи ғарбнинг ривожланган давлатлари билан бирга Хитой, Ҳиндистон, Япония, Корея, Эрон ва Туркия сингари шарқ давлатларида ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Хусусан, Жанубий Коря Республикаси ўзининг энг қадим илдизлари билан Марказий Осиё минтақасига боғлиқлиги ҳақидаги қарашлари ортидан минтақанинг қадим тарихига катта қизиқиш билан қарайди.

Шу ўринда айтиш керакки, ўтган асрнинг 70 - йилларидан бошлаб то бугунги кунга қадар Кореяда республикасида Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишга доир илмий мактаб шаклланган, салмоқли фундаментал тадқиқотлар ҳамда ўқув адабиётлари яратилган. Бу адабиётларнинг аксариятида минтақада ислом динига қадар кенг ёйилган будда дини билан боғлиқ маданият ва санъатга эътибор қаратилган.

Кореяда Марказий Осиё санъати тарихи бўйича академик тадқиқотлар 1970-йилларнинг охирида бошланган. Корея урушидан кейинги даврда (1950-1953), Америка Қўшма Штатлари ва Совет Иттифоқи ўртасидаги Совуқ уруш кучайган пайтда, корейс олимлари учун Совет Иттифоқи

таъсиридаги коммунистик халқларнинг маданиятини ўрганиш деярли имконсиз бўлиб қолган эди. Марказий Осиё санъати тарихи бўйича тадқиқот олиб борган биринчи олим Квон Ён-Пил бўлиб, у 1977-йил март ойида Корея Миллий музейида Ўрта Осиё санъат коллекциялари тўғрисида биринчи мақоласини ёзган. Квон Ён-Пил Корея ва Германияда санъат тарихини ўрганган.

У Германиядаги ўқиши ва илмий изланишларини тугатганидан сўнг Кореяга қайтиб, Корея Миллий музейида Ўрта Осиё санъат коллекциялари каталогини нашр эттирди, Кореяда Марказий Осиё санъати ва маданиятини ўрганишни тарғиб қилиш мақсадида улар ҳақида бир қанча мақола ва китоблар ёзди.

1980-йилларнинг охирларида Совуқ уруш тугаганидан сўнг, Марказий Осиё санъати ва маданияти бўйича корейс тадқиқотлари дала тадқиқотлари билан сезиларли даражада ривожланди. 1992-йилда Корея ва Марказий Осиёнинг янги мустақил давлатлари ўртасида дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши ушбу халқаро илмий фаолиятни янада кучайтирди.

1993-йилда Квон Ён-Пил ва бир гуруҳ академик олимлар, жумладан Ким Хо-Донг, Ли Ин-Сук, Ли Хи-Су ва Жунг Су-Иль Марказий Осиёни ўрганиш бйўича академик тадқиқотлар жамиятини ташкил этишди. 1996 йилдан мазкур жамият Корея Марказий Осиё тадқиқотлари ассоциацияси (The Korean Association For The Central Asian Studies KACAS) сифатида фаолиятини янада такомиллаштирди. KACAS 1996-йилдан ўзининг *“Марказий Осиё тадқиқотлари”* (Central Asian Studies) илмий журналини нашр эта бошлади. У ҳозиргача Марказий Осиё тарихи, маданияти, санъат тарихи ва тили бўйича етакчи тадқиқотчиларни ўзига жалб этувчи энг йирик ва энг муҳим илмий журнал ҳисобланади. KACAS 2015-йилда ўзининг 20 йиллигини нишонлади ва Кореядаги Марказий Осиёшуносликнинг турли йўналишларидаги академик ютуқлар ва тенденцияларга бағишланган махсус сонини чоп этди (Kwon Young-pil 2015; Kim Yongmun 2015; Kim Janggoo 2015; Kim Haewon 2015; Yun Hyeungwon ; Li Yong-Song 2015; Jeong Jaehun 2015). Кореядаги Марказий Осиё санъат тарихи ва археологияси йўналишлари бўйича бошқа тадқиқот ишларидан Kwon Ohyoung (2015b), Lim Youngae (2015) va Kang In Uk (2018) томонидан чоп этилган ишларни ҳам алоҳида эътироф этиш мумкин.

Кореяда Марказий Осиё санъати тарихи бўйича академик тадқиқотларнинг энг дастлабкилари Корея музейларидаги Марказий Осиё санъати коллекциялари сақланувчи фондларда фаолият олиб борувчи илмий ходимлар томонидан олиб борилган. Шунинг учун бу соҳадаги тадқиқотлар асосан Корея музейларидаги тўпламларга асосланган. Хозирга қадар Марказий Осиё санъати тарихи билан боғлиқ экспонатлар бўйича бешта асосий тўплам яратилган. Мазкур тўпламларни минтақамиз санъати тарихи

бўйича нодир тўпламлар сифатида баҳолашимиз мумкин, бироқ афсуски, уларнинг тадқиқот йўналишлари ҳали ҳамон ўзбек шарқшунослари томонидан таҳлил қилинмаган. Шунингдек, қарийб 30 йиллик тарихга эга Кореядаги Марказий Осиё санъат тарихи ва археологиясини ўрганиш билан боғлиқ йирик академик жамиятлар ва муассасаларнинг фаолияти ҳам ҳануз ўзбек олимларининг ихтисослаштирилган тадқиқотлари учун мавзу бўлмасдан қолмоқда. Гарчи академик тадқиқотлар алоҳида олимлар томонидан олиб борилган бўлса-да, асосий тадқиқот ишлари икки миллий ташкилотнинг расмий лойиҳалари фонди билан чамбарчас боғлиқлиги ўзига хос ва шу билан бирга яхлит ва тизимли тадқиқотлар учун асосдир. Бу миллий ташкилотларнинг энг муҳими, Марказий Осиё санъат асарларининг катта коллекциясига эга бўлган Корея Миллий музейи, иккинчиси эса кенг дипломатик халқаро алоқаларни йўлга қўювчи Миллий маданий мерос тадқиқот институтидир. Шу сабабли, ушбу тезисда асосан ушбу икки ташкилот ва йирик академик бирлашма бўлмиш KACAS ҳақида маълумот берилмоқда.

Кореядаги Марказий Осиё санъати тарихининг асосий мавзуларини уч тоифага бўлиш мумкин: Будда санъати, Қадимги артефакт ва ҳайвонлар услубидаги санъат ва Петроглиф ва девор расмлари. Булар орасида Будда санъатини ўрганиш энг оммабоп ва хилма-хилдир. Бироқ, Кореянинг қадимий артефактлар ва ҳайвон услубидаги санъатни ўрганиш қадимги корейс қабрлари ва артефактларининг маданий келиб чиқишини, масалан, қадимги Силладаги махсус қабрлар ва улар ичида топилган олтин ҳамда шиша буюмларни қиёсий ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради. Ушбу мавзу бўйича сўнгги академик тадқиқотлар Марказий Осиёдаги археологик дала тадқиқотларининг фанлараро ёндошув тизими орқали, шунингдек, асосий маълумотларни тўплаш уларнинг илмий табиатни муҳофаза ҳамда таҳлил қилиш ва сақлаш орқали қайта ишланди. 2009-йилдан бери корейс олимлари Марказий Осиёнинг бир қанча мамлакатларида, жумладан Мўғулистон, Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Озарбайжонда дала тадқиқотлари ва археологик қазишмалар олиб бормоқда. Ушбу дала ишлари бўйича ҳисоботларнинг аксарияти корейс тилида нашр этилган ва тадқиқотнинг сўнгги тенденциялари асосан ушбу дала тадқиқот фаолиятини кўриб чиқиш ва таҳлил қилишга қаратилган. Охирги уч йил давомида кореялик олимларнинг Марказий Осиё санъати ва археологиясига оид кўплаб дала-тадқиқот ишлари Хитойнинг Шинжон, Тибет, Мўғулистон, Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Покистон, Озарбайжон ва Эронда кенг кўламда қайта ишланди.

Кореяда Ўрта Осиё санъат тарихини ўрганишнинг бошланиши япон буддисти Отани Козуининг (1786-1948) Корея томонидан Япония истилоси даврида (1910-1945) Киото шаҳридаги Ўрта Осиё санъат асарлари тўпламини

қисман сотиб олиши билан чамбарчас боғлиқ. Отани Козуининг асл коллекцияси 20-аср бошларида Япониянинг Марказий Осиёга қилган экспедицияси чоғида қўлга киритилган ва тўпламининг бир қисми Корея генерали томонидан Япония ҳукуматига ҳадя қилинган. Совға қилинган ушбу коллекция ҳозир Сеулдаги Корея Миллий музейида сақланмоқда ва Кореядаги Марказий Осиё санъатининг энг муҳим коллекцияси ҳисобланади. Марказий Осиё санъат тарихига оид яна бир тўплам ҳозир Сеул миллий университетида сақланади.Уни япон антропологи Акиба Такаши (1888–1954) XX аср бошларида Манжурия ва Мўғулистонга қилган экспедицияси чоғида тўплаган. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Кореядаги бир қанча хусусий коллекционерлар Ўрта Осиёдан буддизм санъати наъмуналаринии йиға бошладилар. Ушбу шахсий коллекциялар орасида энг ажралиб турадигани Сеулдаги *Хважон* музейидаги Тибет буддистларининг иккита санъат тўпламидир.

Корея пойтахти Сеулда “Корея миллий музейи” фаолият олиб боради ва бу музей Ўрта Осиёнинг исломга қадар бўлган тарихига оид минглаб нодир коллекцияларнинг сақловчисидир. Афсуски, бу музей ва ундаги Ўрта Осиё коллекцияларни тадқиқ қилиш, хусусан уларни таснифлаш, қиёсий ўрганиш ва маҳаллий илмий доираларда тарғиб қилиш бўйича ишлар ўз тадқиқотчиларини ҳамон кутуб турибди.

Музейга қабул қилинган экспонатларнинг биринчи тўплами юқорида биз эслатиб ўтган Отани Козуига тегишли. К.Отани уюштирган археологик экспедиция Жанубий ва Ўрта Осиё ҳамда Ҳиндистондаги буддистларнинг ғарбдан шарққа ва Шарқий Осиё буддист зиёратчиларининг изларини ўрганиш мақсадида ташкил қилинган эди. Шу тариқа Отани Козуи Ўрта Осиё ҳудудида буддист артефактларни тадқиқ қилиш ва тўплаш ишларини биринчилардан бўлиб бошлаган. Отани Козуининг фидокорона хизматларини минтақамиз қадимшунослари жуда яхши билишади. Унинг экспедицияси Хитойнинг Шинжон минтақасидаги буддизм билан боғлиқ жойларга учта катта экспедиция уюштирган: биринчиси 1902-1903 йилларда, иккинчиси 1908-1909 йилларда ва учинчиси 1910-1914 йилларда.

Корея Миллий музейидаги Марказий Осиёнинг қадим тарихига оид асарлари коллекцияси илк маротаба Япония истилоси даврида оммага намойиш этилган. Ўша даврда улар рангсиз фотосуратлар билан музей каталоглари нашрида пайдо бўлган. Ўтган асрнинг 70-йилларида корейс олимлари Марказий Осиёнинг ушбу санъат тўпламлари бўйича батафсил тадқиқот ишларини бошладилар. Шу тариқа рангли фотосуратлар билан биринчи каталог 1986 йилда нашр этилган (Корея Миллий музейи 1986 йил).

Корея Миллий музейида тўпланган Марказий Осиё маданият тарихига оид асарлар ҳозирда доимий кўргазмада намойиш этилмоқда.

НУРИДДИНОВ Э.З.
д.и.н., профессор
КОСИМХОДЖАЕВ И.Э.
ведущий специалист Министерство финансов РУ

УЗБЕКСКО-КИТАЙСКИЕ ОТНОШЕНИЯ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ С МНОГОВЕКОВЫМ БАГАЖОМ ВЗАИМОПОНИМАНИЯ И СОТРУДНИЧЕСТВА

Аннотация. *Узбекско-китайские отношения имеют многовековую историю, которая своими корнями уходит ко времени становления Великого шелкового пути. В последующих этапах исторического развития взаимоотношения между народами двух стран последовательно развивалось на основе принципов взаимного уважения, доверия и интересов. После обретения Республикой Узбекистан политической независимости узбекско-китайские отношения приобрели новый характер, присущий нормам современного международного права установления и развития межгосударственных отношений. Данная статья посвящена узбекско-китайским отношениям после обретения Республикой Узбекистан независимости.*

Ключевые слова: *Узбекско-китайские отношения, ООН, Шанхайская организация сотрудничества (ШОС), «Один пояс, один путь» (ОПОП)*

Узбекско-китайские отношения имеют многовековую историю, которая своими корнями уходит ко времени становления Великого шелкового пути. В последующих этапах исторического развития взаимоотношения между народами двух стран последовательно развивалось на основе принципов взаимного уважения, доверия и интересов. Однако с обретением Республикой Узбекистан политической независимости узбекско-китайские отношения обрели новый характер, присущий нормам современного международного права для установления и развития межгосударственных отношений.

Начало становлению межгосударственных отношений сотрудничества было положено 27 декабря 1991 года признанием Китайской Народной Республикой независимости Республики Узбекистан. А с момента установления дипломатических отношений 2 января 1992 года был дан старт активному политическому диалогу между двумя странами. Две по своей важности ключевые моменты, позволили на последующих этапах узбекско-китайских отношений обрести свое новое начало, демонстрируя тем самым общность стремлений двух

стран к расширению взаимовыгодного сотрудничества. Оно динамично начало набирать свой оборот на основе принципов взаимности, уважения и доверия, охватывая при этом весь комплекс межгосударственных отношений. В его основе лежат доверительные отношения, установившиеся между главами двух стран.

Следует заметить, что взаимовыгодному сотрудничеству Узбекистана и Китая способствует совпадение или близость позиций по вопросам борьбы с угрозами и вызовами современности. Узбекистан твердо и неизменно поддерживает всесторонне продуманный и взвешенный внешнеполитический курс и принципиальную политику руководства Китая по защите целостности страны и, в борьбе с такими угрозами, как терроризм, экстремизм и сепаратизм. Помимо того Узбекистан и Китай активно взаимодействуют как на двусторонней основе, так и на многосторонней, в рамках международных и региональных организаций, включая структуры ООН и ШОС.

Что касается двусторонних отношений сотрудничества между Узбекистаном и Китаем, то основа для их становления и развития были заложены в ходе регулярных встреч лидеров двух государств. При этом руководство Узбекистана неоднократно с официальным и государственным визитом посещал Китайскую Народную Республику[3637]. В свою очередь, Председатель Китайской Народной Республики был частым гостем Узбекистана[38]. В ходе этих встреч был обсужден широкий круг вопросов, направленных на расширения спектра взаимодействия двух стран, что было подкреплено принятием большого пакета документов. В результате прочную договорно-правовую базу узбекско-китайских отношений сотрудничества составили более 200 межгосударственных соглашений. Среди них по своей важности в деле закрепления межгосударственных отношений на долгосрочную перспективу отличаются некоторые из них. В частности, это - Договор о дружбе, сотрудничестве и партнерстве (2005 г.); Совместная декларация о всестороннем углублении и развитии дружбы, сотрудничества и партнерства (2010 г.); Совместная декларация об установлении стратегического партнерства (2012 г.); Совместная декларация о дальнейшем углублении и развитии двустороннего

---

[37] Первый Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов с официальным и государственным визитом посетил Китайскую Народную Республику в 1992, 1994, 1999, 2005, 2011, 2012, 2014 и 2015 годах. В 2001 и 2006 годах принимал участие в работах саммита ШОС в городе Шанхае. В августе 2008 году как официальный гость присутствовал на открытии летних XXIX Олимпийских игр в городе Пекине.

[38] Республику Узбекистан с государственным визитом посетили Председатели Китайской Народной Республики Цзян Цзэминь (1996 год); Ху Цзиньтао (2004, 2005, 2010 год); Си Цзиньпин (2013, 2016 год).

стратегического партнерства (2013 г.); Программа развития стратегического партнерства на 2014-2018 годы (2013 г.), Совместное заявление (2016 год).

Однако, с началом процесса обновления и строительством нового Узбекистана, что предусматривает кардинальное изменение политики государства не только во внутренней жизни страны, но и во внешней ее политике, взаимоотношения между Республикой Узбекистан и Китаем поднялись на более высокий доверительный и открытый уровень сотрудничества. Оно обосновывается тем, что проводимая в последние годы руководством Республики Узбекистан внешняя политика, строящаяся на основе положений Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы и, Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы, являются полностью созвучными с основными целями внешней политик Китайской Народной Республики.

Ярким подтверждением плодотворного узбекско-китайского сотрудничества служит экономическая и инвестиционная сфера деятельности межгосударственных отношений. При этом одним из показателей роста экономического сотрудничества государств, являются сфера торговых отношений.

Однако следует отметить, что с момента установления дипломатических отношений, товарооборот между Узбекистаном и Китаем имеет не устойчивую динамику, что связано объективными причинами. Это, прежде всего кризис, начавшийся в странах Юго-Восточной Азии в конце 90-х годов XX столетия. Во-вторых, это мировой финансово-экономический кризис, разразившийся в 2008-2009 годах. Но, не смотря на это, сотрудничество в торгово-экономической области между Узбекистаном и Китаем продолжали иметь свое место во взаимоотношениях двух стран. Так, например, если товарооборот двух стран в 1993 году составлял 71,9 миллиона долларов США, то в 1996 году – 159,7 миллиона долларов, в 2000 году – 95,5 миллиона долларов, в 2008 году - 1,2 миллиона долларов США[39].

В последующие, посткризисные годы показатель торгово-экономического сотрудничества стал набирать темп и перевалил миллиардную планку. Если в 2013 году товарооборот между Узбекистаном и Китаем равнялся 4 миллиардам долларов США[40], то по данным на 2018 год этот показатель превысил 6,4 миллиарда долларов[41].

---

[39] Государственный департамент по статистике Республики Узбекистан. - Сведения о состоянии товарооборота между Республикой Узбекистан и Китайской Народной Республикой. С. 1.

[40] Министерство иностранных дел Республики Узбекистан // Официальный сайт: Узбекистан-Китай: межгосударственные отношения. http: // www.mfa.uz - С. 14.

[41] Узбекистан – Китай: новые горизонты сотрудничества / Народное слово. 4 сентября 2019 года.

Основными статьями импорта из Китая являются машины и оборудование, химические продукты и пластмассы, продовольственные товары, черные металлы и услуги. В свою очередь Узбекистан экспортирует в Китай хлопковое волокно, шерсть, продукцию неорганической химии, минеральные удобрения, руду, овощи, продукцию овцеводства и услуги.

Китай является одним из государств, наиболее активно вкладывающий инвестиции в экономику Узбекистана. На основе огромной поддержки ведущих китайских компаний и предпринимателей, за последние годы в Узбекистане создано большое количество совместных предприятий. Например, если в 2012 году в Узбекистане действовало 488 совместных предприятий, созданных с участием китайских инвестиций[42], то в 2017 году свою деятельность осуществляли уже более 700 совместных предприятий[43]. А по последним данным, к началу 2019 года количество таких предприятий, созданных с участием китайского капитала в Узбекистане, превысило 1100 единиц[44]. На совместной основе они успешно осуществляют ряд проектов в сфере инфраструктуры, энергетики, химической промышленности, сельского хозяйства, высоких технологий и других. При этом немаловажное значение имеет то, что деятельность совместных узбекско-китайских предприятий, способствовали созданию порядка 20 тысяч рабочих мест, внеся вклад в решение столь важной социальной задачи современности, как занятость населения.

Кроме того в рамках финансового сотрудничества двух стран в Узбекистане реализуется множество проектов за счет беспроцентных и долгосрочных льготных кредитов, предоставленных правительством и Эксимбанком Китая. В частности, благодаря выделенной китайским правительством кредитной линии для государств-членов ШОС в Узбекистане к 2010 году были разработаны около 20 проектов по развитию инфраструктуры на общую сумму 600 миллионов долларов США[45]. А по данным на 2017 год, общий объем вложенных китайскими инвесторами в экономику Узбекистана составляет около 8 миллиарда долларов США[46].

Историей доказано, что важным компонентом во взаимоот-

---

[42] Узбекско-китайский бизнес-форум / Народное слово. 28 ноября 2013 года.

[43] Высокие результаты сотрудничества, основанного на взаимном доверии и прочной дружбе / Народное слово. 16 мая 2017 года.

[44] Узбекистан и Китай вступили в новый этап всестороннего стратегического партнерства / Народное слово. 25 декабря 2018 года.

[45] Узбекистан – Китай: по пути расширения сотрудничества / Народное слово. 10 июня 2010 года.

[46] Узбекистан – Китай: по пути дальнейшего развития стратегического партнерства и дружеских отношений / Народное слово. 13 мая 2017 года.

ношениях Узбекистана и Китая на всех этапах исторического развития оставался Великий шелковый путь, как путь взаимодействия и взаимообмена между народами Востока и Запада. Однако в условиях глобализующегося мира, в силу тектонических преобразований в расстановке политических сил в современном мире, становимся свидетелями, так называемого ренессанса или возрождения Великого шёлкового пути в совершенно новом облике получившем название «Один пояс, один путь».

Процесс воплощения в реальную жизнь намеченных планов проекта «Один пояс, один путь» наглядно прослеживается на примере взаимосотрудничества Узбекистана и Китая. Более того, проводимая руководством Республики Узбекистан на этапе обновления страны внешняя политика, является полностью созвучным с основной целью проекта «Один пояс, один путь» выдвинутого Китайской Народной Республикой. Идентичность целей и выдвигаемых задач, был полностью подтвержден Председателем КНР Си Цзиньпином. Во время официальной встречи с лидером Узбекистана в 2019 году, он в частности отметил, что: «…проект «Один пояс, один путь» полностью созвучен со Стратегией действий, принятой в Узбекистане по пяти приоритетным направлениям развития»[47].

Под стратегическим руководством и благодаря личной заботе лидеров двух государств совместная реализация проекта стало основным катализатором развития узбекско-китайских отношений, содействуя углублению всестороннего сотрудничества двух стран на долгую предстоящую перспективу.

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев, принимая участие в работе двух международных форумов «Один пояс, один путь», проходившие в г. Пекине, соответственно в 2017 году и 2019 году, дал высокую оценку данному проекту. При этом он концентрировал внимание на значимости этого форума в определении дальнейших шагов на пути решения актуальных задач связанных с реализацией совместными усилиями участников проекта «Один пояс, один путь». В частности, Президент Узбекистана, принимая участие 14 – 15 мая 2017 года в работе международного форума, определил в качестве одной из ключевых задач, разработку комплексной программы действий по сотрудничеству в создании транспортно-логистических маршрутов, связывающих Центральную Азию через Китай и Россию с

[47] Плодотворные переговоры в рамках инициативы «Один пояс, один путь» / Народное слово. 26 апреля 2019 года.

рынками Южной, Юго-Восточной Азии и европейскими странами[48].

Активно развивается взаимосотрудничество между Узбекистаном и Китаем в культурно-гуманитарной сфере. В этом направлении огромная работа проводится со стороны соответствующих министерств, ведомств и таких общественных организаций двух стран, как Общество дружбы «Узбекистан - Китай» и Общество дружбы «КНР - страны Центральной Азии». При их активном содействии ежегодно как в Узбекистане, так и в Китае проводятся различные мероприятия посвященные культуре, истории и искусству двух народов. Например, согласно Программе сотрудничества между Министерствами культуры двух стран, в 2011 году в городе Пекин и Сиань прошли Недели культуры Узбекистана, а в 2012 году в Ташкенте и Самарканде была организована Неделя культуры Китая[49].

Благодаря активной деятельности соответствующих органов, ежегодно осуществляются взаимные визиты делегаций представителей культуры и искусства. В частности неоднократно представители Китая были участниками международного музыкального фестиваля «Шарк тароналари», фестиваля традиционной культуры «Асрлар садоси», мероприятия Недели искусства «Art Week Style.uz». А в 2018 году китайская делегация участвовала в I Международном форуме искусства маком[50]. В целом, обе страны сообща организуют и многие другие виды культурного обмена в форме проведения кинофестивалей, новогодних гала-концертов, научных конференций и других разнообразных мероприятий.

Плодотворные взаимосотрудничество между Узбекистаном и Китаем осуществляются в сфере образования. Об этом свидетельствует повышенный интерес китайских студентов к узбекской культуре и языку. Учитывая данное обстоятельство, в Шанхайском и Пекинском университетах иностранных языков, Центральном университете национальностей Китая, Ланьчжоуском университете открыты направления узбекского языка.

В свою очередь большой интерес проявляет и узбекская молодежь к познанию китайского языка. В связи с этим в мае 2005 года в Ташкенте был открыт Институт имени Конфуция по изучению китайского языка и культуры. А в сентябре 2013 года такой же институт был открыт в городе Самарканде. Число обучающихся в этих институтах растет с каждым годом и достиг к настоящему времени

[48] Министерство иностранных дел Республики Узбекистан / Официальный сайт: Узбекистан-Китай: межгосударственные отношения. http: // www.mfa.uz - С. 10.

[49] ТА КМОДСЗС при КМ РУз. – Отчет деятельности Общества дружбы «Узбекистан-Китай».

[50] Министерство иностранных дел Республики Узбекистан // Официальный сайт: Узбекистан-Китай: межгосударственные отношения. http: // www.mfa.uz - С. 18.

более двух тысячи студентов. Только в 2018 году набор студентов в эти институты превысил 800 человек.

Таким образом, узбекско-китайские отношения с многовековым багажом взаимопонимания и сотрудничества, в условиях формирования современной системы международных отношений поднялись на новый уровень. Они строятся на принципах взаимного уважения, равноправия и взаимной выгоды. Но в тоже время, для дальнейшего совершенствования многопланового сотрудничества двух государств, новый импульс придал прагматичный курс внешней политики страны, определенный по инициативе Президента Шавката Мирзиёева на этапе строительства нового Узбекистана.

ҲАСАНОВ А.А
т.ф.д., проф.

МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИ ВА УНИНГ ДАСТЛАБКИ ДАВРЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДИНИЙ ВАЗИЯТ ТАҲЛИЛИ

(Шахсий мушоҳадалар)

1991 йилда сиёсий мустақиллик қўлга киритилгач, Ўзбекистон аҳолисининг нисбатида мусулмонлар улуши сезиларли даражада ортди: бугунги кунда у 96,5% ни ташкил қилмоқда. Ҳозирги ҳолатни тўғри англаш учун, қисқача бўлса-да, мустақиллик арафасида ва унинг дастлабки йилларидаги диний вазият хусусида тўхталиб ўтиш жоиз.

Аввало, сиёсатда бўлгани каби, бизнингча, дин соҳасида ҳам асосан 3 платформа мавжуд: ўнг, ўрта йўл ва сўл. Ўша йиллардаги ўнг диний оқимларга Андижонда Абдували Мирзаев бошқарган ва Тошкентдаги Обидқори Назаров раҳбарлигидаги гуруҳларни қўшиш мумкин. Мустақилликнинг биринчи йилларида ҳар иккала диний арбоб очиқ-ошкора ёш Ўзбекистон ҳукуматига қарши мухолиф мавқеини эгаллади, улар биринчи Президент И.Каримовнинг дин соҳасидаги сиёсатини қораладилар. 1991-1993 йилларда улар Москва шаҳрида ташкил этилган Форумларда ҳеч қандай ваколатга эга бўлмаган ҳолда қатнашиб, Ўзбекистонда дин соҳасида ҳеч бир ўзгариш бўлгани йўқ, ҳали-ҳамон атеистик сиёсат давом этмоқда, деб таъкидладилар. Бу йўлга яқинроқ мавқени Тошкент шаҳридаги Чуқурсой масжидида ўрнашиб олган, давлат органлари билан ҳеч қандай алоқага боришни истамаган Эргаш гуруҳи эгаллади. Яна бу йўналишга Фарғона водийсида пинхона каттагина ҳарбий куч тўплаган, кейинчалик, Афғонистонга қочиб ўтган Тоҳир Йўлдошев ва Жума Номонгоний гуруҳларини қўшиш мумкин. Тоҳир Йўлдошев, дастлаб “Ўзбекистон исломий ҳаракати”, сўнгра “Туркистон исломий ҳаракати” номи билан “ал-Қоида” раҳнамолигида фаолият олиб борди.

Ўрта йўлни танлаганларга, бизнингча, ўша даврда Ўрта Осиё ва Қозоғистон диний идораси раҳбарияти, Фарғона водийси ва бошқа бир неча вилоятлардаги имомларни қўйиш мумкин. Сон жиҳатидан улар мутлоқ кўпчиликни ташкил қилар, умуман олганда, ёш Ўзбекистон ҳукумати мўътадил йўналиш сифатида уларни қўллаб келди. Бунинг ёрқин далили – у ташкилий масалани муҳокама қилиш учун Диний Идора Қурултойини тайёрлаш ва чақиришга имкон яратиб берди. Тошкентдаги Санъат Саройида ўтган ушбу Қурултойда республиканинг турли вилоятлари ва хориждан келган 1,5 минг делегат қатнашди. Аммо 1992 йил 25-26 февралда ўтган Қурултойда икки кун раислик қилган

Тожикистон қозиси Акбаржон Тўражонзоданинг тутган провакацион ва деспуктив позицияси туфайли 27 банддан иборат Резолюция қабул қилиндики, уларнинг баъзиларида очиқдан-очиқ Ҳукуматга тазйиқ ва таҳдид сезилиб турарди.

Мазкур Қурултой очилиш маросимида учинчи (сўл) платформа ҳам қатнашди, аммо улар ташкилий масала муҳокама қилиб бўлингач, норозилик сифатида мажлисни тарк этдилар. Айтиш жоизки, бу гуруҳга А.Абдуллаев, Ю.Шокиров, Л.Нодиров, А.Баҳромов, А.Мансур сингари Олий маълумотли, кўпчилиги Ал-Азҳар ва бошқа олий диний ўқув юртларида таҳсил олган уламолар эргашгандилар. Бу гуруҳ дастлаб 1989 йилда "ғайриқонуний" тарзда вазифасидан бўшатилган собиқ муфтий Шамсуддинхон Бобохоновни мансабида қайта тиклаш мақсадида вужудга келган бўлиб, аммо кураш кескинлашгач, улар Тошкент шаҳри ва вилоятини алоҳида муфтиёт этиб эълон қилиш учун Яккасарой масжидида тўпландилар ва тегишли қарор ҳам қабул қилдилар. Очиғини айтганда бу "ғоя" батамом кутилмаган воқеа эмас эди, зеро айнан ўша кунларда Россияда 26 муфтиёт тузилган, ЦДУМ тугагач, Россия Федерациясининг деярли ҳар бир марказий вилоятида алоҳида муфтиётлар ташкил топган эди. Ўзбекистонда бу "ғоя" амалга ошмади ва воқеалар бошқачароқ кечди.

Ўнг платформага яқин бўлган яна бир гуруҳни эсга олмоқ даркор: бу – батамом диний маълумотга эга бўлмаган собиқ фермер Абдулла Ўтаев гуруҳидир. Бу воқеалардан бироз илгарироқ Астрахань шаҳрида "СССР ислом уйғониш партия"си расмий рўйхатдан ўтган эди. Ўзбекистон филиалини очиб олган Абдулла Ўтаев энди уни "Ўзбекистон ислом уйғониш партия"си номи билан мустақил ташкилот тузиш тараддудига тушганди. 1991 йил январида у Тошкентда Тўқимачилар саройида Таъсис мажлисини чақириб, унга нафақат Ўзбекистон вилоятларидан, балки хориждан ҳам делегатларни таклиф этганди. Аммо бу съездга Тошкент шаҳар ижроқўми рухсат берилди, чунки бундан аввалроқ ҳар қандай оммавий тадбирга шу органнинг рухсати олиниши ҳақида Қарори эълон қилинган эди.

"Ваҳҳобийлар" номини олган, совет даврида вужудга келган гуруҳлар тўғрисида ҳам сўз юритиш жоиз. 1990-1991 йилларда улар Наманганда "Отавилихон", Андижон ва Қўқон шаҳарларида "Жомеъ" масжидларини зўравонлик билан эгаллаб олдилар. Тўғри, бундай босиб олишлар бутун собиқ Иттифоқ бўйлаб содир бўлаётган эди. Андижонда Абдували Мирзаев ўзини деярли Пайғамбар мақомига қўйган, давлат идораларини менсимас, "Жомеъ" масжид ҳудудини ноқонуний доллар алмаштирадиган жойга айлантирганди. Қўқонда Имом Муҳаммад Ражаб фаолияти туфайли "Жомеъ" масжиди атрофидаги умумий овқатланиш

корхоналари Саудиядан келтирилган товарларни пуллайдиган магазинлар ва музқаймоқхоналар бўлиб қолди. 1991 йил ёзида Қўқон шаҳар бошқаруви шу даражада фалаж аҳволда эдики, у шу масжидга бир қурилиш ташкилотига қарашли “Большевик” номли пионер лагерини 10 минг сўм баланс қийматига сотиб олиб, унинг асосида “Камолот” номи билан диний ўқув юрти очишга рухсат берганди. Уч ой давомида бу мадраса 25 сўмдан путевка тарқатиб, ислом арконларини болакайларга ўргатишга ваъда қилган. Ота-оналар хурсанд бўлиб, бу даъватга кўнганлар. Натижада масжид мўмайгина пул ишлаб олган. Ваҳоланки, бу даврда 1991 йил 14 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни мавжуд эди. Унга кўра, диний ўқув юртлари Республика Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтиш керак бўлган. Буни улар ҳаёлларига ҳам келтирмаганлар. Яна маълум бўлдики, ушбу масжид Ангрен тоғлари орасида “Ислом шабадаси” номи билан жангари-каратистларни тайёрлайдиган махсус лагерь очган экан.

Наманган шаҳрида ўша йилларда “Адолат” ҳаракати тузилиб, унинг аъзолари бозорлар, кўчаларни ўз назорати остига олган “ислом тартибини бузишда шубҳа қилинганларни” ҳибсга олганлар. Худди шу пайтда Қўқон шаҳрида. “Одамийлик ва инсонпарварлик (номига эътибор беринг – очиқ-ойдин тавтология!) ташкилоти иш олиб борган. Тасаввур қилинг – бир қиз бола кечқурунги ўқувдан соат 5-6ларда уйига қайтаяпти, уни бир ўзи кечқурун юриши мумкин эмас деб, худо билсин, қаергадир олиб кетишган.

Мустақиллик арафаси ва унинг биринчи йилларида Ўзбекистонга туристик йўлланмалар билан хориждан ноанъанавий ислом ташкилотларининг вакиллари кўплаб оқиб келди. Улар 1-2 кун давлатга қарашли меҳмонхоналарда тўхтаб, у ерда таҳорат учун шароит йўқ, дея баҳона қилиб, масжидларга кўчиб ўтдилар. Кўпчилиги 2 ҳафта ёки 1 ойлик виза билан келиб, қоидани бузган ҳолда ойлаб қолиб кетишди. Энг асосийси, улар бу ерда маҳаллий ҳокимиятнинг қарорини чиқариб берадиган қариндошларни топиб, масжидлар қуришни молиялаштирдилар. Натижада, қисқа муддат ичида, айниқса, Фарғона водийсида масжидлар сони кескин ортиб кетди. Шу даражага етиб борилдики, масалан, Наманганда бир кўчада фаолият кўрсатиб турган расмий масжид қаршисида янги масжид қурдилар. Зиёратчилар орасида шундайлар ҳам бор эдики, уларни “таблиғчилар” – маромига етказувчилар, деб аташган. Улардан бири Андижондаги “Девонабой” масжидида жойлашиб олган, асли бангладешлик бир кимса, на ўзбек, на араб тилини билади, Қуръон оятларини инглиз тилида бузиб талаффуз қилади, батамом саводсиз одам. Шундайлар Ўзбекистонга, Имом

Бухорий авлодларини ислом асосларига ўргатишга келса!

Ислом мухолифатчилари ўша қийин даврда конструктив амаллар ўрнига давлатга қарши митингвозлик билан шуғулландилар, Ўзбекистон Президенти номига “талаб” хатларини йўлладилар. Шундай хатлардан бирида очиқ-ошкора таҳдид ифодаланган қуйидаги сўзлар бор эди: “Наманган вилоятида қўлидан иш келадиган одамлар сони 500 минга етади. Водий мусулмонлари қўзғалиб кетиши мумкин”.

Вазиятнинг нозиклиги яна шунда эдики, “Бирлик” сиёсий ҳаракатини бошқарган Абдураҳим Пўлатов ва биринчи Президент сайловида альтернатив номзод бўлган шоир Муҳаммад Солиҳ (Мадамин Салай) бошлиқ “Эрк” ҳаракатини ўз ичига олган сиёсий мухолифат ҳам мавжуд эди. Ислом Каримов ҳукумати Тожикистондаги фуқаролик уруши тажрибасидан келиб чиқиб, сиёсий ва диний мухолифатнинг бирикувига йўл қўймади. Сиёсий мухолифатчиларда “ислом омили”дан фойдаланишга уриниш бўлган. Айнан шу омил, мутахассислар фикрича, Тожикистонда 5 йил давом этган қонли фуқаролик урушининг сабабларидан бири бўлганди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Эрон, Афғонистон, Тожикистон воқеаларидан сўнг Ғарб инвесторлари Ўзбекистонга ишончсизлик билан қараганида ўзига хос мантиқ бор эди. Ёш Ўзбекистон ҳукумати изчил демократик ислоҳотлар йўли билан бу қийин синовлардан муваффақиятли чиқиб олди. Биринчи Президент И.Каримов бу соҳада қабул қилган Фармонларидан бири 1992 йил 7 мартдаги Ўзбекистон Республикасида “Дин ишлари бўйича Қўмита тузиш” ҳақида бўлди. Деярли барча Ғарб ва Шарқ давлатларида турли номлар билан аталувчи, давлат ва Диний ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи бундай орган мавжуд. Президентнинг навбатдаги Фармони 1992 йил 31 мартдаги “Дин ишлари бўйича Қўмитасига раис этиб, Абдуғани Абдуллаевни тайинлаш” ҳақида бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ўзларининг катта ёшларига қарамай, А.Абдуллаев кенг мушоҳадалик, ҳатто ёшлар муаммоси бўйича теран фикрлайдиган инсон эдилар. У киши ал-Азҳар университетида таҳсил олган, ўзбек, рус, араб, форс, турк тилларини мукаммал биладиган, ҳатто инглиз тилида чуҳбатлаша оладиган одам эдилар.

Умуман олганда, соҳа бўйича биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 16 та Фармони ва Ҳукуматининг бир неча Қарори давлат ва диний ташкилотларининг ўзаро конструктив фаолияти, Республика аҳолисини руҳий тарбиялаш борасида катта кўмак бўлди. Дарвоқе, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилингач, юқорида зикр этилган нохуш ҳаракатлар Қонунга хилоф амаллар сифатида ўз-ўзидан барҳам топди.

Ислом Каримовнинг диний соҳадаги сиёсатида муҳим воқеа бу – 1999 йил апрель ойида қабул қилинган “Ўзбекистонда Тошкент ислом университетини очиш ҳақидаги” Фармони бўлди. Бу – жуда долзарб ва ўз вақтида қилинган иш эди. Университет олдига қўйилган муҳим вазифалардан бири – жамиятда диний ва дунёвий билимларни уйғунаштиришга эришиш эди. Бемалол айтиш мумкинки, салкам 20 йиллик фаолияти давомида Университет бу вазифани тўлиқ бажарди. 2018 йилдан эътиборан Университет негизида Ўзбекистон халқаро ислом академияси аолият кўрсата бошлади ва унинг олдига янги, янада юқори талаблар қўйилди.

Афсуски, бу даврда ижобий ютуқлар билан бир қаторда давлат диний сиёсатида аста-секин салбий ҳолатлар ҳам юз бера бошлади, “қора рўйхатлар”, мантиқсиз шиорлар пайдо бўлди. Ўзбекистон жамияти охирги ўнйилликларда ўзининг мусулмон меросига борган сари кўпроқ боғланиб бораётган, XXI асрда бутун олам ҳамжамияти билан бирга яшаётган, у билан интернет, телевидение, радио орқали кенг алоқа ўрната бошлаган, хуллас, энди эскича яшаш мумкин бўлмай қолган, замон соҳада кескин ўзгаришлар, туб ислоҳотларни талаб қила бошлаган эди. Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлангандан сўнг мамлакатимизда ислом тарихининг батамом янги босқичи бошланди. Диний соҳада Ҳукуматнинг қўйган биринчи қадамларидан бири – экстремизм ва терроризмда гумонсираб, “қора рўйхат” га киргазилганларни реабилитация ва жамиятга интеграция қилиш ишлари бўлди. 2018 йил декабрда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги берган маълумотларга кўра, 2 йил ичида бу рўйхатдан 20 минг киши чиқарилди. Демак, Ўзбекистонда диний соҳадаги позитив (ижобий) ўзгаришлар жараёни давом этмоқда. Бу, албатта, алоҳида мавзу.

АРИПОВА З.Дж
т.ф.д (DSc)., доц.

XIII-XV АСРЛАРДА МИСРДАГИ ҲАРБИЙ МАКТАБЛАРДАГИ ТАЪЛИМ

Аннотация. *Ушбу илмий мақолада 1250-1517 йилларда Мисрда ҳукмронлик қилган мамлук султонларига қарашли бўлган ҳарбий мактабларидаги таълим ҳолати ҳақида маълумотлар таҳлил қилинган. Дастлаб Мисрга мамлукларни келтирилиши, султонларни уларни сотиб олиб, Куттобия (ҳарбий)мактабига жойлаштириши, мамлукларни ўзаро муносабатлари, мактаб таълим тизими, уни битирувчилари итоқа олгач, улар озод этилиб, от ва амир унвони берилгани ҳақидаги масалалар ўрганилган.*

Калит сўзлар*: султон, мамлук, ислом, амир, Миср, мактаб, ҳарбий, диний таълим, ҳарбий тайёргарлик.*

Ўзбекистон ва Мисрни, гарчи орадаги масофа узоқ бўлса-да, тарихий-маданий муштараклик, анъанавий дўстлик ва яқин ҳамкорлик бирлаштириб туради. Бунга ёрқин мисол Мисрда мамлук султонлари ҳукмронлиги даври ҳисобланади. Мисрда ўрта асрларда қўшинлар сонини қуллар ҳисобига оширилган бўлиб, ушбу минтақадаги мамлук савдоси билан шуғулланувчилар Ўрта Шарқ мамлакатларига, хусусан, Туркистонга ҳам бориб, у ердан ёш болаларни (қулларни) сотиб олишиб, Мисрга жўнатишган.

Мамлуклар “оқ қул” деган маънони англатиб, бунда улар “*‘абид”* (луғавий маъноси: қора қул)лардан ажралиб туришлари учун ҳам шундай чақирилган. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир мамлук қачон уни сотиб олишган бўлса, расмий равишда унга озодлиги ҳақидаги ёрлиқни топширгунларига қадар қулликда бўлар, бу нарса мамлук ва унинг хўжайини орасидаги, сотувчи ва озод қилувчи ўртасидаги ҳамда мамлук ва унинг сафдошлари ўртасидаги алоқаларни қатъий тартибга солишни тақозо этган. Бу эса ўз навбатида, мамлук жамиятининг кучли корпоратив бирлигини таъминлашга имкон яратган.

Мисрга олиб келинган қулларни, фақатгина султон ва турли лавозимдаги амирлар сотиб олишга ҳаққи бор эди. Султон сотиб олган мамлуклар амир сотиб олган мамлукларга қараганда, ўзларини бахтли ҳис қиларди. Чунки улар мансаб кўтарилиши учун барча имкониятларга эга эди. Султонлар иложи борича, ёшроқ қулларни сотиб олар ва уларни махсус ҳарбий мактабга йўлларди. Бу ерда мамлук ўспиринлар аввал диний таълим, сўнг ҳарбий тайёргарликни олишган.

Султон мамлуклари 2 хил турга бўлинган: 1) бошқарувдаги султон

мамлуклари уларни “*ал-ажлоб*” ва “*аҳдос*” деб аташган. 2) Собиқ хўжайинларидан ўтган мамлукларни “*ал-қароциса*” ва “*ал-қаронис*”деб аташган [8, 345]. Иккинчи тоифадаги мамлуклар ҳам ўз навбатида икки турга бўлинган: а) аввалги султондан ҳозирги бошқарувдаги султонга ўтган мамлуклар (*мамолик ас-салотин ал-мутақаддима, қаронис ёки қароциса*)

б) ҳукмрон султонга амир ўлганидан ёки ҳайдалганидан сўнг ўтган мамлуклар. Умуман олганда, амир сотиб олган мамлукларига нисбатан султон мамлуклари юқори даражада эди. Бунга ўрта аср тарихчиси Ал-Қалқашандий қуйидагича баҳо беради: “Султон мамлуклари - кўпроқ қўшиннинг муҳим ва фахрли қисми ҳисобланиб, султонга яқинроқлар ва иқтоъни ҳам кўпроғига эгадир, шунингдек, улар орасидан юқори тоифадаги амирлар ажралиб чиқади” [11, 15-16].

Ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун ҳар бир янги султонга икки муҳим ишни амалга ошириш зарур эди: қисқа вақт ичида мамлуклари сонини кўпайтириш ва бўйсунмайдиган мамлукларни заифлаштиришга эришиш. Султон бу борада турли чора-тадбирлар кўрар, уларни қамоқларга ташлаб, бошлиқларини Қоҳирадан ташқарига бадарға қилар, кўпинча амирлар хизматига юборарди [4, 107; 5, 461-462; 12, 82].

Мамлуклар от минишда, чавандозликда, ўқ отишда моҳир бўлиб, улар эпчил ва кучлилиги билан ажралиб турган. Уларнинг бу хусусиятлари давлатни ҳимоя қилишда ёрдам берган. Уларнинг маҳоратлари тобеъ вилоятлар ва Мисрдаги ҳарбий ишларни бошқаришда қўл келган.

Қоҳира қалъасида жойлашган ҳарбий мактаб “*тибоқ*” деб номланган бўлиб, уларнинг сони 12 та эди. Уларнинг ҳар бири бир мавзе (шаҳарнинг бирлик идораси) ва 1000 та мамлукни жойлаштириши мумкин бўлиб, ҳарбий мактаб талабаларини “*ал-мамолик ал-куттобия*” деб аташган [6, 27].

Ёш мамлукни ёши ва келиб чиқишига қараб бир хил ҳарбий казармага жойлаштиришган. Мактабнинг тузилиши, дастури ва ҳаёти ҳақида баъзи маълумотлар бор [10,346]. Таълим жараёнининг дастлабки 3-4 йилида Қуръонни ёд олдириш билан бошланган. Ҳар бир табоққа (гуруҳ) дин бўйича алоҳида ўқитувчи ёки фақиҳ ажратилган. У ҳар куни Қуръон ва шариат қоидалари ҳамда намоз ўқишга ўргатган. Сўнг фақиҳ ўз шогирдларига ислом динининг асослари, рукнлари ҳақида ўқитган ва ниҳоят, ҳарбий санъатга, жумладан, чавандозлик сирлари, отиш ва бошқалардан билим берилган. Султон Барқуқ давридан “*Куттобия*” талабалари ўртасида отда югуриш бўйича мусобақа ўтказилиб, унда султон иштирок этган [3, 266].

Куттобия қаттиқ низомга бўйсунган. Дастлаб, казармалардан чиқиш, айниқса кечқурун, таъқиқланган. Ҳафтада бир марта жамоа билан ҳаммомга борилган. Ҳарбий тайёргарлик соатида аскарга ҳам, амирга ҳам мактаб талабалари билан гаплашиш, ҳатто, уларга яқинлашишга рухсат берилмаган. Бироқ аста-секин интизом енгиллашди. Куттобияларга шаҳарга чиқиш ва кечқурун қолишларига ҳам рухсат берилди. Тибоқ тарбия, ҳарбий интизом жойидан фақатгина ўқитиш жойига айланиб қолди. Ўрта аср тарихчиси Ал-Макризийнинг ёзишича, бу баҳрий мамлуклар амалга оширган интизомнинг секин-аста йўқолиши натижасида мамлукларнинг яхши одатлари унутилиши, тарбиялари сустлашишига олиб келди [10, 347-348].

Ҳарбий мактабдаги мамлук на шахсий қурол, на бошқа ҳарбий аслаҳа, на отга эга эмасди. Лекин улар буларнинг ҳаммасини, ўқишни тугатганларидан сўнг олганлар. Ушбу мадрасани битирганлиги ҳақидаги шаҳодатнома (итоқа) тантана ва намойишкорона берилган. Бу ҳужжат берилиши унинг озод бўлганлигини билдирган. Шунингдек, унга бешта мамлукка ҳукмронлик қилиш имконини берган. Мамлуклар шаръий аҳкомлар асосида бу маросимнинг ўтишига катта эътибор беришган. Агар у ёки бошқа мамлук ўз вақтида озод қилинмаган бўлса ёки унинг озод қилиниши ноқонуний бўлса ёки у қоида бўйича амалга ошмаган бўлса, ҳаттоки, у олий тоифадаги амир бўлса ҳам унда қайтадан расмий равишда сотиб олиниши ва озод қилинишини амалга оширилган.

1363 йилда юзбоши Айтамиш ал-Асан Дамурий ўз вақтида Ҳалаб ҳокими амир Журжийнинг қули бўлган, Журжий Айтамишни ноқонуний равишда сотиб олган. Барқуқ тортишувларнинг олдини олиш ҳамда юзбошини ўлимдан халос этиш учун 100 минг динор тўлади ва уни шу заҳоти озод қилди. Бу ҳодисадан бироз ўтгач, уни бош қўмондон лавозимига тайинлади [7,13].

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳарбий мактаб талабаларидан битирувчи гуруҳи қоида бўйича озод қилинган. Бир гуруҳда ўқиган мамлукларни “*хушдошия*”деб аталган. Баъзи тарихчилар хушдошия (бирлиги хушдош) ҳақида қуйидагича ёзадилар: “мамлуклар даврида Мисрда бир-бирига садоқатли бўлиш, ҳамкасблик, ҳамкурслик ришталари бўйича уларга тенги йўқ эди” [9, 238].

Ўша даврда агар мамлук салтанатга ёки катта лавозимларларга кўтарилгандан сўнг, дўстлари ёки ҳамкурсларини унутса, ёшлигидан бирга ўсган мамлукларини эсдан чиқарса айб ҳисобланарди [8, 45].

[75] إبراهيم عرفات ، آسيا الوسطى التنافس الدولي في منطقة مغلقة، السياسة الدولية، عدد 167، يناير 2007، ص 125.

[76] حميد شهاب احمد, التنافس إالقليمي والدولي في منطقة الجمهوريات إلسالمية في أسيا الوسطى, مجلة دراسات دولية, جامعة بغداد مركز الدراسات الدولية, العدد)28 ,(23-39.

[77] سليم كاطع علي, المو قف االمريكي من السياسة االيرانية تجاه جمهوريات اسيا الوسطى بعد انتهاء الحرب الباردة, بغداد مركز الدراسات الدولية, المرصد الدولي, العدد)13 (2005.

[78] مظفر نذير الطالب, التنافس الدولي في اسيا الوسطى)اوزباكستان انموذجا(المجلة السياسية والدولية/ بغداد/ كلية العلوم السياسية الجامعة المستنصرية/العدد)الثالث(السنةاالولى/ ربيع االول 2006

[79] محمد رضا جليلي وتيري كيليز، جيوسياسية اسيا الوسطى، ترجمة د. علي مقلد، دار الاستقلال للثقافة والعلوم القانونية، ط1، بيروت، 2001ص – 340

топган. Асар учун ёзилган сўз бошида бу ҳодисанинг минтақа геосиёсий тақдиридаги аҳамиятига доир мулоҳазалар баён қилинган. Шунингдек, асарда минтақадаги энергетик сиёсат ва мусулмон давлатларининг манфаатлари каби масалалар ҳам атрофлича ёритилган. Мисрлик олим Маҳмуд Саиднинг "Марказий Осиё давлатлари ва Ғарб амбициялари"[80] номли монографиясида ҳам АҚШ қўшинларининг Марказий Осиё минтақасига кириб келиши ортидан унинг геосиёсий жараёнлар иштирокчисига айланганлиги таҳлил қилинган. Муаллиф бу жараёнларни тарихий ракурсда таҳлил қилади. Унинг фикрига кўра, АҚШ харбий базаларининг минтақа республикаларида жойлаштирилиши Англия ва Россия мустамлакачилик сиёсатининг узвий давоми бўлди, шу боис ҳам минтақа республикалари ҳали ҳамон ғарб амбициялари таъсирида деб айтиш мумкин.

Ироқлик профессор Муслим Ал-Хаваилдининг "Марказий Осиё минтақасида замонавий геосиёсий назариялар ва уларнинг қўлланилиши"[81] номли ишида ҳам асосий эътибор АҚШнинг геосиёсий назарияларида Марказий Осиёнинг ўрнига ва унда Ўзбекистоннинг иштироки масаласига қаратилган. Унинг хулосаларига кўра, келажакда Ўзбекистон ҳам минтақанинг бошқа республикалари сингари глобал можароларнинг марказига айланиб қолиш эхтимоли йўқ эмас. Глобал жараёнларда минтақанинг иштироки унинг энергия захираларига бойлиги сабаб долзарб ҳисобланади. Америка Қўшма Штатларининг минтақадаги стратегияси ва геостратегик назарияларини чуқур таҳлил қилиш натижасида айтиш мумкинки, бу назариялар амалий аҳамият касб этмайди ва бу Қўшма Штатларнинг кетма-кет илгари сураётган ғояларидан бошқа нарса эмас. Минтақа давлатлари келажакда этник асосига кўра яна бир қанча давлатлар ва амирликларга бўлиниб кетмаса, унинг умумий муаммолари келажакда Яқин Шарқ (Шимолий Африка - Шарқий Ўрта денгиз) билан жуда ўхшаш бўлади.

Д-р Исар Анвар Мухаммаднинг "Марказий Осиёда этник низоларнинг геосиёсий жиҳатлари"[82] номли тадқиқотида эса халқаро етакчи кучлар минтақада ўз таъсир доираларига эга бўлиш мақсадида, минтақанинг маданий ва этник хилма хиллигидан фойдаланишга интилаётганлигига эътибор қаратган. Эрон, Россия, Туркия сингари давлатларнинг минтақада таъсир доирасига эга бўлиш учун этник омилдан фойдаланишга ҳаракат қилаётганлиги муаллиф эътиборини тортган. Унинг фикрига кўра, ташқи кучларнинг таъсирида минтақадаги

---

[80] محمود السيد. دول آسيا الوسطى والأطماع الغربية. لقاهرة: مؤسسة شباب الجامعة 2004. ص - 277

[81] مسلم مهدي علي الخويلدي. النظريات الجيوبولوتيكية الحديثة وتطبيقاتها على منطقة آسيا الوسطى\\ مجلة البحوث الجغرافية .ًص. 282-302

[82] إيثار أنور محمد. جيوسياسية الصراع الأثني في آسيا الوسطى مجلة الأستاذ للعلوم الإنسانية و الاجتماعية. مج. 2، ع. (2017)، ص ص. 61-82، 22ص

Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари келажакда этник қарама қаршликлар марказига айланиб қолиши ва этник омил давлатлараро зиддиятларнинг сабаби бўлиши мумкин. Мазкур масалаларни Салман Али Хусейн ва Хани Алйас Хадерлар "Марказий Осиё минтақасида халқаро рақобат: мақсад ва натижалар тадқиқи"[83] номли тадқиқотида ҳам учратиш мумкин.

Марказий Осиёнинг геосиёсий мавқеи борасидаги араб тилидаги ишларда илгари сурилган илмий хулосалар, Европа давлатларида шу мавзуда олиб борилган тадқиқотлардаги хулосаларга мос келади. Хусусан, европалик сиёсатшунос Г. Рабаллан 2005 йилда "Ўрта Осиё ёки анклавнинг ҳалокати?" номли китобини нашр қилган, юқорида биз таҳлил қилган асарларнинг аксариятида, мазкур асарда илгари сурилган гепотезалардан фойдаланилган. Асар Евроосиё марказидаги, йирик геосиёсий кучлар ўртасида жойлашган минтақанинг географик позицясининг муаммолари ва ўзига хос хусусиятларига бағишланган бўлиб, муаллиф минтақадаги барча геосиёсий муаммоларнинг асосий сабабини унинг жойлашувида деб ҳисоблайди, яъни, минтақа дунё бозорларига эркин кириш ҳуқуқидан маҳрум эканлиги ва шу боисдан ҳам турли кучларнинг рақобат майдонига айланаётганлигига эътибор қаратади, бундай ёндашувни араб экспертларида ҳам учратиш мумкин.

Марказий Осиё ва АҚШ. Минтақанинг сиёсий келажаги кўп жиҳатдан глобал миқёсдаги кучлар билан муносабатларни тўғри ташкил қилишга ҳам боғлиқ. Минтақада АҚШ ёки Россиянинг олиб бораётган сиёсати араб давлатларидаги кузатувчиларнинг доимий эътиборида бўлиб келади.

"Ал-Жазира" сиёсий тадқиқотлар маркази экспертининг "Америка Ўрта Осиёда: ипак йўлини излаб"[84] номли таҳлилий мақоласида Америка Қўшма Штатларининг Марказий Осиё бўйича минтақавий сиёсати таҳлил қилинган. Унинг фикрига кўра, АҚШ ташқи сиёсатида Марказий Осиё ҳали совет иттифоқи парчаланмаган даврда ҳам катта аҳамиятга эга эди. Б.Клинтон ҳукумати минтақа давлатлари мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олди, уларнинг ўз миллий суверинититини мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиш йўлидаги ҳаракатларини қўллаб- қувватлади. 2001 йил АҚШ қўшинларининг Афғонистонга кириб келиши билан минтақанинг аҳамияти ошди.

2005 йил Андижонда содир бўлган воқеалар эса Американинг

---

[83] محمد، سلمان علي حسين وهاني اليأس خضر. 2016. التنافس الدولي في منطقة آسيا الوسطى : دراسة في المقاصد و النتائج. مجلة كلية التربية للبنات للعلوم الإنسانية،مج. 10، ع. 18، ص ص. 16-48

[84] 2015. Al Jazeera Centre for Studies يوليو/تموز 6 .أميركا في آسيا الوسطى: البحث عن طريق حرير .ترجمة: محمود محمد الحرثاني. جيفري مانكوف

минтақада либерал демократияни ривожлантириш бўйича ғояларини йўққа чиқарди. Вашингтон ва Тошкент Хоноободдаги ҳарбий базадан фойдаланиш муддатини узайтириш бўйича келишувларга эриша олмаганлиги ортидан Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари совуқлашди. Бироқ АҚШнинг Афғонистондаги манфаатлари устувор бўлиб қолар экан, у Марказий Осиёдан ўз эътиборини уза олмас эди. "Ал-Жазира" сиёсий тадқиқотлар маркази учун Джеффри Манков томонидан махсус тайёрланган, мазкур, мақоладаги фикрлар жазоирлик тадқиқотчилар Хаят Маминия ва Бушра Шабанларнинг "Совуқ урушдан кейин Марказий Осиёга нисбатан Америка ташқи сиёсати[85]" номли тадқиқотида ҳам ўз аксини топган. Муаллифлар бу тадқиқотда янги ташкил топган республикаларнинг АҚШ билан муносабатларини таҳлил қилади. Уларнинг фикрига кўра, Қўшма Шататларнинг минтақага йўналтирилган ташқи сиёсатида Ўзбекистон марказий ўрин эгаллайди. Боғдод университети тадқиқотчилари, Саид Разиж Айдам ва Абас Ҳошим Азизларнинг илмий изланишида совуқ урушдан сўнг Марказий Осиёга йўналтирилган Эрон ва Туркия сиёсатига Америка ўзгарувчан тенденцияларининг таъсири[86] ўрганилади. Улар Эрон ва Туркиянинг Марказий Осиё бўйича сиёсати Қўшма Штатларнинг минтақа бўйича сиёсий тенденцияларига кўп жиҳатдан боғлиқ деган гипотезани илгари суради.

Марказий Осиё ва Россия. Қосим Дахманинг "Россиянинг Ўрта Осиё ва Кавказдаги ташқи сиёсати"[87] номли монографиясида Россиянинг Марказий Осиё бўйича сиёсати тизимли таҳлил қилинган. Унга кўра, Россиянинг минтақа мамлакатларидаги стратегик манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатлари аслида унинг дунёдаги буюк куч сифатида тақдири ва келажагини ҳал қилади. Шу сабабли Россиянинг ушбу минтақадаги ташқи сиёсатининг моҳиятини англаш, бутун дунё бўйлаб Россия сиёсатини тушуниш имконини беради.

Россиянинг Марказий Осиё бўйича сиёсатининг истиқболлари, у томонидан амалга оширилиши керак бўлган дастурлар таҳлили саудиялик тадқиқотчи Абдул Жалил Зайд Мароонниng "Марказий Осиёда рус сиёсатининг истиқболлари"[88] номли мақоласида ҳам ўз аксини топган. Муаллиф Марказий Осиё Россия ташқи сиёсатининг асосий синов майдони бўлиб, унинг натижалари Россиянинг халқаро

---

[85] حياة مامنية. بشرى شعبان. السياسة الخارجية الألمريكية اتجاه آسيا الوسطى بعد الحرب الباردة. جامعة 8 ماي 5491– قالمة. 2014. ص - 126-

[86] سعد رزيج ايدام ,عباس هاشم عزيز. 2018 عام. أثر المُتَغّير الأمريكي في التوجّه التركي – الإيراني و جمهوريات آسيا الوسطى بعد الحرب الباردة. جامعة بغداد

[87] قاسم دحمان. السياسة الخارجية الروسية في آسيا الوسطى والقوقاز. شركة بريطانية مسجلة في انجلترا 2016. ص - 146

[88] عبدالجليل زيد مرهون. آفاق السياسة الروسية في آسيا الوسطى. http://www.alriyadh.com/19394

майдондаги обрўсига таъсир қилади деган хулосага келади.

Иорданиянинг Мута университети тадқиқотчиси Вардат Ахмад “Россия Федрациясининг Марказий Осиё ислом республикалари (Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон) билан алоқалари”[89] номли тадқиқотида минтақа республикаларининг Россия билан икки томонлама муносабатларидаги мураккабликларни кўриб чиққан.

Хулоса қилиб айтганда, АҚШ ва Россиянинг Марказий Осиё бўйича сиёсати араб давлатларидаги илмий ва эксперт доиралар томонидан чуқур таҳлил қилинган. Нашр қилинган ишларда давлатларнинг сиёсий иродаси ва хоҳиши сезилиб турса-да, ўзаро муносабатларга учинчи томоннинг холис хулосаси сифатида илмий ва амалий аҳамиятга эга деб айтиш мумкин.

Марказий Осиё ва минтақавий кучлар. Араб тилидаги илмий ишларда Эрон, Туркия ва Исроил каби минтақавий кучлар ташқи сиёсатининг Марказий Осиёга таъсири масалалари ҳам кенг ўрганилган. Маълумки, халқаро муносабатларда Исроил ва Эрон Араб давлатлари билан рақобатчи сифатида кўрилади. Бу рақобат тарихан Яқин Шарқ минтақасида мавжуд бўлган бўлса, сўнгги йилларда уларнинг ўзаро рақобати Марказий Осиё минтақасида ҳам кўзга ташланмоқда. Саудия Арабистони етакчилигидаги Араб монархияларида Эрон ёки Исроилнинг Марказий Осиё бўйича сиёсати доимий равишда кузатилади ва таҳлил қилинади. Буни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин, аввало, аҳолисининг асосий қисмини Сунний мазҳабдаги мусулмонлар ташкил қилувчи минтақада сионистик ғоялар ёки шиаликнинг ёйилишидан Саудия Арабистони манфаатдор эмас. Шунингдек, Форс кўрфази араб давлатлари хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам ўзларининг шимолий чегараларида Эрон ёки Исроилнинг таъсир халқаси шаклланишининг олдини олиш мақсадини кўзлайди.

Др-Ҳамид Шаҳаб Ахмад Марказий Осиёда таъсир доираси учун халқаро ва минтақавий рақобат иштирокчиларини гуруҳларга бўлганда Исроилни Туркия, Саудия Арабистони, Покистон ва Эрон каби минтақавий кучлар билан бир гуруҳга жойлаштирган. “Улар орасида, – деб ёзади муаллиф, - Исроил араб-ислом маданиятининг вориси бўлган минтақада ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича фаол ҳаракатланаётган кучдир”[90]. Муаллифнинг фикрига кўра, Исроил минтақа республикаларининг Эрон ёки Араб давлатлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатишини ҳар тамонлама чеклашдан

---

[89] الوردات، يزن عوض أحمد. علاقة روسيا الاتحادية بجمهوريات آسيا الوسطى الإسلامية (كازاخستان، أوزباكستان، تركمانستان، طاجكستان، قرغيزستان). جامعة مؤتة. 2011 ع

[90] حميد شهاب أحمد.- 2005 م. التنافس الاقليمي والدولي في منطقة الجمهوريات الإسلامية لاسيا الوسطى. جامعة بغداد

манфаатдор. Мухаммад Абу Дақа, Аднан Адван каби сиёсатшунослар Исроилнинг Марказий Осиё минтақаси бўйича сиёсатининг бош мақсади минтақада сионистик ғояларга нисбатан душманона қарашлар тарқалишининг олдини олиш, минтақанинг янги ташкил топган республикаларида Исроилга нисбатан ишончли ҳамда кучли иттифоқчилик муносабатини шакллантиришдан иборат деб ҳисоблайди[91].

“Марказий Осиё халқаро курашлар таъсирида ва Исроилнинг кириб келиши”[92] номли араб тилидаги монографик тадқиқотда Исроил Марказий Осиё давлатлари учун Европа ва Америка Қўшма Штатлари билан ҳаморлик кўпириги вазифасини бажарувчи давлат сифатида баҳоланади. Унинг бу минтақадаги сиёсатини Туркия ва АҚШ қўллаб-қувватлайди, шу тариқа бу ерда АҚШ-Туркия-Исроил учлиги шаклланган. Мазкур асарда, нима сабабдан Туркия ва АҚШ Исроилнинг Марказий Осиё бўйича сиёсатини қўллаб-қувватлайди деган саволга ҳам жавоб берилади. Унга кўра, Туркия бу республикаларини Собиқ Совет Иттифоқи таркибидан чиқиб Россия таъсиридан холи бўлиши ҳамда араб давлатларининг таъсирига тушмаслиги учун Исроил билан ҳамкорлик қилса, АҚШ Хитой, Эрон ва Россия таъсирини камайтириш мақсадида Исроилнинг минтақавий сиёсатини қўллаб-қувватлайди. Моин Ахмед Махмуднинг “Исроил арабларни қуршаб олиб уни Осиёдан узоқлаштирмоқда”[93] номли монографик тадқиқотида Исроил араб давлатларини ўраб турган Осиё давлатлари жумладан, Хитой, Хиндистон ва Марказий Осиё билан фаол ҳамкорликни ташкил қилиш орқали арабларни Осиёдан узоқлаштиришни режалаштирганлиги тўғрисидаги фикрлар баён қилинган.

Араб илмий жамоатчилиги ва эксперт доиралари учун Исроилнинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсати қанчалик аҳамиятга эга бўлса, Эроннинг бу ердаги ташқи сиёсти янада муҳимроқ ва хавфсизлик нуқтаи назаридан амалий аҳамиятга эга ҳисобланади. Ироқлик тадқиқотчи Ҳаидер Абдул Жаббар ўзининг номзодлик диссертациясида[94] Эроннинг Марказий Осиёдаги стратегик мақсадларини унинг иқтисодий мақсадлари билан боғлайди. Муаллифга кўра Эрон энг аввало минтақа давлатларини, хусусан, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистонни халқаро денгиз йўлларига олиб чиқиш орқали ўз таъсирини мустаҳкамлаш сиёсатини олиб бормоқда.

Амар Жафал ўзининг “Ўрта Осиё ва Кавказда Туркия-Эрон

---

[91] عدنان عدوان. مخاطر التغلغل الصهيوني في آسيا الوسطى.
http://tajamoo.com/wehda/httpdocs/issues/181/aawan.htm//2017

[92] "آسيا الوسطى بين التنافس الدولي والتغلغل الإسرائيلي. ابوظبي 2002م.\\ "

[93] معين أحمد محمود. إسرائيل تحاصر العرب وتبعدهم عن آسيا. 2010 م. www.emaratalyoum

[94] حيدر عبد الجبار. التنافس السياسي و الاقتصادي التركي الايراني و انعكساته الاقليمية. جمهورية العراق. جامعة النهرين 2015 (181 ص)

рақобати”[95] номли тадқиқотида минтақадаги Эрон сиёсатини форс кўрфази Араб давлатлари сиёсий доираларининг нуқтаи назаридан таҳлил қилади.Таҳлилда минтақада Эрон ташқи сиёсатининг асоси ва амбицияларида этник, маданий, жуғрофий яқинлик ва диний омил ётиши, Эроннинг минтақа давлатларини қуруқликда ташқи дунё билан боғлаш имконияти табиий устунлик эканлиги ҳақидаги қарашларни учратиш мумкин.

Араб тилидаги ишларда, Марказий Осиёдаги Эрон ва Исроил ташқи сиёсати билан бирга Туркиянинг минтақа бўйича стратегияси ҳам алоҳида таҳлил қилинган. Айтиш мумкинки, минтақада Туркиянинг ташқи сиёсат олиб бориши Араб мамлакатлари сиёсий доиралари учун Эрон ёки Исроилнинг ташқи сиёсат олиб боришидан кўра хавфсизроқ ҳисобланади. Бироқ сўнгги йилларда Туркия сиёсий доираларида неоосманизм ғояларининг ривожланиб бораётганлиги араб давлатларини хавотирга солади. Шу боис ҳам араб давлатлари экспертлари, аҳолисининг асосий қисмини туркий тилли халқлар ташкил қилиувчи Марказий Осиёда Туркиянинг сиёсатини доимий таҳлил қилиб келмқода.

“Ал Жазира” тадқиқотлар маркази эксперти Муҳаррам Акши Туркиянинг минтақадаги сиёсати хусусиятлари ва тарихий ривожланишини қуйидагича ёритади: “XX асрнинг 90-йиллари аввалида халқаро сиёсий майдонда яккаланиб қолган Туркия учун Марказий Осиё ва Кавказда вужудга келган туркий тилли республикалар катта имконият эшикларини очди. Янги туркий тилли давлатларнинг вужудга келиши, Туркиянинг геосиёсий ва стратегик аҳамиятини яна бир бор оширди. 1991 йилдан 1995 йилгача бўлган даврда Туркия ўзини ушбу давлатлар учун катта биродар ва намунали давлат сифатида танитди, уларга грантлар ва қарзлар берди. Заиф турк иқтисодиёти ўша пайтда бажара олмайдиган ваъдаларни бериб бўлса-да, минтақада етакчилик қилишга интилди. Ушбу даврда Туркиянинг минтақа давлатлари билан муносабатларининг институционал асоси яратилди ва ҳанузгача у амалда қолмоқда. 2002 йил “Адолат ва Тараққиёт” партияси ҳокимиятга келганидан кейин Туркия ташқи сиёсатида ўзгаришлар содир бўлди, хусусан, Кавказ ва Марказий Осиёдаги янги республикалар билан яқин алоқалар қайта кўриб чиқилди. Расмий Анқара аввалги даврлардан фарқли равишда эндиликда минтақа давлатлари билан муносабатларда ҳамкорлик ва шериклик фалсафасига амал қилди ва ўзини хавфсизлик ҳамда барқарорлик мамлакати сифатида намоён қилди[96].

---

[95] عمار جفال. التنافس التركي - الإيراني في آسيا الوسطى والقوقاز. http://www.alriyadh.com/65561

[96] محرم أكشي . تركيا في آسيا الوسطى والقوقاز.. تأمين لجسور الطاقة. https://studies.aljazeera.net/ar/files/2009/201172231442453202.html

Мажаҳид Ас Самадининг “Туркиянинг Марказий Осиёдаги таъсири ва ислом экстремизми”[97] номли мақоласида томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар этник ва ислом омили нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Муаллифнинг фикрига кўра, минтақада бир қанча тиллар ва этник гуруҳлар бўлса-да, турк гуруҳи улар орасида мутлоқ етакчилик қилади. Бу Туркияга минтақада табиий устунликни тақдим қилади. Туркиянинг “юмшоқ куч” сиёсати воситалари бўлган турк кинолари, сериаллар, мусиқа, университетлараро ҳамкорлик ва ислом миссионерлик фаолияти ҳам Туркиянинг минтақадаги таъсир даражасини оширди. Бироқ, Туркия ташқи сиёсатидаги ўзгаришлар ва унинг радикал ислом гуруҳлар фаолиятини қўллаб-қувватлаётганлиги тўғрисидаги хавотирлар, ўзаро муносабатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Айниқса Яқин Шарқда терроризмнинг ўсишини Туркия сиёсати билан боғлиқ бўлиши тўғрисидаги қарашлар, шу билан бирга Марказий Осиё фуқароларининг Туркия орқали ИШИД (Ислом давлати) сафига қўшилишига имкон берадиган бепарволик ўзаро муносабатларни янада совуқлаштирди. Ўзбекистоннинг Туркия билан муносабатларида бу ҳолат яққол акс этди.

Ас-Самадийнинг фикрларига мос қарашларни Суриянинг “North press agency” ахборот агентлигининг “Туркия ва Ўрта Осиё... этник, энергетик ва террористик учлик”[98] деб номланган мақоласида ҳам учратиш мумкин. Таҳлилчи Хуршид Дали Туркия Марказий Осиёда туркий халқларнинг усмонли орзуларига асосланган кучли марказлашган ягона давлатига асос солиш режасини этник, энергетик ва террор гуруҳларини қўллаб-қувватлаш ғояларига кўра амалга оширишга интилмоқда деб ёзади. Муаллиф этник омил аллақачон ўзини оқламаганлиги, минтақа мамлакатларига нисбатан олиб борилган миллий сиёсат совет ҳокимиятининг худди шу сиёсати қаршисида кучсиз ва муваффақиятсиз бўлганлиги, бироқ энергетик соҳада у маълум натижаларга эришганлиги шунингдек, террористик гуруҳлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш натижасида у минтақадаги сиёсатини издан чиқариб бошсиз кўчага олиб кирганлиги ҳақида ёзади. Ироқлик олим Мулук Ҳамид Муҳаммад Туркиянинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсатининг араб давлатлари манфаатларига қай тарзда таъсир кўрсатиши, бу ҳамкорликнинг минтақавий хавфсизликка таъсири каби масалаларни “Туркиянинг Марказий Осиё ислом республикалари билан алоқаларидаги тенденцияларининг араб давлатлари миллий

---

[97] مجاهد الصميدعي. النفوذ التركي في آسيا الوسطى والتطرف الإسلامي. https://eeradicalization.com/ar

[98] خورشيد تركيا وآسيا الوسطى ... ثلاثية العِرق والطاقة والإرهاب دلي https://npasyria.com/blog.php?id_blog=3742&sub_blog

хавфсизлигига таъсири”[99] номли номзодлик диссертациясида таҳлил қилган. Тадқиқот учун танланган ушбу мавзу ўзига хос бўлиб, Марказий осиёлик олимлар томонидан мазкур йўналишдаги мавзу тадқиқот обеъкти сифатида ўрганилмаган.

Минтақавий кучларнинг Марказий Осиё бўйича сиёсатига доир араб тилидаги ишлардаги мазмун ва илгари сурилган хулосаларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, илмий ишлар араб давлатлари сиёсий доираларининг манфаатлари нуқтаи назаридан яратилган. Эрон ва Исроил билан қарма-қаршиликнинг мавжуд эканлиги унинг Марказий Осиёдаги сиёсатини жиддий кузатишга ва пировардида шу йўналишдаги тадқиқотлар сонининг ортишига олиб келган.

[99] ملوك حميد محمد, اثأر التوجهات التركية نحو الجمهوريات الإسلامية في أسيا الوسطى على الأمن القومي العربي, بغداد, الجامعة المستنصرة,رسالة دكتواه غير منشورة, 1998

МУҲАММАДЖОН ҚОДИРОВ
Фал.ф.н., доц.

КАРЛ ЯСПЕРСНИНГ (1881-1969) “ ТАРИХНИНГ МАЗМУНИ ВА МАҚСАДИ” АСАРИ (1949) ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТАРИХ ФАЛСАФАСИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Немис мутафаккири Карл Ясперс умумжаҳон –тарихий жараёнининг ундаги бирликни топишга мўлжалланган концепциясини илгари суради. Мазкур бирлик кескин режа бўйича қандайдир умумийликнинг ўз-ўзидан фойдаланишини эмас, балки инсон муаммоларининг умумий якуни сифатида талқин қилинади.

Ясперс тарихни тўрт даврга: тарихгача бўлган, қадимги буюк маданиятлар, “ асосий замон” ва илмий техник замонларга бўлади. Тарихгача бўлган давр – оловдан фойдаланишни ўзлаштириш (“ Прометей даври”), тилларнинг вужудга келиши, қуроллардан фойдаланиш” ўз-ўзини мажбурловчи кишининг” шаклланиши, гуруҳлар ва жамоаларнинг вужудга келиши, афсонанинг пайдо бўлиши давридир.

Бу даврда тарих ва тарихий онг ўз асл маъносига кўра ҳали мавжуд эмас, чунки тарихни англаш, анъана, ҳужжатлаштириш, ўз илдизлари ва юз бераётган ҳодисаларни мулоҳаза қилиш ҳали пайдо бўлмагандир. Инсоннинг тарихгача вужудга келиши-инсоннинг тур сифатида шаклланишидир, биологик мерос қилиб олинадиган хусусиятларнинг шаклланиши бунинг натижасидир.

Ясперснинг фикрига кўра, тарих асл маънода эрамизгача 5-3 минг йилликларда юксак маданиятлар (шумер-бобил ва миср маданияти ҳамда Эгей олами, ҳинд водийсининг орийларгача бўлган маданияти, қадимги Хитой) пайдо бўлган даврда вужудга келгандир. Ясперс фикрига кўра, тарих, асосий замоннинг кириб келиши инсоннинг аслида мавжуд бўлган ҳис қилиш асосида эркин шахсга айланишини бошлаб беради. У ўзининг 1949 йилда ёзилган “Тарихнинг маъно-моҳияти ва рисолати” асарида ёзган эди: “Барча муҳим муаммолар бутун дунё муаммоларига, вазият- бутун башарият вазиятига айланди”[100]. Инсоният бир-бирига боғлиқлиги, бирлик ва бутунлигини англаш томон бормоқда. Замоннинг қатъий талаби маданиятларнинг бир-бири билан мулоқотидир ва бу жараённинг энг муҳим қисми Шарқ ва Ғарб ўртасидаги фалсафий суҳбат (диалог) дир.

Инсон учун унинг мавжудлигини муаммога айлантирган ҳолда афсонавий онг парчаланиб кетади. Будда, зардушт, яҳудий

[100] К.Ясперс.Смысл и назначение истории-М, 1994.-Б 141

пайғамбарлар, юнон мутафаккирлари, Конфуций, Лао-Цзи шу даврда ифода қилганлар.” Инсон ҳаётни тўла, ўз-ўзини ва ўз ҳад ва чегараларини англаб етади. Унинг кўз олдида дунё захматлари ва ўзининг заифлиги намоён бўлади. Жар ёқасига келиб қолган ҳолда у кескин саволлар қўяди, озодлик ва нажот сўрайди. Ўз чегаралганлигини англаган ҳолда у ўз олдига олий мақсадлар қўяди, ўз-ўзини англаш тубида мутлақлик ва трансцендентлик ошкоралигини англайди”[101].

Ясперс илмий-техник давр бошланишини XVII-XVIII асрларга бориб тақайди. Фан ва техника инсоният тараққиётининг буткул янги омилига айланади. Фаннинг пайдо бўлишини Ясперс “тарих сири” деб ҳисоблайди,бироқ унинг вужудга келишига туртки берган омилларни санаб ўтади. Буларнинг асоси сифатида ҳақиқатга интилиш руҳини вужудга келтирган ва ўз орзу-умидлари ҳамда тамойиллари учун курашиш шубҳаларидан ўтган Инжил дини тилга олинади. Аммо асл ҳаёт мақсадларнинг йўқотилиши илмий-техник тараққиётнинг салбий оқибатларига, шахснинг оммалашувига ва жамоалашувига олиб келди. Бу билан эса, инсоннинг тарих, инсон руҳининг чўққилари билан алоқаси йўқолади.

Дунёвий тартибот бутун жаҳон учун умумий бўлган муаммоларга ялпи ёндашувнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Бу дунёвий салтанат эмас, бироқ глобал муаммоларни ҳал қилиш бўйича мустақил давлатлар саъй-ҳаракатларининг бирлашувидир.Фаолиятга куч, сабр ва илҳом бахш этувчи эътиқодсиз жаҳон тартиботи ғоясини амалга ошириб бўлмайди.

Ясперснинг фикрига кўра, эътиқод динлар ихчамлашувини назарда тутмайди. Жаҳон тартиботига нисбатан барча динларнинг умумий жиҳати фақат дунёвий ҳамжамият тамойилларини қабул қилиш бўлиб, унда ҳар бир дин дунёвий маънавий воситалар ёрдамида кенгроқ тарқалиш имкониятига эга бўлади.

Ясперс инсониятнинг муҳаббат ва эркин коммуникациялар асосида инсоният бирлигини вужудга келтирувчи яъни “асосий давр” томон ҳаракатланиши имконияти мавжудлигини кўрсатиб ўтади.

“Тарих фалсафаси” атамаси тарихни фалсафий шарҳлаш ва баҳолаш сифатида антик давр фалсафаси ва тарихнавислигида намоён бўлсада, уни фанга “Тарих фалсафаси” асари муаллифи сифатида М.Ф.Вольтер киритган деб ҳисобланади. Тарих фалсафасининг илдизларини “ Авесто” ва “ Таврот”да, Веда ва Упанишадларда, Геродот ва Плутарх асарларидаёқ учратиш мумкин.

Шарқда “Тарих фалсафаси” тушунчаси ўзига хос жиҳатларга эга.

[101] Ўша ерда

Абу Наср Фаробий ва Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино ва Ибн Халдун, Хондамир ва Мирхондлар меросида тарихга фалсафий ёндошув тамойиллари кўп учрайди. Масалан, Абу Наср Фаробий "Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида" китобида[102] қуйидагиларни ўқиймиз: "Инсон олти босқичда яратилган вужудларнинг энг пастки босқичида бўлса ҳам, туғма қобилияти ва ва қуввати билан фаол ақл ёрдамида ўзини баланд мартабали мумтоз вужудга айлантира олади. У мавжудотлар силсиласи босқичларидаги шундай ягона бир жинсдирки, уни ўз кучига кўра ҳаракатдаги борлиқ дейиш мумкин. Бахт- саодат бундай юксак "кўтарилиш", яъни мумтозлик таркибига кирмайди. Бахт- саодат тушунчаси "фаол ақлга эга яқин турган нарсадир"[103] ва унинг маъно-моҳияти фаол ақл билан қўшилувида яширингандир[104].

Фаробийнинг бахт-саодатга берган таърифига кўра, бахт-саодат инсон ҳаётидаги шундай шиддатли, ҳаракатчан "юқори кўтарилиш ҳолати"дирки, бундай мартабага эришгач, инсонда моддий нарсага ҳеч бир эҳтиёж қолмайди ва у софлик, покизалик ҳолатида абадий қолади. Аммо, ҳар қандай ҳолат ва босқичда ҳам инсон руҳияти авж нуқтаси ва фаолиятининг ниҳояси унинг туғма вужудидаги қувватига боғлиқдир. Фаробий фикрича, бахт-саодат хайрли ишнинг ўзгинаси бўлиб, ҳар бир инсон эришиш мумкин бўлган мақсадларнинг энг улуғидир. У ўзининг "Китоб ал-сиёсат ал- маданията" асарида бахт-саодатни фақат назарий тафаккурга эга бўлган қувват эгасигина идрок эта оладиган ақлий тафаккур орқалигина маълум бўлиб, унинг афзаллигини ҳеч бир лазизроқ ва жисмоний эҳтиёжга хос нарса билан солиштириб бўлмайди. Бошқача таъбир билан айтганда, Фаробийнинг нуқтаи назарича, моҳиятан бахт-саодат ақлий идрокка алоқадор бўлиб, гапирувчи қувват жиҳатидан ақлий амалга боғлиқдир ва шу боис унга фақат ақл ёрдамида эришиш мумкин.

Абу Райҳон Беруний томонидан "Сабабларнинг сабаби" – инсон ва инсоният жамиятининг вужудга келиши масаласининг қўйилиши диққатга сазовордир.

"Қадимги тарихларнинг энг аввалгиси ва энг машҳури башариятнинг бошланишидир"[105]- деб ёзади у. Оламнинг мавжудлиги масаласига келганда Беруний "Эҳтимол у бир неча минг миллион йиллардан бери мавжуд бўлгандир"[106], деган тахминларни айтади. Беруний фикрича, ақл, меҳнат, эркин танлаш инсоннинг ҳаётини ва

---

[102] Абу Наср Фаробий.Фазилат,бахт-саодат ва камолот ҳақида. Муқаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи М.Қодиров. Тошкент. " Ёзувчи" нашриёти, 2002 й.

[103] Фаробий. Рисолат фи ал-ақл ("Ақл ҳақида рисола").Байрут, 1939й. 31-б.(араб тилида)

[104] Фаробий. Фалсафату Аристотолис ва афзал фалсафата ва маротиб ажзоиҳо. Байрут. 1-жилд, 1961 й., 128-б. (араб тилида).

[105] Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар.1-жилд. Тошкент. 1968 й. 50-б.

[106] Ўша жойда.

ижтимоий ҳолатини белгилайди. У инсон бошқа одамларнинг бахт-саодати ҳақида доим ўйлаши керак дейди ва шундай ёзади: “Муайян вазифаларни бажариш зарурияти инсон фаолиятининг бир умрча яшаш қоидасидир”[107].

Беруний пулнинг келиб чиқишини даставвал меҳнат тақсимоти билан боғлиқ, деб билди[108]. Беруний тарихий тараққиёт босқичларини табиат, астрология, астрономия, кеча ва кундуз, фасллар алмашинуви орқали ўрганди. У “Ҳиндистон”, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарларида инсоният тарихига фалсафий нуқтаи назардан ёндошади, тарихни англаш, идрок этишда бутунлай янгича қарашларни ўртага ташлайди. Беруний дунё тарихшунослигида асотирлар, афсоналар ва ривоятлардан илмий билиш ҳамда дунёвий таълимотга ўтишда муҳим ҳисса қўшди. Шарқда тарих фалсафаси бир неча йўналишда кўзга ташланиб, воқеалар таҳлили ибратли ҳикоялар, панд-насиҳатлар, юксак ахлоқий меъёрлар билан муштарак ҳолда олиб борилади. Айрим ҳолларда тарихга географик - ҳудудий жиҳатдан ёндашилади. Саёҳатномалар орқали жамият тарихи яратилади, подшоҳларнинг бошқарув усули, сиёсати, унинг моҳияти очиб берилади. Кейинроқ тарих фалсафаси билимнинг бир бутун тизими сифатида XVIII асрда Вико, Гердер , Сен-Симон ва бошқа мутафаккирлар асарларида ўрганилган.

Француз файласуфи Сен-Симон (1760-1825) жамиятга механистик, аммо қонуний ривожланувчи бир бутун организм сифатида қараган ва ҳар қандай ижтимоий ҳолатни умумий тарихий жараёнда ўз ўрнига эга бўлган тарихий ўзгарувчан ҳодиса сифатида қараган. Мумтоз тарих фалсафасининг якуни Гегелнинг ижтимоий-тарихий концепцияси бўлиб, у диалектик методга асосланган. Гегель табиий, тарихий ва маънавий дунёни ягона жараён сифатида тасаввур қилади. Аммо унинг тарихий концепцияси муайян даражада чекланган эди. Бу чекланганлик унинг тарихий жараён фақат руҳ иродасидан иборат, тарққиёт Прусс салтанати тимсолида ўз ниҳоясига етди, жаҳон маданий тараққиётида яккаю ягона марказдир, деган ғоялари яққол кўринади. Мумтоз тарих фалсафаси тараққиёт ғояси ва назарияси, тарихий жараёнларнинг яхлитлиги муаммоси, тарихий қонуният ва сабабият, эркинлик ва зарурият каби қатор ғояларни илгари сурди.

XIX аср охир XX аср бошларида тарих фалсафасига қизиқиш кучайиб, икки асосий йўналишда намоён бўлди. Биринчи йўналиш ижтимоий ҳаётни ташкил қилувчи маданий-тарихий соҳаларни рационал тафаккур нуқтаи назаридан тушуниш билан боғлиқ. Бунда

[107] Ал- Беруний. Геодизия. 83-б.

[108] Қаранг: Ал-Беруний. Минералогия. 12-б.

аниқ метод ва воситалар ёрдамида тарихий реалликни англаш мақсади ётади. Иккинчи йўналишнинг бош вазифаси эса тарихий воқейликни ўрганиш асосидаги билимларнинг фалсафий-методологик асосларини табиий-илмий билимлар билан қиёслаш орқали аниқлашдан иборат. Биринчи йўналиш тарафдорлари, аввало, тарихий жараённинг биологик моделидан келиб чиқадилар. Уларнинг фикрича, инсониятнинг бирлиги фикция (ёлғон), амалда эса, биз органик дунё бирлигини, маданиятнинг турли аниқ-тарихий шаклларини аниқлаймиз, холос. Иккинчидан, тарих эркинликка аста-секинлик билан ўтиш эмас, балки тарихий тараққиётнинг плюралистикмодели орқали амалга ошади. Хуллас, жаҳон тарихида ҳеч қандай бирлик йўқ, балки турли маданий-тарихий моделлар бор, холос.

Ҳар қандай ижтимоий организмлар ҳаётининг чекланганлиги, улар туғилиш, камол топиш, кексайиш ва ўлиш каби биологик заруриятга бўйсунувчи табиий жараён эканлиги ғоясини О.Шпенглер ҳимоя қилган. Унинг назарияси рус файласуфи Н.Я.Данилевскийнинг назарий-тарихий типлар концепциясидан фарқ қилади.

Янги тарих фалсафаси британиялик тарихчи ва файласуф Арнольд Тойнби (1889-1975) ижодида ҳам намоён бўлган.У 12 жилдли “Тарихни идрок қилиш” асарини 1931-1961 йилларда ёзган. Бу асарда Тойнби умумилмий ва маданий-тарихий тамойиллар ёрдамида, катта далилий материалларни системалаштириш асосида тарихий жараён моҳиятинианглашга ҳаракат қилган. Шпенглер ва Тойнби “Тарихий чархпалак назарияси”нинг асосчиларидир. Бу назарияга биноан жамият, унинг айрим соҳалари (маданият, маънавият ва ҳ.з) ёпиқ доирада доимий ҳаракатда бўлиб, барибир эски ҳолатига қайтади. Натижада уйғониш ва инқирозга учрашнинг янги шакллари пайдо бўлади. Ушбу назариянинг рационал мазмуни тарихни бир чизиқли тасаввурлар асосида қарашдир. Тарих фалсафасининг иккинчи йўналиши ўз эътиборини ижтимоий воқеликни турли метод ва воситалар ёрдамида билишга қаратади. Бошқача айтганда, бу ерда асосий мақсад тарих фанига йўналтирилган. Бу ижтимоий-гуманитар методологиянинг шаклланишига: а) Кантнинг танқидий фалсафаси; б) Дильтейнинг тарихий ёндашув тўғрисидаги фикрлари; в) Неокантчилик ва неогегелчилик фалсафаси катта таъсир кўрсатди.

Ҳозирги кунда тарих фалсафасининг қуйидаги намоён бўлиш шакллари мавжуд: илоҳиёт тарих фалсафаси – Худонинг иродасини тарихни ҳаракатга келтирувчи куч деб ҳисоблайди; метафизик тарих фалсафаси-ҳеч қандай чегаралар ва доиралар билан чекланмайдиган, турли шакл ва кўринишга кирадиган тушунчалар тизимини тарих фалсафаси деб билади; идеалистик тарих фалсафаси – унда ғоялар,

инсоннинг ахлоқий тушунчалари, маънавий-руҳий кечинмалари асосида тарихга муносабат билдирилади; натуралистик тарих фалсафаси учун инсон ҳиссиёти ва туйғуси орқали оламни англаш, ўтмишга назар солиш ва уни баҳолаш асосий мезондир; материалистик тарих фалсафаси- унда иқтисодий омилларга катта эътибор берилади; тарихни йўналтирувчи куч сифатида моддий эҳтиёжва иқтисодий зарурият асос қилиб олинади. Тарихда шахснинг ролига қандай баҳо берилишига қараб, алоҳида шахсни устун қуйиб ёки жамоани биринчи қуйиб фикр юритадиган тарих фалсафаси ҳам мавжуд. Тарих фалсафасида, шунингдек, тарих фани тушунчаси, қонуниятлари, тарихий жараён ва инсон, инсон моҳияти, феъл-атвори, хатти-ҳаракати, манфаати талқин этилади.

Замонавий “тарих фалсафаси” атамаси қуйидаги мазмунларга эга: а) тарихий воқелик, унинг бир бутунлиги ва тараққиёти ҳақидаги таълимот; б) ўтмиш ҳозирги замон ва келажакнинг узвий бирлигини умумий тарихий жараён сифатида қарайдиган назария; в) тарихий жараёнларни рационал восита ва методлари билан тадқиқ қилувчи фан фалсафасининг таркибий қисми, яъни тарихий эпистемология; г) тарихий воқеликни билиш ҳақидаги фалсафий концепциялар мавжуд. Ушбу фан “давр”, “тарихий босқич”, “тараққиёт”, “ижтимоий фаолият”, “қадрият”, “инсон” ва шу каби категориялари билан тарихни фалсафий талқин қилади. Энг умумий тарихни бир бутун ҳолда тасаввур қилиш бу соҳадаги тарихий билимларнинг мақсади ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ал- Беруний. Геодизия.
2. Ал-Беруний. Минералогия.
3. Абу Наср Фаробий.Фазилат,бахт-саодат ва камолот ҳақида. Муқаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи М.Қодиров. Тошкент. “Ёзувчи” нашриёти, 2002.
4. К.Ясперс.Смысл и назначение истории.-М, 1994.
5. Фаробий. Рисолат фи ал-ақл (“Ақл ҳақида рисола”).Байрут, 1939. (араб тилида)
6. Фаробий. Фалсафату Аристотолис ва афзал фалсафата ва маротиб ажзоиҳо. Байрут. 1-жилд, 1961 й., (араб тилида).

АБДУЛЛАЕВ У.О.
т.ф.н., доцент

ЯҚИН ШАРҚДАГИ ЯНГИ СИЁСИЙ ЎЗГАРИШЛАР «МУДОФАА ИТТИФОҚИ» НИНГ ПАРЧАЛАНИШИ

Аннотация*. Ушбу мақолада Амир Темур давлатининг Яқин Шарқ мамлакатлари билан сиёсий алоқалари, дипломатик ва элчилик муносабатлари таҳлил қилинган, ҳарбий ҳаракатлар моҳияти очиб берилган, Соҳибқирон олиб борган сиёсатнинг Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Европа халқлари тарихидаги роли ва аҳамияти тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар: *Амир Темур, Йилдирим Боязид, мамлуклар, Сурия, Яқин Шарқ.*

XIII асрнинг 80-йиллар охирида Кичик Осиёда сиёсий вазият бутунлай ўзгариб кетди. Йилдирим Боязид Ойдин, Ментеше, Гармиян, Қарамон, Жондор ўғиллари бекликларини ўзига бўйсундирган, Қози Бурҳониддиннинг ўлимидан кейин эса унинг ерларини ҳам босиб олиб, Малатиягача келган эди. Усмонли турк империясининг меъмори сифатида тарих саҳнасига чиққан Боязид Ғарбда – Болқонда ҳам муваффақиятли ҳарбий ҳаракатлар олиб боргани маълум. У мамлуклар султони Барқуқ ўлимидан (1399) сўнг султонликнинг Кичик Осиё ичидаги жойларини ҳам сиёсий сарҳадларига қўшиб олиб, ўз давлати чегараларини Арзинжон ва Фиротга қадар кенгайтирган эди. Амир Темур сиёсий жиҳатдан илк бор ўзига тенг рақибга дуч келади. Усмонли давлатига мажбуран бўйсундирилган ҳудудларда ҳали туркларнинг мавқеи мустаҳкам эмасди. Собиқ ҳукмдорлар Боязидга номигагина бўйсуниб, унинг сиёсий тузумини тан олмаслик йўлини тутган ва Шарқдаги қудратли ҳомий воситасида аввалги мавқеларини тиклашдан умидвор эдилар. Улар Амир Темурнинг юришларига пинхона мадад беришдан манфаатдор эдилар. Йилдирим Боязид Усмонли тахтига ўтирган 1389 йилдан эътиборан ғарб масалаларига ўта сезгирлик билан қарай бошлаганди. Аммо шарқдаги сиёсий алмашув ва ўзгаришларга келганда ана шу ҳушёрликни йўқотганди. Унинг 1396 йилда салибчилар билан бўлган жангдаги порлоқ ғалабаси Султон Йилдирим Боязиднинг Ислом дунёсидаги таъсир ва шуҳратини энг юксак нуқтага чиқарган эди. Аммо у Амир Темур салтанатининг ривожланишини худди бир томошабин каби кузатишдан нарига ўта олмади. Давлатининг чегаралари Арзинжон ва Фиротга етгандан кейин у шарқдан яқинлашган таҳлика билан юзма-юз келди. Умумий

тарихларда ҳамда дипломатик ёзишмалар тўпланган бир қатор мажмуалардан жой олган ҳужжат нусхаларида 1399 йилгача икки тараф орасида кучли зиддиятлар бўлмаганлигини кўрамиз. Аммо шунга қарамай, тарафлар орасида совуқ уруш ҳавоси ҳукм сурар эди.

Мана шу умумий вазият ичида 1399 йилгача Шарқ масаласига лоқайд қараган Йилдирим Боязиднинг Амир Темур Кичик Осиёга жуда яқин жойда турган чоғида Арзинжон амири Мутаҳҳартан ерларига бостириб кириши, ўта қалтис ҳаракат бўлган эди. Устига-устак, бу ҳаракат Амир Темурга ўз режаларини амалга ошириш учун бир баҳона бўлди. Зеро, Соҳибқирон бундай ҳаракатни ўз ҳукмронлигига қарши қаратилган тажовуз сифатида баҳолайди. Мактубларда бу ҳақда батафсил ёзилган.

Йилдирим Боязиднинг Амир Темурга садоқат билан хизмат этган Арзинжон амири Мутаҳҳартанга, Соҳибқирон Бингул (Минг кўл) яйловида бўлган чоғида элчи юбориши ақлга сиғадиган тадбир эмасди. Ҳар ҳолда Амир Темур вужудга келган қулай имкониятдан моҳирона фойдаланади.

Боязид билан муносабатда Амир Темур ўзининг ёрқин ҳарбий ва дипломатик салоҳиятини намойиш этди. «Амир Темурнинг стратегияси энг аввало ўз қўшинининг юксак ҳаракатчанлигига ва қарорларининг ўта махфийлигига асосланганлиги туфайли ғанимларини доимо доғда қодирарди», - деб ёзади Л. Кэрэн бу ҳақда.

Боязидга қарши ҳаракат бошлашдан олдин унинг барча иттифоқчиларини бирма-бир бартараф этиш лозим эди. Тўхтамиш мағлуб этилган, аммо Миср мамлуклари ҳамон минтақада кучли ҳукмдор ҳисобланар ва Соҳибқироннинг ашаддий рақиблари бўлган Қора Юсуф туркман ва Аҳмад жалойирни қўллаб-қувватлаб, унга қарши ҳар доим гиж-гижлаб турар эди. Бу кучлар бирлашиб, орқадан зарба беришини назарда тутган Амир Темур дастлаб султон Боязид билан эҳтиёткорона муносабатда бўлади. Унга ёзган мактубларида у ғайридинлар билан жангни давом эттириши лозимлигини таъкидлайди, ўзига тобе ҳукмдорларни безовта қилмасликка чорлаб, султон ҳузурида бошпана топган ашаддий рақибларини қайтаришни талаб этади.

Айни замонда Соҳибқирон турк султони билан ҳамкорликда ва дўстона муносабатларда бўлишни астойдил хоҳлагани ҳам маълум. Аммо ғарбдаги ғалабаларидан маст бўлган Йилдирим Боязид Амир Темур қўшинининг қудрати ва имкониятларини тўғри англаб етолмайди. Мактублар мазмунига ва аъёнларига айтган сўзларига қараганда, у ҳақиқий аҳволдан анча бехабар эди. Ибн Арабшоҳ бу хусусда жуда ибратли мисол келтиради: «Боязид Темур мактубидан воқиф бўлиб, унинг хитобли мазмунини англагач, у ўрнидан сапчиб

туриб кетди: унинг ғазаби қайнаб, куйиб-ёнди. Гўё наша ивитмаси ичган кишидек гоҳ товушини кўтариб, гоҳ пасайтириб (шундай) деди:

- Бу уйдирмалар билан мени қўрқитмоқчими? Ёки бу ёлғон-яшиқлар билан менга нисбатан фитна чиқармоқчими? Ёки бўлмаса, мени Ажам подшоҳлари мисоли ҳисобладими? Ёки гапини англаб бўлмайдиган Дашт тоторлари каби санадими? Ёки қўшин йиғишда ҳиндлар лашкарлари каби кўрдими? Ёки менинг аскарларимни тарқоқликда Ироқ тўдалари каби деб ҳисобладими? Ёки мендаги ислом (йўлидаги) ғазотчиларини Шом аскарларига ўхшатдими? Ёки ўзининг қуриган тўдасини менинг аскарларимдек билдими? Ёки унинг ҳақидаги (барча) хабарларни менга маълум (эканли)гини билмайдими?...»

Боязид ортиқча такаббурликка берилиб, ҳақоратомуз сўзларни бемалол ишлатаётгани диққатга сазовор. Аммо у Амир Темур қанчадан-қанча жангларда ғолиб чиққанлигини билса-да, улардан зарур хулоса ва сабоқлар чиқара олмагани, ҳатто пухта разведка тизимига эга эмаслиги яққол кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам Ибн Арабшоҳ уни: «Ибн Усмон (Боязид) шошқалоқ ва шижоатли киши бўлиб, одил подшоҳлардан бўлишига қарамасдан, унда заррача ҳам сабр-тоқат йўқ эди», - деб таърифлайди . Айни замонда, араб муаррихи Амир Темурнинг оғир ва вазмин, босиқ табиатини ҳам қайд этади: «Қачонки, Темур унинг изтиробли жавобидан воқиф бўлгач, «Ибн Усмон мажнун ва аҳмоқ», - деди . Воқеалар жараёни Амир Темур турк султони табиатига тўғри баҳо берганини исботлаб берди. Зеро, ана шу даврда қуруқликда Соҳибқирон қўшинларига тенг келадиган армия Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам йўқ эди. Бу ҳақда суриялик замонавий олим Акрам Ҳасан ал-Аълабий тўғри хулосалар бергани диққатга сазовор. У Амир Темурнинг ўз рақиблари устидан эришган зафарларини таҳлил қилиб, унинг устунлиги сабабларини қуйидагича изоҳлаган:

– қўшиннинг сони жиҳатидан кўплиги;

– рақиблар ҳақида тўлиқ маълумотга эгалиги (разведка);

– жанглар ҳужумкорлик руҳида олиб борилгани;

– қўшинда маънавий руҳ жуда кучли бўлганлиги;

– ташвиқот-тарғибот ишларига катта аҳамият берилганлиги;

– бошқарув (раҳбарлик) сиёсатидаги ўта кучли салоҳияти.

Мана шу сифатлар Амир Темур қўшини жангларда енгилмаслигида асосий омил эди. Буни тўғри анлаб етмаган ҳукмдорлар, хусусан Йилдирим Боязид мағлубиятга учради.

Хуллас, Усмонли ҳукмдори Йилдирим Боязид Амир Темур тарафидан қилинган дўстона таклифларни писанд этмасдан, қаттиқ жавоб қайтарганлиги маълум. Жавоб хатида Усмонли ҳукмдори Соҳибқирон билан урушишни анчадан бери ўйлаб юрганлигини, энди

буни амалга оширишга қарор берганини, агар у жанг майдонига келмаса, унга қарши ўзи Табриз ва Султония устига юришини билдирган эди.

Амир Темур араб ўлкаларидаги ҳақиқий аҳволни ҳам пухта ўрганган. Султон Барқуқнинг ўлимидан кейин ўртага чиққан буҳронли даврда Сурияниng Мамлуклар султонлигидан ажралиш хавфи пайдо бўлди. Бу муаммони ҳал этиш учун Сурияга келган султон Фараж, тинчлик ва осойишталик ўрнатишга муваффақ бўлди. Марказга қарши ҳаракатга ўтган Суриядаги айрим мухолифчи раҳбарлар бўйсундирилади. Султон Фараж Суриядан Усмонийлар ҳукмдори Йилдирим Боязидга элчи юборди ва ундан босиб олган ерларни қайтариб беришини талаб қилди. Акс ҳолда икки давлат орасида уруш чиқиши мумкинлигидан огоҳлантирди. Лекин унинг элчиси кутилган жавобни ололмасдан Қоҳирага қуруқ қайтди.

Ўша даврда Амир Темур мукаммал разведка тизимига эга эди. У махфийлардан бу хабарни олгач, дарҳол йўналишини ўзгартиради. Айни шу вақтда Йилдирим Боязид Константинополни қамал қилаётган ҳамда Сивасда ҳарбий тараддудлар кўраётган эди. Фурсатдан фойдаланган Соҳибқирон жанубга ҳаракат қилишга қарор қилади. Мамлуклар султонлиги ихтиёридаги ерлар қўл остига ўтса, Амир Темурга катта моддий фойда келтирарди.

Айни замонда, бу ҳаракат замирида улкан стратегик режа яширин эди. У ҳозир Туркия ичкарисига кирса, Бағдод султони, Миср ва Сурия султони ҳамда Қорақўюнли туркманлар орқадан зарба беришини яхши биларди. Иттифоқчиларни яккама-якка мажақлаб ташлаш унинг синалган усули бўлиб, бунинг учун лозим бўлса жангга кирар, лозим бўлса дипломатияни ишга солар эди. Шунингдек, шу кезларда Константинопол қамали билан банд бўлган Йилдирим Боязид иттифоқчиларига ёрдамга кела олмаслиги ҳам унга аён эди.

Амир Темур дастлаб Дулқодирли туркманларини жазолайди. У ҳарбий ҳаракатларни бошламасдан олдин, Сивасни қамал қилиш ва босиб олишда ҳамкорлик қилган Усмонийлар давлатининг ашаддий душмани, ўз қадрдони Мутаҳҳартанга ватанига қайтишга изн бериб, янги ҳудудларни бошқариш ва қўриқлаш вазифасини унга топширади. Оққуюнли Қора Юлуқ Усмон эса Амир Темурнинг ёнида қолиб, жануб ҳаракатида иштирок этади. Сивас қамали билан бир пайтда Дулқодирли туркманлар устига Шоҳрух қўшинлари юборилади. У тажрибали қўмондонлар – амир Сулаймон, Шоҳ Баҳодирлар билан биргаликда ҳаракат қилади. Уларнинг Элбистонга яқинлашаётганини эшитган Дулқодирли туркманлар шаҳарни ташлаб қочиб кетишади. Тарқалган туркманларни таъқиб қилган Шоҳрух кучлари оғир қаршиликка

учрамайди ва вақтдан ютиб, Амир Темур кучларига бориб қўшилади. Дулқодирли туркманларни енгган қўшин кўп миқдорда ўлжаларни қўлга киритади. Бу ҳаракатдан кейин Амир Темур Малатия шаҳрига элчи жўнатиб, таслим бўлишга даъват этади. Султон Барқуқ вафотидан кейин Малатия Йилдирим Боязид томонидан Усмонли султонлигига қўшиб олинган эди. Шаҳарда сиваслик Мустафонинг ўғли ҳукмронлик қиларди.

Амир Темурнинг чопарини усмонлилар ушлаб қолганлиги учун қўшинга шаҳарга юриш буюрилади. Дастлаб шаҳар ҳокими қаршилик кўрсатишга уринади, аммо асосий кучлар шаҳарга кираётганидан хабардор бўлгач, қарорини ўзгартириб, Усмонли аскарлари билан бирга Малатиядан узоқлашади. Шундай қилиб, Амир Темур бу шаҳарни осонликча ишғол қилади.

Бу ерларни бошқариш Авник жангидан бери ёнида юрган, Сивасни ишғол қилишга иштирок этган Қора Юлуқ Усмонга берилди. Сурия билан Кичик Осиё орасидаги чегара ҳисобланган мазкур ҳудуд Амир Темур ҳокимияти остига ўтгандан кейин Сурияни босиб олишга халақит берадиган ҳеч қандай тўсиқ қолмаган эди.

Соҳибқироннинг Мамлуклар султонига қарашли ерларга бостириб кириши учун етарлича асослар бор эди.

1394 йилда Соҳибқирон Араб Ироқини олгандан кейин Бағдод ҳокими Аҳмад жалойирга бошпана берган султон Барқуққа Шайх Сова бошчилигида элчилик ҳайъати жўнатилгани юқорида айтилди. Элчи султонга бир қатор қимматбаҳо совғалар олиб борган эди. Амир Темур элчилар билан юборган мактубида “Ҳозир қилиш керак бўлган ишни қилдик, бизга қўшни давлатлар аҳил ва дўст бўлиб яшасин. Икки давлатнинг элчилари, савдогарлари келиб-кетиб, бир-бири билан тижорат қилсинлар. Бу халқларимизнинг тинчлигига ва фаровонлигига сабаб бўлсин” деб таклиф қилади. Лекин элчилик ҳайъати йўлда ушланиб, бир неча киши хиёнаткорларча ўлдирилади.

Кўрамизки, Амир Темур бу давлат билан дўстона алоқалар ўрнатишни хоҳласа-да, мазкур воқеадан сўнг режалари ўзгаради.

Сурияга юришга сабаб бўлган иккинчи омил шуки, Араб Ироқи ва Озарбайжон қўлга киргандан кейин, орқага қайтаётган Соҳибқирон Авник қалъасини қўриқлаш вазифасини Отламишга топширган эди. Грузия сафари пайтида Қорақўюнли Қора Юсуф яна эски юртига қайтиб, Отламишга қарши курашади. Бу ҳам етмагандай, асир тушган Отламишни Султон Барқуқ ҳузурига жўнатади. Отламиш Қоҳирада зиндонга ташланади.

Амир Темур Отламишни қайтариб беришни талаб қилиб султонга мактублар юборади, аммо Барқуқ бу адолатли талабни бажармайди.

Икки томон учун жиддий муаммога айланган яна бир низо Аҳмад жалойирни қайтариб беришга боғлиқ масаладир.

1394 йили Амир Темур Бағдодни босиб олгандан кейин Аҳмад жалойир Мисрга қочиб борган ва яхши кутиб олинган эди. Соҳибқироннинг юқоридаги икки талабига Барқуқ ҳар доим рад жавоби бериб келди. Сивас олингандан кейин янги султон Фаражга ёзилган мактубда яна бир марта Аҳмад жалойирни топшириш талаби баён қилинади.

Мана шу зиддиятлар Мамлук султонига қарши уруш очиш учун асос бўла оларди. Шунга қарамай, Амир Темур Малатия ҳудудидан Қоҳирага янги элчи жўнатади. Бу элчи орқали султон Фаражга: “Мен бегона лашкарни Шом ерларига киритишни хоҳламайман, сизлар бундан ортиқ жаҳл мақомига қадам босманглар, амир Отламишни тезлик билан юборинглар, токи мен элчини ўлдирганингиз гуноҳидан ўтаман ва диёрингизни саломат қолдираман”, дейди.

Султон Фаражга жўнатилган мазкур мактубда Амир Темур ўртадаги зиддиятларга барҳам бериш, Отламишни озод қилишни сўрайди ва Аҳмад жалойир билан Қора Юсуфни тутиб, Амир Темурга юборилган тақдирда Сурияга юриш қилмаслигини билдиради. Бу далил ҳам Амир Темурнинг моҳир сиёсатчи, уста дипломат эканини кўрсатади. У эски воқеаларни унутиш ва тинчлик, дўстона алоқалар ўрнатишга очиқ даъват этар экан, беҳуда урушлар ва ортиқча қон тўкилишини хоҳламаслигини, адолатли ҳукмдор эканлигини яна намойиш этади. Аммо бу пайтда султон Фараж Йилдирим Боязид билан яширинча музокаралар олиб бораётган эди. Юқоридаги мактуб анча юмшоқ тарзда ёзилган. Турк олими Яшар Йужел бунинг сабабини аввалги Самарқандга қайтиш арафасидаги каби 1400 йиллардаги Сурия сафари пайтида ҳам амирлар ўртасидаги келишмовчиликлар янгидан ўртага чиққан эди, деб изоҳлайди. Шунингдек, бу хусусда Яздий ва Шомий асарларида ҳам баъзи маълумотлар бор.

Амир Темурнинг элчиси мазкур мактуб билан Ҳалабга келади, лекин унга етарли иззат-ҳурмат кўрсатилмайди. Султон Фараж отаси Барқуқ сингари элчини Ҳалаб қалъасига қамаб қўяди. Султон Фараж элчига нисбатан номуносиб йўл тутганини эшитган Амир Темур жуда қаттиқ ғазабланади. Энди Мамлук султонлигига қарши юришдан уни ҳеч ким тўхтата олмас эди.

Сурия йўлида илк зарбага Антен қишлоғи учрайди. Бу ерда икки кун тургандан кейин Амир Темур Ҳалабга йўл олади. Сурияга юриш қарори кўп қўмондонларда норозилик уйғотади. Айрим амирлар, вазирлар Сурия ва Мисрга юриш қарорини бекор қилишга уриниб кўрадилар.

“Маслаҳат шундан иборатки, ғалаба ёр лашкарга ижозат берилса, токи аскарлар уйларига бориб бир муддат дам олишса, сўнгра яроқ аслаҳаларини янгитдан тузатиб, шундай улуғ бир мамлакатга (юриш қилишга) муносиб тартиб ва тажаммум билан келсалар”. Вазир ва қўмондонлардаги ана шу иккиланиш туфайли юқоридаги мактуб анча юмшоқ оҳангда битилган бўлса керак. Узоқ давом этган урушлар ҳар бир аскарда нохуш кайфият туғдириши табиий.

Узоқ вақтдан бери ватанларидан узилиб қолган аскарлар ва амирларга эҳтиёт бўлиб муомала қилиш зарур эди. Буни Амир Темур каби тажрибали давлат арбоби яхши ҳис қилмаслиги мумкин эмасди. Тарихий манбаларда Амир Темурнинг қўмондонларга берган жавоби ҳам қайд этилган.

“Ҳимматни баланд қилинглар, дилни Оллоҳга боғланглар, токи илоҳий нусрат сизнинг ҳолингизга мадад кўрсатгай, Тангри қўллови душманни мағлуб ва макҳур қилгай”. Амирлар ер ўпиб, фармонга итоат қилдилар...”. Шундан кейин кўпчилик Амир Темурнинг фикрини маъқуллаб, ҳарбий ҳаракатларни давом эттириш керак деган қарорга қўшилади. Сурияни ишғол этгандан кейин Амир Темур мамлук султонлигининг ичкарисига юрмади. У Кичик Осиёга қайтиб, Эгей соҳилларига қадар ерларни забт этди.

Бу воқеаларни Амир Темур ва Йилдирим Боязид қандай баҳолагани ҳам муҳим. Агар Амир Темур мактубларидаги талаблар қабул қилиниб, бажарилганда у барибир Сурияни босиб олган бўлармиди? Бу саволга “ҳа” деб жавоб бериш лозим. Чунки Амир Темурнинг асосий мақсади Кичик Осиёни қўл остига олишга қаратилганди. Ўз орқасида мухолиф кучларни қолдиришни у тажрибали саркарда сифатида асло хоҳламас эди. Бундан ташқари, Сурия босиб олинган тақдирда Кичик Осиёни қўлга киритиш янада осонлашган бўлар эди. Бу сафар ниҳоясида аскарларнинг қўлларига беҳисоб ўлжалар ва бойликлар тушиши ҳам назарда тутилган эди. Тарихий манбаларга кўра, Амир Темур билан армияси ўртасида ҳамиша яхши муносабат бўлган.

Боязидга келсак, у бутунлай сиёсий ғафлат ичида эди. Агар у Амир Темур ва унинг армияси ҳақида яхшироқ маълумот олганда керакли чора-тадбирлар кўриши мумкин бўларди.

Амир Темур жанубга ҳаракат қилганда, Йилдирим Боязид, энди у Кичик Осиёга қадам қўймайди деб ўйлайди ва яна зарур чора-тадбирлар кўришга эътибор бермайди.

Амир Темурнинг Сурия давлатига қилган ҳарбий юриши пайтида дастлаб Баҳасна қалъаси забт этилади. Шоҳрух жўнатган аскарлар шаҳар қалъасини шиддат билан қамал қилишга киришади. Мустаҳкам қалъага эга бўлган Баҳасна аҳолиси бир қанча вақт чидаса-да, охирида

таслим бўлади. Лекин араб тарихий манбаларида Амир Темур бир ойга қадар қамал қилиб, шаҳарни вайрон қилса ҳам қалъани ололмаган деб таъкидлайдилар. Яна шу манбаларга кўра, Амир Темур Баҳаснада узоқ вақт қолиб, сўнг Ҳалабга юришни давом эттирган. Аслида Амир Темурнинг бу ерда бир ой қолишига сабаб Ҳалабдан келадиган хабарни кутиш эди.

Шундай қилиб, Баҳаснанинг қўлга олиниши аслида Мамлуклар ерига ҳужумнинг бошланиши ҳисобланади. Бу ерда кутилган жавобни олмаган Амир Темур Антенга йўл олади. Унинг келишини эшитган бадавлат кишилар шаҳарни тарк этадилар. Антен аҳолиси қанчалик курашмасин, барибир енгилади. Соҳибқирон шу ерни қисқа вақт манзил қилади. Амир Темурнинг жанубга юриши туфайли Сурия оғир аҳволга тушиб қолади. Араб манбаларида бу хавф-хатарлар ҳақида кам ёзилган. Амир Темур Баҳаснада бўлган вақтда Ҳалаб аҳолиси даҳшатли қўрқув ичида қолган эди. Қишлоқ аҳолиси бу хатардан сақланиш учун ҳар томонга қоча бошлайди. Улар кўтарганча нарсаларни олиб, қалъага келиб жойлашадилар. Баъзилари Антиния яқинидаги тоғлик жойларга яширинади. Кўчиш вақтида туя, эшак ва отларнинг нархи қимматлашиб кетади ва бундан Ҳалаб халқида норозилик пайдо бўлади. Бу шаҳар ҳам Амир Темурга осон таслим бўладиган ҳолга келиб қолган эди.

Бу пайтда шаҳар ноиби Демиртош бўлган. Баъзи тарихий манбалардагина Амир Темур Баҳаснага келганда Ҳалаб халқи қаттиқ қўрқувда қолганлиги қайд этилади. Сурияда ўша пайтдаги вужудга келган сиёсий-иқтисодий вазият Қоҳирада ўз аксини топмоқда эди. Амир Темурнинг Ҳалабдан бошлаб бутун Сурияни босиб олиши аниқ эканлигини англаб етган шаҳар ноиби қутулиш йўли Қоҳирадан келадиган ёрдамга боғлиқ деб умид қилар эди. Бундай вазият Барқуқ пайтида ҳам тез-тез бўлиб турган. Бу эса мамлук султонлиги ҳукмронлиги инқирозга учраганини кўрсатади. Ҳалаб ноиби Демиртош Қоҳирага чопар йўллаб, юзага келган аҳвол ҳақида султон Фаражга хабар юборади. Бу хабарни олган султон Фараж Суриядаги ерларни сақлаш учун ҳарбий тайёргарликларни бошлаб юборади. Ҳалабга ва Шом ҳудудларига ҳарбий ёрдам кўрсатиш ҳақида фармон чиқарилади. Фармонни олган Эсакбура қалъасининг бошқарувчилари аскарлар таъминотини қоплайдиган миқдорда Миср олтинини олиб йўлга чиқадилар. Султон Фараж ёрдам кераклигини эшитиши билан Шом, Антакия, Ҳама, Ҳўмс, Баалбек, Сафед, Рум қалъаси сингари шаҳарларга фармон жўнатиб, тезда Демиртошга мадад бериш учун Ҳалабга йиғилиш зарурлигини билдиради.

Фараж Қоҳирада халифа, вазир ва амирлар иштирокида кенгаш ўтказади. Бу мажлисда Амир Темур қўшинидан ҳимояланиш ва бошқа давлат аҳамиятига молик муҳим масалалар муҳокама қилинади.

Армияни зарур воситалар ва қуроллар билан таъминлаш масаласида жиддий тортишувлар бўлиб ўтади. Фараж мажлисда темурийлар мамлакатга хавф туғдираётганини таъкидлаб ўтади. Фаражнинг отаси Барқуқ даврида ҳам Мамлук султонлиги шундай хавф остида қолган эди. Фараж ҳарбий юришларга кетадиган маблағнинг бир қисмини тижоратчилардан, бир қисмини давлат хазинасидан олишни таклиф қилади. Дастлаб бунга тижоратчилар ва савдогарлар қарши чиқадилар, шунинг учун ҳеч қандай қарорга келолмасдан мажлис тарқатиб юборилади. Лекин Фаражнинг амирлари хавф-хатарни кўз олдига келтиргандан сўнг фармон тўғри эканлигини англаб етадилар ва уни бажаришга киришадилар.

Қоҳирада тайёргарлик кетаётган кунларда Ҳалаб ҳокими Демиртош шаҳар мудофаасига жадал киришиб кетган эди. Лекин Фараж энг зарур пайтда сустлик кўрсатади. Қоҳирада мамлакат тақдирига масъулиятсизлик ва бепарволик ҳукмрон бўлса, вилоят қўмондонлари аксинча эдилар. Қўмондонларнинг Ҳалабга ёрдамга келиши яхши натижа берган эди. Сурия шаҳарларининг ҳокимлари марказ буйруқларига бўйсунган ҳолда Халабга амалий ёрдамга отландилар. Судун ўз аскарлари билан Дамашқни қўриқлаши керак эди.

У ҳам Шомдан Ҳалабга келиб, Демиртошга қўшилади. Буни кўрган Ҳама, Ҳўмс, Антакия, Трабус, Наблус, Баалбек, Ғазо, Рамле, Кадис, Керек ва Сафед ҳокимлари ҳам ўз аскарлари билан Ҳалабга ёрдамга шошиладилар. Шундай қилиб, Ҳалабда жуда кўп аскар тўпланади. Демиртош Амир Темурга қарши ҳужум бошлашдан олдин ёрдамга келган ҳокимлар билан мажлис ўтказиб, маслаҳатлашади. Бу ҳақда араб манбаларида маълумот йўқ. Ҳалаб халқи билан атрофидаги ерларни қўриқлаш вазифаси топширилган Демиртош бошчилигидаги мажлис қарши ҳужумга ўтишга қарор қилади. Бунда Судуннинг хизмати катта бўлган. Маълумотларга кўра, Судун “ким қўрқса зарар кўради” деган шиорга амал қилар эди. У Сурияда 60 мингдан ортиқ қишлоқ ва туманлар борлигини ва ҳар бир қишлоқ ва тумандан биттадан аскар олинса, 60 минглик қўшин тўплаш мумкинлигини таъкидлайди. Урушга тарафдорлар кўпчиликни ташкил қилгандан сўнг керакли тайёргарчиликлар бошлаб юборилади. Мустаҳкам ва яхши разведкага эга бўлган Амир Темур душман қароргоҳидаги вазиятдан хабардор бўлиб, керакли чора-тадбирларни кўриб қўйган эди. У мамлук қўшини билан очиқ майдонда жанг қилишни режалаштиради. Ҳалабнинг мустаҳкам қалъасини толиққан қўшинлар билан қамал қилиш яхши натижа бермаслиги маълум эди. Амир Темур пухта тадбирлар кўргач, Ҳалаб яқинига қароргоҳ қуради. Лекин шаҳарга ҳужум қилишга шошилмайди. Амир Темур қўшинлари тўхтаганини кўрган мамлуклар

шаҳар ташқарисига чиқиб, урушга тайёргарлик кўрадилар. Урушдан олдин икки тараф ўртасида кичик низолар бўлиб ўтади. Араб манбаларига кўра, бу уруш пайтида Шом ҳокими Судун ўнг томондан, Ҳалаб ҳокими Демиртош чап томондан, бошқа ҳокимлар эса марказдан ҳужумга ўтадилар. Таниқли қўмондонлар бошқарган ва кучли кўринган араб қўшинлари кўзлаган муваффақиятга эриша олмайдилар. Амир Темур ўз қўшинларини қатъий тартибда жангга киритади. Бу жангда кўплаб мамлук аскарлари қурбон бўлади. Шом ҳокими Судун ва Ҳалаб ҳокими Демиртош қўшинларни майдонда қолдириб, қалъага қочиб киради. Чорасиз қолган аскарлар жанг ўртасида қолиб кетадилар. Бу уруш натижасида Ҳалаб шаҳри мурдаларга тўлиб, юриб бўлмайдиган ҳолга келиб қолган эди. Демиртошга ёрдамга келган бошқа шаҳар ҳокимлари ва омон қолган аскарлар Шом томонга қайтиб кетадилар. Ҳалаб шаҳрини ўз назорати остига олган Амир Темур қалъани қамал қилишга киришади. Хижозга келаётган тарихчи Низомиддин Шомий Ҳалабга етганда Темурийлар томонидан асир олинади. Бироқ, Шомийни олдиндан таниган Амир Темур уни озод қилиб, илтифотлар кўрсатади ва сўнгроқ ўзи ҳақидаги тарихий асарни ёзишга ундайди. Ҳалаб қалъасидаги Демиртош билан Судунга қаршилик кўрсатмасдан таслим бўлишга чорловчи мактуб юборилади.

Чорасиз қолган Демиртош ва Судун таслим бўлади. Улар зиндонга ташланади. Ҳалаб хазинасидаги барча бойликлар Амир Темур ихтиёрига ўтади. Араб манбаларининг ёзишича, қўшин Ҳалабда бир ой қолади. Мазкур ғалабадан кейин Амир Темур Фаражга яна мактуб йўллайди. Унда Ҳалаб шаҳри ва қалъаси қўлга олингани, Демиртош ва Судун асирга тушгани, Қорақўюнли Юсуф асир сифатида қайтарилса ва тутқунликдаги Отламиш озод қилинса, мамлук ҳокимлари қўйиб юборилиши маълум қилинган эди.

Сурияни бутунлай забт этишга қарор қилган Амир Темур Ҳалабда бир гуруҳ бошқарувчиларини қолдириб, ўзи қўшини билан янги юришга отланади. Ҳама шаҳрини забт қилиш учун бир неча қумондонлар юборилади. Ҳама шаҳри дарҳол ишғол қилинади, лекин қалъани эгаллай олмайдилар. Ҳалаб ёнида дам олаётган Амир Темурга бу хабар етиши биланоқ у ердан Ҳама шаҳрига келиб, қароргоҳ қуради. Қалъани қўриқловчи мамлук аскарлари ва шаҳар халқи Амир Темур қўшинларини кўриб, қаршилик кўрсатиш бефойдалигини тушунадилар ва бўйсунишга қарор қиладилар. Амир Темур Ҳамадан олинган бойликларнинг ҳаммасини қўмондонлар ва аскарларга бўлиб беради. У Ҳамадан кейин Дамашққа юриш ҳақидаги қарорини қўмондонларга билдиради. Қўмондонларда яна иккиланиш аломатлари кўринади. Улар аскарлар икки йилдан буён тинимсиз жангда юриб ниҳоятда

толиққанлигини ва янги жангга хоҳиш йўқлигини маълум қиладилар.

Қумондонлар қишни Траблус дарёси ёқасида дам олиб ўтказиш ва баҳорга келиб Сурияга қарши юришни давом эттириш таклифини ўртага қўядилар. Бу қаршиликларга қарамай, қарор ўзгармайди. Тез орада Ҳўмс ва Баалбек қалъалари ишғол қилинади. Кейин фурсатни бой бермасдан қиш фаслида Дамашққа юриш бошланади.

Шом устидаги хавф-хатар қуюқлашганини кўрган Фараж бир мунча фаолиятини кучайтирган. У Амир Темурнинг ғалабаларидан кейин Сурия Мамлук султонлигидан ажралиб кетиши мумкинлигига ишона бошлайди. Ҳалаб қамали пайтида ёрдамчи кучлар воситасида Амир Темур юришларини тўхтатиб қолишга умид бор эди. Бу сафар хавф осонликча бартараф бўлмаслиги очиқ сезилиб турарди. Дастлаб Шомга мамлакат вазири юборилади. Ҳалаб қўлдан бой берилишига эътиборсиз қараган Фараж Амир Темурнинг Дамашққа юриш бошлаганини эшитиб, ташвишга тушиб қолади. Фаражнинг махсус чопари Қоҳирага келиб, Ҳалаб, Ҳама ва Ҳўмс қўлдан кетганлигини маълум қилади. Шундан кейин Амир Темурга қарши катта жангга тайёргарлик кўришга қарор берилади. Ҳалабни ҳимоя қилишга борганлар Дамашққа чекиниб, пойтахт Қоҳирага кўпгина мактублар йўллаган эдилар. Улар султоннинг Дамашққа келишини сўрайдилар. Бу хабарни эшитган султон Фараж катта қўшин тўплаб Қоҳирадан Шомга йўл олади. Фараж шаҳар ва қалъалар мудофаасини кучайтиришга зўр беради.

Бу пайтда Амир Темур Баалбекдан Дамашққа қараб йўл олган эди. Бу хабарни эшитган Фараж Соҳибқирон ҳузурига уч кишидан иборат элчи юборади. Лекин замондош тарихчиларнинг маълумотларига кўра, булар элчилар эмас, балки Амир Темурни ўлдириш учун тайёрланган ва ёнларида заҳарли ханжар бўлган қотиллар эди. Улар Соҳибқирон ҳузурига киролмайдилар ва мақсадлари амалга ошмайди, сўроқ пайтида эса ўз ниятларини ошкор қиладилар. Улардан бирини кўпроқ гуноҳкор деб топиб, жазолайдилар. Қолган иккитасини Дамашққа қайтишига рухсат берилади. Дамашқ яқинига келган Амир Темур жанубда Миср йўли ёнидаги текисликка қароргоҳ қуради. Бу ерда у мамлук султонлигидаги ҳаракатларни кузатади. Амирзода Рустам, Саидхўжа ва Шайх Али бошчилигидаги қўшинлар билан мамлуклар орасидаги илк жангда темурийлар ғалаба қозонадилар. Бу пайтда Амир Темур ҳузурида бир нохуш муаммо чиқади. Амирзода Ҳусайн ва унга тобе аскарлар султон Фаражга бориб қўшиладилар. Воқеадан хабардор бўлган Соҳибқирон қаттиқ ғазабланади.

Бу ҳолат эса мамлукларни севинтиради. Улар Амирзода Ҳусайнга катта эътибор бериб, уни тантана билан кутиб оладилар. Амир Темур эса бу ўзгаришлар натижасида Фаражга янги элчи юбориб, эски

талабларини такрорлайди, бир неча маротаба Отламишни қайтариб беришни сўрагани, ҳар сафар турли хил баҳоналарни важ қилиб, Отламиш берилмаганлигини билдириб, “бу билан бирга оқибат янада ёмонлашишидан қўрқинг, Отламишни бизга юборсангиз савобли иш қилган бўлар эдингиз. Бу билан рафиқангиз, дўстларингиз ва қариндошларингиз катта бир хавфдан қутилган бўлар эди. Шу билан бирга орамизда дўстлик муносабатлари ўрнатилар эди. Мол ва мулкингиз бизнинг қўшинимиз зараридан узоқ бўлар эди” – деб ёзган эди. Бу сафар мамлуклар Амир Темур элчисини одатдан ташқари тантана билан кутиб оладилар.

Фараж музокаралар тугагандан сўнг Амир Темур элчиси ёнига ўз элчисини ҳам қўшиб жўнатади. Мамлук султони элчи орқали юборилган мактубда тобеликка ўтишга тайёр эканлигини, Отламишни 5 кун ичида қайтариб юборишини, қўлидан келганча барча талабларни бажаришга ҳаракат қилишини билдиради.

Кўриниб турибдики, томонлар уруш чиқмаслиги учун муаммони тинчлик йўли билан ҳал этиш чораларини қидирганлар. Икки томон ўртадаги мавжуд келишмовчиликларни тинчлик йўли билан ҳал қилишга уринади. Амир Темур қўшинлари орасида норозилик чиққани сабабли қароргоҳини ўзгартириб, Шомнинг жанубига қараб юради. Бу вазиятни нотўғри баҳолаган Фараж уни орқадан қуршаб олиш учун Дамашқдан чиқади. Амир Темур ўз қўшинларини рақибига қарши тез ва уюшган тарзда жангга ташлайди. У Мамлукларни Шомнинг тоғли ҳудудларига қадар чекинишга мажбур қилади. Бутун қуролланган Шом халқи билан бирга жанг қилган Фараж бу урушда жуда катта талафот кўради. Миср мамлуклари қўшинларининг чап томонида амирзода Ҳусайн ҳам қарши жангга тушади. Бу катта жанг натижасида Шоҳрух амирзода Ҳусайнни енгади ва уни асирга олади. Бу хабарни эшитган Соҳибқирон уни ўлдирмасдан ўз ҳузурига олиб келишни буюради. Шоҳрух амирзода Ҳусайнни хибс этиб, қамаб қўяди.

Фаражга қарши бу илк жангни ғалаба билан якунлаган Амир Темур Дамашқ шаҳрига қилинадиган ҳужум режасини тузади. Қўшинлари ва қуроллари кўп бўлса ҳам қандай енгилганлигини Фараж асло унута олмасди. Фараж ҳузурида қўмондонлар яна бир марта йиғилиб, хавфдан қутулиш чораларини муҳокама қиладилар. Бу мажлис араб манбаларида “Қумондонлар орасида вазият тортишуви” деб ном олган. Амир Темурнинг расмий тарихчилари ўз асарларида бу мавзуни кенг ёритганлар. Вазиятни мукаммал баҳолаган амирлар агар “енгилган бўлсак ҳам ҳали Дамашқ шаҳри ва қалъа бошқаруви қўлимизда, шунинг учун яна қўшинларни тўплаб шаҳар ва қалъани темурийлардан сақлаймиз” деган фикрни илгари сурадилар. Амирларнинг яна бир

гуруҳи эса: “қулай шароитда олинган натижаларни кўриб турибмиз, Амир Темур Шомни олишга аниқ қарор қилган, энди султон Фараж пойтахт Қоҳирага қайтсин, Шом халқи бошига нима келган бўлса ўзлари ҳал қилсин” деган фикрни маъқуллайдилар. Турк манбаларида айтилишича, мажлисга тўпланган аъзолар икки гуруҳга бўлинган. 1. Амир Темур билан уруш қилмоқчи бўлган гуруҳ. 2. Фаражни Қоҳирага қайтишини хоҳлаган гуруҳ. Кейинчалик Фараж 2-гуруҳ фикрини маъқуллаганлигини билдиради. Баъзи тарихчиларга кўра, Фараж Мисрга қайтиш учун қулай баҳона излайди. У Амир Темурга элчи юбориб вақтдан ютмоқчи бўлади. Фараж элчиси орқали: “Бу воқеаларга биз сабабчи эмасмиз, биз берган ваъдаларимиз устидан чиқмоқдамиз. Агар ҳазрати Амир Темур бизга эртагача рухсат берсалар, ҳамма истакларини жойига келтирамиз. Ҳозиргача икки томон ўртасидаги муаммоларни тинчлик йўли билан ҳал этишга тайёрмиз” дейди. Фаражнинг элчиси бу мактуб билан Амир Темур ҳузурига келган пайтда Фараж вазирлари ва амирлари билан биргаликда ярим тунда Шомни ташлаб, Мисрга қочади. Мисрга борган амирлар атайлаб Қоҳирада қўзғолон чиқарадилар ва буни эшитиб Фараж Қоҳирага мажбуран қайтди деган гапни тарқатадилар. Мамлук султони Дамашқдан қочиб кетганини эшитган Амир Темур илғор бўлинмаларини Фаражни тутиб келишга юборади, аммо уни ушлай олмайдилар. Амир Темур раҳбарсиз қолган шаҳарга юриш бошлайди ва Шом яқинидаги маҳаллаларни қўлга киритади. Натижада Шомдаги раислар, имомлар Амир Темурга бош эгишдан бошқа чора йўқлигини тан олиб, элчи юборадилар. Бу вазифани бажариш учун йўлланган элчилар Амир Темурга шаҳарнинг калити ва мол-мулкларини беришга тайёр эканликларини билдирадилар. Мол-мулкни тўплаш учун бир нечта амирларни беришни сўрайдилар. Амир Темур уларга тегишли кишиларни қўшиб юборади. Шу йўл билан халқдан жуда катта миқдорда мол-мулк тўпланади (10 млн. динор.).

Шундай қилиб Амир Темур Дамашқ шаҳрини забт этади. Лекин Шом қалъаси жуда мустаҳкам қурилган эди. Амир Темур учун бу қалъани қамал қилиш осон кечмади.

Ўша вақтда шаҳарда жуда катта ёнғин бўлади. Шаҳар масжидида мингларча одамлар ибодат вақтида ёниб ўлади. Бу ёнғиннинг чиқиш сабаблари ҳақида манбаларда маълумот учрамайди. Қалъа қамали давом этади. Кўп вақт ўтмасдан қалъа раҳбарлари Амир Темурга таслим бўлганликларини билдирадилар. Амир Темур Шомнинг бутун хазинасини қўлга киритади. Қалъадаги ҳабаш, ҳинд ва черкес қулларни йиғиб, амир ва қўмондонларга тақсимлаб беради, асирлар орасидаги ҳунарманд, санъаткорларни Самарқандга юборади. Шомни босиб

олинганлиги ҳақидаги хабарни Самарқанд, Эрон ва Турон ўлкаларига эълон қилиш учун Фармон ёзиш буюрилади.

Шу ўринда Соҳибирон табиатидаги ноёб инсоний фазилатлар ҳақида ҳам гапириш лозим. Шарқшунос У. Уватовнинг китобида ёзилишича, у «ҳар доим ҳам азиз-авлиёларнинг ҳурматини бажо келтириб, улар хотирасига алоҳида эҳтиром билан қарарди. Масалан, Суриялик олим Акрам Ҳасан ал-Алабийнинг ёзишича, Дамашқда турганида Амир Темур Муҳаммад пайғамбарнинг хотинлари Умм Салима ва Умм Ҳабибанинг мақбаралари устига муносиб қуббалар қурдирган. Бошқа бир араб муаллифи доктор Мазҳар Шиҳабнинг таъкидлашича, Дамашққа келган биринчи куниёқ Амир Темур, энг аввало, умавийларнинг машҳур Жомеъ масжиди (ал-Жомеъ ал-Умавий)ни зиёрат қилиб, унда намоз ўқиган». Шунингдек, Бағдод шаҳри қайта ишғол қилинганда қаршилик кўрсатганлари учун шаҳар аҳли қаттиқ жазога тортилади, «фақат диний арбоблар жазодан қутулиб қолдилар» деб ёзади суриялик замонавий ҳарбий тадқиқотчи Муҳаммад Асадуллоҳ Сафе ўзининг Амир Темур фаолиятига бағишланган китобида» Амир Темур илм аҳлини ниҳоятда ҳурмат қилгани маълум. Дамашқда у Машҳур араб тарихчиси Ибн Халдун билан суҳбат қуради. Ва олимнинг чуқур билимдонлигига тан бериб унга иззат–икром кўрсатади. Мана шу юксак инсоний фазилатлар ҳам Соҳибқироннинг барча рақибларидан устун чиқишида асосий омиллардан бири бўлган десак янглишмаймиз.

Шундан кейин Шоҳрух ва Мироншоҳ қўл остидаги қўшинларни Аккагача боришга буюради. Бу ишга масъул амирлардан Жаҳоншоҳ ва Сулаймоншоҳ Акка соҳилларигача бўлган жойларда кенг кўламда ҳаракат қилиб, у ерларни итоатга келтиради.

Амир Темур етти йиллик юриш деб аталган бу юришлардан икки мақсадни: дастлаб Сурияни кейин эса Кичик Осиёни ишғол қилишни кўзлаган эди. Дамашқни босиб олиш билан бу мақсадларнинг бирига эришилди. Мағлуб бўлган Фараж тобелигини изҳор қилиб, Амир Темурга бўйсунишдан бошқа чора тополмайди. Таниқли Миср тарихчиси Ибн Дўқмоқнинг гувоҳлик беришича, Фараж ўзининг вассаллигини эътироф этган.

Сурияни бўйсундириб бўлган Амир Темур Шомдан Ҳўмсга келди. Шаҳар қаршилик кўрсатмагани учун ҳеч кимга чора қўлланмади. Бу ерда ўтказилган кенгашда янги вазиятга баҳо берган Амир Темур бир қанча қарорлар чиқарди. Уларни бажаришга шу заҳотиёқ киришилди. Тўртта танланган амир икки минг кишилик аскари билан Тадмир томон жўнатилди. Дулқодирли туркманлар бу вилоятни талон-тарож қилаётган эди. Яна икки амир қўмондонлигида 5000 кишилик аскар

Антакияга юборилди. Марказий бўлимга эса (15000 аскар) Кўпакли туркманларни жазолаш вазифаси топширилган эди. Бу туркман қабилалари Фирот атрофлари ва Антен яқинларида истиқомат қилишарди.

Тадмир томонга келган бўлим шаҳар атрофида жойлашган Дулқодирлиларни тарқатиб, 20000 га яқин қўйни қўлга киритди. Туркманлар қочиб, Макка атрофига жойлашишди. Антакия вилоятига келган бўлим эса Аси дарёси бўйлаб бу шаҳар яқинига қадар боришди. Бу бўлим кейин Ҳалаб йўли билан юриб амирзода Халил Султонга қўшилди. Биргаликда Фирот атрофларида Кўпакли туркманларга етиб бордилар. Туркманлар дастлаб темурийларга қарши кучли қаршилик кўрсатса-да, охири чекинишга мажбур бўлишди. Уруш пайтида Кўпакўғли Шайх Ҳусайн ўлди, бошқа биродарлари чўлга қочишди. Қўлга тушган туркманларнинг ҳаммаси ўлдирилди. Туркманлар юртларидан узоқлашганда қолиб кетган катта ўлжа темурийлар қўлига ўтди. Марказий бўлим ҳам вазифасини бажариб, Ҳалабда Амир Темурга қўшилди.

Биранинг ҳокими ноиб амир Насриддин Муҳаммад Шўҳрий катта совға-саломлар билан Амир Темур ҳузурига келиб, таслим бўлганини билдиради. Қаршилик кўрсатмагани ва бўйсунгани учун Темур бу шаҳар халқига зарар етказмайди. Шарафиддин Али Яздийнинг маълумотларига кўра, Сурияга юриши пайтида Қора Юлуқ Усмон ва ўғиллари Соҳибқиронга мадад бериб турган. Ҳатто Ҳалаб урушида Қора Юлуқнинг ўғли Иброҳим жасорат кўрсатгани учун Амир Темур томонидан тақдирланган эди.

Бира (Биражик)дан Қора Юлуқ Усмон билан бирга ҳаракат қилган Амир Темур Урфа томонидан Мордингa келади. Соҳибқирон бу минтақада бўлган пайтда Хисни, Кейфа, Эрзен ва бошқа вилоят ҳокимлари келиб тобелигини билдиришади.

Мордин ҳокими Маждиддин Исо олдин асирга олиниб узоқ вақт Султония ва Самарқандда сақланган эди. Кейинчалик Амир Темур уни авф этиб, эски ерларига юборгани айтиб ўтилди. Маждиддин Исо Амир Темурнинг барча буйруқларини сўзсиз бажаришга кафолат беради. Шунга қарамасдан у Сурия сафарида қатнашмади ва чақирикларга ижобий жавоб қайтармади.

Амир Темур чегараси Мордин қалъасига туташиб кетган Оққўрғонни Қора Юлуқ Усмонга беради ҳамда унга Мордин қалъасига кириш ва чиқишни тақиқлаш, уни ҳар доим қамалда ушлаб туришни буюради. Қора Юлуқ Усмон бу вазифани бажаради. Амир Темур, араблар қўл остидаги Ироққа юриш қилиб, Бағдодни вайрон этган пайтда Қора Юлуқ Усмон қамални давом эттириб, Мордин ҳокими

Маждиддин Исони бўйсундирган.

Шу ўринда Амир Темурнинг Араб Ироқидаги ҳарбий ва сиёсий фаолиятига тарихчи Бадриддин Айний берган баҳони кўрсатиб ўтиш керак. Олим Амир Темур қўлга киритган шаҳарларни уч гуруҳга бўлади.

Биринчи гуруҳга вайрон қилинган шаҳарлар киради. Булар Малатия, Элбистон, Зибота, Кохта, Хисни Мансур, Бехисни, Рум қальаси, Антеп, Телл Бемир қалъаси, Ҳалаб ал-Боб, Шермин, Ҳама, Баалбек ва бутун Дамашқ (Шом).

Иккинчи гуруҳдан эса мол-мулки олиниб, халқи жазоланган шаҳарлар жой олган. Булар Сафед, Сайда, Байрут, Ҳўмс, Бире (Биражиқ) ва Даранда.

Учинчи гуруҳга эса халқи тарк этган шаҳарлар киради: Буншер, Гергер, Ревендон, Тейзин, Жерим, Шейзор, Керек, Нух, Троблус, Қуддус, Ажмун, Бойсон ва Наблус.

Шундай қилиб Сурияда режалаштирилган ишларини тўла амалга оширган Амир Темур Мординдан Араб Ироқига қараб юради. Соҳибқироннинг дарров Кичик Осиёни босиб олишга киришмасдан бу минтақага келиши ўзига хос сабабларга эга. Орқасида кучли мухолифат қолишини истамаган Амир Темур Кичик Осиёни янги кучлар билан забт этишни мўлжаллаганини юқорида айтиб ўтдик. Ироқ минтақасида Амир Темурга кўп қийинчилик туғдирган Аҳмад жалойир ҳали қўлга олинмаган эди. У ҳар доим Амир Темур бу ерларда кўринганида, унинг душманлари билан бирлашиб, баъзан Бағдод ва атрофдаги ҳокимлар, баъзан Мамлук султонлиги, баъзан қорақуюнлилар билан бирга унга қарши тургани маълум. Соҳибқирон у билан ҳисоб-китоб қилишни жуда истар эди. Амир Темур асосий армияси билан Бағдоднинг шарқ томонига жойлашади. Бу гал ҳам Аҳмад жалойир Бағдод ва атрофдаги ҳокимлар билан бирга олдинроқ қочиб кетишга улгуради. У Усмонли давлатига яширинади. Унинг ўрнига қариндоши Фараж қолади. У Соҳибқиронга қарши чиқишга уриниб кўрди. Аммо жанг кўрмаган бу кучлар биринчи тўқнашувдаёқ тор-мор этилади.

Нусайбин ва Мусулни қўлга киритган Амир Темур Бағдод қаршилик кўрсатаётганини эшитгач, бу шаҳарга юришга мажбур бўлди. Ҳатто Шоҳруҳга чопар жўнатиб, Бағдодга келишга амр этди. Бағдодни қамал қилган Амир Темур, шаҳарнинг моддий ва маънавий манбаларига шикаст етказмасдан қўлга киритишга интилди. Қаттиқ қамал остида қолган шаҳар 40 кун қаршилик кўрсатди. Ниҳоят, шаҳар ишғол қилиниб, халқи жазога учради. Бу воқеа 1401 йилнинг июнида содир бўлган эди.

Шундан кейин Амир Темур Кавказ масаласи билан шуғуллана

бошлади. Чунки унга тобе Грузияда яна бошқарув заифлашган эди.

Амир Темур катта куч билан лашкарбошиларини Грузияга юборади. Уларга айни пайтда кўп вақтдан бери қуршовда бўлган Алинжак қалъасини итоатга келтириш вазифаси ҳам топширилган эди. Мироншоҳнинг лашкарбошиларидан Шайх Муҳаммад билан Шоҳрух қўшинидаги Фирузшоҳ ва Амир Темур томонидан бу ерга юборилган бошқа кучлар ҳужумига қалъа бардош бера олмайди. Қалъа қўмондони Саид Аҳмад ҳукмдор ҳузурига юборилди.

Мазкур сафар чоғида Табризга келган Амир Темур бу ерда қисқа муддат тўхтаб, давлат ва идора ишларини изга солиш билан шуғулланади. Фикримизча, Эрондаги айрим тартибсизликлар Амир Темурни Табризга келишга мажбур қилган бўлса керак.

Султон Муҳаммадхон ва амирзода Халил Султон бошчилигидаги кўпгина амирлар гуруҳи Машҳадга қадар назорат юриши қилгани бу тахминни исботлайди. Ниҳоят, Табриздан ҳаракатини давом эттирган Амир Темур Грузияга юборилган қўшин орқасидан йўлга чиқади. Алинжақни зиёрат қилган ҳукмдор Шомкурда меҳмон бўлади. Бу ерда Грузия ҳокимининг элчиларини қабул қилади. Георгий VII укасини элчи қилиб юборган эди. У Амир Темурга ўз илтимосини билдиради. У аввалгидек юртида яшашга рухсат берилишини сўраб, барча солиқларни хазинага вақтида юбориб туришини, ҳарбий ҳаракатлар пайтида сўралган миқдорда аскар етказиб беришни зиммасига олади. Бу илтимослардан Грузия қарам давлат мақомига тушиб қолгани кўринади. Бу таклифларни қабул қилган Амир Темур мажбуриятларини эсдан чиқармасликни ва йўллар ҳар доим очиқ туриши лозимлигини таъкидлайди. Грузия масаласи мана шу тарзда ижобий ҳал этилгач, Амир Темур қишлаш учун Қорабоққа ўтади. Энди 1402 йилги ёз мавсумида Кичик Осиёга қарши ҳаракатни бошлаши мумкин эди. Шундай қилиб Амир Темур барча рақибларини мағлубиятга учратгандан кейингина бутун кучларини турк султони Боязидга қарши қаратади. Ҳарбий ҳаракатлардан олдин икки ҳукмдор бир-бирига элчилар юбориб, ўзаро мактублар ёзишгани маълум. Ёзишмаларнинг ташаббускори Амир Темур эди. Бу мактубларда жангга чорлов руҳи ҳукмрон. Боязид босқини туфайли тахтидан ажралган ва Соҳибқирон ҳузуридан бошпана топган кичик осиёлик ҳукмдорлар тинимсиз уни Усмонлилар ҳудудига бостириб киришга даъват этишарди. Уруш бўлиши муқаррар эди.

Усмонлилар билан музокаралардан кейин Амир Темур билан Франция ва Кастилия қироли ҳамда Византия императори ўртасида ҳам бир неча бор мактуб алмашинади. Мазкур мактублардан намуналар «Ўзбек дипломатияси тарихидан» китобида (247-266-бетлар) ҳамда Л.

Кэрэн ва А. Саидовларнинг «Амир Темур ва Франция» (Т., 1996. – Б. 72-82) рисоласида ҳам келтирилади. Улар Амир Темурнинг дипломатик алоқалари ва ташқи сиёсатининг моҳиятини очиб бериши жиҳатидан аҳамиятлидир. Амир Темур билан Боязид ўртасида муҳораба тарихини ўрганишда мазкур мактублар ҳамда Шарқ католок черкови архиепископи Иоаннинг хотиралари, шунингдек, Клавихонинг саёҳат кундаликлари қимматбаҳо манба ҳисобланади. Европалик саводхон бу икки киши Амир Темур билан Боязид жангининг чинакам шоҳидлари эдилар. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Амир Темурнинг Ғарбий Европа ҳукмдорлари билан расмий ёзишмалари ва Иоаннинг хотиралари яқин кунларгача кенг тарихчилар оммаси учун номаълум эди. Уларни таниқли олим, шарқшунос профессор И.И.Умняков тадқиқ этиб, эълон қилди. Архиепископ Иоаннинг хотиралари яқинда ўзбек тилида ҳам чоп этилди.

Сивасда Амир Темур ҳузурига Боязиддан яна элчилар келади. Султоннинг жавоб мактуби Соҳибқиронни ниҳоятда ғазаблантиради, чунки Боязид такаббурлик билан Амир Темурни ўз ҳузурига шахсан келишини талаб этган ва агар султоннинг бу амри бажарилмаса, хотинлари уч талоқ бўлсин деб катта кетган эди. Амир Темур ғазабини ичига ютади. Боязидга йўллаган жавоб мактубида эса, у ўғилларидан бирини ҳузурига юборишини ва Арзинжондан турк қўшинларини олиб кетишни талаб қилади. Аммо энди урушни тўхтатиб бўлмасди. Соҳибқирон элчиларни омонлик билан жўнатиб, Сивасдан жанубга – Қайсарига, у ердан эса шимолий ғарбдаги Қиршаҳарга ва ниҳоят Анқарага қараб юриш бошлайди.

Икки машҳур саркарда қўшинларининг улкан тўқнашуви Анқара яқинидаги Чибукобод текислигида ҳижрий 804 йил 19 зулхижжада (милодий 1402 йил 20 июл) рўй беради.

Турк олими Эрол Гунгур асарида бу жанг тафсилотлари бир қадар аниқ келтирилган. Унинг ёзишича, Чубук водийсида икки тараф саф тортади. Йилдиримнинг ёнида вазири аъзам Али пошо, ўғиллари Мустафо, Иса ва Мусо марказда туради. Ўрду (қўшин)нинг ўнг қанотига Анатолия бегларбеги Темиртош пошо, чап (сўл) қанотини эса катта ўғли амир Сулаймон бошқаради. Йигирма минг сараланган серб аскарлари заҳирага қўйилади.

Бу жанг Амир Темурнинг порлоқ ғалабаси ва ўша замонда Ғарбий Европани зир титратиб турган такаббур турк султонини тахтдан тушириш билан якунланади. Боязид қўшини батамом мағлуб бўлишдан ташқари султоннинг ўзи асир олиниб, буюк ҳукмдор ҳузурига келтирила

Амир Темур билан Боязид тўқнашувига юқорида кўрсатилганидан

ташқари яна бошқа муҳим сабаблар ҳам бор эди. Бу Византия, Италия, Франция, Англия ва бошқа Ғарбий Европа давлатлари бошлиқларининг Боязидга қарши курашда ёрдам сўраб Амир Темурга мурожаат қилишидир. Шу йилларда Боязиднинг Европадаги музаффар юришларини тўхтатиш Ғарбий Европа давлатлари учун ҳаёт ва мамот масаласига айланганди. Амир Темур биринчи даражали қуруқлик қўшинларига эга бўлиб, стратегия ва тактика жиҳатидан бой ҳарбий тажриба орттирганди. Туркияда эса яхши қуруқлик армиясидан ташқари, ҳарбий-денгиз кучлари ҳам мавжуд эди. Шунинг учун ҳам Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ "Қироллар, ҳукмдорлар, фаранг ва христиан жамоалари бошлиқлари"га мурожаат қилганди. Шу даврда биринчи даражали денгиз давлатлари бўлган Генуя ва Венецияга совғалар ва мактублар билан элчилар жўнатилганди. Константинополь ва Трабзонга ҳам денгиздан туриб мадад беришни сўраб даъватномалар юборилганди. Амир Темурнинг Иоанн Палеологга ёзган мактубидан биламизки, Трабзон (у бу мамлакат императори Мануилдан барча ҳудудлари ва ҳарбий денгиз кучларини ўз ихтиёрига беришини талаб қилган эди) ва Константинополь Туркия қирғоқларига ҳужум қилиш учун йигирматадан кема юбориши зарур эди. Буни тасдиқлайдиган далиллар Клавихо асарида мавжуд. У Константинополь императори ва Перилик генуэзлар Амир Темурга хизмат қилиб, одамлар ва кемалар билан ёрдам бериш мажбуриятини олгани ҳақида ёзади. Шу ўринда генуэзлар табиатини кўрсатувчи бошқа муҳим далил мавжуд. Византиянинг мағлубиятини эллик йил орқага суриб юборган Анқара жангидан кейин генуэзлар маълум мукофот эвазига мағлуб туркларни Осиёдан Европага ўз флотларида ўтказиб қўйишга рози бўлганлар. Ҳатто айрим кемачилар кўпроқ пул ишлаб қолиш умидида қочоқларни қирғоқ яқинида денгизга ағдариб, орқага қайтгани ҳақида маълумотлар бор.

Айнан 1402 йилги Анқара жанги арафасида Амир Темур билан Ғарбий Европа давлатлари орасида элчиларнинг бориб-келиши кучайган эди. Соҳибқироннинг фаранг қироли Карл VI ва инглиз қироли Генрих IV билан кейинги ёзишмаларида Шарқ билан Ғарб орасида савдо сотиқ ва элчилик алоқаларини ўрнатиш таклифи илгари сурилгани муҳим аҳамиятга эга.

Амир Темур фаранг қироли Карл VI га форс тилида йўллаган мактубида (ҳижрий 805 йил муҳаррам ойининг 1 куни (милодий 1402 йил 1 август): "Ўз савдогарларингизни бу (бизнинг) мамлакатимиз томонларга юборсангиз маъқул бўларди. Биз уларга етарлича ҳурмат ва эътибор кўрсатамиз. Шунингдек, бизнинг савдогарларимиз (сизнинг) ўлкаларингизга йўлланмоғи ва уларга ҳам шундай ҳурмат-эътибор

кўрсатилмоғи (лозим). Уларга ҳеч ким зўравонлик кўрсатмайди ва ортиқча талаблар қўймайди. Зеро, жаҳон савдогарлар туфайли ободдир” – деб таъкидлайди. Шуниси ажабланарлики, Соҳибқирон ва Карл VI нинг бирдек душмани бўлган Боязид устидан қозонилган ғалаба ҳақида мактубда бирон оғиз сўз йўқ. И.И.Умняков буни мактуб Анқара жангидан олдин ёзилган, аммо бу ҳодисадан кейин сана қўйилиб, жўнатилган бўлса керак, деб изоҳлайди.

Амир Темур лотин тилида Карл VI га ёзган бошқа бир мактубида ўз ғалабаси ҳақида хабар беради. Ҳар икки мактубга ҳам бир хил сана – 1402 йилнинг 1 августи қўйилган. Мазкур мактубда, жумладан, Боязид шариат ва имон бўйича “мен билан бирга бўлиши керак эди, аммо у мен ва дўстларимга берган аҳдига риоя қилмади, шунинг учун тилга олинган монахларнинг даъвати ва сизларга тобе фуқароларнинг ваъдаларидан мадад олиб, бизнинг ва сизнинг душманимизга қарши курашмоқ учун Туркия ҳудудига кирдик, худо ёр бўлиб, қисқа фурсат ичида Боязид билан ҳам, унинг юрти билан ҳам ҳисоб-китоб қилдик” – деб таъкидлайди. Мана шу мактубида Амир Темур ўзаро савдогарлар юбориб туриш лозимлигини, савдо алоқалари ҳар икки томонга ҳам катта фойда етказишини қайд этади. Кўрамизки. Соҳибқироннинг турк султони устидан қозонган порлоқ ғалабаси Яқин Шарқ билан Ғарбий Европа ўртасида бевосита дипломатик алоқалар ва савдо сотиқ муносабатлари ўрнатилишига ҳам катта йўл очиб берди.

Амир Темурнинг Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудларига қилган кўп йиллик юришлари минтақа тарихида муҳим ҳарбий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Энг аввало, пухта ишланган ҳарбий-стратегик режа тўла амалга оширилди ва бу ҳудудлардаги майда тарқоқ феодал ҳукмдорлар кучли марказлашган давлатга бирлаштирилди. Натижада ўзаро низолар ва беҳуда қон тўкишларга барҳам берилди. Бу ҳудудлардаги аҳолининг хавфсизлиги ва нисбий осойишталиги таъминланди. Айниқса, Хуросон, Эрон, Озарбайжон, Ироқ, Шом (Сурия), Кичик Осиёда кўпдан бери давом этиб келаётган қонли тўқнашувлар ва таловчиликлар тугатилди. Шу ерда яна бир муҳим нуқтага аҳамият бериш зарур. Амир Темур ҳақида ёзилган кўп тадқиқотларда, жумладан, совет тархичилигида Соҳибқироннинг юришлари босқинчилик, зўравонлик ва таловчилик тарзида баҳоланди. (Бу хусусда ишимиз давомида бир қадар тўхталдик). Воқеалар жараёнига холислик билан назар солсак, Амир Темур ўз фаолиятида истило қилинган юртларни ўз мамлакати тасарруфига киритишга интилмаганини кўрамиз (Хуросон ва Эрон бундан мустасно). Масалан, Олтин Ўрдага ёки Мўғулистонга қилинган бир қанча юришларда Тўхтамиш ва Қамариддин каби кучли рақиблар тўла мағлубиятга учраганига қарамай, бу давлатлар Мовароуннаҳр

ҳудудларига қўшиб олингани йўқ. Соҳибқирон у ерларга ўзига садоқатли ҳукмдорлар қўйиш билан чекланди. Шу йўл билан ўзининг янги давлатига Шимол ва Шарқдан келадиган хавф-хатар йўлини тўсди. Кейинчалик забт этилган Шом ҳудудлари, Усмонли империясига муносабатда ҳам шундай ҳолатни кўрамиз. Соҳибқирон ўзига тобелик изҳор қилган Мамлук султонининг вориси султон Фаражнинг ерларини даҳлсиз қолдирди. Оғир жангда мағлуб бўлган Йилдирим Боязидга шоҳона илтифотлар кўрсатилгани ва Соҳибқирон Самарқандга қайтаётганида Усмонли тахтини Боязиднинг ўғли Маҳмуд Чалабийга топширгани ҳам юқоридаги фикримизни исботлайди. Буларнинг ҳаммаси, Амир Темур ҳар бир мамлакатнинг тинчлиги, осойишталигини таъминлаш, фуқароларга зиён-заҳмат етказмаслик шиорига, яъни адолат устуворлигига қатъий амал қилганини кўрсатади.

Соҳибқирон Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари сари отланар экан, ислом аҳкомларини мустаҳкамлашга ва муқаддас Ҳаж сафарига чиқувчиларнинг хавфсизлигини, савдо йўллари, карвонларнинг бехатар бориб-келишларини таъминлашни, йўллардаги қароқчиликни тўхтатишни ҳам мақсад қилиб олганини юқорида кўриб ўтдик. Кўп йиллик саъйи-ҳаракатлардан сўнг бу эзгу ният ҳам тўла амалга оширилди. Қора Юсуф туркман каби таловчилик, йўлтўсарликни касб қилиб олган ҳукмдорларнинг фаолиятига чек қўйилди. Амир Темур фаранг қироли Карл VI га ёзган мактубида, аввалроқ Султон Барқуққа ҳамда Фаражга ёзилган мактубларида ҳам мамлакатлар орасидаги дўстона муносабатлар ва савдо-сотиқ алоқаларини кучайтириш лозимлигига қайта-қайта урғу берган эди. Бу ният ҳам зафарли юришлар сўнгида ҳаётга татбиқ этилди. Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган қадимий савдо-карвон йўллари, айниқса, Буюк Ипак йўли қайта тикланди. Соҳибқирон, албатта, савдо-карвон йўллари Мовароуннаҳр ҳудудидан, пойтахт Самарқанддан ўтишидан манфаатдор эди. Мамлакатнинг иқтисодий қудратини юксалтирадиган ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган бу муҳим тадбир ҳам аввалдан режалаштирилганига шубҳа йўқ. Мазкур доно тадбир туфайли Самарқанд “Ер юзининг сайқали” сифатида жаҳонда шуҳрат топди.

Амир Темурнинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги сиёсати катта халқаро аҳамият касб этади. Соҳибқирон Олтин Ўрда ва Усмонли туркларнинг улуғ давлатчилик сиёсатига зарба бериш орқали Европа, Осиё ва Африка халқларини улкан қирғинлар ва асоратдан сақлаб қолди. Тарқоқ рус князлари ҳамда Кавказ халқларининг мўғул асоратидан қутулиши, Европаликлар ва Мисрликларнинг усмонлилар тажовузидан омон қолиши Амир Темурнинг жуда катта халқаро хизматидир.

Мазкур далиллар совет тарихчилари ва Соҳибқироннинг рақиблари Амир Темур фаолиятига ғаразгўйлик билан бир ёқлама

ёндашганларини, маълум сиёсий манфаатларни кўзлаб, тарихни сохталаштирганини кўрсатади. Кейинги янги тадқиқотлар ва мустақиллик шарофати туфайли туғилган тарихни ҳаққоний баҳолаш тамойиллари Амир Темурнинг сиёсий-ижтимоий-иқтисодий қарашларини тубдан қайта ўрганиш лозимлигини тақозо этади.

Тарихни тўғри ёритмасдан, тарихий шахсларнинг хизматларини ҳаққоний баҳоламасдан туриб, келажакнинг чинакам мақсадларини тўла англаб бўлмайди. Зеро, Ўзбекистон президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “тарихий ўтмишсиз келажак йўқ”. Шу маънода мамлакатимизни бир неча аср ҳукм сурган мўғул асоратидан халос қилиб, мустақил мамлакат қурган ва уни жаҳоннинг кучли, етакчи давлатларидан бирига айлантира олган Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёш авлод маънавиятини, миллий ғурурини юксалтиришда, уларни Ватанга чексиз муҳаббат руҳида тарбиялашда ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

ШАМСИЕВА И.М.
к.и.н., доцент

ИСКУССТВЕННЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ – НОВАЯ НЕФТЬ: ОПЫТ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ ОАЭ

Цифровые технологии прочно вошли в нашу жизнь, затронув политические, экономические, социальные, медицинские и образовательные и ряд других аспектов.

Цифровая трансформация в Объединенных Арабских Эмиратах является результатом исторического накопления вех и достижений, которые были достигнуты совместными усилиями государственных органов и их партнеров в частном секторе. Путь цифровой трансформации начался в 1982 году с создания Управления общественной информации с целью внедрения компьютеров в работу правительства и автоматизации государственных процессов. (рисунок. 1-2)

Рисунок 1. Ключевые вехи на пути цифровой трансформации ОАЭ:

Рисунок 2. Ключевые вехи на пути цифровой трансформации ОАЭ:



Общество Эмиратов характеризуется ультраколоритностью, так как здесь проживают люди разных национальностей и культур. Они общаются и совершают свои транзакции по многим доступным цифровым каналам. Следующие показатели показывают степень влияния Интернета и цифровых технологий на образ жизни людей в ОАЭ.

Стратегия ОАЭ в отношении четвертой промышленной революции была запущена с целью сделать страну глобальной лабораторией, которая открывает свои двери для тестирования и применения технологий четвертой промышленной революции.

Стратегия сосредоточена на нескольких областях, в том числе:

• *Система образования, основанная на передовых технологиях и науках, таких как биоинженерия, нанотехнологии и искусственный интеллект.*

• *Роботизированное здравоохранение и нанотехнологии.*

• *Внедрение цифровой экономики и технологии цифровых транзакций.*[109]

После четвертой промышленной революции правительства Ближнего Востока начинают осознавать глобальный сдвиг в сторону ИИ и передовых технологий. Перед ними стоит выбор: стать частью технологического прорыва или остаться позади. По оценкам экспертов, в 2030 году на Ближний Восток будет приходиться 2% всех глобальных выгод от ИИ. Это эквивалентно 320 миллиардам долларов США. Страна Эмиратов занимает первое место в арабском мире, когда речь идет о внедрении ИИ во все аспекты жизни[110].

[109] Digital Transformation in the United Arab Emirates 2020 .

[110] https://www.pwc.com/m1/en/publications/potential-impact-artificial-intelligence-middle-east.html

В последние несколько лет правительство Эмиратов было сосредоточено на внедрении технологий искусственного интеллекта в стране. Страна лидирует в области искусственного интеллекта (ИИ), который должен сыграть центральную роль в национальном проекте Centennial 2071[111].

В своей стратегии в области искусственного интеллекта ОАЭ ставят перед собой четкую цель: к 2031 году стать одним из мировых лидеров в области искусственного интеллекта. Реализация этой концепции на местах требует твердой приверженности делу и четких шагов, определяющих путь к успеху. Следует особо отметить, что Стратегия ИИ совпадает со столетием ОАЭ в 2071 году, чтобы сделать ОАЭ лучшей страной в мире к 2071 году.

Искусственный интеллект — это новая нефть, и правительства или страны, которые получат лучшие наборы данных, несомненно, разработают лучший ИИ, заявил главный технический директор Объединенного центра искусственного интеллекта[112].

Шейх Мохаммад бин Рашид Аль Мактум, вице-президент и премьер-министр ОАЭ, назвал ИИ «новой волной, на которую будут опираться все наши услуги, сектора и будущая инфраструктура».

У страны серьезные планы по развитию бизнеса в области искусственного интеллекта: стратегия ОАЭ на рынке ИИ до 2031 года предполагает, что за десятилетие страна станет мировым лидером в этой сфере, страна для себя формулирует это так: “ИИ — это новая нефть”. Цель амбициозная, но считать её нереальной не стоит, учитывая масштабы трансформации, которые Эмираты продемонстрировали за последние 40 лет. Руководит амбициозным планом премьер-министр ОЭА, эмир эмирата Дубаи шейх Мохаммед аль-Мактум, обеспечивший расцвет эмирата, начиная с 1990-х годов. Именно под его патронажем Дубаи сейчас превращаются в инвестиционный хаб, где собираются множество компаний и инновационных центров больших корпораций.

Вице-президент ОАЭ, премьер-министр и правитель Дубая Его Высочество шейх Мохаммед бин Рашид Аль Мактум запустил первую в ОАЭ стратегию искусственного интеллекта (ИИ), отметив новый уровень инноваций, основанный на умном правительстве. Эта стратегия является первой в своем роде в регионе и в мире и предполагает инвестиции в новейшие технологии и инструменты искусственного интеллекта для повышения эффективности и эффективности работы

---

111 https://u.ae/en/about-the-uae/strategies-initiatives-and-awards/federal-governments-strategies-and-plans/uae-centennial-2071

112 Defense Official Calls Artificial Intelligence the New Oil. https://www.defense.gov/News/News-Stories/Article/Article/2386956/defense-official-calls-artificial-intelligence-the-new-oil/

правительства.

В своей стратегии в области искусственного интеллекта ОАЭ устанавливают четкое видение, чтобы стать мировым лидером в области искусственного интеллекта к 2031 году. Реализация этого видения на местах требует неукоснительной самоотверженности.

Совет ОАЭ по ИИ и блокчейну будет следить за реализацией Стратегии ИИ во всех эмиратах, но, в конечном счете, реализация будет осуществляться с участием многих заинтересованных сторон и при сотрудничестве различных местных и федеральных органов в ОАЭ.

Есть восемь стратегических целей изложеных в Стратегии ИИ, а именно:

1. Заработать репутацию ИИ направления;
2. Увеличение конкурентоспособных активов ОАЭ в приоритетных секторах за счет развертывания ИИ;
3. Разработка плодородной экосистемы для ИИ;
4. Внедрение искусственного интеллекта в клиентских службах для улучшения жизни и управления;
5. Привлечение и обучение талантов для будущей работы;
6. Использование ведущих мировых исследовательских возможностей для работы с целевыми отраслями;
7. Предоставление данных и поддержку вспомогательной инфраструктуры необходимые для того чтобы стать испытательным полигоном для ИИ;
8. Обеспечение надежного управления и эффективного регулирования[113].

Цель 1. Заработать репутацию ИИ направления

Чтобы стать мировым лидером в области искусственного интеллекта, ОАЭ должны конкурировать с направлениями по всему миру, которые также пытаются привлечь дефицитные таланты в области искусственного интеллекта и увеличить инвестиции в искусственный интеллект. Бостон, Лондон, Пекин, Шэньчжэнь, Торонто и многие другие города борются за то, чтобы стать «новой Силиконовой долиной» для ИИ. Для достижения этой цели потребуется бренд, построенный на том, что отличает ОАЭ: на их устоявшейся репутации смелого новатора.

Цель 2. Увеличение конкурентоспособных активов ОАЭ в приоритетных секторах за счет развертывания ИИ;

ИИ может принести до 335 миллиардов дирхамов ОАЭ в экономику ОАЭ, способствуя этому за счет поддержки отраслевых пилотных проектов в секторах, где такого рода вмешательство создаст

[113] UAE National Strategy for AI 2031., UAE., 2017. p. 20- 42

наибольшую экономическую или социальную ценность. Эта цель детализирует наши первоначальные приоритетные отрасли. Эти усилия дополняются поддержкой государственных услуг в рамках Цели 4 . В среднесрочной и долгосрочной перспективе эти приоритетные отрасли могут измениться.

Цель 3. Разработка плодородной экосистемы для ИИ.

Для развития отечественной экосистемы ИИ потребуется сочетание финансирования, знаний и стратегической поддержки. Это начинается с лучшего доступа к локальной инфраструктуре данных и финансирования проектов, которые максимально используют это, что откроет возможности для создания новых компаний. Как только эти элементы будут созданы, должны появиться стимулы для разработки ведущих мировых продуктов и услуг в ОАЭ.

Цель 4. Внедрение искусственного интеллекта в клиентских службах для улучшения жизни и управления

Правительство может сыграть важную роль в обеспечении того, чтобы ИИ приносил наибольшую общественную пользу, делая жизнь граждан более безопасной, их здоровыми и счастливыми. ОАЭ также сталкиваются с серьезными социальными и экономическими проблемами как, высокий уровень ожирения и сердечных заболеваний, высокий уровень дорожно-транспортных происшествий, плохое качество воздуха и не высокие результаты в области образования. Использование ИИ для лучшего реагирования на эти вызовы имеет огромные потенциальные преимущества. Правительство играет роль в усилении этого процесса – обеспечении внимания, ресурсов и стремления к решению этих проблем.

Цель 5. Привлечение и обучение талантов для будущей работы;

В ОАЭ около 43% существующих рабочих операций могут быть автоматизированы в ключевых секторах, таких как администрация, правительство, производство и строительство. Поскольку около 70% эмиратцев работают в государственном секторе, переподготовка государственных служащих имеет особенно важное значение. Было подсчитано, что автоматизация может затронуть почти 300 000 рабочих мест в ОАЭ в административном, вспомогательном и государственном секторах, причем около 125 000 из этих рабочих мест заняты гражданами ОАЭ 13. Это окажет серьезное влияние на рабочую силу в государственном секторе и требует тщательного управления: опрос рабочих из Эмиратов в 2016 году показал, что идеальной будущей ролью для 54% была должность в администрации, то есть роль, которая может не существовать в будущем.

Цель 6. Использование ведущих мировых исследовательских

возможностей для работы с целевыми отраслями;

Инвестиции в возможности исследований и разработок в области искусственного интеллекта — необходимый первый шаг. США, Франция, Великобритания и Китай приняли стратегические национальные планы по увеличению доли ИИ в своих инвестициях в исследования и разработки. ОАЭ занимают 35 -е место в мире по общему объему инвестиций в НИОКР. В учреждениях ОАЭ есть исследователи, разрабатывающие или модифицирующие алгоритмические или автоматизированные технологии. Чтобы обеспечить целенаправленный импульс исследованиям и разработкам в области ИИ, основное внимание будет уделяться поддержке и расширению исследований этого сообщества

Цель 7. Предоставление данных и поддержку вспомогательной инфраструктуры необходимые для того чтобы стать испытательным полигоном для ИИ;

Инвестиции в возможности исследований и разработок в области искусственного интеллекта — необходимый первый шаг. США, Франция, Великобритания и Китай приняли стратегические национальные планы по увеличению доли ИИ в своих инвестициях в исследования и разработки. ОАЭ занимают 35 -е место в мире по общему объему инвестиций в НИОКР области ИИ, основное внимание будет уделяться поддержке и расширению исследований этого сообщества

Цель 8. Обеспечение надежного управления и эффективного регулирования.

По мере того, как правительства и ведущие мыслители ИИ во всем мире борются с этой проблемой, у ОАЭ есть возможность учиться у лучших и сотрудничать с другими для обеспечения эффективного управления и регулирования ИИ как внутри страны, так и на международном уровне. ОАЭ стремятся взять на себя ведущую роль в развитии ответственного ИИ и продвижении регулирования ИИ. Например, ОАЭ могут внести важный вклад в эту глобальную дискуссию, связав абстрактные дискуссии с пилотными проектами, проводимыми правительством или в партнерстве с ним. Стратегия ИИ внесет значительный вклад в образование, экономику, развитие правительства и счастья сообщества за счет внедрения различных технологий ИИ в разных секторах, включая энергетику, туризм и образование, и это лишь некоторые из них.

ОАЭ имеют прочную основу, состоящую из сплоченного и диверсифицированного многонационального сообщества, которое быстро адаптируется к новым и появляющимся технологиям. Таким

образом, он действует как магнит, который притягивает лучшие таланты со всего мира для проведения своих экспериментов с решениями ИИ в ОАЭ и открывает двери для практического внедрения в различных секторах.

QODIROV Z.M.
katta o‘qituvchi

NIZOMIYA MADRASALARINING TASHKIL TOPISH SABABLARI

Ta’lim tushunchasi ko‘p jihatdan ta’riflangan. Ulardan biri, mavzu nuqtai nazaridan, “ta’lim - madaniy bir infratuzilmadir. Shu sababdan ham ta’limni “qasddan madaniylashtirish jarayoni”, “madaniyatni yangi avlodlarga o‘tkazish jarayoni” deb ta’riflaydiganlar ham bor.”[114] Ta’lim va tarbiya faoliyati siyosiy, ijtimoiy, iqtisodiy ta’sirlar va o‘zaro ta’sirlar doirasida rivojlanadi. Shunday ekan, Nizomiya madrasalarining tashkil topish sabablarini bu jarayondan uzoq tutishning ilojisi yo‘qdir.

Nizomiya madrasalari musulmon dunyosidagi birinchi oliy ta’lim muassasalaridan bo‘lib, o‘quv jarayonini juda yaxshi tashkil etgan. Bu madrasalar ta’lim sifati bo‘yicha barcha madrasalarni ortda qoldirib, islom olamidan tashqarida ham mashhur edi. Ular Saljuqiylar saltanatining hukmron doiralari va elitasidan moliyaviy, siyosiy va ma’naviy yordam oldilar. Ayrim olimlarning fikricha, Nizomiya madrasalarining yaratilishiga ismoiliylarning mintaqada kuchayib borayotgan ta’sirini to‘xtatishga urinish sabab bo‘lgan. Darhaqiqat, Nizomulmulk o‘zining mashhur “Siyosatnoma” kitobining katta qismini ismoiliylar ta’limotini rad etishga bag'ishlagan[115].

Nizomiya madrasalari deyarli har bir yirik shaharda, jumladan Bag‘dod, Nishopur, Balx, Hirot va Isfahonda qurilgan. Nizomiya madrasasi hatto Dog‘istonning Saxur qishlog‘ida ham qurilgan[116]. Bu madrasalarga islom olamining eng yirik olimlari dars berishga taklif qilingan bo‘lib, ular orasida al-G‘azzoliy, al-Juvayniy, Abu Is’hoq ash-Sheroziy va boshqa ko‘plab taniqli olimlar bor edi. Madrasada yirik kutubxonalar tashkil etilgan. Talabalar bepul ovqat va turar joy bilan ta’minlangan. Ko‘pgina taniqli islom ilohiyotshunoslari ushbu madrasalarni bitirganlar[117].

Nizomiya madrasalarining tashkil topish sabablari haqida turli fikr va mulohazalar bildirilgan. Masalan, Ahmet Chalabiy Nizomiya madrasalarining tashkil topish sabablarini quyidagicha izohlaydi: - “1055-yilda Iroqning Saljuqiylar tomonidan bosib olinishi va Bag‘dodga kirishi Ahli sunnaning shialar ustidan qozongan g‘alabasining boshlanishi

---

[114] Sönmez Veysel, Eğitim Felsefesi, Anı Yayınları, - Ankara, 2005. s.56

революций: клан алавитов, казалось, достаточно прочно держал бразды правления в своих руках. В марте 2011 г. в стране начались первые протестные выступления. Вначале они были довольно мирными, но буквально через месяц после вовлечения в процесс исламистских группировок возникло жесткое противостояние, переросшее в гражданскую войну. В таких условиях Турция нача-ла все более склоняться к тому, чтобы сменить в соседней стране дружественный, но неподконтрольный ей режим Б. Асада.

Недолго думая турецкое руководство приняло сторону противников режима Б. Асада. Отдельные эксперты считают, что сирийско-турецкое вооруженное противостояние началось с первых дней начала беспорядков в Сирии, а Р. Эрдоган приветствовал революцию, призывая сначала самого Асада уйти добровольно, а потом оппозицию свергнуть его, хотя еще совсем недавно называл его близким другом. В сентябре 2011 г. во время встречи с президентом США Б. Обамой в Вашингтоне Р. Эрдоган объявил о присоединении Турции к американским санкциям против Сирии, поскольку Дамаск, по его выражению, запустил кампанию «гнусной» антитурецкой пропаганды.

Почему же Турция так резко изменила свое дружеское и «братское» отношение к Сирии?

Несмотря на сильное давление на Б. Асада, его режим устоял в основном благодаря поддержке Ирана и России, а Сирия восстановила контроль над частями ранее утраченной территории. Конфликт продолжался, провоцируя собой ряд серьезных рисков для Турции.

В результате войны с террористическими организациями усиливались позиции сирийских курдов. Ключевую роль в национальном движении сирийских курдов играл Демократический союз Курдистана, который по многим данным был очень тесно связан с Рабочей партией Курдистана[167].

Фактически курдские военные силы на территории Сирии и Ирака на протяжении послед них лет оставались наиболее эффективным противником в борьбе с региональным терроризмом. На севере Сирии против ДАИШ (ИГИЛ, ИГ, «Исламское государство»)[168] боролись курдские ополчения Отряд народной защиты — YPG и Отряды по защите женщин — YPJ, которые по разным данным тесно связаны с РПК и получают поддержку от нее.

---

[167] Геворгян А.Г. Курдский вопрос в турецко-сирийских отношениях в контексте сирийского кризиса // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Международные отношения. 2019. Т. 19. № 4. С. 615—624. DOI: 10.22363/2313-0660-2019-19-4-615-624

[168] Сулейманов А.В. Турецко-сирийские отношения: вчера и сегодня // Азия и Африка сегодня. 2015. № 12 (701). С. 32—38. https://asaf-today.ru/s0321-50750000616-3-1-ru-293/

В январе 2014 г. курды Сирии объявили о создании на севере Сирии курдской автономии под названием Рожава (курд. «запад», то есть Западный Курдистан). Провозглашенная автономия включала в себя три кантона — Джазира, Кобани и Африн, которые не связаны между собой. Под влиянием этих событий позиция Турции подверглась изменениям.

Турция, 12 млн населения которой составляют этнические курды, увидела в этом угрозу возможного объединения сил турецких и сирийских курдов, а также создания независимого курдского государства. Впоследствии Анкара ужесточила риторику в отношении «Демократического союза», причислив его к террористическим организациям. В свою очередь, курды обвинили Анкару в поддержке террористов[169]. Эти события стали определяющими в политике Турции по курдскому вопросу. Турция перешла к новой, более жесткой политике по отношению к сирийским курдам, так как замечала усиление позиций курдов на своей границе.

Подводя итоги, мы видим, что турецко-сирийские отношения всегда носили сложный и порой «взрывоопасный» характер. В силу своего географического соседства эти государства всегда находились в тесном контакте друг с другом, и контакт этот по большей своей части носил совсем не мирный характер. В XX – начале XXI вв., когда политическая карта мира в результате двух мировых войн кардинально изменилась и как следствие этого зародились новые очаги конфликтов, Турция и Сирия не стали исключением. В их взаимоотношениях вспомнились старые и родились новые проблемы. Основные из них территориальная проблема (вопрос Александреттского санджака), проблема распределения вод Тигра и Евфрата и курдский вопрос.

Из вышесказанного мы видим, что ни по одному из этих вопросов до сих пор не достигнуто каких-либо договоренностей или компромиссов.

Вопрос Александреттского санджака остается актуальным и в наши дни, так как Сирия де-юре не признала санджак за Турцией. Вплоть до середины 60-х годов, а особенно в тот период, когда Сирия ещё входила в состав ОАР, она регулярно требовала компенсации от Франции за изъятие этого региона в пользу Турции, но безрезультатно. Даже на последних сирийских картах территория Александретты (с 1940 года это провинция Хатай) окрашена одним цветом с остальной

[169] Геворгян А.Г. Курдский вопрос в турецко-сирийских отношениях в контексте сирийского кризиса. https://www.researchgate.net/publication/339370874_The_Kurdish_Issue_in_Turkish-Syrian_Relations_in_the_Context_of_the_Syrian_Crisis/fulltext/5e4dfd0d92851c7f7f48b646/The-Kurdish-Issue-in-Turkish-Syrian-Relations-in-the-Context-of-the-Syrian-Crisis.pdf

территорией САР, а нынешняя сирийско-турецкая граница здесь обозначена как временная[170].

Что касается проблемы распределения вод Тигра и Евфрата, то в марте 2008 г. во время визита в Анкару президента Ирака Джалала Талабани было решено создать Совместный водный институт. Согласие Сирии на участие в проекте было получено еще зимой. Костяк института составят 18 экспертов по водопользованию из трех стран бассейна. Штаб-квартирой новой организации выбрана крупнейшая в Турции плотина имени Ататюрка (на юго-востоке страны). Турция брала на себя и полное финансирование работ. Перед экспертами были поставлены три основные задачи: исследования и обмен информацией в сфере ирригационных технологий и технологий по производству питьевой воды; картографирование водных ресурсов Ближнего Востока; подготовка и публикация предварительного доклада по рациональному водопользованию в каждой из трех стран-участниц. В качестве главной задачи Института предложена разработка проекта окончательного решения проблемы водопользования в бассейне рек Тигр и Евфрат. Однако события 2011 года внесли свои коррективы и вопрос остается не решенным.

В отношении курдского вопроса, мы видим, что данная проблема для Турции является не только внутриполитической, но и внешнеполитической проблемой. Турции важно не допускать возможности курдской автономии на территории Сирии или Ирака, где Иракский Курдистан де-факто независим. Усиление политических и военных движений сирийских курдов рассматривается Турцией как угроза национальной безопасности страны, а военные движения считаются террористическими.

И если первые две проблемы возможно удастся решить, то третья скорее всего так и останется «камнем преткновения» во взаимоотношениях двух государств.

[170] Межгосударственные отношения Турции и Сирии. https://ria.ru/20200228/1565347056.html 28.02.2020

SULAYMONOV J.B
katta o‘qituvchi

ABU ZAYD ABDURAHMON IBN XALDUNNING MA’NAVIY MEROSI HAQIDA BA’ZI MULOHAZALAR

Annotatsiya. *Mazkur maqolada islom tafakkurining yirik vakili Abdurahmon ibn Xaldunning ma’naviy merosi haqidagi mulohazalar muhokama qilingan. Maqolada mutafakkirning “Kitab al-Ibar” va “Muqaddima” nomli asarlari haqida ma’lumotlar yoritilgan. Xaldunning ijtimoiy falsafiy qarashlarida “Muqaddima” asari muhim ahamiyatga ega..*

Kalit so‘zlar: Abu Zayd Abdurahmon ibn Xaldun*, “Kitab al-Ibar”, “Kitab al-Ibar va diyvan al-Mubtada va al-Xabar fi ayyam al-Arab va al-Ajam va al-Barbar”, “Muqaddima”,* Roje Garode*, badaviya, tamaddun, xadaro, “Taassub”.*

Kirish

XIV asrga kelib, rekonkista tufayli Ispaniyadan Shimoliy Afrika shaharlariga ko‘chib kelgan andalus arablari arab-andalus sivilizatsiyasi yutuqlarini bu yerga olib kelishgan. Ibn Xaldun ham o‘sha arablar vakili bo‘lgan. U o‘z umri davomida turli xil siyosiy mansablarda faoliyat yuritgan. Roje Garode so‘zlariga ko‘ra: “Ibn Xaldun bir vaqtning o‘zida ham olim, ham rassom, ham harbiy, ham huquqshunos, ham faylasuf qirralarini o‘zida jalb etgan XIV asr dahosidir”[171].

Ibn Xaldun hayoti haqida ma’lumotlar Ibn al-Xotib, Shamsiddin as-Sahaviyning asarlarida, shuningdek Ibn Xaldun o‘zi tomonidan yozilgan avtobiografiyasida bayon etilgan.

Ibn Xaldun o‘zi ma’lumot berishicha, uning ajdodlari asli yamanlik Hazar Mavt va Vaila ibn Hajara Sohibi degan arabga borib taqaladi, ular Muhammad sallollohu alayhi vassallam davrlarida qur’onni o‘qitish va islomni tarqatish uchun Yamanga yuborilgan ekan.

Ibn Xaldun 1332-1406 yillarda Mag‘rib va Misrda yashagan va faoliyat yuritgan.

Adabiyotlar tahlili va metodlar. Abu Zayd Abdurahmon ibn Xaldunning “Muqaddima” asari metodologik manba sifatida foyladanildi. Mazkur maqolani tahlil qilish jarayonida ilmiy bilishning tarixiylik, mantiqiylik, analiz, sintez va obyektivlik usulidan foydalanildi. Mazkur tadqiqot jarayonida mutafakkirning jamiyat taraqqiyotiga ta’sir qiluvchi

[171] Григорян С. Н. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. М., 1966 г., с. 311

omillar, shu jumladan, geografik determinism oqimi xususiyatlari va jihatlari obyektiv ochib berildi.

Muhokama va natijalar. Abu Zayd Abdurahmon ibn Xaldunning ilmiy merosi "Muqaddima" asaridan iborat. Ibn Xalduning ilmiy merosi uning tarix ilmiga oid yetti jildlik asaridir[172]. Ibn Xalduning ushbu asari boshqa manbalarda uch jildlik deb ko'rsatiladi[173]. Ibn Xalduning o'zi shunday deb yozadi: "Men o'z mehnatimni "Muqaddima" va uch kitobga bo'ldim"[174]. Lekin "Muqaddima" ni ko'rib chiqib, "Muqaddima" va birinchi kitob bir narsa deyish mumkin. Ibn Xaldun asarining to'liq nomi quyidagicha "Kitab al-Ibar va diyvan al-Mubtada va al-Xabar fi ayyam al-Arab va al-Ajam va al-Barbar", ya'ni "Ibratlar yoxud pandlar va arab, ajam, barbarlar xayotidan ma'lumotlar majmu'asi kitobi" dir. Ushbu asarni qisqacha qilib "Kitab al-Ibar", ya'ni "Ibratlar kitobi" deb nomlashadi. Kitob Ibn Xaldun ta'kidlaganidek uch jilddan tashkil topgan[175].

"Muqaddima" qismi esa, birinchi kitobning aynan o'zidir. Balkim "Muqaddima" qismining nomi butun bir asarga kirish qismi bo'lsada, asarga nom bergandir. Ibn Xaldun "Muqaddima" da quyidagilar bayon etilganligini aytadi: "Muqaddima" da tarix fanlarining afzalligi, uni tadqiq etishni to'g'ri yo'llari va muarrixlarning xatolarini bartaraf etish yo'llari bayon etilgan".

Birinchi kitobning maqsadini quyidagicha bayon etadi: "Birinchi kitob-jamiyat xayoti va uning xususiyatlari, shox xokimiyati va boshqaruvi, daromad va yashash vositalari, xunarlar va ilmlar tasnifi, yuqoridagilarni mavjudlik sabablari to'g'risidagi ma'lumotlarni o'zida jamlagan".

Ikkinchi kitobda quyidagilar bayon etilgan: "Ikkinchi kitobda arablar va ularning qabilalari, Dunyo yaratilganligidan buyongi tarixi, shuningdek ularga qo'shni bo'lgan navbatiylar, Suriyaliklar, Forslar, Bani Isroil, Qiptiylar, yunonlar, turklar va rumliklar, ularning davlatlari xaqidagi ma'lumotlar berilgan"[176].

Uchinchi kitob esa barbarlar va ular bilan bog'liq bo'lgan Zenat qabilasi, ularning kelib chiqishi, Mag'ribdagi sulolalar va shox xokimiyatining xususiyatlari xaqidagi ma'lumotlarni o'z ichiga olgan.

Ibn Xalduning o'zi asar xaqida shunday deydi: "Ushbu kitob falsafa uchun xum, tarixiy ilmlar uchun sandiqdir. Bu kitob o'troq va ko'chmanchi holda hauot kechiruvchi arablar va barbarlarning buyuk sulolalari haqidagi

---

[172]Тўғон А. З. Волидийнинг Туркистонга илмий сафари. "Тарихда усул" асаридан А. Зоҳидий таржимаси. Т., 1997 й., 135-бет

[173] Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока: Ибн Халдун «Введения». М., 1965 г.

[174] Ибн Халдун. Ал-Муқаддима. Ал-Қоҳира: Дор ал-китаб Ал-Мисрий ва ал-Лубнаний, 1999 м., 8-бет

[175] Ибн Халдун. Ал-Муқаддима. Ал-Қоҳира: Дор ал-китаб Ал-Мисрий ва ал-Лубнаний, 1999 м., 7-бет

[176] Ўша асар, 8-бет

to‘liq, tugallanmagan tarixni o‘zida jam etgani “Arablar, forslar, barbarlar va ularning xozirgi kundagi hukmron sulolalari tarixining ibtidosi va bayoni majmuasi va ibratlar kitobi” deb nomladim”[177].

Ibn Xaldunning ushbu asarning “Muqaddima” qismi mavzusi bilan qiziqarli bo‘lganligi va ko‘p tadqiq etilganligi uchun butun kitob “Muqaddima” nomini olgan.

Ushbu asarni Ibn Xaldun 45 yoshida Vuxran yaqinidagi Bani Orif qabilasiga qarashli Ibn Salom qal’asida 1375-1378 yillar davomida yozib tugatgan “Muqaddima” ni tugatib, olim arablar va barbarlar tarixini yoza boshlagan.

“Kitab al-Ibar”, ya’ni “Ibratlar kitobi” ning birinchi varianti 1382 yilda tugatilgan ekan. Ushbu asar taxminan 1405 yilga kelib to‘liq tugatilgan. Ushbu asar deyarli xamma arab davlatlarida saqalanadi. Bundan tashqari ba’zi bir asarlar ya’ni “Ibn Xaldun avtobiografiya qo‘lyozmalari” asossiz ravishda “Ibn Xaldunning Sharqqa va g‘arbga qilgan sayoxatlari” nomli ostida nashr etilgan[178]. Olimning boshqa asarlari ma’lum emas. Mutafakkirning ushbu asari asosan tarix ilmiga bag‘ishlangan bo‘lib, shuningdek, o‘zida iqtisodiyot, jamiyatshunoslik, falsafa, siyosatshunoslik ilmlari tasnifiga oid ma’lumotlarni mujassamlashtirgan.

Ibn Xaldun o‘zidan oldin o‘tgan tarixchilarning asarlarini mukammal o‘rganib, o‘zining asari uchun poydevor yaratdi. “Men bu kishilarning kitoblarini diqqat bilan mukammal o‘rgandim. Natijada, bu ishga loyiq bo‘lmasamda, Ushbu asarni yozishga qaror qildim.”

Ibn Xaldun o‘z asarini yozish jarayonini quyidagicha tasvirlaydi: “Men ushbu tarix kitobini yozib, qadimgi ajdodlar hayotini bizlardan to‘sib turgan pardani olib tashladim. Men kitobni boblarga ajratib, ularda xususiy va umumiy ma’lumotlarni jamladim, shuningdek, insonlarning ilk jamoalari kelib chiqishi va sulolalarning tashkil topishi sabablarini ochishga harakat qildim.

Men o‘z kitobimda Mag‘ribning turli xil shaharlarida va hududlarida yashagan ikki xalkning shohlari va sulolalari haqida bayon etganman. Bu ikki xalk: arablar va barbarlar Mag‘rib hududida qadim zamonlardan buyon yashaydilar. Ushbu hududda boshqa hech qanday qabilalar yashamaganlar”[179]. Yuqorida Ibn Xaldun ma’lum ma’noda xatoga yo‘l qo‘ygan. Ya’ni arablarni Mag‘ribning qadimiy tub xalki deb hisoblagan. “Men asarimni tartib bilan yozdim va ziyolilar uchun tushunarli

[177] Ибн Халдун. Ал-Муқаддима. Ал-Қоҳира: Дор ал-китаб Ал-Мисрий ва ал-Лубнаний, 1999 м., 8-бет

[178] Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока: Ибн Халдун «Введения». М., 1965 г., с. 558

[179] Ибн Халдун. Ал-Муқаддима. Ал-Қоҳира: Дор ал-китаб Ал-Мисрий ва ал-Лубнаний, 1999 м., 9-бет

bo‘lishiga harakat qildim. Men kitob yozishning noodatiy, yangi usulini tanladim. Kitobni boblarga ajratishda va tuzilishida o‘ziga xos usulda yondashib ijod qildim. Asarimda ijtimoiy hayot va shahar turmushining turli xil holatlarini, insoniyat jamiyatining muhim qirralarini tushuntirdim. Turli sulolalar asoschilari o‘z faoliyatlarini qay tarzda boshlaganligi, ijtimoiy hodisalar sabablari ushbu kitobda aks ettirilgan. Ushbu asarni o‘qib, ko‘r-ko‘rona taqliddan qutulasan va sendan avvalgi va keyingi avlodlar hayotiga nazar tashlay olasan”[180].

Ibn Xaldunning ushbu asari “Ibratlar yohud pandlar va arab, ajam, barbarlar hayotidan ma’lumotlar majmuasi” kitobi deb nomlanadigan yirik asarning kirish qismidir. Ba’zi bir manbalarda Ibn Xaldunning asari yetti jildlik deb ko‘rsatilsa, ba’zi manbalarda esa uch jildlik deb ko‘rsatilgan. “Kitab al – Ibar”, ya’ni “Ibratlar kitobi” muallifning o‘zi ta’kidlaganidek uch jilddan iborat. “Men o‘z mehnatim mahsulini muqaddima va uch kitobga ajratdim”. Bu xolda esa asar to‘rt qismdan iborat bo‘lib qoladi, lekin bizningcha, muqaddima va birinchi kitob aynan bir qismning o‘zidir. Muallifning o‘zi “Kitab al – Ibar” haqida shunday deydi: “Men mehnatim natijasini muqaddima va uch kitobga ajratdim:

Muqaddima qismida tarix ilmining afzalligi, uni o‘rganishning haqiqiy yo‘llari, tarixchilarning xatolarini qay tarzda bartaraf etish usullari o‘z aksini topgan. Birinchi kitobda ijtimoiy hayot, uning xususiyatlari, shoh hokimiyati va boshqaruvi, daromad, yashash vositalari, hunarlar, fan va ularning zaruriyati sabablari bayon qilingan.

Ikkinchi kitobda arablar, ularning qabilalari, arablarning olam yaralganidan hozirgi kungacha bo‘lgan tarixi bayon etilgan. Shuningdek, arablar bilan qo‘shni yashagan Nabotiylar, suryoniylar, forsiylar, bani Isroil, qiptiylar, yunonlar, turklar va vizantiyaliklar, ularning davlatlari haqida ma’lumotlar berilgan.

Uchinchi kitobda barbarlar va ularga qarindosh bo‘lgan zenatlar, ulaning kelib chiqishi, Mag‘ribdagi davlat boshqaruvi, sulolalarining asosiy xususiyatlari bayon etilgan”.

“Kitab al – Ibar” ning muqaddimasi va birinchi qismida Ibn Xaldunning ijtimoiy – siyosiy fikrlari, jamiyat va siyosiy boshqaruv, iqtisodiyot haqidagi fikrlari bayon etilgan bo‘lib, “Muqaddima” nomi bilan mashhurdir[181]. “Men mashhur kishilar bilan tanishish uchun Sharqqa otlandim va Ka’bani ziyorat qildim, Haj amalini bajardim. Shuningdek, Sharq kitoblari va devonlarini o‘rganib men uchun noma’lum bo‘lgan Eron shohlari, turk sulolalarining tarixini o‘zlashtirdim. Bu ma’lumotlarni arablar va barbarlar hayotidan hikoya qiluvchi kitobga kiritdim. Albatta, Bu

[180] www.ugr.es/~mazimane/ibnkhaldoun.htm
[181] www.ugr.es/~mazimane/ibnkhaldoun.htm

ma’lumotlarni qisqartirib, tanlab keyin kiritdim”[182].

Ibn Xaldun tarixiy va ijtimoiy hodisalarni bayon etar ekan deduktiv usuldan foydalandi. “Men ma’lumotlarni umumiy sabablardan xususiy sabablarga ko‘chgan holda bayon etdim. Shuning uchun kitobim jahonda sodir bo‘lgan hamma hodisalarni o‘zida qamrab olgan. Tasodif holatlarni chiqarib tashladim. Shuningdek, sulolalar hayotidagi turli hodisalarning sabablarining tushuntirdim. Bu kitob falsafa va tarix ilmlari saqlanadigan idishga o‘xshaydi. Ushbu kitob arablar va barbarlar, ko‘chmanchi va o‘troq xalqlar haqida, ularni boshqargan buyuk sulolalar haqida to‘liq ma’lumotlarni o‘zida mujassam etgach, qadim va o‘tmishda hikoya qiluvchi mukammal darslikka aylandi. Shuning uchun men kitobni “Ibratlar yoxud pandlar va arab, ajam, barbarlar hayotidan va ularning hozirgi zamondagi hukmdorlari haqidagi ma’lumotlar majmuasi kitobi” deb nomladim”.

Ibn Xaldun kitobni yozishda hodisalarning ro‘y berishida sabab – oqibat, moddiy va ma’naviy omillarga e’tibor qilgan holda yondashdi. “Men hamma jihatlarga e’tibor berdim, qabilalar va sulolalarning kelib chiqishi, qadimiy xalqlarning bir vaqtda yashaganligi, o‘tgan asrlardagi va xalqlardagi o‘zgarishlarning sabablari, sulola va , shahar va qishloq, hokimlik va bo‘ysunish, fan va hunar, faravonlik va faqirlik, daromad va zarar, umumiy sharoitlarning o‘zgarishi, shahar hayoti va qishloq hayoti, kelajak va o‘tmish kabi insoniyat jamiyatining asosiy qirralarini isbot va dalillar asosida aniq bayon qildim”[183].

Xulosa

Ibn Xaldunning ma’naviy merosi islom ijtimoiy falsafasida alohida ahamiyatga ega bo‘ldi. Uning “Muqaddima” asaridagi ijtimoiy falsafiy qarashlari islom ijtimoiy tafakkuriga bo‘lgan an’anaviy munosabatni o‘zgarishiga olib keldi.

Ibn Xaldun “Muqaddima”sida mulkning shakllanishini yoki qabila a’zolari o‘rtasidagi mulkiy va tengsizlik munosabatlarini ochib berdi.

Uning qarashlari turli oqimlar tomonidan turlicha talqin qilingan. Ibn Xaldunni xatto jamiyat rivojining siklik xarakati, sabab-oqibat munosabatlari, ortiqcha maxsulot ishlab chiqarishning jamiyat taraqqiyotidagi ahamiyatiga doir fikrlari sabab, «Arab Marksi», «Marksgacha bo‘lgan marksist», «Arab Monteskesi» deb atashdi. Lekin Ibn Xaldunning jamiyat haqidagi qarashlarida siklik rivojlanish nazariyasining Yevropadan avval, XIV asardan ilgari surilganligi diqqatga sazovordir.

REFERENCES

[182] Ибн Халдун. Ал-Муқаддима. Ал-Қоҳира: Дор ал-китаб Ал-Мисрий ва ал-Лубнаний, 1999 м., 9-бет

[183] Ибн Халдун. Ал-Муқаддима. Ал-Қоҳира: Дор ал-китаб Ал-Мисрий ва ал-Лубнаний, 1999 м., 10-бет

1. Sulaymonov, J. (2021) Abdurahmon Ibn Xaldunning tamaddun taraqqiyoti haqidagi qarashlarida jamiyat tahlili*//Academic Research in Educational Sciences*, Vol. 2 Special Issue 1, 2021. 451-455 R.
2. Sulaymonov, J. B. (2021). Ibn Xaldunning „Muqaddima "asarida jamiyat taraqqiyotiga ta'sir qiluvchi omillar talqini. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *1*(4), 732-737.
3. Sulaymonov, J. Karimov, N.Contribution of Abu Isa Tirmidhi to the Science of Hadith //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN: 2278-3075, Volume-9 Issue-1, November, 2019. P. 593-599.
4. Sulaymonov, J. B. (2021). Abu Zayd Abdurahmon Ibn Xaldunning „Muqaddima" asarida davlat tushunchasiga yondashuvlar talqini. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *1*(6), 9-14.
5. Sulaymonov, J.B. Ibn Xaldun ijtimoiy-falsafiy qarashlarida axloqiy masalalar//Falsafa va huquq jurnali. 2019 yil 1-soni. 42-45 betlar.
6. Sulaymonov, J.B. Ibn Haldun qarashlarida geografik determinizm ildizlari //Sharqshunoslik jurnali. 2018 yil 4-soni. 124-128 betlar.
7. Sulaymonov, J. B. (2020). Vzglyadi Abdurraxmana ibn Xalduna o razvitiya obщestva i sivilizasii. *Mejdunarodniy nauchno-prakticheskiy jurnal" Ekonomika i sotsium*, *12*, 79.
8. Ergasheva, F., & Sulaymonov, J. (2022). Muhammad Rizo Ogahiy ijodida axloqiy masalalar tahlili. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *2*(2), 742-747.
9. Quvvatov, J. U. O. G. L., & Sulaymonov, J. B. (2022). Yunus Emre ijodida Vahdat ul-vujud va tavhid masalasi. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *2*(2), 964-968.
10. Ergasheva, F., & Sulaymonov, J. (2022). Muhammad Rizo Ogahiy ijodida axloqiy masalalar tahlili. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *2*(2), 742-747.

ҲАБИБОВА М.
Катта ўқитувчи
САИДАЗИЗОВА Ф.
магистрант

УМАР ХАЙЁМНИНГ “НАВРЎЗНОМА АСАРИ” ҚАДИМГИ ЭРОН МАДАНИЯТИГА ОИД МАНБАА СИФАТИДА

Аннотация*. Мазкур мақолада Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» китоби асосида қадимги Эрон маданияти ва унинг таъсирида шаклланган маданиятларга хос бўлган урф-одаптлар, хусусан, Наврўз байрамининг келиб чиқиш тарихи ва у билан боғлиқ анъаналари ҳақида маълумот берилади.*

Таянч сўз ва иборалар*: Қадимги Эрон, форс ареаси, Марказий Осиё тасвир, тарих, лексик – семантик.*

Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» асари унинг тарихни, этнографияни, халқ урф-одатларини жуда мукаммал билганлигидан далолат беради. Биз бу асарда Наврўз байрами билан боғлиқ бўлган жуда кўп одатлар, ҳодисалар, афсоналарга дуч келамиз. Ҳозирги замонда ўтаётган Наврўз байрами билан Умар Хайём тасвир қилаётган даврдаги Наврўз байрами орасида катта фарқлар мавжудлигидан гувохи бўламиз. Умар Хайём бу рисолада нафақат этнограф, тарихчи, балки билимдон табиб сифатида ҳам кўринади. У инсон организмининг фаслдан фаслга ўтганда ўзгаришини ҳисобга олиб, энг керакли тиббий маслаҳатларни беради.

«Наврўзнома» фақатгина тарихнинг обидаси эмас, жуда кўп фойдали томонлари билан бугунги кунимизга ҳам эшдир. Бинобарин, Умар Хайём асрлар оша бугун ўз ҳудудини тиклаган ва умумхалқ байрамига айланган Наврўзи оламни муборакбод этмоқда.Хожаи ҳаким, давр файласуфи, маликул-ҳукамо Умар ибн Иброҳим ул-Хайём бундай дейди: мен ақл баркамоллиги нуқтаи назаридан қараганимда сўздан мўътабарроқ ва каломдан буюкроқ ҳеч нарсани топмадим, чунки ундан афзалроқ бирор нарса бўлганда эди, ҳақ таоло пайғамбарга — саллолоҳу алайҳга ўша нарса билан мурожаат қилган бўларди. Араб тилида: «ҳаётда энг яхши суҳбатдош — китоб»,— дейилган. Ўз сўзига вафодор бир яхши дўстим мендан Наврўзнинг жорий этилганлигининг сабабини тушунтириб беришни ва қайси подшоҳ тайин қилганини сўради. Мен илтимосни қабул қилдим ва унга буюклиги буюк ёрдамида ушбуни иншо этдим.

“Наврўзнома” китобининг бошланиши. Бу китобда Наврўз ҳақидаги ҳақиқат, Ажам подшоҳлари даврида у қайси кунда бўлгани, қайси подшоҳ жорий қилгани ва нега уни нишонлашлари ҳамда подшоҳларнинг бошқа одатлари, шунингдек, уларнинг барча ишларда тутган йўллари кўрсатилади. Шунингдек, китобда Наврўз байрамининг ташкил қилинишига сабабчи бўлган омиллар қуйидагича ифодаланади. Асарда Умар Хайём сабабларини қуйдагида келтиради:

1. Наврўзнинг жорий қилиниши сабабини айтсак, у шундан иборатки, Офтобнинг икки айланиши мавжуд, улардан бири қуйидагича: Офтоб ҳар уч юз олтмиш беш куну кеча-кундузнинг тўртдан бирида Ҳамал буржининг биринчи дақиқасига чиқиб кетган пайтининг ўзида яна қайтиб келади ва ҳар йили бу давр камая боради.

Жамшид бу кунни тушунгандан кейин Наврўз деб атади ва байрам қилишни одатга айлантирди. Подшоҳлар ва бошқа одамлар ҳам уни қабул қилдилар. Айтишларича, биринчи Ажам подшоси Каюмарс подшоҳ бўлгандан кейин йилнинг кунлари ва ойларига ном беришга ҳамда одамлар билсин деб йилнома жорий қилишга қарор қилган. У, тонгда Офтоб Ҳамал буржининг аввалги дақиқасига кирган кунни аниқлаб, ажам мубадларини йиғди ва йил ҳисобини шу пайтдан бошлашни буюрди. Мубадлар йиғилдилар ва йил ҳисобини шу пайтдан бошлашни жорий қилдилар. Ўша замоннинг олимлари бўлган ажам мубадларнинг айтишича, буюк ва муборак Изид ўн икки фариштa яратди, улардан тўрттасини аҳраманлардан қўриқлаш учун осмонга юборди, тўрттасини аҳраманларни Қоф тоғидан ўтказмаслик учун жаҳоннинг тўрт бурчагига юборди, тўртта фариштага эса осмон ва ерда юриб одамлардан аҳраманларни ҳайдаб туришни буюрди. Уларнинг айтишича, бу дунё ўзга бир дунёнинг ичида худди эски қасрдаги янги уй каби жойлашган ва Изид таоло нурдан офтобни яратиб, у билан осмону ерни парвариш қилган. Жаҳон аҳли назарида қуёш Изид таоло нурларининг бир нуридир. Унга улуғвор деб таъзим билан боқишларига сабаб, уни яратишда Изид таолонинг унга иноятиўзгаларга нисбатан кўпроқ бўлган, дейилади.

Бунга шундай мисол келтирадилар: бир улуғ подшоҳ ўз халифаларидан бирига иззат-ҳурмат кўрсатса, уни улуғлайдилар ва ҳар ким уни улуғласа, подшоҳни улуғлаган бўлади, деб биладилар. Дейдиларки, буюк ва муборак Изид офтобнинг нурлари ва келтирадиган фойдаси ҳамма нарсага тегсин деб офтобга ўз жойидан қўзғалишни буюрганда, у Ҳамалнинг бошидан чиқиб, зулмат нурдан айрилди, кеча ва кундуз пайдо бўлди. Бу дунёнинг тарихи ана шундай бошланди. Шундан сўнг бир минг тўрт юз олтмиш бир йил ўтгач, у (офтоб) ўша

жойнинг ўзига ўша кун ва ўша дакиқада қайтиб келди. Бу вақт ичида Муштарий Зуҳал билан етмиш уч марта бирлашди. Буни «кичик қирон» дейдилар, бу бирлашув ҳар йигирма йилда бўлади. Офтоб ўзининг бир айланиб чиқишини тугатиб ўз жойига қайтиб келганида Зуҳал ва Муштарий орасида Зуҳалнинг ҳубут келган буржида бирлашув бўлади ва у Зуҳалнинг шараф буржи бўлган Мезон буржига муқобил (қарама-қарши)дир. Бир айланиб чиқиш бу ерда, бири у ерда биз ишора қилгандай ва юлдузларнинг турар жойи ҳам биз кўрсатгандай бўлади. Офтоб Ҳамалдан чиққан пайтида ва Зуҳал ҳам, Муштарий ҳам бошқа юлдузлар билан Изид таоло ҳукми бўйича турганларида жаҳоннинг ҳолати ўзгарди ва дунё ҳамда тақдирга мос равишда янги нарсалар пайдо бўлди. Ажам подшоҳлари шу пайтда Офтобни улуғлаш учун, шунингдек, ҳар ким бу кунни топа олмаслигини ҳисобга олиб, уни белгилаб қўйдилар, байрам жорий этдилар ва ҳамма бу санага риоя қилсин деган мақсадда барчага маълум қилдилар. Дейдиларки, Каюмарс йил ҳисобининг бошланиши сифатида бу кунни жорий этганда, уч юз олтмиш беш кун ичида офтобнинг бир айланиб чиқиши рўй берадиган қуёш йилини ҳар бири ўттиз кундан иборат ўн икки ойга бўлди ва уларни буюк ва муборак Изид дунёга юборган ўн икки фаришта номи билан атади.

Сўнгра, у уч юз олтмиш беш куну кеча-кундузнинг чорагидан иборат улуғ даврни «улуғ йил» деб атади ва уни тўрт бўлакка бўлди. Катта йилнинг тўрт бўлаги ўтганда катта Наврўз бўлади ва дунёнинг ҳолати янгиланади. Подшоҳларнинг бир одати бор: йил бошида улар яхшиликка фатво бериш ва саналарни белгилаш ҳамда маишат учун маълум маросимлар ўтказишлари зарур. Кимки Наврўз куни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди. Подшоҳлар учун бу одатни олимлар белгилаб беришган. Туркистонни Жайхун дарёсидан то Чин ва Мочингача Турга, Рум ерини Салмга, Ажам ва ўз тахтини — Эражга берди.

Шундай қилиб Туркистон, Рум ва Ажамнинг барча подшоҳларининг келиб чиқиши битта, бир-бирлари билан қариндошдирлар, чунки уларнинг ҳаммаси Афридун авлодидир. Шунинг учун барча инсонлар подшоҳлар шарафига маросимларни ўтказишлари зарур, зеро улар Афридун уруғидандирлар. Унинг замонаси ва Гуштаспгача бўлган бошқа барча подшоҳларнинг замонаси тугагандан сўнг, Гуштасп подшоҳлигининг ўттизинчи йили ўтганда Зардўшт пайдо бўлди ва габр динини олиб келди. Гуштасп унинг динини ва ичимлик майини қабул қилди. Афридун байрамидан ўша пайтгача тўққиз юз қирқ йил ўтди. Офтоб Акраб буржига кирганда, Гуштасп кабиса қилишга буюрди ва бунинг натижасида фарвардинни

Офтобнинг Саратон буржига киргандан бошлаб байрам қилина бошланди. Гуштасп Наврўзни ана шу куни байрам қилиш керак, чунки Саратон — меҳнат учун саодатманд бурж, деҳқон ва қорандаларга шу вақтда ўлпон тўлашга имкон бериш зарур, шунда уларга енгиллик бўлади, дея байрамни шу кунга белгилади. Сўнгра, у, йиллар ҳам аниқ бўлсин ва одамлар ўз вақтларини совуқда ҳам, иссиқда ҳам била олсинлар деб, ҳар юз йигирма йилда кабиса қилишга буюрди. Бу одат то Зулқарнайн деб аталувчи Искандар Румий замонасигача давом этди. Шу пайтдан бошлаб одамлар кабисани нишонламай қўйдилар ва мазкур одат қарор топгунча нима иш қилган бўлсалар, ўшандай ишни қилавердилар. Бу Ардашер Бобакон замонасигача давом этди, у яна кабисани қарор топтирди ва катта байрам уюштирди. Бу ҳақда аҳднома тузди ва шу кунни Наврўз деб атади. Одамлар бу байрамни то Нўширавони Одил замонасигача нишонладилар. Мадойин айвони битганда Нўширавон Наврўз байрамини ўша замон одатлари бўйича ўтказди.

Аммо у кабисани қарор топтирмади. У Офтоб айланиш даврининг охирида Саратоннинг биринчи кунига етмагунча одамлар бу ишни қилмасинлар, токи Каюмарс ва Жамшидларнинг кўрсатмалари орадан кўтарилсин, деди. Шундай дегандан сўнг кабиса қилмадилар. Бу Офтобни кузатиб туриш ва ҳар йили Офтоб Ҳамал буржига кирганда Наврўзни байрам қилишни буюрган Маъмун замонасигача давом этди. Шундай қилиб «Зич-и Маъмуний» тузилди ва шу пайтгача йил ҳисобини шу зич ёрдамида бажарадилар. Бу то Мутаваккил замонасигача давом этди. Мутаваккилнинг Муҳаммад ибн Абдал-Малик деган вазири бор эди, у Мутаваккилга ўрим солиғи шундай вақтга тўғри келяптики, уни амалга ошириш ғалла вақтидан узоқ бўлаяпти ва бу одамларни қийнаяпти, Ажам подшоҳларининг одатича, одамлар ҳосил йиғилгандан кейин солиқ; тўлаш пайтида қийналмаслик учун йилни ўз ўрнига қайтармоқ мақсадида кабиса қиладилар, деб айтди. Мутаваккил розилик билдириб, кабиса қилишга буюрди ва Офтобни Саратондан фарвардинга қайтардилар.

Шундан кейин одамлар тинчланиб яна ўша одатга риоя қила бошладилар. Шундан кейин Сеистон амири Ҳалаф ибн Аҳмад бошқа кабисани жорий қилди. Ўша даврдан бизнинг замонгача ўн олти кун фарқлана бошлади. Саодатманд ва дин таянчи Султон Маликшоҳ бундан хабар топиб эски кабисани жорий этиш ва йилни ўз жойига қайтаришга буюрди. Бунинг учун ўша замондаги Хуросон олимларини чақиртирди. Улар кузатиш учун барча ишларни бажардилар — деворлар кўтаришди, устурлаб ўрнатдилар ва шунга ўхшаш ишларни амалга ошириб, Наврўзни фарвардинга кўчирдилар. Аммо замона подшоҳга бу

ишни охирига етказишга имкон бермади ва кабиса тамомланмай қолди. Умар Хайем ўзининг « Наврўзнома» асарини қуйидагича содда, равон тилда якунлайди:

Наврўзнинг келиб чиқиш тарихи мана шу. Буларнинг ҳаммасини биз аждодларимизнинг китобларидан топдик ва олимлардан эшитдик.
Хулоса ўрнида шуни алоҳида айтиш керакки, файласуф-шоир ана шу асарида кўпгина саволларга жавоб топишга уринади ва уни майдан, ёр васлидан, лаззатдан, табиат гўзаллигидан, ахлоқий юксакликдан, фалсафий тафаккурдан излайди. Шу сабабли Хайём ҳам, ўз салафлари каби, гўзалликка алоҳида эътибор беради, уни инсон билан бевосита ёки билвосита боғлиқ ҳолда олиб қарайди. Жумладан, нарсалар гўзаллиги ҳам инсон билан боғлиқ. Масалан, олтин нима учун гўзал? «Наврўзнома»да айтилишича, у қимматбаҳо рангли металл бўлгани учун эмас, балки инсон ундан безак сифатида фойдалангани, унинг жисмонан соғломлашувига хизмат қилгани сабабли гўзалдир. Хайём хулқий гўзаллик ҳақида фикр юритар экан, ташқи ва ички гўзаллик уйғунлиги масаласига алоҳида урғу беради, барча машоиййун файласуфлар каби, гўзаллик билан эзгуликнинг яхлит намоён бўлишини таъкидлайди; гўзалликни гўзал қиёфа билан боғлаб талқин этади: «Гўзаллик барча тилларда васф этилади ва ҳар қандай ақлга хуш келади.

Дунёда яхши нарсалар кўп, уларни кўриб баҳраманд бўлиш одамларни шод этади ва табиатини покиза қилади, аммо ҳеч нарса гўзал юз ўрнини боса олмайди, чунки у шундай қувонч бахш этадики, бошқа ҳеч қандай қувонч унга тенг келолмайди. Айтадиларки, гўзал юз дунё саодати сабабчисидир. Агар гўзал юз яна яхши хулқ билан уйғунлашса, бахт-саодатнинг энг юқори даражаси бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Умар Хайем « Наврўзнома» , Т.,- 2010 қайта нашр
2. Умар Хайем « Рубоийлар», Т., - 2015 й
3. Л.И.Тимофеев и С.Е. Тураев Словарь литературических терминов терминов.- М.: Просвешение .,1974
4. Khabibova Mukhabbat Raxmetullayevna «Simultaneous Transfer strategies and their description» Journal of Critical Riviews ISSN-2394-5125,Issue,4,2020
5. Khabibova Mukhabbat Raxmetullayevna «Use of multimedia methods in teaching foreign languages» Дистанционные возможности и достижения науки., Сборник научных публикаций, Киев,2020
6. Khodiyeva Nozima Tulkunovna, Khabibova Mukhabbat Raxmetullayevna, Ahmedova Dilfuza RafukjanovnaPast tense

incomplete verb and present tense incomplete verb in Persian», Zenoda,may 26,2021 DOi10,5281 4810048
7. Ahmedova Dilfuza Rafukjanovna, Xodiyeva Nozima Tulkunovna, Xabibova Muhabbat Raxmetullayevna «Fors tilida holat fe'llarining semantik tahlili», Культурология, исскуствоведение и филология: современные взгляды и научные исследования., Москва,2022 г.Сборник статей по материалам LVI международной научно-практической конференции. ISSN 2541- 9870
8. Khodiyeva N.T., Akhmedova D.R., Khabibova M.R.Hozirgi zamon fors tilida fel asosida tuzilgan fe'llarning struktur tahlili».,Oriental Renaissance:Innovative, Educational, naturel and social sciences» scientifie journal.volume 2/issue 4/2
9. 9.М.Хабибова, Н.Ходиева, Д. Ахмедова «Форс ва ўзбек тилларидаги асарларда аёл гўзаллиги концепти, https://oriens.uz/media/journals/ORIENS_Volume_2__ISSUE_5.pdf

ЁДГОРОВ Ш.М
таянч докторант

ҲУСНИ МУБОРАК ДАВРИДА МИСРНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Аннотация. *Бугунги таҳликали даврда диний экстремизм, радикализм ва терроризмга қарши курашнинг хориж тажрибасини ўрганиш, ибратли жиҳатларини ўзлаштириш мавжуд давлатларнинг барчаси учун бир хилда зарур ва фойдали. Шу маънода, араб-ислом оламида диний экстремизм ва терроризм муаммосига биринчилардан бўлиб дуч келган Яқин Шарқ минтақасининг йирик давлатларидан бири – Миср Араб Республикасининг бу борадаги бой тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур мақолада Ҳусни Муборак даврида Мисрнинг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш сиёсати таҳлил қилинади.*

Калит сўзлар: *экстремизм, терроризм, "Ал-Азҳар", "Фавқулодда ҳолат тўғрисида"ги Қонун, хавфсизлик, дерадикализация.*

Ёшлар маънавиятига тажовуз солаётган таҳдидлар қаторида динни ниқоб қилиб, диний қадриятларимизни оёқости қилишга уринаётган мутаассиб сиёсий ислом тарафдорлари ҳамда диний экстремистик ҳаракатларнинг фаолияти жиддий ташвиш уйғотмоқда. Бугунги кунда бундай хавф-хатарларни олдини олиш, уни озиқлантираётган омилларни бартараф этиш ҳамда унга қарши курашиш ҳар бир мамлакат учун устувор масалага айланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида экстремизм ва терроризм муаммосига катта эътибор қаратиб, шундай деган эди: "Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир"[184].

XX асрнинг 80-90-йилларида Мисрда террористик ҳужумлар ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. Мазкур йилларда радикал

[184] Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқи жаҳон оммавий ахборот воситалари нигоҳида. // https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidentining-bmt-bosh-assambleyasi-72-sessiyasid-22-09-2017.

экстремистик гуруҳлар содир этган зўравонлик ва қўпарувчилик ҳаракатлари энг даҳшатли воқеалар сифатида замонавий Миср тарихидан жой олди. Радикал ислом гуруҳлари МАРнинг турли ҳудудларида кенг кўламдаги террористик фаолиятини олиб борди. Полиция участкалари, маъмурий ва хўжалик биноларига, қишлоқ ҳудудларида қуролли босқинлар уюштирилди. Бу ҳужумлар нафақат давлатнинг ҳукумат тизимига, балки иқтисодий, ижтимоий-сиёсий хавфсизлиги, маданий ва ғоявий тизимига ҳам таҳдид сола бошлади. Террорчилар бошлаган уруш Миср XX асрда ташқи душманлар билан қаршилашган ҳар қандай урушдан ҳам даҳшатлироқ бўлиб қолган эди[185].

Шу боис Президент Ҳусни Муборак даври (1981-2011)да Миср Араб Республикасининг диний экстремизмга қарши кураш стратегияси умуман олганда, ҳар бир давлатга хос бўлган ўзига хос хусусиятлар ва устувор йўналишлардан қатъи назар, билвосита ва бевосита қаршилик кўрсатиш усулларини ўз ичига олди. Ўзбек шарқшунос олими М.Муҳаммадсидиқов ушбу усулларга қуйидагиларни киритади[186]:

Билвосита қаршилик кўрсатиш усулларига расмий диний ташкилотлар билан ҳамкорлик, зўравонликка қарши курашда диний арбоб ва муассасаларнинг аҳамиятини ошириш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий чора-тадбирларни амалга оширишга ёрдам берадиган дастурларни киритиш мумкин.

Бевосита қаршилик кўрсатиш ўз ичига ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан кўриладиган чораларни, аксилтеррорчилик қонунларини қабул қилиш, улардан кенг фойдаланиш каби тадбирларни олади. Шу ўринда, масалан, Миср қонунчилиги диний асосда партиялар ташкил этишни тақиқлашини таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, давлат ноқонуний равишда қурол сақлаганлар, зўравонликни тарғиб этувчилар, радикал гуруҳларни молиявий қўллаб-қувватловчиларга нисбатан қаттиқ маъмурий-жиноий чораларни қўллашини ҳам қайд этиш лозим. Ҳар иккала усулга алоҳида диққат қаратиб чиқамиз.

Биринчи усул: билвосита қаршилик кўрсатиш. Ҳусни Муборак даврида расмий ислом, яъни расмий диний ташкилотлар билан ҳамкорлик Миср ҳукуматининг диний экстремизмга қарши курашининг энг самарали усулларидан бири бўлди. Таъкидлаш жоизки, Муборак давридан олдинги ва ундан кейинги ҳукуматлар даврида ҳам диний экстремизмга қарши курашда Миср муфтийси, “Ал-Азҳар” шайхи ҳамда

---

[185] Камлевская Я.Е. Борьба с терроризмом в Египте на рубеже XX-XXI веков. Ближний Восток и современность. Сборник статей (выпуск девятнадцатый) М., 2003. – С. 58.

[186] Муҳаммадсидиқов М.М. Африка араб давлатларида диннинг сиёсийлашуви ва унинг сиёсий жараёнларга таъсири: сиё. фан. док. (DSc) дисс. –Тошкент, ТДШИ, 2018. –Б. 214-215.

Вақф ишлари вазири катта рол ўйнаганлар. Кўпгина тадқиқотчиларнинг қайд этишича, ислом жангарилари билан курашда уларнинг ўрни катта. Улар Миср ҳукуматига нисбатан ижобий ёндашувда бўлиб келмоқдалар. Шуниси аниқки, Миср ҳукумати мавжуд тузумнинг "мусулмонча имиджи"ни сақлаб қолиш тарафдори бўлиб, унинг сиёсатини расмий ислом институтлари, хусусан "Ал-Азҳар" билан қўллаб-қувватлашни кўзлайди[187]. Француз арабшунос ва сиёсатшунос олими Жиль Кепел ушбу масалага тўхталаркан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтади: "Ал-Азҳар университети туфайли Ҳусни Муборак диний инстанцияларга эга эди ва ҳокимиятнинг аралашуви ва бир пайтнинг ўзида энг радикал исломчиларнинг танқидлари ва "Мусулмон биродарлар"нинг уламолар ва ўқитувчилар орасига кириб боришига қарамай, улкан обрў-эътиборни сақлаб қолишга муваффақ бўлган"[188].

Мисрда "хусусий" ёки "халқ масжидлари" деб аталадиган масжидларнинг фаолияти ва сиёсий фаоллиги кучайгани туфайли давлат томонидан уларнинг фаолиятини назорат қилишни босқичма-босқич Вақф вазирлигига ўтказила бошлаши баробарида уларга Ал-Азҳар университетини битирганларни имом қилиб тайинлаш, қишлоқлардаги Қуръонни ўрганиш марказларида саводсизликни тугатишни тарғиб қилиш ҳам давлатнинг дин соҳасидаги сиёсатининг узвий қисмига айланиб борди.

Давлат дастурига кўра, барча масжидлар Вақф вазирлиги қарамоғига ўтказилиши лозим. Бу тадбирлар кўплаб хусусий масжидларни назорат қиладиган ва шу ерда янги аъзоларни жалб қиладиган радикал ислом ташкилотлари ва гуруҳларининг таъсирини камайтиришга қаратилган эди. Унинг яна бир мақсади жамиятнинг чаласавод, ўрта ва қуйи табақаларини радикал диний ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишдан иборат эди. Бундан ташқари, мазкур жараёнда жума намозида ўқиладиган маърузалар, уларнинг мазмунан бир хиллигини таъминлаш орқали назорат қилинганини ҳам таъкидлаш зарур.

Шундай қилиб, ҳукумат томонидан олиб борилган қатор чора-тадбирлар ҳамда мамлакатдаги расмий ислом вакиллари олиб борган ишлар жангарилар ва террорчиларнинг ўрнини сусайтириш, уларнинг фаолиятини чеклашга хизмат қилди.

Шунингдек, Миср ҳукуматининг билвосита қаршилик кўрсатишда ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий чора-тадбирларни амалга оширишга ёрдам берадиган дастурлари муҳим аҳамиятга эга. Ҳукумат,

---

[187] Камлевская Я.Е. Борьба с терроризмом в Египте на рубеже XX-XXI веков. Ближний Восток и современность. Сборник статей (выпуск девятнадцатый). -М., 2003. –С. 62.

[188] Кепель, Жиль. Джихад. Экспансия и закат исламизма (перевод с фр.). -М., 2004. –С. 268.

сиёсий ва диний экстремизм муаммолари чуқур иқтисодий ва ижтимоий илдизларга эга эканини тобора англаб, террорчилар кучли таъсирга эга бўлган ҳудудлардаги ижтимоий муаммоларни юмшатиш учун моддий маблағ ажратилади. Хусусан, 90-йилларда қабул қилинган мамлакатнинг жанубий ҳудудларини ривожлантириш бўйича мажмуа-дастур амалга оширилади. Унда қатнашиш истагини билдирган хусусий бизнес вакилларига имтиёзлар ажратилади.

Иккинчи усул: бевосита қаршилик кўрсатиш.

Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий механизмлари. Ҳусни Муборак даврида Миср ҳукуматининг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш стратегиясини белгилаб олишда даставвал, унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб олинади. Хусусан, 1981 йил октябрда исломчилар томонидан президент Анвар Садатга қилинган суиқасддан сўнг, терроризмга қарши курашишнинг муҳим чора-тадбири сифатида "Фавқулодда ҳолат тўғрисида"ги Қонун қабул қилинади. Мазкур Қонун мамлакатда фавқулодда ҳолат режимини жорий қилишда қўлланиладиган тартибларни ҳамда қонун ижро этувчи ҳокимият ва унинг хавфсизлик аппаратларига берадиган ваколатларни тартибга солар эди. Бу кучларнинг энг кўзга кўринганлари қуйидагилар эди:

Биринчидан, қонун ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига, хоҳ ҳарбий ёки полиция бўлсин, гумонланувчиларни ҳибсга олиш ёки узоқ муддатга қамоққа олиш бўйича кенг ваколатлар берар эди;

Иккинчидан, "Фавқулодда ҳолат тўғрисида"ги Қонунга асосланиб, Миср бўйлаб ҳар бир биринчи инстанция суди ва апелляция судида фавқулодда давлат хавфсизлиги судлари тузилиши мумкин эди. Бу судлар судьялардан иборат бўлиб, президент уларга ҳарбий офицерларни қўшиши мумкин бўлган. Бундан ташқари, ушбу судларнинг ҳукмлари устидан шикоят қилиш мумкин эмас эди. Президент фавқулодда давлат хавфсизлиги судларининг барча судьяларини, хоҳ фуқаролик, хоҳ ҳарбий судьяларни тайинлаш ҳуқуқига эга бўлган[189].

Миср ҳукумати аҳолини ўз таъсир доирасида ушлаб туриш учун "Фавқулодда ҳолат тўғрисида"ги Қонунни кенг равишда қўллади, 1992 йилга келиб Олий конституциявий суди МАР президентига ҳар қандай ишни, ҳатто фуқаролик ишларини ҳам давлат хавфсизлиги судлари (ҳарбий трибунал)га юбориш ҳуқуқини беради. Бу судлар томонидан қабул қилинган қарорлар, президент томонидан тасдиқланганидан

[189] Auf, Yusuf. The State of Emergency in Egypt: An Exception Or Rule? Atlantic Council, 02 February, 2018. // https://www.atlanticcouncil.org/blogs/menasource/the-state-of-emergency-in-egypt-an-exception-or-rule/.

кейин охирги ҳисобланар ва Кассацион суд томонидан қайта кўрилмас эди. Кейинги апелляцияларнинг барчаси фақат президент томонидан кўриб чиқилар эди. 1992-1996 йиллар орасида ҳарбий судлар қарори бўйича 41 киши ўлим жазосига ҳукм қилинади – бу эса Мисрнинг замонавий тарихида энг катта рақам ҳисобланади. Умуман олганда, 1992 йил мартидан 1999 йил апрелигача ҳарбий судлар олдида 1001 та айбланувчи бўлиб, улардан 94 таси олий жазога маҳкум қилинди. Кўпгина айбланувчилар кўп йиллик қамоқ жазоси ёки сургунда оғир меҳнат жазосига маҳкум қилинади[190].

Ҳарбий трибуналлар томонидан фуқароларнинг суд қилиниши ғарб ҳуқуқшунослари томонидан инсон ҳуқуқларини жиддий бузилиши сифатида кескин танқид остига олинади. Хусусан, АҚШ Давлат департаментининг ҳар йиллик “Дунёда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш” номли маърузаларида айнан шу далил таъкидланар эди. 2003 йил 1 октябрида расмий тарзда давлат хавфсизлиги судларининг бекор қилиниши Қонуни кучга киради ва унга кўра ҳамма ишлар жиноий судлар ваколатига топшириладиган бўлади. Қайд этиш керакки, XXI аср бошида Мисрда терроризм 90-йиллардагидек миллий барқарорликка жиддий таҳдид солиб турганида бундай муҳим қарорни қабул қилишнинг имконияти бўлмас эди.

Шунингдек, 1992 йил июлида терроризм билан курашиш бўйича қонун қабул қилинади. Унда экстремистик фаолият учун кескин жазоларни қўллаш кўзда тутилган эди. Хусусан, террористик чиқишларда қатнашгани учун ўлим жазоси эълон қилинади. Шу билан бир пайтда, жиноят кодекси ва давлат хавфсизлиги Олий судига ўзгартиришлар киритилади. Қонунчиликка қаршилик кўрсатувчи ва ижтимоий ҳаётни қўпорувчи ташкилотларга аъзо бўлганларга қаттиқ жазо тайинланади. Қайд этиш керакки, терроризмга қарши курашиш қонуни, жиноят кодексига киритилган қўшимчалар ва узоқ йиллар давомида фавқулодда ҳолат тартибини сақлаб қолиш – буларнинг барчаси нафақат радикал ислом тарафдорларига, балки ҳукуматнинг бошқа душманларига нисбатан ҳам қўлланилар эди. Улардаги терроризм тушунчасининг кенг талқин қилиниши намойишлар ва иш ташлашларни ҳам назарда тутар эди[191].

Бундан ташқари, 2002 йилда МАРдаги Халқ Мажлисида янги қонун ҳам қабул қилиниб, унда Миср нодавлат ташкилотлари бошқариладиган бўлади. Мамлакатда ижтимоий ташкилотларнинг

[190] Юрченко В.П. Египет проблемы национальной безопасности (1952–2002 гг.). –М. 2003. –С. 262-263.

[191] Юрченко В.П. Египет проблемы национальной безопасности (1952–2002 гг.). –М. 2003. –С. 260-261.

қайсидир сиёсий ёки касаба ҳаракати билан шуғулланиши таъқиқланади. Уларнинг бошқарув таркиби Ижтимоий ишлар вазири томонидан тасдиқланиши лозим эди. Хориждан олинадиган ҳомийлик маблағларига ҳам рухсат талаб этиларди ва доимий равишда маблағлари хусусида ҳисобот бериб туриши керак эди. Бу қонунга мувофиқ, Ижтимоий ишлар вазири бу ташкилотларни тарқатиши, ижтимоий ташкилотлар қонунининг бузилиши ҳолатларида, уларнинг моддий бойлиги ва активларини бекор қилиши мумкин эди[192].

Куч тузилмалари ва армия томонидан кўрилган чоралар.

90-йиллар бошида Миср фуқаролар уруши гирдобида қолган каби кўринар эди. Диний экстремизм МАРда миллий хавфсизликка таҳдид солувчи асосий хатар сифатида эълон қилинади. Ҳукумат ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмаларини кучайтира бошлади. Тузилмаларни кучайтириш ва хавфсизлик кучлари учун қўшимча маблағлар ажратилди, ҳукумат давлат чегараларини, айниқса, Ливия ва Судан билан бўлган чегараларини мустаҳкамлади. Аэропорт ва денгиз портларида портловчи моддаларни аниқлайдиган, АҚШдан сотиб олинган махсус мосламалар ўрнатилди. 1991 йилдаёқ терроризм билан курашни мукаммаллаштириш ва ривожлантириш мақсадида ички ишлар вазирлигига қўшимча 11,3 миллион доллар қўшимча пул ажратди. Чет элдан махсус қурол ва воситалар сотиб олинди, махсус бўлимларни техник жиҳатдан таъминлаш, ходимларни қайта тайёрлаш ишлари бошланди. 1991 йилдан 1997 йилгача Полиция академияси битирувчилари сони олти маротабага кўпайди, ҳар йилги битирувчилар сони эса 1000 кишини ташкил этди[193].

Исломийлар томонидан 1992 йилда ҳарбийлар ва полициячиларни қаторига ўлдириш содир этилгандан кейин, мамлакатда оммавий қамоққа олишлар бошланди. Жанубий вилоятларда ҳукумат қўшимча 5 мингга яқин полициячи ва хавфсизлик ходимларини сафарбар қилди.

Ҳукумат экстремизмга қарши курашишнинг асосий усули сифатида исломий гуруҳларга қарши қатағон қилиш ҳамда куч усулларини ишлатишдан фойдаланди[194]. Айниқса, мамлакат жанубида шафқатсиз қатағонлар амалга оширилди, хавфсизлик кучлари уйларни бузиб ташлади, ҳудудларда комендантлик соатлари жорий қилинди, минглаб одамлар қамоққа олинди. 1994 йил январнинг ўзида исломий ташкилотларнинг минглаб фаоллари қамоққа олинди, ўша йилнинг баҳорида эса хавфсизлик кучлари билан тўқнашувда “Ислом жиҳоди”

[192] Камлевская Я.Е. Борьба с терроризмом в Египте на рубеже XX-XXI веков. Ближний Восток и современность. Сборник статей (выпуск девятнадцатый). -М., 2003. –С. 60-61.
[193] Юрченко В.П. Египет проблемы национальной безопасности (1952–2002 гг.). –М. 2003. –С. 260.
[194] Юрченко В.П. Египет проблемы национальной безопасности (1952–2002 гг.). –М. 2003. –С. 261.

ҳарбий қанотининг бир неча бошлиқлари ўлдирилди.

1995 йилда Юқори Мисрда экстремистларнинг гуруҳланишига қарши кенг кўламдаги операциялар амалга оширилди. Ҳукумат мўътадиллар ва радикаллар ўртасида фарқни ҳам тан олмай қўйди. Нафақат экстремистик ташкилот аъзолари ёки террорчилик ҳаракатига гумон қилинганлар, балки уларга ҳамфикр бўлганлар, уларнинг оила аъзолари ҳам қатағонга учради.

1995 йилда мамлакат қамоқхоналарида 10000 га яқин сиёсий маҳбуслар сақланган[195].

Yarimorolga qadam qo'ygan birinchi xorijlik protestant yaponiyalik Shotlandiyaning Milliy bibliya jamiyatining Tokiyodagi agenti Nagasaka bo'lgan edi. 1883-yilda u janubiy port shahar Pusanga Yevangeliya (yoki Injil)ning koreyscha tarjimalarini, shuningdek, butun-butun Ilohiy matnlarning xitoycha va yaponcha tarjimalarini sotish maqsadida tashrif buyurgan edi.[214] Birinchi protestant missioneri esa Niderlandiya missionerlik jamiyati a'zosi bo'lgan asli prussiyalik Karl F.A.Gutzlaf (1803-1851) bo'lib, u 1832-yilda Koreyaning g'arbiy sohillariga kelib tushadi. Uning qo'lida protestantlik matnlarining xitoychaga qilingan tarjimalari bor bo'lib, undan keyin mamlakatga London universiteti, Yangi kolleji bitiruvchisi Robert J.Tomas (1839-1866) 1865-yilning 13-sentabrida bir necha nafar katoliklar bilan birga tashrif buyurgan edi. Robertning tashrifi ikki yarim oy davom etib, maqsadi Bibliyaning nusxalarini yoyishdan iborat bo'lgan[215].

Boshqa bir muhim protestant missionerligi Shotlandiya birlashgan presviterian cherkovi (United Presbyterian Church of Scotland) missionerlari Jon Ross (John Ross, 1841-1915) va uning hamkasbi Jon Makintayr (John MacIntyre, 1837-1905) bo'lishgan. Ross asosiy faoliyatini Manjuriyada protestantlikning yoyilishiga yo'naltirib, Koreya yarimoroliga dinni yoyish missiyalarini ko'paytirishga qiziqishni oshirishni maqsad qilgan edi. U 1874- va 1876-yillarda yarimorolga safar uyushtirgan va 1877-yilda birinchilardan bo'lib ingliz tilida koreys tili grammatikasini nashr qildiradi. 1879-yilda tarixda ilk bor xorijiy tilda yozilgan Koreya tarixi ham uning muallifligida

[214] Grayson, James Huntley. (1985). *Early Buddhism and Christianity in Korea.* Leiden, The Netherlands: E. J. Brill.
[215] O'sha manba, 101-102

nashrdan chiqqan edi. Ross va Makintayr *Yangi Ahd*[216]ning koreyscha tarjimasini nihoyasiga yetkazib, uni Shotlandiya milliy bibliya jamiyati moliyaviy yordami asosida nashr qilishadi. Shunga qaramasdan, Ross va Makintayrdan oldin ham Choson qirolligida protestantlik oqimi allaqachon ma'lum nufuzga erishgan bo'lib, ular mahalliy orasida dinni yoyish faoliyati davomida ko'plab mahalliy aholining dindan xabardorligiga guvoh bo'lishadi. Koreyada xristianlikning tarqalishini keng o'rgangan Grayson 1884-yilgi missionerlar faoliyati haqida quyidagilarni yozadi: "1884-yilning qishida yosh missioner hamrohligida Ross o'z topilmasidan hayratga tushgan. U safari davomida 75 nafar kishini cho'qintiradi. Koreyadagi missionerlik faoliyatining avvalida biz koreyslarning allaqachon protestantlikka o'tkazilganini (1), ular dinni bir qator hududlarda targ'ib qilish ishida ishtirok etishganini (2), Injilning son jihatdan ko'payib, yoyilishni boshlaganini (3) hamda Manjuriyada koreys diasporasi orasida xristianlik rasman keng yoyilganligini (4) aniqladik"[217].

Koreyada protestantlikning yoyilishiga eng katta ta'sir ko'rsatgan stimul amerikalik missionerlar faoliyati bilan bog'liq. Aynan ular Choson hukumatidan dinni mamlakatda yoyish uchun rasmiy ruxsatnoma olishga erishishgan edi. Ungacha 1884-yilda birinchi xorijiy evangelist agentlik – Presbiteran cherkovining xorijiy missiyalari yo'nalishi (Board of Foreign Missions of the Presbyteran Church) missionerlik faoliyatini yo'lga qo'yadi. 1884-yilda Amerika qo'shma shtatlarining Presbiteran cherkovining xorijiy missiyalari yo'nalishi va Shimoliy metodist episkoplik cherkovi bir vaqtning o'zida koreyslarning o'zi uchun missionerlik ishini yo'lga qo'yish rejasini tuzib chiqdi. Huddi shunday missionerlik faoliyati birinchi marta H.N.Allen va 1885-yilning 5-aprelida Seulga tashrif buyurgan G.Andervud [G.Underwood] tomonidan yo'lga qo'yilgan edi.

1884-yil sentabrida qirolicha Minning taklifiga ko'ra, Horaz Nyuton Allen [Horace Newton Allen] xristianlik asoslarini xalqqa rasmiy ruxsatnoma asosida tanishtirish bilan shug'ullangan. Shuningdek, bu odam mamlakatga zamonaviy tabobat ilmini olib kirib, 1885-yilning fevral oyida Kvangevonda Koreyadagi birinchi g'arbona uslubda tashkil etilgan Qirollik davolash klinikasini ochadi. Choson qirolligiga kirgan birinchi rasmiy protestant

[216] Xristianlikning muqaddas kitobi.
[217] Grayson, James Huntley. (1985). *Early Buddhism and Christianity in Korea.* Leiden, The Netherlands: E. J. Brill..

missionerlaridan Horaz Grant Andervud [Horace Grant Underwood] Amerika Qo'shma Shtatlaridan tashrif buyurgan edi. U keyinchalik o'zining Koreyadagi faoliyati davomida to'plagan ma'lumotlarini yig'ib, "Koreya chaqirig'i" (*The Call of Korea*) nomli avtobiografik-ilmiy xarakterdagi kitob yozadi, shu bilan birga birinchi inglizcha-koreyscha va koreyscha-ingizcha lug'atni yozgan odam ham aynan Andervud hisoblanadi.

Qisqa vaqtdan keyin Shimoliy metodist episkoplik cherkovining xorijiy missionerlik jamiyati a'zolari Dr. Skranton va uning xotini Skranton xonim, uning onasi Meri Skranton [Mary Scranton] va Henri Gerhard Appenziller [Henry Gerhard Appenzeller] va uning xotini mamlakatga kirib kelishdi. Presbiteran va metodist cherkovlarining faoliyati xristianlikdagi boshqa yo'nalish va cherkovlarni ham ilhomlantirib, 1889-yilda Kanada baptist cherkovi, 1889-yilda Avstriya presbiteran cherkovi, 1890-yilda Angliyaning Injilni targ'ib qilish jamiyati, 1892-yilda Janubiy presbiteran cherkovi, 1893-yilda Kanada presbiteran cherkovi, 1896-yilda Janubiy metodist cherkovi (1894-yilda mamlakatga kirib kelgan rohib S.F.Rid faoliyati), 1905-yilda Yettinchi kun adventistlari cherkovi, 1907-yilda Sharqiy missionerlik jamiyati (Koreya cherkovining muqaddasligi), 1908-yilda Xaloskor armiya, 1912-yilda Iyegova guvohlari yarimorolga kirib kelib, o'z faoliyatlarini yo'lga qo'yishgan edi.[218]

Doktor Allenning yosh shahzodaga ko'rsatgan tibbiy yordami qirollik saroyida G'arb tabobatiga nisbatan ishonch va xayrixohlik kayfiyatini paydo qilgan. Shu boisdan, doktor G'arb tibbiyoti asosida davolashni yo'lga qo'yishi mo'ljallangan shifoxona ochishga ruxsatnoma olish talabi bilan chiqqanida, uning talabi osonlik bilan qondirilgan edi. Yuqorida ko'rib o'tilganidek, shifoxona 1885-yilning 10-aprel kuni Kvangevonda ochilgan. 80-yillarning oxirida metodist yepiskoplik cherkovi ham aholining eng kambag'al qatlamiga tibbiy yordam ko'rsatishga qaratilgan gospital ochgan edi.[219]

Ta'lim sohasida rohib Appenzeller 1886-yilning 8-iyunida Koreyada erkaklar uchun *Baeje xaktang* – birinchi missionerlar oliy umum maktabi (yoki akademik oddiy maktabi)ni ochdi. Meri Skranton xonim esa 1886-yil 31-may sanasida *Evha xaktang* – Koreyadagi birinchi ayollar maktabiga asos

[218] Dayton, 1985, p. 80; Grayson, 1985, pp. 103-115; Kim, 1995, p. 39; Mckenzie, 1920, p. 205
[219] Grayson, James Huntley. (1985). *Early Buddhism and Christianity in Korea.* Leiden, The Netherlands: E. J. Brill.

soldi.[220] Ahamiyatga molik jihati shundaki, har ikki maktabning ochilishiga qirollik oilasining shaxsan o'zi homiylik qilib, maktablarga nomni ham ular berishgan: qirol Kojong erkaklar maktabiga *Baeje xaktang* – "iqtidorli erlarni tarbiyalash instituti" deb va qirolicha Min ayollar maktabiga *Evha xaktang* – "nok gullari instituti" deb nom bergan edi

Amerikalik missioner ayol Meri F.Skranton [Mary F. Scranton, missioner Uilyam B.Skranton (William B. Scranton)ning xotini] tomonidan tashkil etilgan Evha qizlar instituti [Ewha Academy, keyinchalik Ehva universiteti (Ewha University)] akademiya tarzida tashkil etilgan bo'lsa ham, boshlanishida, asoschi o'qituvchilardan biri Luiza Rozveyler [Louisa Rothweiler] kuzatuvlariga ko'ra, kambag'al qizlar yashaydigan va kiyintiriladigan yotoqxonaga o'xshagan. Har qanday kamchiliklarga qaramay, bu jiddiy ijtimoiy o'zgarish edi. Bugungi kunda bu akademiya Janubiy Koreyadagi nufuzli xususiy universitetlardan biri hamda hamon faqat qizlar o'qiydigan oliygohdir.

Xulosa

XIX asr oxirida Choson dinastiyaga xristianlik dini kirib kelganida mamlakat murakkab ichki va tashqi muammolar girdobida qolgan edi. Ichki hayotda siyosiy va ijtimoiy islohotlar o'tkazishga bo'lgan har qanday harakat mustahkam byurokratiya va iyerarxiyaga asoslangan yangban jamiyati boshqaruvi tosig'iga uchrab barbod bo'layotgan edi. Misol uchun, dehqonlar, mahalliy ziyolilar tomonidan olib borilgan tongxak (동학 – Sharq maktabi) harakatining yapon qo'shinlari yordami bilan Choson hukumati tomonidan qonga botirilganini olish mumkin.[221] Garchi g'oyaviy jihatdan o'xshashliklari ko'p bo'lsa-da, tongxak harakati xristianlikni qo'llab-quvvatlovchi soxakchilarga [서학 – G'arb maktabi yoki xristianlik] qarshi qat'iy pozitsiyada bo'lishgan. Tongxak ta'limoti konfutsiychilik, buddizm va daotsizmning o'zaro umumlashmasi bo'lib, uning asos g'oyalari "inson ongi samoviy ongdir, ya'ni osmon (ya'ni, Ilohiy borliq yoki Xudo va Yaratuvchi kabi tushunchalar) inson ongida mavjud. Tongxak ta'limoti yer yuzida va'da qilingan insonning halos bo'lishi va tenglikni targ'ib qilib, milliy tinchlik, insoniyatning xalos etilishi va abadiy yoshlik kabi g'oyalarni ilgari suradi".[222]

[220] Underwood, H. H. (1926). *Modern Education in Korea*. New York, New York: International Press, p. 18

[221] Lee, 1984; Radio Korea International [RKI], 1995.

[222] Jeong-Kyu Lee. Christianity and Korean Education in the Late Choson Period, Christian Higher Education. 2002, 1:1, p. 85-99.

Tashqi tarafdan, Choson qirolligi suverenitetiga siyosiy-iqtisodiy maqsadlarga ko'ra qiziqish bildirayotgan davlatlar xavf solib turgan. Kuchsiz qirollikning chet davlatlar ta'siriga tushib qolishi tabiiy edi. Koreya yarimorolini o'z mustamlakasiga aylantirishni maqsad qilgan davlatlar orasida Yaponiya yetakchilik qilib, natijada 1876-yilda Choson hukumati bilan noteng do'stlik shartnomasini tuzishga majbur bo'ldi. 1882-yilda shunday shartnoma AQSh bilan, 1883-yilda Buyuk Britaniya va Germaniya bilan, 1884-yilda Italiya va Rossiya imperiyasi bilan, 1886-yilda Fransiya bilan ham imzolandi. Oxir-oqibat, Choson qirolligi tashqi siyosatda mustaqilligini butunlay yo'qotib, yarimmustamlaka mamlakatga aylanib qoldi. Bu holat ichki vaziyatni ham murakkablashtirib, noroziliklarning kuchayishi, tongxak harakati qo'zg'oloni kabi qurolli chiqishlarga ham sabab bo'ldi. XIX asrning oxirida Koreya yarimoroli uch davlat – Yaponiya, Xitoy va Rossiyaning manfaatlari to'qnashgan maydonga aylanib qoldi.

Konfutsiychilik ta'limoti tarafdorlari chet elliklar va ularning dinlariga nisbatan dushmanlik kayfiyatini namoyish qilishgan. Shu boisdan ham, protestant ruhoniylar dinni koreyslar orasida yoyish juda mushkul va hattoki, deyarli imkonsiz vazifa ekanligiga ishonishar ham edi. Shu boisdan ham, ular missionerlik faoliyatini tibbiy yordam ko'rsatish hamda ta'lim berish faoliyati ortiga yashirish strategiyasini qo'llaganlar. Ularning baxtiga, Choson qirollik xonadoni bu siyosatga xayrixoh bo'lib, protestant ruhoniylarining tibbiy va ta'limdagi yordamini qo'llab-quvvatlashgan. Albatta, bu borada saroy uchun foydali jihatlar ham ko'p bo'lgan. Jumladan, missioner va doktor Allen shahzoda Yongik Min o'lim to'shagida yotganida uni davolagan edi.

Qirol Kojong g'arblik protestant missionerlarni ularning siyosiy maslahatlari va modernizmdagi yetakchilik rolidan kelib chiqib yaxshi qabul qilgan deb aytish mumkin. Tadqiqotchi Hendriks bu davrga (1985) "O'sha vaqtda Koreya xalqaro siyosatning xavfli suvlariga kirayotgan va bu jarayonda yapon, xitoy va rus dizayniga tutilgan; qirol bizga qiziqish bildirmaydi deb hisoblagan AQSh bilan do'stona aloqalar o'rnatishdan tashvishlanar edi" deb ta'rif beradi. Protestant missionerlar koreys xalqi ongiga ular targ'ib qilayotgan xristianlik Koreyaga siyosiy va iqtisodiy muammolarni yechishga yordam beradi degan g'oyani ham singdirib borishgan. Doimiy tashqi hujumlar natijasida XIX asr oxiriga kelib qirollikning iqtisodiy ahvoli juda ham nochor bo'lib qolgan edi. Xalqning

ruhiyatini ko’taruvchi, ularga xalos bo’lish umidini beruvchi g’oyaga muhtojlik koreyslar orasida xristianlik tarafdorlarini ko’paytiruvchi faktorlardan biri bo’ldi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Dayton, 1985, p. 80; Grayson, 1985, pp. 103-115; Kim, 1995, p. 39; Mckenzie, 1920, p. 205.
2. Grayson, James Huntley. (1985). Early Buddhism and Christianity in Korea. Leiden, The Netherlands: E. J. Brill.
3. Jeong-Kyu Lee. Christianity and Korean Education in the Late Choson Period, Christian Higher Education. 2002, 1:1, p. 85-99.
4. Underwood, H. H. (1926). Modern Education in Korea. New York, New York: International Press, p. 18.
5. A Brief History of Central United Methodist Church: The Conscience of a City" (PDF), www.centralumchurchdetroit.org, p. 3, retrieved July 1, 2016
6. Baker, Don. With Franklin Rausch. In Catholics and Anti-Catholicism in Choson Korea. Honolulu: University of Hawai’i Press. 2017.
7. Deberniere Torrey. Confucian Exemplars and Catholic Saints as Models for Women in Nineteenth-Century Korea. Religions 2020, 11, 151.
8. Hyaeweol Choi. Gender and Mission Encounters in Korea: New Women, Old Ways. Seoul-California Series in Korean Studies, 1; University of California Press. 2009. p. 307.

О.Б.АБДУНОСИРОВА
ФарДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси таянч докторанти

ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАРНИНГ ҲОМИЙЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЁРИТИЛИШИГА ДОИР

Аннотация. *Мақолада Амир Темур ва темурий шаҳзодаларнинг ҳомийлик фаолияти тарихий манбалар ва тадқиқотлар асосида ўрганилган ва таҳлил этилган. Шу билан бирга манбаларнинг ушбу давр тарихини ёритишдаги аҳамияти кўрсатилган. Уларнинг маданий ҳаётдаги шахсий иштироки масаласи ҳам тадқиқ этилиб, илмий хулосалар берилган.*

Калит сўзлар: *тарихий манбалар, Ғиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, ҳомийлик фаолияти, Амир Темур, темурий шаҳзодалар, Бодом ариғи, Барлос, Байлақон наҳри, "Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси", "Мужмали Фасихий", Фатҳобод канали, Боғи Шаҳр.*

Кириш. Тарихдан бизга маълумки, "Иккинчи ренессанс" деб эътироф этиладиган "темурийлар даври ренессанси"нинг шаклланишида сулола вакилларининг ўрни юқоридир. Амир Темур ва темурий шаҳзодалар илм-фан, санъат ва маданиятга ҳомийлик қилишган. Темурийлар даври ёзма манбаларида ҳам ушбу масала билан боғлиқ маълумотлар келтирилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ўрнилаётган масалани тадқиқ этишда Ғиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Муиниддин Натанзий, Шарафиддин Али Яздий, Ҳофизу Абру, Фасиҳ Ҳавофий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Ҳасанбей Румли, Давлатшоҳ Самарқандий, Алишер Навоий, Ҳасанхўжа Нисорий, Мирзо Мухаммад Ҳайдар каби муаррихларнинг асарларига таянилди. Мазкур манбаларда тадқиқ қилинаётган мавзуга доир қимматли маълумотларн учратиш мумкин. Тадқиқ этилаётган масала махаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолган эмас. Ч.Рису, Ч.А.Стори, В.В.Бартольд, Г.А.Пугаченкова, Д.Юсупова, Бўриев О, Аҳмедов Б, А.Ўринбоев, Н.Норқулов, Б.Усмонов, Ш.Ўлжаева ва бошқаланинг тадқиқотлари, илмий мақолаларида ҳам ушбу масалага қисман тўхталиб ўтилган. Лекин, темурий шаҳзодаларнинг ҳомийлик фаолиятига доир фундаментал тадқиқот амалга оширилмаган. Шу боисдан, мазкур масалани батафсил таҳлил қилиш долзарб муаммолардан бири

саналади.

Таҳлил ва натижалар. Келтириб ўтилган тарихий манбаларда темурийлар даври маданий ҳаёти, Мовароуннаҳр ва Хуросонда олиб борилган ободончилик, қурилиш ишлари, илм-фан равнақи, ҳунармандчиликнинг ривож топиши борасида қизиқарли маълумотлар берилган. Хусусан, Ғиёсиддин Алининг “Рўзномаи ғазовати Ҳиндистон” асарида ҳам Амир Темур хукмронлиги даврида бунёд этилган айрим маданий ва маиший бинолар, сув иншоотлари борасида қисқача маълумотлар учрайди. Мазкур манбада Амир Темурнинг 1399 йили Ҳиндистон сафаридан қайтиб, Самарқандда Бибихоним жоме масжиди қурилиши [1:189-190], Бодом ариғининг қазилиши [2:207] ҳақида тўхталиб ўтган. Ушбу сув иншооти Жўйи Нав каналининг қуйилиш жойида барпо этилган. Ғиёсиддин Али ариқни 1399 йили Қобулда қазилганлигини ҳамда йирик сув иншооти эканлигини таъкидлаган. Шунингдек, Фасиҳ Хавофийнинг “Мужмали Фасихий” асарида ҳам шу каби маълумотлар берилган[3:119-120].

Амир Темур ва темурийлар даври тарихига бағишланган ёзма манбалардан бири Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”сидир. Келтирилган манбада Амир Темур даврида бунёд этилган иншоотлар, ободончилик ишлари, деҳқончилик, ҳунармандчилик ривожи борасида бир қатор муҳим маълумотлар келтирилган [4:383-384]. Шунингдек, асарда Амир Темурининг шахсий ташаббуси билан бунёд этилган бозорлар, маданий ва маиший бинолар, сув иншоотлари ҳамда жамоат масканлари, Байлақон шаҳрининг қайтадан бунёд этилиши ҳақида тўхталиб ўтилган. Хусусан, унинг ҳомийлиги билан 1401 йилда Барлос [5:311], 1403 йилда Байлақон ариқлари қазилилган [6:366]. Асарда Байлақон ариғининг узунлиги олти фарсах, кенлиги ўн газ эканлигини қайд этилган. Лекин, Шомийдан фарқли равишда, Хондамир уни кенглигини ўн газ эмас, балки, ўн беш газ деган маълумотни келтирган[7:258]. “Зафарнома”да сув иншоотини бир ой давомида қазилгани айтилади. Бу эса, Амир Темурнинг ободончилик масалаларига эътибори кучли бўлгани ҳамда унинг меъморчилик, ирригатция соҳаларидаги билими юқори бўлганлигидан далолат беради.

Муиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб ут-таворихи Муиний” асарида ҳам масалага оид қизиқарли маълумотлар келтирилган. Асарда темурийлар даври маданий ҳаётига доир маълумотлар кўр учрамасада,

Амир Темурнинг мамлакатда олиб борган ободончилик ишлари борасида қисқача фикрлар келтирилган. Шунингдек, 1410-1414 йилларда Форс вилоятини бошқарган Искандар мирзо сиёсий ва маданий фаолияти билан боғлиқ қимматли маълумотлар мавжуд[8:40-43]. Ч.Рисунинг “The Persian Manuscripts Catalogue” номли 1883 йилда Британияда нашр қилинган форсий қўлёзмалар каталогида ҳам мазкур асар ҳамда Искандар мирзо ҳақидаги тарихий маълумотлар берилган.

Шоҳрух мирзонинг ўғли Иброҳим Султоннинг ҳомийлиги билан яратилган “Зафарнома” асарида ҳам масалага доир бир қатор аҳамиятга молик маълумотлар берилган. Манбада Амир Темурнинг ҳомийлиги билан барпо этилган “Боғи Биҳишт”, “Боғи Дилкушо”, “Боғи Шамол” каби боғлар, “Тахта Қароча” ва бошқа саройларнинг қурилиши борасида қизиқарли маълумотлар берилган [9:322]. Хусусан, “Тахта Қароча” саройи 1397 йилда қурила бошланган. Мазкур сарой қурилишида Ироқ, Озарбайжон, Форс вилоятларидан муҳандислар, меъморлар олиб келинган.

Ҳофизу Абрунинг “Георафия” ва “Мажма ут-таворихи султония” асарлари ҳам ўрганилаётган масала учун аҳамиятлидир. Муаллиф асарда Шоҳрух мирзо ҳомийлиги билан Ҳирот ва унинг атрофида бунёд этилган мадрасалар, бозорлар, ариқлар, боғлар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Шунингдек, Ҳирот атрофидаги ўн икки булук (вилоят), қишлоқларнинг номлари, Мовароуннаҳр, Самарқанд шаҳарлари тавсифи берилган. Тадқиқотимиз учун аҳамиятли жиҳати шундаки, 1405 йилда Ҳирот шаҳрини қайтадан тиклаш ишлари бошлангани ҳамда қурилишга амир Жалолиддин Ферузшоҳ бошчилик қилгани келтиради. “Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий”да Бойсунғур мирзонинг элчиси сифатида Хитойга борган Ғиёсиддин Наққошнинг сафарномасини келтирилган. Ушбу сафарномада темурийлар давлати Хитойдаги маданий ҳаёт таққосланмаган бўлсада, унинг мулоҳазаларидан тараққиётда ортда қолмаган деган хулосага келиш мумкин. Сафарнома асосида 1910 йилда Э.Блоше “Introduction a’histoire Mongols”[10:270], 1991 йилда эса А.Ўринбоев,О.Бўриевлар “Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси” асарларини нашр қилишган.

Темурийлар даври тарихидан ҳикоя қилувчи асарлардан бири Фасиҳ Ҳавофийнинг “Мужмали Фасихий” асаридир. Амир Темур даврида амалга оширилган ободончилик ишлари, мадрасалар, қазилган

ариқлар, боғлар ва зиёлиларнинг ижодий фаолияти кетма-кет мунтазам равишда қайд этииб борилганлиги билан аҳамиятлидир[11:5-29]. 1399 йилда Шоҳрух мирзонинг ҳомийлиги билан Ҳиротда Боғи Шахр саройи қурилган. Шунингдек, 1407 йилда Фатҳобод каналининг қазилиши, 1420 йилда Шерозда Дор ас-Сафо саройи, 1425 йилда Абдуллоҳ Ансорий мақбараси қурилиши каби маданий ва маиший иншоотларнинг бунёд этилиши борасида маълумотлар келтирган.

Танлаб олинган масалани тахлил қилишда Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. “Матлаи саъдайин”да 1435 йилнинг қиш фасли охирларида Ҳиротда вабо касаллиги тарқаргани ҳақида тўхталиб ўтилган [12:52-56]. Абдураззоқ Самарқандий вабонинг узоқ муддат давом этганлиги ҳамда ундан ўн мингдан ортиқ одам ҳалок бўлганлигини таъкидлаган. Шунингдек, улар орасида мавлоно ал-Хавофий, Зиёуддин Нуруллоҳ ал-Хоразмий, ҳунарманд Асилуддин Тожуламин, бастакор ва мусиқашунос Хожа Абдулқодир Гўянда каби Ҳиротнинг зиёлилари касаликдан вафот этганлигини алоҳида қайд этган. Абдураззоқ Самарқандий Ҳиротда ҳам 1456 йилда куёш тутилиши кузатилганлиги борасида қизиқарли маълумотларни келтирган [13:386-387]. Хусусан, Абулқосим Бобур мирзо мазкур ноёб табиат ҳодисасини аниқлаш мақсадида олимлар, мунажжимлар билан баҳс-мунозаралар олиб борган. Лекин, манбада табиат ҳодисаси айнан куёш тутилиши эканлиги айтилмаган. “Матлаи саъдайин” асарининг тадқиқотимиз учун аҳамиятга молик жиҳати шундаки, муаллиф Шоҳрух мирзо, Мизо Улуғбек, Бойсунғур мирзо, Абулқосим Бобур, Султон Абу Саъид, Султон Ҳусайн мирзо каби темурий хукмдорларнинг сиёсий фаолияти билан бирга маданий жараёнлардаги иштирокини қайд этиб борган. Шунингдек, диний ва дунёвий фанлар ривожи борасида тўхталиб, XV асарнинг биринчи ярмида Ҳиротда Самарқанддан фарқли равишда диний илмлар (тафсир, фиқҳ, ҳадис) кенг тарқалганлигини таъқидланган.

“Равзат ус-сафо” асрининг муаллифи Мирхонд бўлиб, тарихий асар Алишер Навоийнинг шахсий ташаббуси билан яратилган [14:402]. “Равзат ус-сафо”нинг аҳамиятга молик жиҳати шундаки, Султон Ҳусайн мирзо ва унинг авлодлари, бошқа темурий шаҳзодаларнинг сиёсий фаолияти билан бирга илмий, ижодий қарашлари борасида қимматли

маълумотлар берилган.

Темурийлар даври маданий ҳаёти тўғрисидаги қимматли маълумотлар Хондамирнинг “Хулосат ул-ахбор”, асрида келтириб ўтилган. Муаллиф “Хулосат ул-ахбор”да Султон Ҳусайн мирзо ва унинг ўғиллари даврига батафсилроқ тўхталиб, Хуросонда бунёд этилган иншоотлар, боғлар, каналлар, фанлар ривожи ҳамда маданият аҳли борасида қизиқарли маълумотларга тўхталиб ўтган. Хусусан, Тугуз работ, Работи Пайабоқ, Работи сар-и кўча-йи Аламот, Работи Амир Шоҳмалик каби Султон Ҳусайн ва Бадиуззамон даврида қурилган работларни номлари келтирилган. Шунингдек, асарда “Дор уш-шифо”, “Дор ал-Хуффаз”[15:34-44] каби шифохоналар ва бошқа жамоат муассасалари мунтазам равишда фаолият юритганлиги айтилади.

Хондамир қаламига мансуб яна бир асар “Хабиб ус-сияр” ҳам ўрганилаётган масала учун аҳамиятлидир. “Хабиб ус-сияр” [16:3] вазир Хожа Ҳабибуллоҳ Сожавийнинг ҳомийлиги билан яратилган. Муаллиф Шоҳрух мирзо даврида бунёд этилган иншоотларга тўхталиб, унинг ҳомийлиги билан 1411 йилда Ҳиротда мадарса, хонақоҳ қурилгани, биринчи дарсни мавлоно Юсуф Убаҳий ўқиганлигини алоҳида қайд этади. Шунингдек, Шоҳрух мирзо, Бойсунғур мирзо саройида ижод қилган Муртазо саҳҳоф, Бобо Савдоий, Амир Шоҳий Оқмалик, Мавлоно Шамсиддин ал-Ҳиравий, Устод Қавомиддин Меъмор Шерозий каби шоирлар, олимлар, хаттотларнинг фаолияти борасида қизқарли маълумотлар берилган. Абулқосим Бобур мирзо ҳомийлиги билан Шерозда Хожа Ҳофиз Шерозийнинг қабри устига мақбара [17:659], 1452 йилда Шайх Умарга бағишлаб иморат бунёд эттирган. Келтирилган манбада темурийлар давридаги сиёсий воқеалар билан бирга маданий жараёнларни ҳам изчил қайд этиб бориш муаллифнинг диққат марказида бўлган.

Хондамирнинг “Макорим ул-аҳлоқ” асарида Алишер Навоийга бағишлаб ёзилган бўлиб, Шоҳрух мирзо, Султон Абу Саъид мирзо, Султон Ҳусайн мирзо, Султон Аҳмад мирзо каби хукмдорлар ҳақида тўхталиб ўтган. Шунингдек, асарда темурийлар даврида тарих, адабиёт, мусиқа каби фанлар ривожи, шайхлар, олимлар, шоирлар фаолияти борасида батафсилроқ маълумотларни учратиш мумкин. Хусусан, асарда Султон Ҳусайн мирзонинг туркий тилда девон тузгани, Кичик мизо номи билан танилган Султон Аҳмад мирзонинг

рубоийларидан ҳам келтирилган [18:189-195].

Ҳасанбей Румлининг форс тилида ёзилган “Аҳсан ат-таворих” асарида темурийлар даври тарихи 1405-1420 йилларни қамраб олган бўлсада, унда тадқиқ қилинаётган масалага доир айрим маълумотлар учарайди [19:21-33]. Хусусан, Шоҳрух мирзонинг 1415 йилда Иҳтиёриддин қалъасини қайта қурдиргани, Искандар мирзонинг Шерозда маданият аҳлига ҳомийлик қилиши, Мирзо Улуғбекнинг 1420 йилда Самарқандда мадраса бунёд эттиргани каби маълумотлар қайд этилган. Бироқ, Абудураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн”, Хондамирнинг “Хабиб ус-сияр”даги Иҳтиёриддин қалъаси борасида батафсилроқ маълумотлар берилган.

Амир Темур ва темурийлар даври маданий ҳаётини ўрганишда энг кўр мурожат қилинадиган манбалардан бири Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” [20:3-8] яъни, “Шоирлар бўстони” асаридир. Ушбу асарнинг олтинчи ва еттинчи қисмлари тадқиқотимиз учун мухим манба бўлиб хизмат қилди. Жумладан, Шоҳрух мирзо, Халил Султон, Мирзо Улуғбек, Бойсунғур мирзо, Мухаммад Жўки мирзо, Иброҳим Султон, Абу Саъид мирзо, Султон Ҳусайн мирзо каби шаҳзодаларнинг маданий ҳаётдаги иштироки, улар ўртасидаги ижодий ва илмий баҳс-мунозалар қисқа парчалар орқали ёритилган. Шунингдек, Бисотий Самарқандий, Хожа Исматулло Бухорий, Бурундуқ Бухорий, Симий Нишопурий, Бобо Савдойи Абивардий, Амир Аминиддин Нурзуллободий каби шаҳзодаларнинг ҳомийлиги билан ижод қилган шоирлар, олимларнинг номлари келтирилган. “Тазкират уш-шуаро”да Мирзо Улуғбек, Бойсунғур мирзо ва Иброҳим Султон [21:139-140] ўртасида айрим масалалар юзасидан ёзишмалар олиб борилганлиги таъкидланган. Бироқ, бу ёзишмалар тадқиқ этилган эмас. Самарқандий келтирган ҳикоятларда шаҳзодалар ўртасида илмий ва ижодий масалалар бўйича баҳс-мунозалар амалга оширилган деган хулосага келиш мумкин. Бойсунғур мирзо ва Ироҳим Султон ўртасида мусиқа илми намояндаларидан бири бўлган Юсуф Андижонийни ўз хизматига олиш учун рақобатга киришганлар [22:253]. Бойсунғур мирзо уни саройида сақлаб қолган. Самарқандийнинг ёзишича: “Султон Бойсунғур мирзо замонида Хожа Юсуф Адугоний етти иқлимда тенги йўқ хонанда ва созанда эди”. У Бойсунғур мирзо саройида етук

шоир, олим, созанда ва бастакор бўлиб шаклланган эди. Шу боисдан, Иброҳим Султон катта миқдордаги нақд пул кўринишидаги олтинларни юборади. Бундай баҳс-мунозаралар шаҳзодаларнинг илмий салоҳияти юқори бўлганлигидан ҳамда уларни санъатни яхши тушунганлигидан далолат беради.

Алишер Навоийнинг “Мажолисун нафоис” асарида ҳам ушбу давр маданий ҳаётини ўрганишда аҳамиятлидир. Асарнинг еттинчи ва саккизинчи қисмларида темурий шаҳзодалар, уларнинг илмий, ижодий ишларидан намуналар келтирилган. Жумладан, Шоҳрух мирзо, Искандар мирзо, Мирзо Улуғбек, Бойсунғур мирзо, Абулқосим Бобур ва бошқа темурий шаҳзодаларнинг шахсий фазилатлари, қизиш доиралари борасида тўхталиб ўтган. Навоий “Мажолисун нафоис” асрида Султон Аҳмад мирзони иккита девон тузганлигини, Бойқаро мирзо, Кичик мирзоларнинг рубоийларидан айрим қисмларини келтириб ўтган [23:312].

Тазкирачиликнинг яна бир йирик намунаси Ҳасанхўжа Нисорийнинг “Музаккири аҳбоб” асаридир. Айрим темурий шаҳзодаларнинг фаолияти ҳамда уларнинг ҳомийлиги билан ижод қилган шоирлар билан боғлиқ маълумотлар учрайди [24:3-8]. Хусусан, Лутфулло Нишопурий, Симий Нишопурий, Қозизода Румий, Ҳожа Абдуллоҳ Ансорий, Давлатшоҳ Самарқандий, Ҳожа Убайдуллоҳ Ахрор, Алишер Навоий каби темурийлар даврида ижод қилган шоирлар, олимлар борасида қизиқарли маълумотлар келтирилади. Шунингдек, “Музаккири ахбоб”да жамоат иншоотлари ҳақида ҳам айрим маълумотлар қайд этилган. Жумладан, XVI асрда Ҳиротдаги жоме масжидини Шоҳрух мирзо томонидан таъмирлангани, Султон Ҳусайн мирзо даврига келиб, унинг бир қимси бузилгани алоҳида таэқидланган. Мазкур масжид Алишер Навоийнинг шахсий ташаббуси билан 1498-1500 йилларда қайта таъмирланган.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида келтирилган асарлар Амир Темур ва темурийлар даврида маданий ҳаёт, сулола вакилларининг ушбу жараёнлардаги иштироки ҳамда ҳомийлик фаолиятини батафсилроқ ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш имконини беради. Хусусан, Амир Темур томонидан мамлакатда олиб борган яратувчанлик, маърифатпарварлик фаолияти кейинги темурий хукмдорлар томонидан давом эттирилганлиги, шаҳзодаларнинг маданий жараёнлардаги

бевосита ва билвосита иштироки Мовароуннаҳр ва Хуросондаги маданият ривожининг юқори босқичга кўтарилишининг асосий омилларидан бири эканлигини кўриш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ.

1. Гийасаддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. – С.189-190
2. Гийасаддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. – С.207.
3. Фасих Хавафи. Муджмал-и Фасихи. – С.119-120.
4. Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Б. 383-384.
5. Ўша манба. – Б.311.
6. Ўша манба. – Б.366.
7. Ғийсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр ахбори афроди башар. – Т.: 2013 – Б .258-259.
8. Муиниддин Натанзий. “Мунтахаб ут-таворихи Муиний”. / Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи – Ғулом Каримий –Т.: Ўзбекистон. 2011. – Б. 3-43
9. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. / мас.мухарр. А.Аҳмад ва Ҳ.Бобобеков. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 3-8.
10. E.Blochet. Introduction a L’histoire des Mongols. – London:. 1910 , P.240-270. Юсупова Д.Ю. Фасих Хавафи. И его труд Муджмал-и Фасихи // Фасих Хавафи.
11. Муджмал-и Фасихи// Пер. Предис. премеч. И указатели Д.Ю.Юсуповой. – Т.: Фан, 1980. – С. 5-29
12. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд 2-3-Қ, –Б.52-56.
13. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд 2-3-Қ, –Б.386-387
14. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Б.179-182
15. Юсупова Д. Жизнь и труды Хондамира. – Т.: Фан, 2006. – Б.34-44
16. Юсупова Д. Хондамир ва унинг илмий мероси. //Ғийсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр ахбори афроди башар // форс тилидан тарж. – Жалил Ҳазратқулов, Исмоил Бекжонов И. Изоҳлар муаллифлари – Ашраф Аҳмедов, Исмоил Бекжонов, –Т.: 2013 – Б.16-23
17. Ғийсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр – Б.659.
18. Хондамир Ғиёсиддин. Макорим ул-аҳлоқ. – Б.185-195.
19. Həsən bəy Rumlu. Əhsənüt-təvarix. (Tarixlarlərin ən yaxşisi). –Kastamonu: Uzunlar, 2017 (Həsən bəy Rumlu. Əhsəüt-təvarix.).21-33s

20. Аҳмедов Б. Давлатшоҳ ва унинг асари ҳақида сўз. // Самарқандий, Давлатшоҳ. Шоирлар бўстони. (“Тазкират уш-шуаро”дан) Форс-тожик тилидан Б.Аҳмедов тарж.; Шеърларни С.Раҳмон тарж. қилган. – Т.:Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б.3-8
21. Самарқандий, Давлатшоҳ. Шоирлар бўстони. (“Тазкират уш-шуаро”дан)139-140
22. Усмонов Б. Амир Темур ва Темурийлар даврида Фарғона водийси. – Ф.: 2019, –Б.253
23. Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. – Т.: Ғафур Ғулом, 1996. – Б.312
24. Ҳасанхўжа Нисорий. Музаккири ахбоб (Дўстлар ёдномаси). /Таржимон ҳамда сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон. – Т.:Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси шариёти, 1993. – Б. 343

IKRAMOVA I.R.
kafedra o‘qituvchisi

SAID MUHAMMAD XOTAMIY “TAMADDUNLAR MULOQOTI” KONSEPSIYASINING ERON IJTIMOIY-SIYOSIY HAYOTIDAGI AHAMIYATI

Annotatsiya. *Mazkur maqolada Eronning sobiq prezidenti Said Muhammad Xotamiyning “Tamaddunlar muloqoti” konsepsiyasining mohiyati ko’rib chiqiladi. Shuningdek, Eron Islom Respublikasi ijtimoiy-siyosiy hayotida qanchalik ahamiyatga ega ekanligi yoritib berilgan.*

Kalit so‘zlar: *Eron Islom Respublikasi, Said Muhammad Xotamiy, “Tamaddunlar muloqoti”, Sharq va G‘arb, madaniyat.*

Zamonaviy dunyoda mavjud bo‘lgan tamaddunlar bir-biri bilan birga yashashi kerakligini, ular hamkorlik qilishi va kerak bo‘lsa bir-birini to‘ldirishi va bir-birini yaxshilashi mumkinligini insoniyat anglab bormoqda.

Shunga asoslanib va zamonaviy ilmiy-texnik taraqqiyotni hisobga olgan holda turli madaniyatlar va shunga mos ravishda turli tamaddunlar o‘rtasida yanada mustahkam aloqalarni o‘rnatish kerak degan xulosaga kelish mumkin [1].

Xotamiyning dastlabki prezidentlik davri (1997-2001) Eron ichki va tashqi siyosatida yangi davrni belgiladi. Xorij nashrlarida uni “Oyatullo Gorbachov” deb ham atasha boshlashdi. Bu borada uning ko‘zga ko‘ringan ishlaridan biri mamlakat tashqi siyosat kursining o‘zgarganligi bo‘ldi. Eron yopiq eshiklar siyosatidan, islom inqilobini eksport qilish g‘oyasidan – tubdan farq qiluvchi o‘zgacha ochiq eshiklar siyosati, ya’ni xorijiy davlatlar bilan keng aloqalarni yo‘lga qo‘yish, xususan Xotamiy tomonidan ishlab chiqilgan “Tamaddunlar muloqoti” (Goftoguyi tamoddonho) konsepiyasi bu borada katta o‘zgrishlarni boshlab berdi.

Aslida Eronning “Tamaddunlar muloqoti” mazmunidagi siyosiy harakati 1989-yil mamlakat prezidentligiga Hoshimiy Rafsanjoniyning kelishi bilan boshlangan edi. Albatta bu rasman “Tamaddunlar muloqoti” deb nomlanmagan bo‘lsa ham, Rafsanjoniy amalda shu mazmunni o‘zida aks ettiruvchi tashqi siyosat olib bordi. Bu jarayon keyinchalik Muhammad Xotamiyning prezidentlik lavozimiga kelishi bilan rasmiy davlat dasturi sifatida e’tirof etildi va amalga oshirila boshladi.

Islom Respublikasi Prezidenti Sayyid Muhammad Xotamiyning tashabbuslari Eron “Tamaddunlar muloqoti”ni zamonaviy dunyodagi asosiy

[1] Мехди Санаи. исламское отношение к диалогу цивилизаций. Пленарное заседание «Диалог культур и партнерство цивилизаций: становление глобальной культуры». М., 2011. -С.56.

omil sifatida ko‘rib chiqishi ushbu ehtiyojni chuqur anglash bilan bog‘liq. Xususan, u quyidagilarni ta'kidlaydi: «tamaddunlar muloqoti – xalqaro aloqalarni takomillashtirish uchun universal modelni shakllantirish uchun stimul bo‘lib, siyosat va madaniyatdagi bir tomonlama yondashuvlar va monologlarni bartaraf etishga mo‘ljallangandir».

Uyg‘onish davri Sharq va G‘arb o‘rtasidagi madaniyat sohasidagi ko‘p asrlik muloqotning muhim ifodasi bo‘ldi. Ba'zi bir mafkurachilar va tarixchilarning fikrlaridan farqli o‘laroq, Uyg‘onish davrini Evropada qadimiy madaniyatning mexanik tirilishi deb hisoblash mumkin emas, chunki Uyg‘onish davrigacha Evropada qadimgi madaniyat tiklanishidan oldin (asosan falsafa) “tirildi” va Sharqda, asosan musulmon dunyosida takomillashdi. Antik falsafa har xil insonparvarlik va umuman olganda dunyoqarash va axloqiy fanlar to‘plami sifatida musulmon olamining yirik faylasuflari Farobiy, Ibn Sino, Ibn Rushd va boshqa shu kabi faylasuflar tomonidan qayta ko‘rib chiqildi, tizimlashtirildi va boyitildi. Bulardan esa undan keyingi asrlarda Evropa olimlari foydalanganlar.

Musulmon ulamolari O‘rta asrlar uchun ko‘plab yangi ilmiy tadqiqotlar olib keldilar va ilmiy foydalanishga jalb qilib uni rivojlantirdilar. Ular orasida algebra (Al-Xorazmiy), kimyo (Al-Jaber, Yevropada Al-Gabar nomi bilan tanilgan), sistemalashtirilgan tibbiyot (Ibn Sino) va boshqalar mashhurdir. Yevropa adabiyotining rivojlanishiga Firdavsiy, Umar Xayyom, Hofiz va musulmon adabiyotining boshqa vakillari katta ta'sir ko‘rsatgan.

Shunday qilib, Yevropa Uyg‘onish davrining boshidanoq ko‘p jihatdan bu Sharq, birinchi navbatda musulmon olimlarning asarlari bilan bog‘liq edi. Bu ilmiy, axloqiy va estetik qadriyatlarning shiddatli va samarali almashinuvi davri edi.

Shunisi ham diqqatga sazovorki, ushbu davrning ko‘plab tadqiqotchilarining ta’kidlaridan farqli o‘laroq, Uyg‘onish diniy qadriyatlardan uzoqlashish davri emas, balki “Uyg‘onish davrida kashf etilgan diniy shaxsning boshqa qiyofasi paydo bo‘ldi”[2]. Dunyo va insonning o‘zaro ochiqligi Uyg‘onish davrining asosiy g‘oyasi bo‘lib, chuqur diniy ahamiyatga ega edi. Chunki Uyg‘onish dinni mustahkamlash, tozalash va tarqatishga qaratilgan edi, lekin unga qarshi emas [3].

Prezident Xotamiy “Tamaddunlar muloqoti”ni hozirgi zamonning ko‘plab global muammolarini to‘g‘ri, insonparvarlik va amaliy hal etish vositasi sifatida ko‘rib chiqishni taklif qiladi, masalan: oilaviy inqiroz,

[2] Хатами С. М. В человеке сосредоточены душа Востока и разум Запада. (Выступление во Флорентийском университете). М., 2001. -С. 44.

[3] Мехди Санаи. исламское отношение к диалогу цивилизаций. Пленарное заседание «Диалог культур и партнерство цивилизаций: становление глобальной культуры».

ekologik inqiroz, axloqiy inqiroz, ilmiy izlanishlarning ayrim yo‘nalishlari bilan bog‘liq, xalqaro siyosiy munosabatlardagi inqiroz va boshqalar ...

“Tamaddunlar muloqoti”ni olib borishning ikki yo‘li mavjud:

1) Uzoq vaqt davomida tamaddunlar o‘rtasidagi o‘zaro ta'sir. Ushbu jarayon voqealarning tabiiy rivoji, geografik yoki tarixiy sabablarga bog‘liq va hech kimning tanlovi yoki irodasiga bog‘liq emas. Bunday o‘zaro aloqalar uzoq vaqt davomida, masalan, antik davrda forslar va yunonlar o‘rtasida, keyinchalik - Buyuk Ipak yo‘li bo‘ylab Yevropa va Osiyo o‘rtasida o‘rtasida amalga oshib borgan.

2) Tamaddunlar va madaniyatlarning o‘z vakillari o‘rtasidagi dialog orqali muloqoti. Ushbu dialog shakli geografik yoki tarixiy omillar bilan shartlanmagan maqsadga muvofiq faoliyat orqali amalga oshiriladi.

Madaniyatlar va tamaddunlarning to‘laqonli va keng qamrovli muloqotining ahamiyati tobora ortib borayotganini ta'kidlar ekanmiz, biz shu bilan birga zo‘ravonlik sekulyarizatsiyasi, bosim va qo‘rqitish nuqtai nazaridan bunday dialogni rad etamiz. Madaniyatlarning o‘zaro muloqoti ko‘p qutbli dunyoni nazarda tutadi va globallashuv sohasidagi sayyoraviy o‘zgarishlarni inkor etadi, tovar bozorlarini kengroq yaratishga va bitta madaniyatga milliy madaniyatlarni singdirishga qaratilgan.

“Tamaddunlar muloqoti” sayyoramizdagi tinchlik va barqarorlikni saqlash uchun yagona, ammo ayni paytda murakkab va zarur mexanizmdir[4].

Bu siyosat, din va madaniyatda bir tomonlama yondashuv va monologlarga yo‘l qo‘ymaydigan xalqaro munosabatlarni takomillashtirishning universal modelini shakllantirish uchun rag‘batdir. Bu jamoatchilik fikri millatlararo va xalqaro ziddiyatlarni va kelishmovchiliklarni hal qilishning har qanday kuchli usullarini qoralashga imkon beradi.

Shu nuqtai nazardan qaraganda, xalqaro huquqning ko‘plab me'yorlari o‘zgarishni talab qiladi, chunki ular avvalgi o‘n yilliklarda asosan G‘arb siyosatchilari va jamoat doiralari manfaatlari nuqtai nazaridan ishlab chiqilgan, sharqiy, ayniqsa musulmon davlatlarining manfaatlari deyarli hisobga olinmagan.

Globallashuv tendentsiyasi zamonaviy dunyoning ko‘p qutbliligiga asoslanishi va yangi urf-odatlar, xalqaro institutlar va qonunlarga asoslangan yangi kollektiv qonunlarning paydo bo‘lishi, barcha davlatlarda suverenitet va demokratiyani mustahkamlash, xalqaro muammolarni hal qilishda ularning mas'uliyatini oshirishi kerak. Buning uchun xalqaro tizimning barcha tarkibiy qismlari (davlatlar va fuqarolik institutlari) qarorlarni ishlab chiqishda va

[4] Мехди Санаи. исламское отношение к диалогу цивилизаций. Пленарное заседание «Диалог культур и партнерство цивилизаций: становление глобальной культуры». – С.188.

qabul qilishda faol va teng sharoitlarda ishtirok etishi zarur[5].

Muloqot masalasi islom dunyosining G‘arb bilan, xususan Eron va AQSh va Evropa Ittifoqi o‘rtasidagi munosabatlarda, o‘sha vaqt yozda bo‘lib o‘tgan prezidentlik saylovlari va Xasan Ruhoniy g‘alabasidan so‘ng, dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Xasan Ruhoniy sobiq prezident Muhammad Xatamiyning qo‘llab-quvvatlashidan bahramand bo‘lgan eng liberal qarashga ega nomzod. Aynan 1997-2007 yillarda prezidentlik qilgan Xotamiy Amerika Qo‘shma Shtatlari bilan umumiy til topishga intildi va tamaddunlar o‘rtasidagi dialog jarayonini boshladi (uning tashabbusi bilan 1998 yil 4 noyabrdagi qarorida BMT Bosh Assambleyasi 2001 yilni (tamaddunlararo) “Muloqot yili” deb e’lon qildi[6].

Muhammad Xotamiy birinchilardan bo‘lib “Tamaddunlar muloqoti” kontseptsiyasini taklif qildi. Eron prezidenti bo‘lganidan so‘ng, u o‘z mavqeidan foydalanib, odamlarning e'tiborini ushbu muammoga qaratdi: uning sa'y-harakatlari tufayli 2001 yil YUNESKO tomonidan “Tamaddunlar muloqoti yili” deb e'lon qilindi.

Xotamining o‘zi “Tamaddunlar muloqoti” orqali nimani tushundi? U muloqot jarayonida umuman Eron va musulmon tamaddunsining imkoniyatlarini qanday baholadi?

U “Islom, dialog va fuqarolik jamiyati”[7] kitobida to‘plangan bir nechta ma'ruza va maqolalarida o‘z qarashlarini namoyish etdi. Bularni asosiy nuqtalarini keltirib o‘tishga harakat qilamiz.

Xotamiy “tamaddun” va “madaniyat” tushunchalarini tushunishni taklif qiladi. U shunday yozadi: «Garchi madaniyat va tamaddun nima ekanligi to‘g‘risida umumiy qabul qilingan aniq ta'rif bo‘lmasa-da, menimcha tamaddun tushunchasiga ijtimoiy hayotning moddiy tomonlarini, shuningdek, jamiyatning siyosiy, iqtisodiy, sanoat va boshqa tuzilmalarini yaratadigan barcha muassasa va tashkilotlarni o‘z ichiga oladi. Men madaniyatni esa ildiz otgan qarashlar, shuningdek, jamiyatning an'anaviy munosabatlari va hissiyotlarini birlashtiruvchi tizim deb bilaman”[8].

Shunday qilib, tamaddun, go‘yo jamiyat hayotining moddiy tomoni bo‘lib, madaniyat ma'naviy yoki intellektual tarafidir. Tamaddun tug‘ilish, inqiroz va o‘limni boshdan kechirmoqda, lekin bu har doim ham madaniyatning o‘limiga olib kelavermaydi. «Muayyan tamaddunga moslashib ketgan madaniyat, ushbu tamaddun vafotidan keyin uzoq vaqt davomida inson hayotining elementi bo‘lib qolishi mumkin. Tamaddun madaniyatning bazisi

[5] Хатами С. М. В человеке сосредоточены душа Востока и разум Запада. (Выступление во Флорентийском университете). М., 2001. С. 47.

[6] Кулагин И.В. Диалог цивилизаций в Иране: Мохаммад Хатами. Вестник РУДН, серия Философия, 2014, № 1. -С.132-136.

[7] Мохаммад Хатами. Ислам, диалог и гражданское общество. — М.: РОССПЭН, 2001.

[8] Мохаммад Хатами. Ислам, диалог и гражданское общество. - М.:РОССПЭН, 2001.-С.90.

va asosidir. Agar madaniyat va tamaddun o‘rtasida bo‘linish bo‘lsa, ikkinchisi o‘zining innovatsion va ijodiy salohiyatini yo‘qotadi va rivojlanish yo‘lidagi haqiqiy tormozga aylanadi, chunki uning ildizi chuqur emas. Asta-sekin u parchalanadi”[9]- deb yozadi Xotamiy.

Aynan tamaddun va madaniyat o‘rtasidagi ziddiyatda Xatamiy musulmon jamiyatidagi inqiroz sabablarini ko‘radi: «Biz uchun asosiy muammolardan biri bu madaniyatimizning muhim jihatlari o‘z **davrini o‘tab bo‘lgan tamaddunga** tegishli ekanligidir. Biroq bizning hayotimiz zamonaviy tamaddun tomonidan belgilanadi, bu tamaddun esa o‘ziga mos madaniyatni talab qiladi”. Xotamiy “Zamonaviy tamaddun” deganda, albatta, G‘arb tamaddunsi, Evropa tamaddunsini nazarda tutadi. Shuningdek uni asosiy raqib va ayni paytda dialogning ishtirokchisi deb biladi. U quyidagilarni yozadi: “Bizning shaxsiy hayotimiz va ijtimoiy hayotimiz to‘g‘ridan-to‘g‘ri G‘arb ta'sirida. G‘arb tamaddunsi bu asoslarini biz hali o‘zlashtirmagan va o‘zimizniki qila olmagan tamaddundir, boshqa tomondan esa bizning o‘z madaniyatimizning elementlari esa vaqti allaqachon o‘tgan tamaddunga asoslangandir” G‘arbga kelsak, bunday inqiroz yo‘q: “G‘arb mamlakatlari madaniyati ularning tamaddunsi bilan uyg‘undir va shuning uchun ushbu mamlakatlar aholisi ongni xavfli ikkiga bo‘linishidan aziyat chekishmaydi”[10].

Xotamining fikriga ko‘ra, dialog tomonlarning tengligini va ziddiyatni bartaraf etishni nazarda tutadi. “Tamaddunlar muloqoti xalqlar va davlatlarning tengligini anglatadi. Boshqacha qilib aytganda, muloqot faqatgina uning har bir ishtirokchisi boshqasini hurmat qilganida va unga tengdosh sifatida qaragandagina amalga oshadi”[11].

Prezident bo‘lganidan keyin Xatamiy darhol eronliklar orasida ko‘plab tarafdorlarini topdi. Eronda hali ham ko‘pchilikni tashkil etadigan yoshlar unga katta umidlar bilan qarashgan. Xatamiy ruhoniylardan bo‘lganiga qaramay, u doimo demokratiya va so‘z erkinligi haqida gapirardi. Bundan tashqari, uning tanqiddan himoya qiladigan oldingi faoliyati haqida juda kam narsa ma'lum edi. Umuman olganda, u shu paytgacha noma'lum shaxs edi va bu uning qo‘lida qolgan edi.

1993 yilda Xantingtonning “Tamaddunlar to‘qnashuvi” maqolasi nashr qilingandan so‘ng, ko‘pchilikka hozirgi siyosiy dunyo tartibini tushuntiradigan boshqa kontseptsiya bo‘lmasligi mumkindek tuyulardi. Shu fonda Xotamiy o‘zining tamaddunlar dialogi nazariyasi bilan paydo bo‘ldi - G‘arb nihoyat u bilan suhbatlashadigan musulmon olamining vakilini ko‘rdi[12].

[9] O’sha asar. -C.90.
[10] Мохаммад Хатами. Ислам, диалог и гражданское общество. -М.: РОССПЭН, 2001. - С.89.
[11] O’sha asar. -C.6.
[12] Кулагин И.В. Диалог цивилизаций в Иране: Мохаммад Хатами. Вестник РУДН, серия Философия, 2014, № 1. -С.134.

Xotamiy G‘arb falsafasi va turmush tarzi bilan tanish edi va uning yarashishga chaqirishi yangi munosabatlarni boshlash uchun signal sifatida qaraldi. U kofirlar haqida gapirmadi va ko‘p jihatdan G‘arbning yutuqlari va xizmatlarini tan oldi. Shu bilan birga u Islomga va o‘z qadrdon ona madaniyatiga ishongan, Islom va G‘arb konstruktiv muloqotga kirishishi mumkinligiga ishongan.

Xotamiy muloqot (dialog) va tamaddun deganda nimani tushunadi? “Muloqot - bu, avvalambor, hissiy aloqa va samimiy ishonchni izlashdir”[13], - deydi Xatamiy o‘z nutqlaridan birida. Haqiqatga, najotga yaqinlashish va o‘zaro tushunish va tinch-totuv yashashga erishish uchun muloqot zarur.

Xotamiyning fikricha, tamaddunlar azaldan mavjud bo‘lgan, hatto bizning ovchi-ajdodlarimiz ham o‘z tamadduniga ega bo‘lganlar. U “ijtimoiy hayotning moddiy jihatlaridan, shuningdek, jamiyatning siyosiy, iqtisodiy, sanoat va boshqa tuzilmalarini yaratadigan barcha muassasa va tashkilotlardan” iborat[14].

Madaniyat, o‘z navbatida, singdirilgan qarashlar tizimi, shuningdek, jamiyatning an'anaviy munosabatlari va hissiyotlari tizimi bo‘lib, uni moslashtirilgan tamaddun vafotidan keyin ham uzoq vaqt davomida odamlar hayotining elementi bo‘lib qolishi mumkin.

Ushbu ikkala ta'rif ham nihoyatda noaniq va mavhum. Ammo madaniyatning tamaddundan omon qolishi masalasi aniq qiziqish uyg‘otadi. Masalan, Xatamiy zamonaviy islom madaniyati azaldan vafot etgan, yo‘q bolib bo‘lgan va islomiy jamiyatlarda inqirozga olib keladigan tamaddunga tegishli deb ta'kidlaydi. Shunday qilib, madaniyatning o‘zgarishi tamaddunning o‘zgarishiga olib keladi, aksincha emas. Savol tug‘iladi: madaniyat o‘zgarishiga nima sabab bo‘lishi mumkin? Islom tamaddunsining yo‘q bo‘lib ketishiga qaramay, nega islom madaniyati o‘zgarmadi? Va nihoyat, qanday qilib ikkita tamaddun muloqotga kirishishi mumkin, uning tashabbuskori, ulardan biri hozirda yo‘q bo‘lib ketgan, deb e'lon qilsa?

Ammo shuncha maqtovlarga qaramay, Xotamiy G‘arb musulmonlar uchun ulkan muammolarni yaratdi, deb ta'kidlaydi. Uning fikricha G‘arb madaniyati odamni markazga qo‘yadi, Islom esa bu yerga Xudoni qo‘yadi. Avvallari **ma'naviy najot** hayotning maqsadi bo‘lgan bo‘lsa, endi G‘arb tamaddunsi uni **moddiy boylik** bilan almashtirdi.

Tamaddunlar dialogiga kelsak, Xotamiyda ko‘plab ichki qarama-qarshiliklarni topish mumkin. Biroq, bu har qanday mavjud, rivojlanayotgan dunyoqarashga xos xususiyatdir. Xotamiy o‘z g‘oyasini mantiqiy yakuniga

[13] Fabio Petito, Khatami’ Dialogue among Civilizations as International Political Theory // The International Journal of Humanities. 2004. Vol. 11. -P. 20.

[14] Мохаммад Хатами. Ислам, диалог и гражданское общество. — М.: РОССПЭН, 2001. -С.89.

yetkaza olmagan bo‘lishi mumkin, ammo ehtimol uning vorislari muvaffaqiyat qozonishlari mumkin[15].

Xulosa qilib aytganda, Muhammad Xotamiyning “Tamaddunlar muloqoti” konsepsiyasi Eronni nafaqat ichki siyosiy ahvolini yaxshiladi, balki tashqi siyosatda ham uzoq vaqt davom etib kelgan “yopiq eshiklar”ni ochishda va bir paytlar umuman munosabatlar uzilib ketgan G‘arb bilan aloqalarni qayta ko‘rib chiqishga hamda zamonaviy davrda tom ma'nodagi “taraqqiyotlar muloqotini” amalga oshirish imkonini berdi. Bu esa o‘z navbatida Rossiya bilan munosabatlar borasida ham o‘z ahamiyatini ko‘rsatdi. Ikki davlat tashqi siyosiy munosabatlarida mushtarak bo‘lgan manfaatlar, jumladan Kaspiy dengizi va bu mintaqada boshqa davlatlarning aralashuvini cheklash, o‘z ta'sir doiralarini kuchaytirish kabi masalalarda ushbu konsepsiya doirasida o‘z siyosatlarini olib bordilar. Bu siyosat nafaqat geostrategik maqsadda, balki ikki tomonlama madaniy, ilmiy-texnik va harbiy-energetik sohalardagi hamkorliklarda ham o‘z aksini topgan[70].

Bunga qo‘shimcha tarzda shuni aytish mumkinki, Muhammad Xotamiyning “Tamaddunlar muloqoti” konsepsiyasi nafaqat g‘arb davlatlari va Rossiya bilan munosabatlarni keng yo‘lga qo‘yishga qaratilgan, balki Markaziy Osiyo davlatlari, xususan O‘zbekiston bilan ham hamkorlikni rivojlantirishida muhim rol o‘ynadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Fabio Petito, Khatami’ Dialogue among Civilizations as International Political Theory // The International Journal of Humanities. 2004. Vol. 11.
2. Кулагин И.В. Диалог цивилизаций в Иране: Мохаммад Хатами. Вестник РУДН, серия Философия, 2014, № 1.
3. Мохаммад Хатами. Ислам, диалог и гражданское общество. - М.: РОССПЭН, 2001. -С.89.
4. Мехди Санаи. исламское отношение к диалогу цивилизаций. Пленарное заседание «Диалог культур и партнерство цивилизаций: становление глобальной культуры». – С.188.
5. Саййид Муҳаммад Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. -Т.:Минҳож, 2003. -Б.248.
6. Хатами С. М. В человеке сосредоточены душа Востока и разум Запада. (Выступление во Флорентийском университете). М., 2001. С. 47.

[15] **Кулагин И.В. Диалог цивилизаций в Иране: Мохаммад Хатами. Вестник РУДН, серия Философия, 2014, № 1. -С.135.**

РАХМОНОВ А.А
ТТА Термиз филиали, “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси мудири

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ҲАЁТИДА АБУ ЮСУФНИНГ “КИТОБ УЛ-ХАРОЖ” АСАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

VIII асрга келиб Марказий Осиёни араблар истило қилдилар ва улар ўзлари билан янги дин — Исломни олиб келдилар ва босиб олинган халқлар орасида турли йўллар билан бу динни тарқата бошладилар.

Ислом дини ўрнатилган Осиёнинг жуда катта ҳудуди кейинчалик мусулмон Шарқи номини олди. Халифалик кучсизланиб, фақат Яқин Шарқ доираси билан чегараланиб қолсада, исломнинг бошқа халқлар орасида тарқалиши давом этди[16].

Юртимиз асрлар давомида урф-одат ва анъаналарни ўзида мужассам этган ислом дини, унинг аҳкомлари, шариат, фиқҳ кабилар билан узвий боғлиқ бўлган. Ислом оламида Абу Юсуф номи билан машҳур бўлган Ёқуб Абу Юсуф Ибн Иброҳим ал-Куфийнинг (735-798) ижтимоий-фалсафий қарашлари, халифалик солиқ тизимининг шаклланиши, унинг юртимиз халқлари ҳаётига кўрсатган таъсири улкандир. Абу Юсуф томонидан бир қанча асарлар ёзиб қолдирилган. Улар ичида “Китоб ал-харож” асари анча машҳур бўлиб, унда Абу Юсуфнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари жуда яхши ёритилган. Бу асар қадимий қўлёзма асар сирасига киради (VIII аср)[17].

Абу Юсуфнинг “Китоб ал-харож” асарида исломдаги асосий иқтисодий-ижтимоий муносабатлар тўлиқ ёритилган ҳамда араб халифалигида солиқ тизимини қай тарзда таркиб топганлигини айтиб ўтиш билан бир қаторда жуда қимматли тарихий маълумотларни келтирилади. Чунки, асарнинг фақатгина қадимий қўлёзма эканлиги эмас, балки у бизга айнан VIII–IX асрларда халифаликда ва юртимиз ҳаётида солиқ тизими қандай бўлганлиги ва кейинчалик уни тарихий эволюция натижасида қай тариқа ўзгарганлигини кузатиш имконини беради. Абу Юсуфнинг қарашлари, айниқса у томонидан ишлаб чиқилган солиқ тизими ва ерга бўлган муносабат бевосита Марказий Осиё халқлари ҳаётига катта таъсир ўтказди.

Абу Юсуф яшаган давр ислом тарихидаги энг муҳим илмий

[16] Маънавият юлдузлари. Масъул мухаррир: М. М. Хайруллаев. -Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1999. - б. 6.

[17] Абу Йусуф Йакуб б. Ибрахим ал-Куфи. Китаб ал-Харадж (Мусульманское налогообложение) / Пер. с арабского и комментарии А. Э. Шмидта. Супракомментарии к переводу А. С. Боголюбова. Подготовка к изданию, вступит. статья и указатели А. А. Хисматулина. СПб., 2001.

уйғониш бўлган давр ҳисобланади. Бу даврда Қуръони Каримни тафсир қилиш, фиқҳ, фалсафа, таржимачилик тараққий этган эди.

“Китоб ул-харож” Абу Юсуфнинг энг муҳим асари ҳисобланади. У ушбу китобни Халифа Ҳорун ар-Рашид даврида бош қози бўлиб ишлаган пайтида ёзган. Китобнинг кириш қисмидан кўриниб турибдики, Абу Юсуф ушбу рисолани халифанинг солиққа тортиш масалалари, давлат бошқаруви, жиноят қонунчилиги ва бошқа масалалар билан боғлиқ диний меъёрлар ҳолати ҳақидаги сўровларига жавобан ёзган. Асар халифага насиҳат қилиш билан бошланиб, уни юксак маънавиятли ва одил ҳукмдор сифатида ўз халқи олдидаги вазифаларни сидқидилдан адо этиши лозимлигини таъкидлайди[18].

Унинг қарашларидан маълум бўладики, у солиқ бошқарувининг турли жиҳатларидан яхши хабардор бўлган. Солиқ масалаларини мунтазам равишда ўрганишдан олдин у "солиқ тўловчининг тўлов қобилияти", "солиқ йиғувчиларнинг ишончлилиги", давлат самарали ва ҳалол солиқ маъмурчилигига муҳтож эканлигини таъкидлаб ўтади[19]. У мамлакат тараққий этиши учун ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш зарурлигини таъкидлайди, шунингдек у кўприклар қуриш, каналларни қазиш каби ишларни амалга оширишда давлат бундай харажатларни қандай қоплаши бўйича таклиф беради. Бунинг учун адолатли ва самарали солиқ тизимини жорий этиш зарурлигини таъкидлайди. Унинг таъкидлашича, давлатнинг асосий даромади экин ерларидан олинадиган солиқларга боғлиқ, шунга кўра янги солиқ тизими кўпроқ майдонларни экин экишга ундайди. У ўз халқининг эҳтиёжларини қондириш ва уларнинг ҳар томонлама яхши яшаши бўйича ҳукмдорга бир қатор таклифларни баён қилди. Шунингдек, у солиққа тортишда адолат ва тенглик зарурлигини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, ҳукмдор давлат пулларини ишончли тарзда сақлаши ва унинг сарфланиши учун жавобгар бўлиши керак. Абу Юсуф қарашларининг асосий ҳиссаси давлат молия соҳасига тўғри келади. Шунингдек, унинг китобида бозор ва нархлар тўғрисида баъзи бир мулоҳазалар мавжуд, масалан, нархлар қандай аниқланади ва солиқларнинг ҳар хил турлари қандай таъсир қилади.

Китобнинг ёндашуви прагматик ва ҳуқуқий хусусиятга эга. Бу шунчаки исломнинг молия тизими тўғрисидаги рисола эмас, аксинча, бу ўша даврда жамиятдаги ўзгаришлар ёритилган, ислом қонунлари нуқтаи назаридан амалга ошириладиган солиқ тизимни яратиш учун қилинган саъй-ҳаракатлардир. У ўзининг юқори анализ ва таҳлили билан тарихий

[18] Abu Yusuf, Kitab al-Kharaj, Beirut: Dar al -Marifah: 1979, pp.119.

[19] Sabahiddin Azmi. Abu Yusuf’s contribution to the theory of public finance. Dissertation submitted of the degree of master of philosopy in economics. India. 1995. p. 34.

далиллардан ислом молия тизимининг мослашувчанлиги ва барча жамият ва замонларга мослаша оладиган сифатга эга эканлигини исботлашга уринди. Абу Юсуф фиқҳ олими ва дин уламоси бўлгани учун у ўзининг фикрларини Қуръони Карим оятлари, Пайғамбар (с.а.в) одатлари ва тақводор халифаларнинг амаллари билан исбот келтирган. Ушбу ёндашув унинг қарашларига мустаҳкамлайди.

Абу Юсуфнинг “Китоб ул-харож” асарида унинг назарий умумлашмалари ва ижтимоий-сиёсий қарашлари ёритилган. У ислом давлати раҳбари жамиятни қай йўсинда бошқариши кераклигини айтиб ўтган. Унинг асарида ифода этилган ғояларнинг аҳамияти шундаки, у VIII-IX асрдаги халифаликдаги ижтимоий сиёсий назариядан келиб чиққан ҳолда давлатни бирлаштирадиган қонун ва меъёрларни ишлаб чиққан. Масалан, тенг ҳуқуқлилик ва адолатлилик ғоялари ўта муҳим фикрлар эди. Чунки, Аббосийлар давлат бошқаруви тепасига энди келган бўлиб, халқни ўзининг адолатли бошқарув концепциясига ишонтириши лозим бўлган. Бунинг учун бир қатор ислоҳотларни ўтказдилар. Чунки, Уммавийлар босиб олган ўлкаларда арабларга хўжайинлар тарзида яшаш имконини берган эди. Улар бадавлат Яқин Шарқнинг бойликларидан жуда унумли фойдаландилар[20].

Бундан ташқари, Осиёнинг қадимги юксак маданиятли ўлакаларига келган араблар, юнонлар, яҳудийлар, сурияликлар, форслар, сўғдийларга нисбатан қолоқ эдилар. Уларнинг бу ўлкаларни босиб олиши энди шалкллана бошлаган феодал жамиятининг ривожланишига ва озод деҳқонларнинг феодаллар асоратга тушушига, ер-сувга қарамлигининг кучайишига олиб келди, бу кенг меҳнаткаш оммасининг норозилигига сабаб бўлди. Халифаликда мулк ҳуқуқи катта аҳамиятга эга бўлган. Кишининг мулки унга даҳлсизлик ҳуқуқини берар эди. Халифалар босиб олинган ўлкалардаги ер-мулкларни қўшинга бўлиб берар эди. Аммо бу қўшиннинг заифлашувига олиб келди. Умар (р.а) босиб олинган ўлкалардаги ерларни маҳаллий аҳолининг ўзида қолдиришга қарор қилди. У ўзлаштирилмаган, экин экиб бўлмайдиган ерларни халққа ишлов бериш ва ўзлаштириш шарти билан берди. Бунда халқ ўзлаштирилмаган ерни ўзлаштирди ва уни ўзига мулк қилиб олди. Лекин ер давлатга тегишли бўлгани боис ислом қонунчилигида бир қатор янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш зарур эди.

Халифаликдаги ижтимоий-сиёсий вазият халқнинг иқтисодий ҳолатини, шунингдек маданий ҳаётдаги бир қатор диний хурофий ботил эътиқодли мазҳабларнинг вужудга келиши ҳаётий жараённи мураккаблаштирар эди.

Абу Юсуф ўзининг ижтимоий қарашларини мана шундай

[20]К.Э.Босворт.Мусулмон сулолалари. Т. Фан. 2007 й.

мураккаб сиёсий жараёнларни ҳисобга олган ҳолда “Китоб ул-харож” асарини ёзди. У доимий равишда Ҳорун ар-Рашидга ўзининг қарашларини билдириб маслаҳат беради. Асарда “Кимки, адолатли сиёсат олиб борса, унинг мартабаси юксак бўлади ва бошқарувда енгиллик бўлади. Кимки, адолатсиз сиёсат юргизса, ундан халқ юз ўгиради ва бошқарувда оғирлик сезади”[21], деб таъкидланади. Албатта халифа бу сўзларни ҳисобга олган бўлиши керак.

Абу Юсуф фатҳ қилинган ҳудудларни сақлаб қолиш ва улар билан боғлиқ муаммолар ҳукмдорнинг асосий ташвиши бўлган даврда яшаган. Абу Юсуфнинг қарашлари унинг ўша пайтдаги ер солиғи билан боғлиқ бўлган долзарб муаммони акс эттиради. Ер солиғи солиқнинг энг қадимги ва кенг қўлланиладиган шакли ҳисобланади. Қадимги давр, ўрта асрлар ва ҳозирги даврларда ҳам биз барча жамиятларда даромаднинг асосий манбаларидан бир сифатида ер солиғини учратамиз. Мутахассислар ер "табиий маҳсулот" ишлаб чиқарадиган ягона манба эканлиги тўғрисидаги концепсияни ишлаб чиқдилар ва уларни молиялаштиришнинг ягона йўли ерга солиқ солиш эканлигини таъкидлайдилар.

Рим ва Сосонийлар ҳудудларини мусулмонлар томонидан забт этилган пайтда ер солиғи ерга нисбатан белгиланган. Рим империясида ерлар унумдорлигига қараб турли тоифаларга ажратилган[22].

Халифа Умар (р.а) солиқ йиғишда Сосонийлар режимини сақлаб қолишни маъқул кўрди. Бу тизим мисаҳа деб номланган. Абу Юсуф бу тизимни зукколик билан ўрганиб чиқди ва унинг камчиликларини аниқлади. Унинг фикрича, бу тизим халифа Умар (р.а) даврида ўз самарасини берган. Бироқ у солиқни адолатли йиғишга олиб келмайди. Афтидан, у ушбу усулни давлат хазинасига йиллик кафолатланган даромадни таъминлаш ва кам ишлаб чиқариш баҳонасида деҳқонлар солиқ тўлашдан бош тортганлигини текшириш мақсадида қабул қилганга ўхшайди.

Абу Юсуф “Китоб ул-харож” асарида хирож солиғининг янги усулини жорий таклиф этади. Абу Юсуфгача бўлган даврда босиб олинган ерларни солиққа тортишда Умар (р.а) жорий этган тартиб бўйича амалга оширилган бўлса, Абу Юсуф Умар (р.а) ҳумидан четга чиқиб, ўз рисоласида ернинг ҳажмидан эмас, балки етиштирилган ҳосилни тақсимлашга асосланадиган солиқ усулини – муқосамани

[21]Абу Йусуф Йакуб б. Ибрахим ал-Куфи. Китаб ал-Харадж (Мусульманское налогообложение) / Пер. с арабского и комментарии А. Э. Шмидта. Супракомментарии к переводу А. С. Боголюбова. Подготовка к изданию, вступит.статья и указатели А. А. Хисматулина. СПб., 2001. – с. 8

[22] А.Исломов, Ф.Эгамов. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т., 2003 й. - б. 18.

таклиф этди[23].

У солиқларни нақд пул ёки натура шаклида йиғиш лозимлигини айтиб ўтди. Шунингдек бу тизимга кўра нархлар ўзгариши давлат даромадларига зарар етказмаслигини ва деҳқонлар даромадини камаймаслигини таъкидлайди. Чунки янги тизимга кўра солиқ эгалик қилинадиган ерларнинг умумий майдонидан қатъи назар, ҳосилнинг умумий миқдорига қараб ҳисоблаб чиқилади. Бу ерга яхши ишлай олмайдиган деҳқонлар учун енгиллик бўлди. Бундан ташқари, у деҳқонларни ўзлаштирилмаган ва қаровсиз ерлардан фойдаланишга ва янги тизим асосида қўшимча даромад олишга ишонтирди. Абу Юсуф янги тизим давлатнинг солиқдан тушадиган даромадлари кўпайишини таъкидлади. Шунинг учун у давлат деҳқонларга яхши шароит яратиш учун янги каналлар қазиши, эски каналлар сув йўллари тозалаши ва зарурий ишларни амалга ошириши лозимлигини қатъий тавсия қилди[24]. Абу Юсуфнинг бу борадаги қарашларини мулоҳаза қилар эканмиз, у солиқ манбаи сифатида ерни эмас, балки ердан олинадиган даромадни афзал кўрган. Ушбу масала иқтисодчилар ўртасида ҳар доим муҳокамали мавзуси бўлиб келган. Улар қайси бири самаралироқ мол-мулкни солиққа тортиш ёки мулкдан тушадиган даромадними? Абу Юсуфнинг бу борадаги қарашларини ўрганиб шуни айтишимиз мумкинки, у солиқ манбаи сифатида мулкдан тушадиган даромадни танлаган.

Абу Юсуф ўз асарида мамлакатда турли ҳуқуқ ва имтиёзларга ҳам тўхталган. Масалан, аҳли китоб вакилларининг диний байрамларини ўтказиш, черковлар, ибодатхоналар ва монастирларни қуриш, муқаддас китобларини ўқишига рухсат бериш ва бошқалар. Ушбу масалаларнинг барчаси солиққа тортиш ёки давлат молияси билан боғлиқ бўлмаган бўлса-да, улар Абу Юсуфнинг таъкидлашича, давлатнинг ҳуқуқий асослари учун жуда муҳимдир. Демак, Абу Юсуфнинг “Китоб ул-харож” асарида фақат "ер солиғи" билан боғлиқ масалалар эмас, жамият ҳаётини тартибга соладиган бошқа масалаларга ҳам аҳамият берилган.

Абу Юсуфнинг “Китоб ул-харож” асарида келтириб ўтилган иқтисодга оид фикрлари жуда катта аҳамиятга эга, чунки бу асар ислом иқтисодиёти бўйича ёзилган илк асар сифатида илк мусулмон олимининг тафаккури ҳақида тушунчага эга бўлиш учун асарни батафсил кўриб чиқиш керак эди, айниқса давлат молияси ва бошқарув тизими бўйича кенг қамровли маълумотларни ўзида жамлаганлиги китобнинг бугунги кундаги аҳамиятинини янада оширади.

---

[23] Sabahiddin Azmi. Abu Yusuf’s contribution to the theory of public finance. Dissertation submitted of the degree of master of philosopy in economics. India. 1995. p. 132.

[24] Ўша асар. – б. 133.

Абу Юсуф араблар ва ажамлар ўртасида зиддиятни келтириб чиқармайдиган ғояларни баён этган. Асардаги Нажрон халқига нисбатан олиб борилган сиёсат ёки бўлмаса зиммийларга нисбатан бўлган муомила ҳақидаги фикрларни бунга яққол мисол бўла олади.

Абу Юсуф ижтимоий тенглик ва адолатли бошқарув тарафдори бўлган. Ана ўшанда мамлакат тараққий этажагини англаб етган. Абу Юсуфнинг бу ғоялари халифаликда ажамларга нисбатан одилона сиёсат олиб боришга сабаб бўлган. Бу нарсани бошқарувнинг кейинги йилларида маҳаллий ҳокимиятни туб ерли аҳолидан чиққан кишиларга берилганлигида кўришимиз мумкин. Хусусан, халифа Маъмун даврида Хуросон ва Мовароуннаҳр ерлари Тоҳир ибн Хусайн ва Сомонхудотнинг набираларига бўлиб берилди. Улар кейинчалик ўша ерларга ҳукмронлик қилдилар. Айтиш мумкинки улар тузган давлатларнинг негизи ислом давлати асосида эди. Давлат тузилишининг ҳар бир бўғинида халифалик бошқарувидаги қонуний меъёрларни кўриш мумкин эди.

Абу Юсуфнинг қарашларида исломни хақл орасида фақатгина ёйиш эмас, балки унга амал қилиш муҳимлиги ҳам уқтирилади. “Китоб ул-харож” асаридаги таклифлар халифалик аҳолиси кундалик ҳаётда амал қиладиган нарсалар давлат қонуни этиб белгиланди. Албатта, унинг бу хизматлари жамиятни анча тартибга келтиришга олиб келган.

У араб ва ажам халқлари ўртасидаги алоқаларни яхшилашга, тенглаштиришга интилди. У кишилар қайси миллатга тегишли бўлишидан қатъий назар, инсон эканлигини ва шунга кўра адолатли бошқаруви олиб бориш кераклигини таъкидлади[25].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Абу Юсуфнинг “Китоб ул-харож” асаридаги ижтимоий-фалсафий ғоялар исломий иқтисодий солиқ тизимига оид муҳим маълумотларни, VIII-IX асрлардаги халифаликдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий ҳолатни ва унинг Марказий Осиё халқлари ҳаётида тутган ўрни муҳим эканлигини англатади.

Адабиётлар

1. Абу Йусуф Йакуб б. Ибрахим ал-Куфи. Китаб ал-Харадж (Мусульманское налогообложение) / Пер. с арабского и комментарии А. Э. Шмидта. Супракомментарии к переводу А. С. Боголюбова. Подготовка к изданию, вступит. статья и указатели А. А. Хисматулина. СПб., 2001.
2. Abu Yusuf, Kitab al-Kharaj, Beirut: Dar al -Marifah: 1979.
3. Sabahiddin Azmi. Abu Yusuf’s contribution to the theory of public finance. Dissertation submitted of the degree of master of philosopy in economics. India. 1995.
4. А.Исломов, Ф.Эгамов. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т., 2003 й.

[25] Абу Йусуф Йакуб б. Ибрахим ал-Куфи. Китаб ал-Харадж (Мусульманское налогообложение) / Пер. с арабского и комментарии А. Э. Шмидта. Супракомментарии к переводу А. С. Боголюбова. Подготовка к изданию, вступит.статья и указатели А. А. Хисматулина. СПб., 2001. – с. 357.

5. Беккин Р.И. Исламская экономическая модель и современность. Москва, 2010.
6. Маънавият юлдузлари. Масъул мухаррир: М. М. Хайруллаев. -Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1999. - б. 6.
7. К.Э.Босворт.Мусулмон сулолалари. Т. Фан. 2007 й.

РАЖАБОВ Х.Ч.
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети мустақил изланувчиси

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА ЎША ДАВР ТАШҚИ СИЁСАТ ТАРИХИ ЮЗАСИДАН ТУРЛИ НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР

Аннотация. *Марказий Осиё халқлари узоқ тарихдан бой давлатчилик тажрибасига эга. Шу ўринда XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Марказий Осиё ҳудуди Чор Россияси экспанцияси даврида давлатчилик, сиёсий қарашларини шаклланиши ва ташқи сиёсатни юритиш масаласи ўзига ҳос ҳарактерланади. Юқорида қайд этиб ўтилган тарихий даврда ижод этган Марказий Осиё тараққийпарвар ва маърифатпарвар мутафаккирларимизнинг ташқи сиёсатга оид илғор қарашлари бўйича бугунги кунга қадар бир қанча тарихчи, социолог ва файласуф олимлар томонидан чуқур ўрганилди ва бу борада сиёсий ёндашувлар амалга оширилиб келинди.*

Калит сўзлар: *Тарихий манбалар (Чор Россияси, Шўро, Хориж, ва Мустақиллик даврида яратилган адабиётлар), Мустафо Чўқаев, Аҳмад Заки Валидий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Файзулла Хўжаев.*

Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи ўзининг жуда бой ва қадимий тарихига эга. Бу ўлка инсон маданияти дастлабки куртак отган сарзаминлардан бири саналади. У бутун тарих давомида умумбашарий қадриятларнинг такомиллашувига салмоқли ҳисса қўшиб келган. Бу ҳол ана шу сарҳадларда минг йиллар давомида қад кўтарган ва тарих тақозосига кўра бирин-кетин фаолият кўрсатиб ўтган ўнлаб давлатларнинг серқирра ва мазмундор тажрибасида ҳам яққол кўзга ташланиб туради.

Афсуски, шу пайтгача юртимиз ўтмишидаги давлатчилик тарихини ўрганишга, унинг тажрибаларини илмий жиҳатдан умумлаштиришга кам эътибор бериб келинди. Мустақиллик шароитида бу борада ҳам катта имкониятлар туғилди. Эндивоқеаларга бой тарихимизни ҳар тарафлама объектив таҳлил этиш, советлар даврида унинг атайлаб бузилган ёки унутидган саҳифаларини тиклашга киришилмоқда.

Маълумки, халқимиз уч минг йилдан ортиқроқ даврни қамраб олган ўз давлатчилик тарихига эга экан, у ана шу узоқ вақт давомида бошқа халқлар ва давлатлар билан узвий алоқада бўлиб келган. Аммо

шу пайтгача тарихимизда фаолият кўрсатган давлатларнинг хорижий мамлакатлар билан бу борада олиб борган муносабатлари ҳақида етарли маълумотлар жамланмаган. Ваҳоланки, бутун дунёда жуда кўп даалатларда бу масалага ҳамиша катта эътибор бериб келинган. Ғарб мамлакатлари тарихидаги ташқи сиёсат ва дипломатик алоқалар масалаларига кўплаб асарлар, силсилавий нашрлар бағишланганлиги кўпчиликка маълум. Сўнгги йилларда қатор хорижий Шарқ давлатларида ҳам бунга алоҳида аҳамият берилаётганлиги кўзга ташланади. Масалан, Туркия, Эрон ва Ҳиндистон каби мамлакатлар ташқи муноса-батлари тарихига бағишланган қатор монографиялар, ҳужжатлар тўпламларининг бирин-кетин пайдо бўлаётганлиги фикримизга далил бўла олади.

Собиқ СССРда ҳам бу масала юзасидан катта ишлар амалга оширилган эди. Россия ташқи ишлар вазирлиги архиви ҳужжатлари жамланган тўпламлар силсиласи эълон қилинди, "Дипломатик луғат" ва 3 жилдли "Дипломатия тарихи" каби асарлар қайта-қайта нашр этилди. Аммо кўп жилдли "Дипломатия тарихи"да Россия сарҳадларидаги ҳар бир князлик дипломатияси тарихига алоҳида эътибор берилгани ҳолда, Ўрта Осиё заминидаги давлатлар дипломатияси тарихи четлаб ўтилган, бу мавзуга атайлаб эътибор берилмаган. Бундан кўзланган мақсад маълум, албатта. Ана шу тарихий муаммо юзасидан жиддий изланишга киришиш, ўтмишда бу ерда пайдо бўлган давлатларнинг ташқи алоқалари ҳақида маълумотлар тўплаш, дипломатик ёзишмаларни жамлаш ҳозирги тарихнавислигимиз олдида турган муҳим ва долзарб вазифалардан биридир[26].

Бу хилдаги материалларнинг асосий қисми Россия ташқи ишлар вазирлигининг хорижий алоқалар тарихига оид ҳужжатларини ўз ичига олган тўпламлар силсиласида ўз аксини топган. СССР тарқалгунга қадар чоп этилган бу китобларда Россия империясининг Ўрта Осиё давлатлари билан олиб борган алоқалари ҳам маълум тарзда ўз аксини топган. Уларда, жумладан, бу ердаги давлатлардан юборилган элчиликларнинг мактублари факсимилеси ҳам қисман эълон қилинган. Бундай архив материалларининг қиймати шундаки, уларнинг анчагина қисми бизда сақланиб қолмаган, чунки давлат архивларининг турли сабабларга кўра ўз вақтида ғорат қилинганлиги туфайли улар йўқ бўлиб кетган, мавжудларини эса ана шу манбалардаги нусхалар билан қиёслаш натижасида кўпгина чалкаш масалаларни аниқлаш имкони туғилади. Ундан ташқари,

[26] Хайруллаев М. Ўзбек дипломатияси тарихидан. (Тарихий очерклар ва лавҳалар). Тошкент-2003.8 б

Ўзбекистон Давлат тарих архивида Оренбург вилояти тарихи архиви материаллари микрофильмлари сақланади. Бу материаллар Туркистон Россия томонидан босиб олингунга қадар бўлган давр ичида хонликлар ташқи сиёсати ҳақида жуда қимматли маълумотларни ўзида мужассамлаштирган.[27]

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Марказий Осиёдаги сиёсий муносабатлар ўзига ҳос характерга эга. Тарих фани олдида турган концептуал ёндашувдан келиб чиқиб, ташқи сиёсий қарашлар назариясини тадқиқ этиш барча даврлар каби бугунги кунда ҳам долзарб масалаларидан бири сифатида қаралмоқда.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Марказий Осиёдаги маърифатпарварларнинг сиёсий ва ташқи алоқалар бўйича қарашларини назарий жиҳатдан ўрганиб талқин этиш ва турли ёндашувлар ишлаб чиқишни даврий нуқтаи назардан 4 даврга бўлиб ўрганишимиз мумкин.

1. Россия империяси мустамлакачилиги даврида яратилган манба ва адабиётлар.
2. Шўро даврида ёзилган қатор ҳужжатлар ва асарлар.
3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нашр қилинган тадқиқотлар.
4. Мавзуга оид хорижда яратилган тадқиқотлар. Турли даврлар ёндашувларини таҳлил этар эканмиз шундан илк давр яъни Россия империяси мустамлакачилиги даврида яратилган манба ва адабиётларга тўхталиб ўтсак. Мустафо Чўқай ўғлининг “Хотира парчалари” (кейинчалик жадидшунос олимлар томонидан “Истиқлол жаллодлари” деб номланган) асарида 1917 йилда Туркистонда кечган сиёсий воқеалар, “Босмачилик” ҳаракатини вужудга келиши, Большевикларга қарши маҳаллий зиёлиларда салбий кайфиятни ўсиб бориши ҳамда Туркистон озодлиги ҳаракатини ташкил этишдаги йўл қўйилган камчиликлар баён этилади. Айнан шу масалада Мустафо Чўқай ўғли ўз китобида шундай баён қилади. “Туркистон миллатчилари 1917 йили инқилобнинг келтирган фурсатидан фойдалана олмаганлигимиз ҳақиқатини бир карра билмоқлари даркор. Табиий, бу муваффаққиятсизлигимизнинг сабаби кўпдир. Биринчидан, объектив омиллар: Буюк ва кучли Руссия қаршисида ярим асрдан ортиқ сурган имперализм мустамлака сиёсати юки осида эзилиб кучсизланган Туркистон турар эди. Биз курашга ўзимиз танлаган фурсатда эмас, Русия инқилоби жараёнини келтириб чиқарган вазият ижобати билан киришдик. Иккинчидан, субъектив, яъни ўзимиздан бўлган омиллар: Миллий манфаатлар йўлида курашиш лозимлигини билганлари ҳолда

[27] Ўша жойда Б-11

туркистонликлар ўзаро кучли бирлик қура олмадилар ва бунга улгурмадилар. Бу объектив ва субъектив омиллардан субъективини энг қўрқинчли деб қабул этамиз. Инсоннинг назари доимо ташқи ташқи дунёга қаратилган бўлганда кўпинча ички етишмасликлар в хатоларни кўролмай қолади. Шунинг учун ҳам шахсан мен ва умуман биз "Ёш Туркистон" ёзувчилари юртдошларимизни шу ички жиҳатимизга, ўз камчиликларимизга кўпроқ диққат этишга чақириб келмоқдамиз. Мен бу хотира парчаларимда мана шу нуқтага айрича аҳамият бердим" [28]. Бу давр Туркистондаги ташқи ва ички сиёсий жараёнларнинг бевосита иштирокчиси Аҳмад Заки Валидий (Тўғон)дир. Унинг "Хотиралар. Туркистонда мустакиллик ва озодлик курашлар тарихи" , "Шарқда Шўролар Сиёсати", "Бўлинганни бўри ер" асарлари бевосита Туркистонда кечган миллий озодлик ҳаракати, давлатчилик масалалари ва сиёсий жараёнлар ҳақида сўзлайди. Айниқса Валидийнинг "Хотиралар. Туркистонда мустакиллик ва озодлик курашлар тарихи" асарида ташқи сиёсат ва геосиёсий жараёнлар ҳақида сўз юритилади. Шулардан аҳамиятлиси Аҳмад Заки Валидийнинг (Тўғон) Афғон амири Омонуллахонга 1923 йил 15 июльда йўллаган ёзма ахборотномасидир. Мазкур ахборот хати ўша даврдаги Афғонистон ташқи ишлар вазири Муҳаммад Валихон илтимоси билан Туркистон келажаги тўғрисидаги режаларимиз ва афғон маорифи соҳасидаги ишларни ривожлантириш борасида бўйича ёзилган эди.

Ахборот хати қисқача мазмуни қуйидагича: Туркистон Афғонистон муносабатлари, 1917 йилги рус инқилобий воқеаларидан кейинги сиёсий вазият, Афғонистон мустақиллиги Руслар ва инглизларнинг ўзаро қарама-қаршилигига боқлиқ бўлиб турганлиги, қарама-қаршиликлар барҳам топгандан кейин империалистик Россия билан Афғонистон муносабатлари қандай бўлади?, ҳамда минтақани иқтисодий ва маданий ривожлантириш масалаларидан иборат. Ахборот хатида Валидий Руслар томондан минтақада миллий низоларни келтириб чиқариш учун турли тактиклар амалга ошириши юзасидан маълумот беради.

Бундан ташқари Жадидчилар етакчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам ташқи сиёсат ва миллатаро муносабатларга «Рисолаи жуғрофияи умроний» (1905), «Рисолаи жуғрофияи Русий», "Муҳораба нима бўлди?" (1913 йил), "Ватанпарварлик керак" (1914 йил), "Ионат керак, кўнгулли аскар керак" (1914 йил), "Ёрдам керак" (1915 йил) оид бир қатор асарлар ва илмий мақолалар ёзган ва биринчи жаҳон урушига, унинг сабаб ва оқибатлари ҳамда бунда Туркистондаги мавжуд сиёсий

[28] Мустафо Чўқай ўғли. "Истиқлол жаллодлари" (1917 йил хотиралари). Ғафур Ғулом нашриёти. 1992. Б-6

жараёнларга таъсири муҳокама этилган.

Яна бир шундай сиёсий дарғалардан бири Файзулла Хўжаевдир. У “Ёш Бухороликлар” ҳаракати етакчиси сифатида кўллаб сиёсий жараёнларга бошчилик қилди. Унинг «Бухоро инқилобининг тарихига материаллар» (1926), «Бухородаги революция ва Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиш тарихига доир» (1932) китоблари, «БХСРдаги иқтисодий аҳвол» (1924), “Ёш Бухороликлар тўғрисида” (1926) “Жадидлар” каби асарлар муаллифи сифатида XX асрнинг 1 чорагидаги жиддий ижтимоий сиёсий муаммолар баён қилинган. Файзулла Хўжаев ўзининг «Бухоро инқилобининг тарихига материаллар» асарида Инқилобни амалга ошириш жараёни билан боғлиқ “Ёш Бухороликлар” сиёсий қарашларига баҳо беради. Файзулла Хўжаев жадидларни Бухорода қотиб қолган монархик тузимни ағдариб янги демократияни жорий этишдаги асосий идеологик омил сифатида қараган.

Шунингдек жадидлар даврининг яна бир сиёсий арбоби Абдурауф Фитрат бўлиб. У профессор даражасига эришган жадидчилик оқимининг ноёб вакили эди. Унинг жамият, давлат, сиёсат борасида бир қатор асарлари бўлиб, айниқса “Шарқ сиёсати”, “Сайҳа” (Ҳинд саёҳи) шулар жумласидандир. Айнан шу асарлар сиёсий ва ташқи сиёсат ҳарактеридаги асарлар туркумика киради деб айтишимиз мумкин. Фитрат бу асарларида Ғарб колониал сиёсатининг энг кўзга кўринарли векторлар Хитой, Эрон, Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқда рўй бераётган сиёсий жараёнларни таҳлил этиб, Чор Россиясини мустамлака сиёсатини ҳам Англиянинг Хиндистондаги, Франциянинг Жазоир, Тунис ва Марокашдаги сиёсатидан фарқ қилмаслиги буларнинг мустабид мустамлакачилик сиёсати характерида умумийли мавжудлигини, бу ҳаракатлар ўша давр халқаро муносабатлар тизимидаги ўзаро тенглик тамойилига ўта зид эканлигини таҳлил этган ва миллатни сиёсий хушёрликка ундаган.

Бундан ташқари Садриддин Айний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўпон, Мирза Салимбек, Маҳмуд Ҳодиев, (Боту) лар ҳам бугунда Туркистонни қийнаб келаётган жамият муаммолари акс этган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва мутафаккир сиёсий ва ташқи сиёсатга оид қарашлари таҳлил қилинган.

Шу ўринда XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Марказий Осиёдаги маърифатпарварларнинг сиёсий ва ташқи алоқалар бўйича қарашлари юзасидан Собиқ Шўролар даврида ҳам турли фикрлар ва ёндашувлар оз бўлсада кўзга ташланади. Чунки бу давр ўзининг мураккаб идеологик характери билан ажралиб туради. Бу даврда Собиқ Иттифоқ ҳудудида мавжуд бўлган барча давлатлар ўз фаолиятини ягона коммунистик ғоя билан суғорилган сиёсий режимда

олиб боришган. Ҳар бир ташқи алоқалар ва бу борадаги фикрларда қатъий марказ назорати сезилиб турганлигини кўриш мумкин. Шундай бўлсада бу йўналишда айрим забардаст олимлар ташқи сиёсат ва халқаро алоқалар бўйича XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий вазият ва ўша даврда яшаб ижод этган мутаффакирлар ва уларнинг асарлари ҳақида ўз ёндашувлари билдирган.

Собиқ Совет ҳокимияти даврида 60-80 йилларида ҳам И.Мўминов, И. Брагинский, Б. Искандаров, О.Эшонов, Т. Тўхтаметов, С. Зиманов, Х. Вохидов, З. Ражабов, А.Мирзоев, А. Муҳаммаджонов, Т. Нематов, Б. Ғафуровлар XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Марказий Осиёда мавжуд бўлган давлатларнинг ўзаро ҳамда хорижий мамлакатлар билан дипломатик, маданий иқтисодий-сиёсий алоқалари, ўша давр маърифатпарварларининг ижтимоий-сиёсий ва дипломатик муносабатларга оид ишлари ва қарашларини илмийлик нуқтаи назаридан ўрганганлар.

И.Мўминов ўзининг “Бухоро тарихи”, “Самарқанд тарихи” ва “Хоразм тарихи” асарларида Ўрта Осиёдаги мавжуд давлатлар давлатчилиги масалалари, ижтимоий ғояларнинг шаклланиши, аҳоли турмуш тарзи, мазкур давлатларнинг ўзаро ва қўшни давлатлар билан дипломатик маданий алоқалари ёритилган. Бу ҳақда Х. Воҳидов ўзининг “Просветительская идеология в Туркестане” (1979) монографиясида шундай таъриф беради: “Биринчи ижтимоий-фалсафий тадқиқотчи бу даврдаги Ўрта Осиё ҳақидаги фикр Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси академиги И. М. Мўминов эди. У шу муаммога бағишланган асарларида биринчи бўлиб илмий жамоатчилик эътиборини алоҳида вакилларнинг қарашлари ва фаолиятининг аҳамиятига қаратди! Бу даврнинг илғор ижтимоий тафаккури илк бор фалсафа тарихига Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий каби атоқли маданият арбоблари номини киритди, салмоқли материаллар тўплади, ижтимоий-фалсафий фанларнинг ривожланиши ҳақида бир қатор умумлашма ва хулосалар қилди. Марказий Осиёдаги фикр. Шунингдек, улар қўшимча тадқиқот талаб қиладиган масалаларни ҳам кўтарадилар. Шу боисдан бу давр мафкуравий меросининг кейинги тадқиқотчилари ундан катта қарздор”.[29]

О.Эшонов, Б.Искандаров тадқиқотларида Бухоро амирлигини ағдариш мақсадида амирлик ҳудудига бостириб келган қизил армия босқини «халқ инқилоби», «байналмилал ёрдам» тарзида кўрсатилади.

Б. Искандаров собиқ муассасаларда сақланган иттифоқ ҳудудидаги

[29] Вохидов Х. “Просветительская идеология в Туркестане”., “Ўзбекистон” нашриёти. Тошкент. 1979 Б-5

турли архив, тарихий манбалар ва инқилобдан олдин яратилган рус асарларида ҳамда Шарқий Бухоро ва Помирнинг қисмларга ташриф буюрган тадқиқотчилар ва саёҳатчилар, ҳарбийлар, дипломатларнинг ёзиб қолдирган манбалари асосида янги тарих давридаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол хусусиятларини ўрганган.[30]

Т.Г. Тухтаметов ҳам бу борада жиддий изланишлар олиб борган. Бу олим асосан XIX асрнинг охири XX аср бошларида Россия-Бухоронинг дипломатик ва савдо муносабатлари унинг ривожланиши ва ўша вазиятда бу муносабатларнинг икки томон иқтисодий вазиятига таъсири бўйича илмий изланишлар олиб борган ва ўз ёндашувларини баён қилган.

А. Муҳаммаджонов ва Т. Неъматовлар ҳам халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихи йўналишда изланишлар олиб боришган. Улар ҳаммуаллифликда “Бухоро ва Хеванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар” (1957) номли асар ёзишган. Мазкур асарда муаллифлар XIX асрнинг 20—50-йилларида Бухоро ва Хева хонлигининг Россия билан иқтисодий, сиёсий ва қисман маданий соҳада олиб борган муносабатларига оид қимматли материаллар келтирилади. Масаланинг муҳим томони шундаки, авторлар Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилишигача бўлган даврда Бухоро ва Хеванинг Россия билан олиб борган муносабатлари характерини ёритиб берадилар[31]. Мазкур асарни таҳлил этадиган бўлсак, Россиянинг Ўрта Осиёдаги тажовузлари юмшоқ шарҳланади ва инглиз мустамлакачилиги жиддий қораланади. Масалан:, Ўрта Осиё, айниқса, Бухоро хонлиги билан бўлган савдо муносабатларининг борган сари юксалиши ва Бухоронинг рус моллари ҳамда рус саноатининг хомашё бозори сифатида аҳамиятининг ортиши рус савдогарларини бевосита Бухоро билан савдо қилишга тортар эди. Натижада, XIX асрнинг 30-йилларидан бошлаб, рус савдогарлари Ўрта Осиё хонликлари билан бевосита савдо қилишга ҳаракат қилиб, Россия ҳукуматидан Бухорода рус савдогарларидан олинадиган божларни қисқартириш, Бухоро ва Хева савдо йўлларида карвонсаройлар қуриш, Бухорода рус элчилигини ташкил қилиш ҳамда Ўрта Осиёга олиб бориладиган моллардан Хевада транзит бож олинмаслигш чораларини кўриш каби талаблар билан рус ҳукуматига мурожаат қила бошлаган эднлар».[32]

---

[30]Карамилишоев К.Н.., Автореферат Вклад академика Б.И. Искандарова в изучении социально-экономической и общественно-политической жизни Таджикского народа в XIX и начале XX вв. 2019-Б-29

[31] А. Муҳаммаджонов. Т. Неъматов. “Бухоро ва Хеванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар”. Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти. 1957. Б-4.

[32] А. Муҳаммаджонов. Т. Неъматов. “Бухоро ва Хеванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар”. Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти. 1957. Б-75.

Британия колонизаторлари Ҳиндистонда босқинчилик сиёсатини ҳамон давом этдириб, аста-секин бутун Ўрта Шарқ бўйлаб тажовуз қилмоқда эдилар.

Афғонистон ва Ўрта Осиё хонликлари Англиянинг босқинчилик планларининг бевосита объектига айланган эди. Ўрта Шарқ мамлакатларини, айниқса Ўрта Осиё хонликларини босиб олиш учун инглиз колонизаторлари ўзларининг бутун макр, ҳийла-найрангларини ҳамда ҳарбий кучларини ишга солган эдилар [33] деб ёритилади. Яъни бу ерда барча ёндошувлар таабийки совет мафкураси тасирида шакллантирилган.

Яна бир олим Х. Вохидов бўлиб,, бу олим ҳам Туркистонда ўша давр ижтимоий сиёсий ва ғоявий курашлар ҳамда бу борада кўплаб олимларни ғоявий ёндашувлари таҳлил этилган. Биз бу олим асарларини тадқиқи этар эканмиз ўша давр сиёсатини бугунги нигоҳга нисбатан таҳлили унда қарама-қарши аҳамиятга эга бўлиб, тўлалигича коммунистик мафкура таъсирида ёзилган. Бу олим хаттоки ўша давр миллий давлатчилик учун курашган, миллий озодлик ҳаракати етакчиларини хоин деб аташгача борган. “Шуни таъкидлаш керакки, Ўрта Осиёдаги буржуа “мутахассислари”нинг бундай уйдирмаларининг асосий манбаи хорижга қочиб, ўзларини хизматга топширган қизғин буржуа миллатчилари – Заки Валидов, Мустафо Чўқаев, Баймирза Хаит ва бошқа хоинларнинг асарларидир.”[34] деб ёзади ўзининг “Просветительская идеология в Туркестане” (1979) монографиясида.

Яна бир Ўрта Осиёлик тарихчи олим З.Ш. Ражабовнинг асарларини тадқиқ этадиган бўлсак. Мазкур тарихчи Ўрта Осиёда маърифатпарварлик ва жадидчилик тарихига бағишланган кўплаб асарлар ёзганлигини гувоҳи бўламиз. Олим ўз китобларида XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Марказий Осиёда вужудга келган жадидчиликда Ахмад Донишнинг қарашлари ҳақида тўхталади ва бу даҳонинг қарашлари жадидчилик ҳаракатига туртки бўлганлигини таъкидлайди. Ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий қарашларда жадидчиликнинг аҳамиятини очиб берган.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий воқеалари ва ўша даврда яшаб ижод этган жадид маърифатпарварларнинг сиёсий қарашлари ва ташқи алоқалар бўйича қарашлари юзасидан мустақиллик даврида жуда кўплаб тарихчи ва файласуф олимлар томонидан тадқиқ этилди ва сиёсий баҳо берилди. Бу давр ўрганишлари том маънода ҳақиқий тарихнинг юзага чиқиши

[33] Ўша жой Б-63

[34] Вохидов Х. “Просветительская идеология в Туркестане”., “Ўзбекистон” нашриёти. 1979 Б-6

деб баҳоласак ўйлаймизки тўғри бўлади. Жумладан, 1991 йилдан токи бугунги кунгача Жадидчилик ҳаракати моҳиятини очиб беришда тарихчилар Ҳ. Зиёев, Д. Алимова, Г. Хидоятов, Р. Фармонов, Х. Ғуломов, Қ. Ражабов, Ф. Қосимов, Р. Абдуллаев, С. Аъзамхўжаев, Д. Зиёева, Б. Ҳасанов, Ш. Ҳайитов, К. Рахмонов, А.Расулов, А.Исоқбоев, Л. Муҳаммаджонова, Ҳ. Мажидий, Г. Остонова, Т. Қозоқов, Б.Ирзаев ҳуқуқшунослар файласуфлардан М.Хайруллаев, Б. Эргашев, З. Аҳмедова, Ш. Ғойибова, С. Минаваров ва адабиётшунослардан Б. Қосимов, Н. Каримов, Ш. Ризаев, У. Долимов, З. Абдурашидовларни санаб ўтишимиз мумкин. Шу ўринда биз айнан Халқаро муносабатлар ва Ташқи сиёсатга доир қарашлар ҳамда маълумотлар тадқиқ этилган йўналишларга тўхталиб ўтсак.

М. Хайруллаевнинг ҳам Халқаро муносабатлар, дипломатия ва ташки сиёсат тарихи бўйича кенг кўламли тадқиқиотлар олиб борган. Шулар орасида “Ўзбек дипломатияси тарихидан: тарихий очерклар ва лавҳалар” китобини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Мазкур китобда муаллиф ҳудудимизда давлатчилик пайдо бўлгандан бошлаб то Чор Россияси босқинига қадар элчилик алоқалари, элчилик муносабатлари, халқаро алоқалар, элчилик қонун қоидаларига доир фикрлар, дипломатик ёзишмалар ҳақида фикр юритилган.

Г. Хидоятов томонидан ҳам XIX аср охири XIX бошларида Марказий Осиёдаги мавжуд давлатлар тарихи бўйича изланишлар олиб борган бўлиб уларнинг бу борада “Британиянинг Ўрта Осиёга экспанция” ва “XIX аср охирларида Ўрта Осиёда инглиз-рус муносабатлари тарих” асарлар ёзган. Муаллиф ушбу асарларида бевосита ўша давр Ўрта Осиёдаги давлатчилик муносабатлари, Чор Россияси билан Англиянинг Ўрта Осиёдаги манфаатлар тўқнашуви жараёнлари, вужудга келган геосиёсий жараёнлар ҳақида сўз юритилади.

Х. Ғуломов ҳам бу борада жуда сермаҳсул изланишлар олиб борган. Унинг 2005 йилда наш этилган “XVII асрнинг биринчи ярми, XIX аср бошларида Россиё ва Ўрта Осининг дипломатик муносабатлари” номли китоби бунга мисол бўла олади. Ушбу китобда Россия ва Ўрта Осиё ўртасидаги дипломатик муносабатларининг вужудга келиши, ҳамкорликни ривожланиши ҳамда дипломатик сиёсий муносабатларнинг тариҳий аҳамияти баён қилинган.

Шунингдек, Р. Фармонов ва Қ. Жўраев дипломатия ва халқаро муносабатлар тарихини бўйича ҳаммуаллифликда ёзган «Халқаро муносабатлар тарихи» китобайтишимиз мумкин. Мазкур китобда ташқи сиёсат, дастлабки элчилик фаолияти, элчиларнинг дипломатик соҳадаги ишлари ҳамда ўзаро маданий ҳамкорлик масалалари қамраб олинган.

Ш. Ҳайитов, К. Рахмоновлар ҳам Ташқи сиёсат бўйича илмий изланишлар олиб бориб, улар ҳаммуаллифликда 2004 йилда наш этилган “Бухоро Халқ республикаси ва Шарқ мамлакатлари 1920-1924 йиллар” деб номланган монографияларида 1920-1924 йилларда мавжуд бўлган Бухоро Халқ республикасининг Шрммамлакатларидан Туркия, Озарбайжон ва Афғонистон билан дипломатик, иқтисодий, маданий соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари ҳақида фикр юритилади. Муаллифлар ўз асарида юқорида тилга олинган мамлакатлари ўша давр Бухоро Халқ республикасини ташқи сиёсатида энг яқин тарихий ва табиий ҳамкор қардош давлатлар сифатида қараган.

Д.Алимова ва Д. Рашидовалар биргаликда 1999 йилда “Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг тарихий тафаккури” номли рисоласида Марказий Осиё жадидчилик ҳаракати етакчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг жадидчилик ҳаракатидаги, Туркистон миллий озодлик ҳаракатидаги ғоявий ўрни ва аҳамияти унинг тарих, география ва сиёсатшуносликка оид мероси, мазкур илмий мероснинг ўша давр тарихий тафаккурини шакллантиришдаги беқиёс ўрни таҳлил этилган.

С. Аъзамхўжаев 2000 йилда “Туркистон мухторияти: миллий демократик жамият қурилиши тажрибаси” номли китобида Туркистон мухториятга эришиш йўллари, ўша даврдаги тарихий-сиёсий вазият, ҳамда мазкур китобда XX аср бошларида Туркистон мухторияти деб номланган миллий демократик республиканинг ташкил этилишида фидоийлик кўрсатган тараққийпарварлар Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Убайдулла Хўжаев ва Аҳмад Заки Валидийнинг ва бошқаларнинг сиёсий фаолияти, уларнинг маърифий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳамда тарихий жараёнлар қамраб олинган.

А.Расулов, А.Исоқбоев ҳам бу йўналишда изланишлар олиб борганлигини кўришимиз мумкин. Уларнинг 2012 йилда ҳаммуаллифликда нашр этилган “Туркистон ва Россия муносабатлари тарихи” 1-қисм, китоби ҳам бевосита Россия ваТуркистон ўртасидаги диломатик алоқалар, элчилик муносабатлари, харбий экспедициялар ҳамда икки томонлама савдо-иқтисодий алоқалар тарихи ёритилган.

Яна бир шундай ўрганишлардан бири Қ.Ражабовлар ва М.Ҳайдаровларнинг 2002 йилда нашр этилган “Туркистон тарихи 1917-1924 йиллар” қўлланмасида амалга оширилган. Мазкур қўлланмада архив хужжатлари, ўша давр миллий матбуоти материаллари ва адабиётлар таҳлили асосида Туркистонда мухторият учун ҳаракат, жадидларнинг бу борадаги фаолияти, Туркистон муҳторияти ҳукумати ва унинг қисқа даврдаги фаолияти, Туркистонда совет режимининг

марказлаштириш ва сиёсати ва унинг оқибатлари ёритилган. Бундан ташқари БХСР тарихининг турли масалалари Л.Мухамеджонова, Г.Остонова, К.Раҳмонов ҳамда А.Пардаевнинг диссертацияларида ўз аксини топган. Ш.Саидов ва Б.Мамадаминова диссертацияларида Хоразм Халқ Совет Республикасининг иқтисодий ва ташқи алоқалари ҳамда ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар тадқиқ этилган.

IX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Марказий Осиёдаги сиёсий муносабатлар ва ўша давр ғоявий мураккаб характеридан келиб чиқиб, бу даврни тарихи ва сиёсий тафаккурини ўрганиш учун кўплаб хориж олимлари ҳам тадқиқотлар олиб борган.

Жадидчилик ва ўша давр Марказий Осиёнинг ташқи ва ички сиёсати ўрганишга бағишланган тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, унга Адиб Холид, Ф. Бейли, Э. Оллворт, Южин Скайлер , Ҳ. д'Эккос, С. Бэкер, Боймирза Ҳайит, Аҳад Андижоний, Ж. Уиллер, Э. Бэкон, А. Беннигсен ва бошқаларнинг монография ҳамда рисолаларини, киритиш мумкин.

Яна бир Америкалик дипломат Южин Скайлернинг 1976 йилда Лондонда нашр этилган, тарихчи олим Зокир Саидбобоев таржимаси асосида 2019 йилда ўзбек тилида нашр этилган «Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Рулжага саёҳат кайдлари» номли асари ҳам ўша давр ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақида маълумот берилади. Бу китобнинг 2-жилди кўпроқ халқаро алоқалар ва ташқи сиёсат масалаларни қамраб олинишини кўришимиз мумкин.

Иккинчи жилди эса куйидаги булимлардан ташкил топган:

1. Қўқон
2. Бухоро.
3. Иссиккул ва Еттисув (Семиречья).
4. Булжа.
5. Рус маъмурияти.
6. Россиянинг Осиёдаги ташки сиёсати.
7. Хивага карши юриш ва унинг истило этилиши.
8. Хулоса.

Мазкур жилд охирида хам илова берилган булиб, улар Куйидагилар:

1. Россиянинг Урта Осиё сиёсати.
2. Тарихий лавхд (профессор В. Григорьевдан).
3. Россия ва Хива.

коридаги булимлар хам, хар холда сафар олдидан

Ю. Скайлер минтака буйича маълумотлардаи яхшигина бохабар булганлиги боис, тарихий жараёнлар на шахсларни анча муфассал

ёритганлигини курсатиб турибди.[35]

Яна бир инглиз ҳарбийси, дипломат ва разведкачи Фредерик Маршман Бейли томонидан ёзилган “Тошкентдаги миссия” номли китобдир. Китобда у бутун дунёда Россияда жумладан Марказий Осиёда ҳам жиддий сиёсий ўзгаришлар вазиятида Тошкентда тахминан бир йил – 1918 йилнинг ёзидан 1919 йилнинг кузигача бўлган сёсий жараёнларни тасвирлаган. Бундан ташқари мазкур китобда Бухоро амирлигидаги „Ёш Бухороликлар“ ҳаракати ва унинг етакчиси Файзулла Хўжаев фаолияти ҳақидаги маълумотларни учратиш мумкин.

Қизиғи шундаки, Ф. М. Бейли ўз китобини 1924 йилда ёзишни бошлаган, аммо уни фақат 1945 йилда Ташқи ишлар вазирлигидан нашр қилиш учун рухсат олган. Бунинг сабаби, унда келтирилган кўплаб фактлар Британия-Совет муносабатлари учун жуда оғриқли еди. Китобда тасвирланган воқеалардан деярли ўттиз йил ўтиб ҳам, муаллиф ўз ҳикояси қаҳрамонларининг кўпини Совет ҳукумати ғазабидан ҳимоя қилиш учун уларнинг ҳақиқий исмларини айтмади.[36]

Колумбия университети профессори ва тарихчи Эдвард Оллворт 1987 йилда ўзининг «The Modern Uzbeks: (“Замонавий ўзбеклар”) китобини айтишимиз мумкин.

Оллворт бу ерда ўзбеклар ва темурийлар ўртасидаги дипломатик муносабатлардан тортиб, Россиянинг минтақани босиб олгунгача бўлган даврида у билан бўлган муносабатларигача бўлган дипломатия тарихи ҳақида ёзади. Дипломатия Марказий Осиёда мустақиллик рамзи бўлган. У ҳукмдорнинг мустақил мавқега эга эканини кўрсатган. «Марказий Осиёдаги аксарият дипломатик топшириқлар, агарда ҳарбий таҳдид остида қолган бўлмасалар, асосан, савдо билан шуғулланганлар», деб ёзади муаллиф. Баъзан дипломатия мусулмонларнинг муқаддас жойларга зиёрат қилишини таъминлаш учун белгиланган.[37]

Булар орасида америкалик олим Адиб Халиднинг 2022 йилда ўзбек тилида нашр этилган “Ўзбекистон таваллуди: илк СССРдаврида миллат, империя ва инқилоб,, номли китобидир. Бу китоб дунё харитасида Ўзбекистон деган давлатнинг пайдо бўлиши ҳақида бўлиб, муаллиф XX аср бошларида юртимизда кечган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнларни чуқур таҳлил қилади. Китоб муаллифнинг Туркистон ва Бухородаги жадидчилик ҳаракати мавзусини ўрганиш борасидаги

[35].Скайлер Ю. «Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёхат кайдлари». Тошкент., 2019. –Б 12.-б 13

[36] Baily F.M. Mission to Tashkent.Oxford press. Reprinted. London. 2010. P.3-4

[37] https://www.uzanalytics.com/kitob/3913/ Эдвард Олвортнинг “Замонавий ўзбеклар китоби: ўзбекчиликнинг ўзига ҳос асослари (1-қисм)”

хизматлари алоҳида эътироф этишимиз мумкин. Мазкур китобда жуда катта ва қимматли архив хужжатлари, ўтган асрда яшаб ижод этган алломаларнинг қўлёзмалари ва замонимизнинг машҳур тарихчи олимлари асарларидан кенг фойдаланилган. Ушбу асарнинг 1 бобида Чор даври Ўрта Осиёда зиёлилар ва ислоҳотлар деб номланади ва бобда ўша давр маърифатпарварларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва қарашлари ҳақида кенг маълумот берилади. У ўз ктобида миллат ғоясини пайдо бўлиши ҳақида фикр юритиб, шундай дейди: - “Миллат ғояси Ўрта Осиёга инқилобдан анча аввал кириб келган, лекин айнан чексиз ваъда берган инқилоб миллат тушунчасини узил кесил зиёлилар маслагининг марказигақўйди. Инқилоб шунингдек миллат тасаввур этилиши ҳам қайта шакллантирди.Бошқа манбада батафсил ёртганимдек, жадидлар 1917-йилгача миллатни “Туркистон мусулмонлари,, дан, яъни ҳудудий чекланган конфецционал миллатдан иборат деб билган,,.[38] У ўз асарида Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Азиз Лазиззода, Садри Зиё Файзулла Хўжаев, Садриддин Шарифхўжаев ва бошқ шу кабиларни асарларида миллий озодлик ғоялари тарғиботи, миллий ўзликни англаш ва ташқи сиёсий воқеаларга муносабатларини ўрганади ва ўзининг муносабатларини билдириб ўтади.

У жадидлар ҳаракатига баҳо берар экан шундай дейди: “Жадидларнинг ўз жамияти билан муносабати зиддиятга тўла эди. Бу ҳаракат маҳаллий жамият аҳволининг тинимсиз танқидчиси сифатида вужудга келиб, улар жамиятдаги мавжуд аҳволга кўз юмушдан бош тортган. Замонавий келажак аслликка мурожаат орқали легитимлаштирилган, лекин бу аслликни қайта тиклаш бугунги аҳволни ва яқин ўтмишни рад қилишни тақозо этган. Жадидчилик аслида, урф-одат, ва анъанага, ўтмишнинг бугун устидан ҳукмронлигига, катталар ва жамиятнинг ўрнашган элитасига, форсийлашган меросга, хатто баъзида исломнинг ўзига қарши исёнлар туркуми эди. Бу исёнлар маҳаллий жамият ичидаги чуқур ихтилофлардан дарак берарди[39]”.

Адиб ўз хулосасида жадидчилик ҳаракатини, у амалга оширмоқчи бўлган инқилобни енгилиши сабабларини қуйдагича тушунтиради: - “Болшевикларнинг мустамлака дунёсига тараққиёт ва маърифатни олиб келиш ваъдалари ҳам инқилоб жозибасига ҳисса қўшди, бу жозиба у ёки бу шаклда Совет давлати қулагануча давом этди. Лекин кейинчалик

[38] Адиб Халид. “Ўзбекистон таваллуди: илк СССРдаврида миллат, империя ва инқилоб,,. Тошкент. 2022. Б 16

[39] Адиб Халид. “Ўзбекистон таваллуди: илк СССРдаврида миллат, империя ва инқилоб,,. Тошкент. 2022. Б 390

Учинчи дунё социалистларидан фарқли ўлароқ, жадидлар совет давлатининг ичида турар, унинг сиёсатига тобе эди. Совет ҳудудида мафкуравий турфаликка деярли ўрин йўқ эди. Жадидлар инқилобга аксилмустамлака миллий ҳаракат нуқтаи назаридан қарарди, бу кейинчалик унинг бошига бало бўлди, чунки бундай полифоник тасаввур инқилоб мақсадларининг ягона талқинига эгалик қилишга даъвогар коммунистик партиянинг маслагига қарши эди. Қандай бўлмасин, кескин ўзгариш шакли сифатида инқилобнинг мусулмон зиёлиларига жозибадорлигини англамасдан 1920-йиллардаги Ўрта Осиё воқеалар ривожини тушуниш қийин эди[40],,.

1917 йилда Наманганда таваллуд топиб хорижда яшашга мажбур бўлган ватандошимиз машхур тарихчи олим Боймирза Ҳайитдир.

Олим Шўролар томонидан «босмачилик» деб аталган, мустақилликка эришилганидан кейин Туркистондаги миллий озодлик ҳаракати деб билинган қаршилик ҳаракатлари, XX асрдаги Марказий Осиё республикалари тарихига бағишланган ўнлаб китоблар, ўндан ортиқ илмий рисолалар, 400 дан зиёд мақолалар чоп эттирди. Шўролар Иттифоқида Боймирза Ҳайит асарлари тақиқланди, унга ва асарларига қарши кўплаб мақолалар эълон қилинди. Унинг Мустафо Чўқай, Чўлпон ва Фитрат каби шахслар ҳаёти ҳамда фаолиятига бағишланган асарларининг нафақат тарих, балки ғоявий кураш нуқтаи назаридан ҳам катта аҳамиятга эга экани эътироф этилади.[41]

Унинг “Туркистонда жадидчилик ва унинг тугатилиши,, асарида қуйдаги фикрларни келтиради: - *“Туркистонда XVIII аср охирида бошланган жадидчилик ҳаракати узоқ пайтдан буён давом этиб келаётган маданий масалалар борасидаги тортишувлар ва музокалараларининг янги шаклда намоён бўлиши эди. Жадидчилик ҳаракати,янги усулда таълим ва тарбияни теваракдаги Оврупо цивилизациясига мослаштириш эмас,балки Оврупо цивилизациясини ўрганиб, уни миллий маданиятга хизмат эттиришнинг бир ифодаси эди.*[42],,

1951 йил Афғонистонда туғилиб Туркияда кўчиб кетган ва ўша ерда яшаган ўзИстанбул университети профессори,, миллатдошимиз Аҳад Андижонийдир. У ҳам Туркистонда фаолият кўрсатган кўплаб жадид зиёлилари ижодини ўрганган ва бу борада кўплаб рисолалар ёзган. Бунга мисол тариқасида “Миллат учун қайғуринг,, деб номланган сарлавҳа билан Халқ сўзининг 1991 йил 28 июн санасида чоп этилган

[40] Ўша ерда Б-391

[41]https://kh-davron.uz/kutubxona/jadidlar-kutubxona/boymirza-hayit-turkistonda-jadidchilik-va-uning-tugatilishi.html. 10.12.2017

[42] Ўша ерда

машҳур ёзувчи ва журналист Азим Суюн билан суҳбатида қуйдаги фикрларни билдиради: -“Туркистонликларнинг етмиш йил мобайнида олиб борган энг муҳим ишлари, ютуқлари — Туркистон (Ўрта Осиё ва Қозоғистон) республикаларининг чет эллар билан алоқалари кесиб ташланган йигирманчи йиллардан то қайта қуриш даврига довур Ватанга тегишли барча муаммоларни ташқи мамлакатлардан илмий, сиёсий ва ижтимоий томонлардан хориж миллатларга билдиришларидир. Хусусан, шахсга сиғиниш ва турғунлик деб аталаётган йилларда Сизнинг зиёлиларингиз овозлари бутун жаҳон бўйлаб баралла эшитилмагани бизга билинди. Имконлари торлиги маълум эди. Ана шундай вазиятда Мустафо Чўқай, Боймирза Ҳайит сингари кўплаб Туркистон фарзандлари ўз асл ватанлари ҳаётларини жаҳонга танитишга, муаммоларини билдиришга катта куч-ғайрат сарфладилар. Ҳали улар хизматларини тарих, Ватан муносиб баҳолашларига ишонаман![43]”. Умуман олганда Маърифатпарварлар сиёсий қарашлари ва Марказий Осиёдаги жадидчилик даври тарихи ўзининг тарихий ва сиёсий аҳамияти билан дунёдаги кўплаб олимлар тадқиқот объектига айланганлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу боб якунида шундай хулосага келишимиз мумкинки, Россия мустамлака экспансияси даврида Марказий Осиё давлатлари ташқи сиёсатининг асосий хусусиятлари турлича ҳарактерланади. Масалан Чор Россияси Марказий осиёда мавжуд Амирлик ва хонликларни ташқи дунё билан алоқалар олиб боришига жиддий чекловлар киритади. Яъни бундан кейин ҳар бир ташқи алоқалар Чор Россиясининг назоратида амалга ошириладиган бўлди. Мазкур назорат Чор маъмурлари томонидан дастлаб 1967 йилда тузилган Туркистон генерал губернаторлиги бўлса кейинчалик 1885 йилда Туркистон сиёсий агентлиги орқали дастакланиб келинди. Жумладан Хива хонлиги токи Хоразм халқ Республикаси эълон қилгунига қадар ташқи сиёсатда бир мунча мустақил сиёсат олиб боришга интилди. Буни биз ўша даврда Хива хонлигининг Туркия, Эрон, Афғонистон, Хиндистон, Озарбайжон, Хитой билан алоқалардан ҳам сезишимиз мумкин. Бухоро амирлиги ҳам Хива хонлиги каби ташқи сиёсатда мустақилликка уринган бўлсада, тўлиқ ташқи сиёсатни амалга ошириш уддасидан чиқа олмади. Бироқ Қўқон хонлиги ташқи сиёсат тугул ички сиёсатда ҳам мустақил иш олиб бора олмади. Чунки ўша давр Қўқон хонлиги тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, уларни ташқи сиёсати локал ҳарактерга эга бўлиб асосан Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳамда ўзига қўшни бўлган Хитой билан бир мунча фаол иқтисодий алоқаларга эга бўлган. 1917-1924 йиллар оралиғидаги Марказий осиёда мавжуд бўлган Бухоро

[43] https://ziyouz.uz/suhbatlar/ahad-andijon-millat-uchun-qayguring-1991/. 13.12.2018

амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари ўз сиёсий бошқарув шаклини ўзгартириб, Қўқон хонлиги ўрнида дастлаб Туркистон мухторияти эълон қилинади. 1920 йилда дастлаб Хива хонлиги ўрнида Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР), худди уша йилда Бухоро амирлиги ўрнида Бухоро Халқ Совет республикаси (БХСР) элон қилинади. Мазкур давлатлар Россия таркибидаги мухтор (автономия) давлатлар ҳисобланиб давлат бошқаруви болшевиклар қўлига ўтади ва 1924 йилгача ушбу давлатлар ташқи алоқалари янада чекланади. 1924 йилда РСФСРда миллий ҳудудий чегараланиш натижасида Марказий Осиёда ҳудудида янги миллий давлатлар вужудга кела бошлади. Жумладан Ўзбекистон ССР ҳам 1924 йилда ташкил топди. 1924-1930 йилларгача бўлган даврдаги мамлакатнинг халқаро алоқалари фақатгина маданий ва маърифий кўринишдагина сақлаб қолинди.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Марказий Осиёдаги маърифатпарварларининг сиёсий қарашлари ва ўша давр ташқи сиёсат тарихи ҳам жадид зиёлилари, совет даври тарихчилари, мустақиллик даврида маҳаллий ҳамда узоқ ва яқин хориж олимлари томонидан ўрганилди ва ўзларини тарихий баҳоларини бердилар. Жадид тарихчилари минатақадаги сиёсий инқирозни ўша давр жамиятининг ўта мутаасиблашганлиги, янги дунёвий илмларни эгаллашда рағбатни етишмаганлиги, давлат бошқарувида диний омилни катталиги бу ўз навбатида минтақа жамиятининг дунё халқларининг илмий ва технологик орқада қолишларининг асосий сабаби сифатида кўрилади. Совет даври тарихчилари асарларида айнан ўша давр ва жадидчилик даврига нисбатан сиёсий баҳо совет даври мафкураси призмасидан баҳо берилади. Улар ўз назарияларида болшевикларни ҳукуматга келиши минтақа халқларига чинакам озодлик ва тараққиёт олиб келди деган тезисларни илгари суради ва хаттоки миллий озодлик курашчилари бўлмиш миллат ойдинларини хоин дейишгача боради. Бунга биз ёрқин мисол сифатида Х. Вохидовнинг “Просветительская идеология в Туркестане” (1979) монографиясида келтирилган фикрларни мисол қилиб айтишимиз мумкин. Шунингдек бу борада Ўзбекистон ўз ҳурриятини қўлга киритгандан кейин мазкур тарихий даврга баҳо беришда ҳақиқат ва холислик тамойилларига асосланилди. Бу эса ўша давр миллат ойдинлари ва қаҳрамонларини мустамлакачиларга қарши олиб борган озодлик курашлари тарихий ҳақиқатга айланди. Бундан ташқари хориж олимлари нигоҳида бу давр ҳақиқатдан минтақа халқлари халқаро алоқалардан тамоман узиб қўйилган, сиёсий эркинликлари буғилган ва мустамлакага айланган жамият сифатида кўрсатилиб, Чор Россияси ва кейинчалик большевиклар бошқаруви остидаги Совет ҳокимятини ашаддий босқинчи ва шовинист сифатида

тасвирлаб, ўша давр маҳаллий бошқарувини етарли даражада ғарб билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйишга интилмаганлигини таъкидлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Хайруллаев М. Ўзбек дипломатияси тарихидан. (Тарихий очерклар ва лавҳалар). Тошкент-2003.8 б
2. Мустафо Чўқай ўғли. “Истиқлол жаллодлари” (1917 йил хотиралари). Ғафур Ғулом нашриёти. 1992. Б-6
3. Вохидов Х. “Просветительская идеология в Туркестане”., “Ўзбекистон” нашриёти. Тошкент. 1979 Б-5
4. Карамилишоев К.Н.., Автореферат Вклад академика Б.И. Искандарова в изучении социально-экономической и общественно-политической жизни Таджикского народа в XIX и начале XX вв. 2019-Б-29
5. А. Муҳаммаджонов. Т. Неъматов. “Бухоро ва Хеванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар”. Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти. 1957. Б-4.
6. Скайлер Ю. «Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёхат кайдлари». Тошкент., 2019. –Б 12.-б 13
7. Baily F.M. Mission to Tashkent.Oxford press. Reprinted. London. 2010. P.3-4
8. Адиб Халид. “Ўзбекистон таваллуди: илк СССРдаврида миллат, империя ва инқилоб„. Тошкент. 2022. Б 16
9.https://www.uzanalytics.com/kitob/3913/ Эдвард Олвортнинг “Замонавий ўзбеклар китоби: ўзбекчиликнинг ўзига ҳос асослари (1-қисм)”
10.https://kh-davron.uz/kutubxona/jadidlar-kutubxona/boymirza-hayit-turkistonda-jadidchilik-va-uning-tugatilishi.html. 10.12.2017
11.https://ziyouz.uz/suhbatlar/ahad-andijon-millat-uchun-qayguring-1991/. 13.12.2018

NOZIMA KHODIYEVA
Katta o‘qituvchi

BOBURIYLARNING HINDISTON RAVNAQIGA QO‘SHGAN HISSASI

Annotatsiya. *Ushbu maqolada Hindistonning XVI asr birinchi choragidan to XIX asrning o‘rtalariga qadar bo‘lgan tarixining eng muhim masalalari yoritilgan. Aynan mana shu vaqt mobaynida Hindistonda hukmronlik qilgan buyuk bir sulolaning, mintaqa rivojiga qo‘shgan hissasi haqida so‘z yuritilgan. Bu sulola o‘z davrining buyuk va qudratli imperiyasini tashkil etib, jahonga qudratini namoyish qila olgan Temuriy hukmdorlar sulolasining davomi hisoblanadi. Biz bu yirik sulolaning Hindiston tarixida tutgan o‘rni, uning taraqqiyoti rivojiga qo‘shgan beqiyos xizmatlari to‘g‘risida ba’zi ma’lumotlarni berishga harakat qilamiz.*

Kalit so‘zlar: *Buyuk Temuriylar sulolasi, Panipat muhorabasi, "Boburnoma", me’morchilik, san’at va adabiyot, Islom va irfon.*

Ajoyibotlar o‘lkasi bo‘lmish Hindiston o‘zining boy o‘tmishi, bebaho tarixiy yodgorliklari, olamshumul me'moriy va san'at durdonalari, g‘ayritabiy iqlimi, g‘aroyib hayvonot va nabotot dunyosi ila barchamizga tanishdir. Bu mintaqada qadimdan turli xalqlar va millatlar, boshqa-boshqa din va e’tiqod vakillari yashab kelishgan. Ular o‘zlarining madaniyati va turmush tarzini yaratganlar. Shuningdek bu zamin o‘tmishdan ko‘plab saltanatlar, imperiyalar, davlatlar va sulolalar hukmi ostida boshqarildi. Shulardan biri Temuriylar sulolasining vakili Zahiriddin Muhammad Bobur tamonidan asos solingan va keyinchalik uning avlodlari hukmronlik qilgan muhtasham imperiya edi. Bu buyuk Turkiy Musulmon imperiya tarix manbalarida turli nomlar bilan ataldi. Aksariyat tarixchilar bu davlatni, asoschisi Zahiriddin Muhammad Bobur va uning avlodlari idorasida bo‘lgani sababli, shunga nisbat bergan holda "Boburiylar imperiyasi" deb nomlaganlar. Shuningdek, siz bu davlat haqida tarixiy-ilmiy asarlar, maqolalar va kitoblar mutoala qilganingizda, yana bir nomlanishga ko‘zingiz tushishi tabiiy. Bu "Buyuk Mo‘g'ullar imperiyasi" nomi bo‘lib, g'arb mamlakatlari xususan Hindistonda ham mashhur nomlanishdir. Boburiylar imperiyasini aksariyat Yevropa olimlari va hatto bir qator Hindiston tarixchilari shunday nomlashgan. Lekin bu tarixiy haqiqat nuqatayi nazaridan juda katta xatodir. Ayniqsa, hozirgidek tarix ilmi rivojlangan, ko‘plab bizga shu vaqtga qadar noma'lum tarixiy manbalar va qo‘lyozma asarlar dunyo yuzini ko‘rgan bir davrda, hali ham ushbu yirik olimlarning, bu asossiz fikrni ilgari surishi judayam achinarlidir. Afsuski hozir ham aynan shu kabi tarixiy noxolis va asossiz fikrlar ilgari surilmoqda. Ular bu fikriga dalil sifatida Zahiriddin Muhammad Boburning ham ota, ham ona tarafdan, mo‘gul bo‘lgan Chingizxonga ulanishini asos

qilib olganlar. To‘g‘ri Zahiriddin Muhammad Boburning ona tarafdan 14 nasilda Chingizxonga ulanishi tarixiy manbalar ila sobitdir. Lekin ota tarafdan 5 nasl bilan Amir Temurga ulanishi va Sohibqironning esa turkiy barlos urig‘idan ekanligi ochiq oydindir. Shunga ko‘ra asli turkiy bo‘lgan bir sulola vakillarini, ona tamondan hisoblab nom berilishi bu ochiqcha ilmiy noxolislik namunasidir. To‘g‘ri bazi bir tarixiy manbalarda Amir Temur mansub bo‘lgan Barlos urug'ining ham asli mo‘g‘ullarga taqalishi va Sohibqironning ham mo‘g‘ul ekanligi to‘g‘risida ma'lumotlar bo‘lsada, bu ilmiy tasdig‘ini topmadi. Barlos urug‘ining mo‘g‘ullarga mansubligi ilgari surilsada, agar shunday bo‘lgan taqdirda ham, ularning keyinchalik ko‘chib kelib mahallliy turkiy qavmlar ila assimilatsiya jarayoniga kirishgani va vaqt o'tgan sari bular tarkibiga singib, turkiylashgani yaqqol ravshandir. Yana shuningdek aytmoq joizki, agar bordiyu Sohibqiron Amir Temur ular aytganidek mo‘g‘ul Chingiziylarga mansub bo‘lsa nega unda o‘zini "Xon" unvoni ila atab taxtga chiqmadi? Balki oddiy "Amir" unvoni ila o‘zini hukmronligini e’lon qildi. Yani u davrdagi butun bir jamiyat va davlat ham buni tasdiqlab, tarixiy manbalarda ifodalashi ham bu fikrning asossiz va nisbiy ekanligiga asos bo‘la oladi. Endi esa sizlarga bu buyuk sulola vakillarining ayrimlarini davlat va jamiyat taraqqiyotidagi o‘rni haqida muxtasar ma’lumotlarni bo‘lishsak.

Zahiriddin Muhammad Bobur. Adolatli hukmdor, davlat arbobi, zakiy qo‘mondon, buyuk shoir, kuchli faqih va olim bo‘lgan bu shaxs nafaqat Hindiston va O‘rta Osiyo tarixida, balki jahon tarixida ham o‘ziga xos muhim iz qoldirgan. Buni aniglamoq uchun esa, ushbu insonning qisqa lekin mashaqqatli va o‘ta ziddiyatli hayoti bilan tanishish kifoyadir. Shu qisqa umri mobaynida ko‘plab bebaho ilmiy va ma’naviy me’ros qoldirdi. Ilm-fanning turli sohalarida ijod qildi. Shoir va tarjimonlikda yuksak did sohibi edi. Ko‘plab g‘azal, ruboiy, muxammas, murabba va shu kabi janrlarda o‘nlab nazmiy asarlar yaratdi. Islomiy ilmlar jumladan Fiqh ilmida ham mohir edi. "Mubayyan va Zakot masalalari" nomli muazzam asari bunga yaqqol misoldir. Lekin Zahiriddin Muhammad Buborning jahon tarixida muhim o‘rin egallashining sababi uning muazzam xotira asari bo‘lmish "Boburnoma" va albatta u asos solgan jahon tarixida 332-yil yani 1526-1858-yillar mobaynida hukmronlik qilgan muhtasham imperiya edi. Zahiriddin Muhammad Bobur bir temuriyzoda hukmdor sifatida ko‘plab harbiy yurishlarni boshidan o‘tkazdi va uzoq yillar to‘xtovsiz raqiblari ila shiddatli janglarda qatnashdi. Ba`zilarida zafar quchgan, ba’zilarida esa mag‘lubiyat alamini tortgan hukmdor afsuski o‘zining azaliy orzusi bo‘lmish bobosi Sohibqiron Amir Temurning markazi Samarqand shahri bo‘lgan davlatini tiklay yoki bo‘lmasa saqlay olmadi, unga haqiqiy ma’noda sohib chiqolmadi. Lekin bu taqdir sinovlari, ulug‘ shohning qaddini bukmadi. U bu zarbalardan

qimmatli tajribalar va xulosalar chiqarib, yo‘lida davom etdi. 1504-yilda Kobulda hokimiyatni qo‘lga kiritgan Zahiriddin Muhammad Bobur yillar davomida harbiy va aqliy salohiyatini rivojlantirdi. Kuchli tartibdagi va o‘z zamonasining ilg‘or qo‘shinini tuzdi. Natijada ulkan saltanat qurmoq niyati ila Hindiston safariga chiqdi. 1526-yilda Panipat mavzeyida, Dehli sultoni Ibrohom Lo‘diy qo‘shinlari bilan to‘qnashdi. Orttirgan tajribalari va harbiy dahosi soyasida 12 ming kishilik qo‘shini ila Sultonning 100 ming kishilik qo‘shinini tor-mor etdi. Natijada shu yili poytaxti Agra shahri bo‘lgan katta bir imperiyaga asos soldi. Ko‘p o‘tmay saltanatiga xavf solgan yana bir katta dushman bo‘lmish Rano Sanganing ulkan qo‘shinini ham 1528-yilgi muhorabada, kuchlar nisbati jihatdan ancha kam va zaif bo‘lishiga qaramay yanchib tashladi. Bu esa Bobur Mirzoning harbiy salohiyat jihatdan yuksak qo‘mondon va Harb dahosi ekanligining dalilidir. Bu ketma-ket zafarlardan so‘ng Bobur Mirzo davlat chegaralari xavfsizligini saqladi. Mamlakatda sulh va amniyatni ta’minladi. Vanihoyat qariyb 150 yildan buyon ichki urushlardan charchagan Hindiston diyorida, barcha siyosiy tarqoqliklarga barham bergan holda kuchli markazlashgan imperiyani shakllantirdi. Bu saltanat sarhadlari Amudaryodan Bengaliyaga, Himolaydan Hind okeaniga qadar hududlarni o‘z ichiga olgan Shimoliy Hindistonda voqe’ bo‘ldi. Ushbu katta sarhadlarda savdo-sotiq va ilm fan yana qayta jonlandi. Xalqning iqtisodiy ahvoli yaxshilandi. Zahiriddin Muhammad Bobur adolat bilan 4 yil davomida bu yirik saltanatni idora qildi. Hindistonga Bobur bilan birgalikda turkiy-islomiy muhit ham kirdi va bu hamma joylarda o‘z aksini topdi. Ko‘plab saroy, masjid, madrasa, xonaqoh, karvonsaroy, rabot va shu kabi me’moriy inshootlar qad ko‘tardi. Hukmdor bilan kelgan jamoati avvalboshida Hindistonning noqulay iqlimiga ko‘nika olmasalarda, keyinchalik moslashdilar. Zahiriddin Muhammad Bobur shuningdek chet davlatlar bilan ham siyosiy va diplomatik aloqalar o‘rnatib, faol tashqi siyosat olib bordi. Jumladan tarixda ilk bor bir Hindiston hukmdori o‘laroq Rusiya (Rossiya) qirolligiga elchi jo‘natdi, o‘zaro aloqalarni yo‘lga qo‘ydi. Bu tarixiy manbalar ila sobitdir. Bu islohotlar orqali Zahiriddin Muhammad Bobur chinakamiga Hindistonda yangi bir davrga asos soldi va yuksak xizmatlari bilan o‘chmas iz qoldirdi. Buyuk Shoh va shoir Zahiriddin Muhammad Bobur hazratlari 1530-yil dekabr oyida o‘g‘li Humoyun Mirzoning xastaligini o‘ziga o‘tishini istab, tarixda misli ko‘rilmagan jasorat ko‘rsatdi. Ya'ni o‘z jonini o‘g‘lining dardiga badal sifatida Allohga nazr qilib, shu xastalik tufayli keyinchalik bu yorug‘ olamdan o‘tdi.

Muhammad Humoyunshoh. Otasi Zahiriddin Muhammad Bubor hazratlarining o‘limidan so‘ng 1530-yilda taxtga o‘tirgan Humoyunshoh hukmronligining dastlabki yillarida otasining siyosatini va riyosatini davom ettirgan holda ko‘plab muvaffaqiyatlarga erishdi. Yangi hududlar egallandi,

davlat xazinasi yaxshilandi va ichki isyonlar bostirildi. Lekin keyinchalik katta muammolarga yo‘liqdi. Bularning eng yirigi o‘z ukalari bilan murosa qilolmagani bo‘ldi. Chunki vafotidan oldin ba’zi bir hududlarni Bobur Mirzo o‘g‘illariga boshqarishi uchun taqsimlagan edi. Natijada bu ayro mulklarga egalik qilayotgan ukalari Komron va Askariy Mirzolar, Humoyunshohga bo‘ysinmaslik siyosatini olib bordilar. Ikki o‘rtada fitna avj oldi va bir necha to‘qnashuvlar ham bo‘ldi. Bu shusiz ham og‘ir ahvolga tushib qolgan davlatni zaiflashtirdi. Natijada bundan foydalangan, afg‘onlarning Sur sulolasidan bo‘lgan, eskidan Boburiylarga dushmanlik kayfiyatida yurgan Sherxon Sur Humoyunni 1540-yilda mag‘lub etib, uni imperiyaning Hindiston tuproqlaridagi qismidan quvdi. Bu fojiadan so‘ng ham ancha yillar Humoyun o‘z ukalari bilan murosaga kelolmadi. Ichki kurashlar davri boshlandi. Shu og‘ir yillarda Humoyun Imperiyaning Panjob, Sind va qisman Afg‘on yerlari hududida hukmronligini davom ettirdi. Hatto otasining eski ittifoqdoshi bo‘lgan Shoh Ismoil Safaviyning o‘g‘li Shoh Tahmasp huzuriga borib, undan yordam ham so‘rashga majbur bo‘ldi. Shohning singlisiga esa bu musofirparvarligi evaziga mashhur Samoviy Nur olmosini hadiya qilish majburiyatida qoldi. Shu kabi ittifoqdoshlarining ko‘magi va otasi kabi oldingi mag‘lubiyat alamlaridan ancha tajriba orttirgan Humoyun avvalgi qudratini tiklashga muvaffaq bo‘ldi. Yangi va kuchli qo‘shini bilan yana otasining mulklarini qaytarib olish uchun Hindistonga yurish qildi. 1555-yil azaliy raqiblari Sur sulolasini yengib, Hindistondagi taxtini qayta egalladi. Imperiyaning avvalgi hududlarini 15 yillik tanaffusdan so‘ng qayta tikladi. Lekin taxtda uzoq qolish nasib qilmadi. Otasi kabi shiddatli kurashlarga boy hayot kechirgan Humoyunshoh hazratlari ko‘p o‘tmay 1556-yilda baxtsiz hodisa tufayli vafot etdi.

Jaloliddin Muhammad Akbarshoh. Otasi Humoyunshohdan judo bo‘lganida endigini 13 yoshda bo‘lgan shahzodaning taxtga o‘tirishi va bu tahlikali davrda ulkan saltanat boshqaruvini qo‘liga olishi uni naqadar m’asuliyatli holga keltirgandi. Yosh Jaloliddin Muhammad buni uddasidan chiqdi. Qattiyat va kuchli iroda bilan birin-ketin raqiblarini tor-mor keltirib, o‘z hokimiyatini mustahkamlashga erishdi. Keyin esa katta futuhotlar amalga oshirdi. Hukmronligi mobaynida (1556-1605) katta hududlarni egallab, imperiya hududini yanada kengaytirdi. Katta islohotlar o‘tkazdi. Xalq orasida tezda nom qozongan hukmdor "Akbarshoh" - "Buyuk shoh" nomi bilan tanildi. Me’morchilik, san’at va adabiyot har qachongidan ko‘ra rivojlandi. Yirik shaharlar barpo etildi. Savdo-sotiq va tijorat ravnaq topdi. Har sohada bo‘lgani kabi diniy sohada ham islohotlar amalgi oshirishga uringan Akbarshoh ba’zi bir yanglishlari tufayli, Islom dini Ulamolari tamonidan qattiq tanqid va ma’lomat qilindi. Afsuski bu uning Islom olamidagi obro‘-e'tboriga salbiy ta'sir ko‘rsatdi. Ulardan biri, Islom davlatining arkonlaridan

bo‘lmish g‘ayridinlardan olinadigan "Jizya" solig‘ini bekor qildi. Aynan shu ishi uchun ham mahallliy xalq tamonidan olqishlandi va ulug‘landi. Shu kabi ziddiyatlarga qaramasdan Akbarshoh Boburiylar Imperiyasini qudratli, har sohada mukammal va jahonda o‘z so‘zini ayta oladigan mavqega chiqara oldi.

Uning o‘g‘illari **Salim (Jahongirshoh)** (1605-1627) va **Muhammad Xurramshoh (Shohjahon)** (1627-1658) ham o‘zlaridan oldingi hukmdorlar singari siyosat yuritdilar. Turli yangi hududlar zabt etildi. Davlat xazinasi yaxshilandi. Shu bilan birgalikda taxt uchun kurashlar va isyonlar ham avj oldi. Shunga qaramasdan me’morchilik, san’at va adabiyot o‘ziga xos Islomiy ruhda rivojlanishda davom etdi. Jumladan hozirgi Hindistonning o‘ziga xos ramziga aylangan "Tojmahal" me'moriy inshooti ham shu davrda qurildi. Bu muazzam me'morchilik durdonasini Hukmdor Shohjahon xotini malika Mumtozmahalga atab qurdirdi. Demak shunday bebaho asarni ham insoniyatga taqdim etgan aynan Boburiylar sulolasi ekanligi, ularning naqadar Hindiston rivojida muhim o‘rin tutishidan darak beradi.

Sultoni Muzaffar Avrangzeb Olamgir. Boburiylar sulolasi haqida s‘oz borar ekan, bu imperiyani o‘z ravnaqining cho‘qqisiga chiqargan hukmdordan so‘z ochishimiz tabiydir. Bu buyuk hukmdor qarib yarim asr mobaynida (1658-1707-yillar) imperiyani mohirona boshqara olgan va fors tilida "Avrangzeb" yani "Taxtning bezagi" unvoni bilan tanilgan Sulton Muzaffardir. Uning davrida Boburiylar imperiyasi dunyoning eng qudratli davlatlaridan biriga aylandi va sarhadlari eng kengaygan holatiga yetdi. Bu ulkan imperiya sarhadlari shimolda Amudaryo, g‘arbda Eron, sharqda Assam va janubda Hind okeanigacha bo‘lgan hududlarni o‘z ichiga olib, umumiy hisobda 5 milyon km.kv ga yetdi. Iqtisodiyot yuksak ravnaq topdi. Yana eng e'tiborli jihati shundaki Avrangzeb Olamgir davrida Boburiylar Imperiyasi dunyoda Iqtisodiy ko‘rsatkichlarda hatto Xitoyni ham ortda qoldirib, birinchi yani yaqqol peshqadamga aylandi. Hindistonning deyarli barcha hududi zabt etildi va butun tarix mobaynida ko‘rilmagan ish amalga osharildi. Ilk bor butun Hindiston yarimoroli bitta hokimiyat ostida birlashtirildi. Adolatli hukmlari tufayli xalq orasida katta e’tiborga musharraf bo‘ldi. O‘zidan oldingi bobolari boshqaruvda yo‘l qo‘ygan xatolarni tuzatdi va eski qonunlarga o‘zgartish kiritdi. Avrangzeb Olamgirning yana bir o‘ziga xosligi tamomila Islom shariatiga tobe hukmdor edi va jamiyatda Islomiy hukmlarni o'rnatishni qattiq nazoratiga oldi. Hukumat tarkibini yangiladi. Saroyda fitnalar chiqariyotgan hindlar va botil Shia Rofiziylar (Eron josuslari)ni boshqaruvdan butunlay daf qildi, tozaladi. O‘ziga sodiq turkiy va musulmon qatlam vakillaridan muvaffaqiyatli hukumat tuzdi. Bobokaloni Zahiriddin Muhammad Bubur kabi Islomiy ilmlar va she’riyatda mohir edi, Fiqh ilmida ham usta edi. Ulamolar va din peshvolariga qattiq hurmat-e’tibor ko‘rsatdi.

O‘sha davrning mashhur Hindiston Islom ulamolarini jamlab, Hanafiy mazhabining eng mo‘tabar va muazzam asarlaridan biri bo‘lgan fatvo kitobi - "Fatavoyi Olamgiriya" ni yozdirishga boshchilik qildi. Keyinchalik bu asar "Fatavoyi Hindiyya" nomi bilan ham shuhrat qozondi

Xulosa qilib aytganda, Hindiston zaminida uch asrdan oshiq vaqt mobaynida hukmronlik qilgan buyuk Boburiylar sulolasi va ularning imperiyasi davrida, Hindiston har japhada ravnaq topdi. Buboriylar bu hududda o‘ziga xos madaniyat va sivilizatsiya yaratdilar. O‘zlaridan bebaho tarixiy yodgorliklar, benazir san’at durdonalari, boy madaniy va ma’naviy me’ros qoldirdilar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Zahiriddin Muhammad Bubor - "Boburnoma". "Yulduzcha". Toshkent. 1990.
2. Ahmad Muhammad Tursun - "Avrangzeb Olamgir. Buburiy hukmdor va ma'rifat homiyi". "Qaqnus Media". Toshkent. 2017.
3. Michael H.Fisher - "Boburiylar. Hindistonda bir Turkiy imperiya". Asarning turk tilidagi tarjimasi. "Kronik". Istanbul. 2020.

БЕКМУРАДОВ С.Т
Катта ўқитувчи

ЖАМОЛ АЛ-ҚАРШИЙ ЎШ ШАҲРИ ҲАҚИДА

Аннотация. *Ушбу мақолада XIII асрда яшаб ижод этган муаррих Жамол ал-Қарший ва унинг "ал-Мулҳақот би-с-Суроҳ" ("Суроҳ луғатига иловалар") асарида зикр этилган Ўш шаҳри тарихи ҳақида сўз боради. Унда Жамол ал-Қаршийнинг XIII асрнинг иккинчи яримида шахсий ҳамда савдо ишлари билан Мовараннаҳр ва Шарқий Туркистоннинг кўплаб шаҳар ҳамда қишлоқларини зиёрат қилгани хусусида гап боради ҳамда айнан Ўш ҳақидаги араб тилида битилган маълумотларнинг таржимаси ҳавола этилади.*

Калит сўзлар: *Жамол ал-Қарший, "ал-Мулҳақот би-с-Суроҳ", мўғуллар, Чиғатой улуси, Мовароуннаҳр, Ўш шаҳри, "Маҳдум Восилий номидаги маънавий мерос фонди", шарқ манбалари.*

Жамол ал-Қаршийнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар жуда кам. Бу маълумотларнинг аксарини бизга маълум бўлган асарлар – *"ас-Суроҳ мин ас-Сиҳоҳ"* ("Сиҳоҳ луғатидан Суроҳ луғати"), *"ал-Мулҳақот би-с-Суроҳ"* ("Суроҳ луғатига иловалар") кабилардан олиш мумкин. Зеро, "ал-Мулҳақот би-с-Суроҳ"да ал-Қарший ўзининг *"Машяха"* ("Шайхлик") асарига урғу берадики, бинобарин муаллифнинг фанда маълум бўлмаган яна бир асари мавжудлигига далолат беради.

"Ал-Мулҳақот"га кўра у ҳижрий 628/1230-31 йилда мўғуллар маъмурий бўлинмаси таркибига кирувчи Иль-Аларгу[44] пойтахти Олмалиқ[45] шаҳрида, шу даврнинг маҳаллий ҳукмдори бўлган Бузархоннинг ўғли Сиғноқ такин даврида туғилган. У умрининг асосий катта қисмини ана шу она шаҳрида ўтказади. Мўғул истелоси даврида бу жойда Чиғатой хонлигининг қароргоҳи жойлашган. Бу шаҳар илк бор Ғулжанинг пойтахти сифатида тилга олинган. Олмалиқ – Олтин Ўрда ва Марказий Осиёни Мўғулистон ҳамда Хитой билан боғлаб турувчи карвон йўлида муҳим йирик савдо марказларидан бири ҳисобланган. Кейинчалик, XVI асрга келиб бу шаҳар бутунлай вайронага айланган. Олмалиқда ал-Қарший шаҳарнинг донгдор кишилари ўртасида ўралашиб юрган ва тез-тез маҳаллий билимдон

[44] Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья. Сочинения. Т. II. Ч. 1. – С. 60.

[45] Олмалиқ - Хитойнинг ҳозирги Ғулжа шаҳри шимоли-ғарбидаги Или дарёси қирғоғида жойлашган Еттисувдаги шаҳар. Бу шаҳар Олтин Ордадан Ўрта Осиёга, Монголияга ва Хитойга олиб борадиган карвон йўлидаги муҳим савдо маркази ҳисобланган. - Қаранг : Ибрагимов Н. Ибн Баттута и его путешествия по средней Азии. – М.: Наука, 1988. – С. 112.

шайх ҳамда садрлари билан учрашиб турган ва улар билан яқин таниш бўлган. Мисилсиз шахслар билан бўлган бу учрашувлари ҳақида батафсил муаллиф ўз асарида тез-тез қайд этади.

Муаллифнинг тўлиқ оилавий ҳаёти, турмуши ҳақидаги маълумотларга келадиган бўлсак, асарга кўра унинг бир неча ўғил фарзандлари ва икки опаси бўлган. Опаларидан бири Шошни забт этган Пахлавон Маҳмудга турмушга чиқган[46].

XIII асрнинг иккинчи яримида шахсий ҳамда савдо ишлари билан Мовараннаҳр ва Шарқий Туркистоннинг кўплаб шаҳар ҳамда қишлоқларини зиёрат қилган. 668/ 1269-1270 йилда ал-Ламиш[47], 671/ 1272-1273 йилда Шош, 672/ 1273-1274 йилда Барчкент[48] ва Жандда бўлган. Жамол ал-Қарший 693/ 1293-1294 йилда Шошни бир неча бор ўғлининг муаммолари сабабли (ўғли шу ерда яшаган бўлиши керак – *Б.С.*) зиёрат этган. Шу жумладан Хўжандда ҳам кўп бор сафарда бўлади. Олим ана шу саёҳатлари вақтида тўплаган маълумотларидан ўзининг асарини ёзишда кенг фойдаланган.

Муаллиф Хўжанд, Жанд, Хуттон, Барчкент ва хатто Ўш ҳамда Фарғонада кўрган ва танишган кўплаб машҳур кишиларни учратгани ҳақида айтади. Айниқса, Олмалиқ ҳамда Қошғардаги замондошларини кўп эслайди. Баъзида у сўзлаётган воқеалар латифа кўринишида тус олса-да, бу маълумотлар ҳам бизга бу давр олимларининг турмуш-тарзини гавдалантириб беради.

Умумий хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, асар ҳаққоний тарихий манба ҳисобланиб унда бошқа қўлёзма асарларда учрамайдиган малумотлар ўрин олган ҳамда тарихимизни ўзининг қимматли маълумотлари билан бойитади. Шу сабаб, биз бунда асарнинг Ўш тарихи ҳақидаги қисмини ўзбек тилига изоҳли таржима сифатида беришни маъқул деб топдик. Ушбу таржимада “ал-Мулҳақот”нинг Андижон шаҳри Марҳамат туманидаги “Маҳдум Восилий номидаги маънавий мерос фонди”да сақланаётган №2 тартиб рақамидаги қўлёзма нусхасидан бирламчи манба сифатида фойдаланилди. Бу нусханинг қаерда ва ким томонидан кўчирилгани ноаниқ бўлиб, ёзилган вақти 1285/1868-69 йил деб кўрсатилган. Одатда мавжуд нусхалардан энг қадимийси ёки нисбатан тўлиқроғи тадқиқот учун танлаб олинади. Аммо Андижон нусхаси охирда топилганини ҳисобга олиб ҳамда аввалги нусхаларнинг А.Саидов[49], Ш.Воҳидов, Б.Аминов[50] томонидан

---

[46] جمال القرشي. الملحقات بالصراح Маҳдум Восилий номидаги маънавий мерос фонди, №2. – 1285 [1868-69]. – 33[a].

[47] Ал-Ламиш ёки Иламиш – Андижон ва Талос ўртасида жойлашган.

[48] Барчкент ёки Барчинлиғ – Сирдарёнинг қуйи қисмида жойлашган.

[49] Джамал ал-Карши. Мулхакат ас-Сурах. Перевод с арабского и примичания А.Саидова. Душанбе.: Ирфон. 2006. 268 с.

рус тилидаги таржималари амалга оширилганини инобатга олиб, №2 да аввалги қўлёзмалардан фарқ қилувчи қисмларини кўриш мақсадида тадқиқотга жалб қилинди.

Ўш шаҳри

У ерда икки унчалик катта бўлмаган Баракуҳ ва Ҳанаф тоғлари бор. Баракуҳ тоғи атрофида [кўплаб] муқаддас ва ростгўй зотларнинг мозорлари мавжуд. [Айнан шу ерда] бошқа қабрлар қаторида Сулаймон ибн Довуднинг вазири – Асаф ибн Бурҳийнинг ҳам қабри жойлашган, уларнинг ҳар иккисига ҳам Аллоҳнинг саломи бўлсин.

Шунингдек [унинг] Калиж (Кулиж) қишлоғида Қутайба ибн Муслимнинг сағанаси [жойлашган], яна иккита бош ва тана (қалб) қисмлари қабрлари эса – Сапид-Буланда[51] [жойлашган]. Айтишларича у ерда 2800 та саҳобалар ва тобеъинлар *ғози* [турклар?] келдилар. Уларни Амир ул-мў'минин Усмон бин 'Аффан Розий Ал-Лаҳу анҳу юборган. Уларга Муҳаммад ибн Жарир[52] амирлик қилди. Сўнг уларнинг барчаси шаҳид бўлдилар. Бу қисса [кенг] тарқалди.

Абдуллоҳ ибн Жабалнинг сағанаси Қуба ва Шаҳри-Нау ўртасида [жойлашган].

Абдуллоҳ ибн Али ибн ал-Хусай ибн Али ибн Али Толиб Розий ал-Лаҳу анҳунинг сағанаси Сайхун яқинидаги Ҳўқандда [ўрин олган].

Илик ал-Мозийнинг сағанаси, Аллоҳ унинг қабрини кенг қилсин, Ўзжанд [Ўзганд]да [жойлашган].

Ас-садр ал-имам ул-ҳумам Нусрат ат-дин бин аш-шайх ул-имам шайх машаиҳ ул-ислом, [ҳамда] мақом ва каромат соҳиби Бурҳон ад-дин Қилич Ўзгандий Розий ал-Лаҳу анҳу Фарғонанинг таниқли кишилари ва садрларидандир[53].

Улардан [шунингдек] – садр ал-акром ал-амжад, садрлар раҳбари, халқ паноҳи, жамият қалқони, имомлар паноҳи Рукн ал-мулла ва-д-дин, [ҳамда] Ўш садр шайх ул-ислом ва-л-муслимин Мунир ибн Абулқосим Ўший, Аллоҳ уни паноҳида асрасин, [ўрин олган]. Мунир номига атаб шеърий чистон назм этилган:

Тўрт ҳарфдан иборат ул Садрнинг номи,
Унинг ила – чиқади рўшно.
Аввалги ҳарф учинчиси билан иккинчисига этади таъсир,

---

[50] Джамал ал-Карши. Ал-Мулхакат би-с-сурах. Введение, перевод с арабского-персидского, комментарии, текст, факсимиле Ш.Х.Вохидова, Б.Б.Аминова. История Казахстана в персидских источниках. Т. I. Алматы. Дайк-Пресс. 2005. 409 с.

[51] Сапид-Булан Наманганнинг Косонсой водийсидаги жой. (Испед-Булан – В. В. Бартольд.) Қаранг: Бартольд В. В. Туркестан. Сочинение. Т. I. М.: Наука, 1963. – С. 216.

[52] Муҳаммад бин Жарир – уммавийлар ҳумронлиги давридаги араб лашкарбоши. Джамал ал-Карши. Ал-Мулхакат би-с-сурах. – С. 150.

[53] XI асрда яшаб ижод этган Ўрта Осиёлик шайх ва сайидлардан.

Тўртинчиси – барчасидан заифдир.

Улардан шунингдек – имомлар шайхи, сўнги ҳимматли шайхлардан, машҳур уламолар, буюк уламолар раҳбари, имомлар амири Шамс мулла ва-д-дин Муҳаммад бин Муҳаммад бин Муҳаммад Ал-Қубавийдир, Аллоҳ паноҳида асрасин!

Яна улар жумласига – имомлар шайхи, ширинсўз, тариқат издоши, ҳақиқат соҳиби Жамол ад-дин ал-Ҳаравий ал-Ламиший – катта ёшли, суннатга амал қилувчи, маҳобатли, ёркин, кўркам ва ҳуш муомила зотдир. Андижонда (туман) Ламишда (жой номи) истиқомат қилган. У [Ал-Ламиший] бизга Бурҳон ад-дин Қиличнинг, Аллоҳ руҳини пок айласин, шариат ва тариқат шайхи диний ислоҳатчиси ҳикоя қилди ва деди: “Мен саёҳат мақсадида ўзимнинг ўнта издошим (ҳамрроҳим) билан Хуросон Жайхунидан (дарё) кечиб ўтиб Мовараннаҳрга йўл олдим. Ҳонадон ва майдон ёнидан ўта туриб, биз тариқат шайхлари ҳамда ҳақиқат намоёндаларидан кимни (машҳур зотлардан) зиёрат қилиш, қаерда истиқомат қилиб туриш (тунаб қолиш, унинг атрофидаги муқаддас қабрларни зиёрат қилиш) ва ким билан (маънавий-маърифий) ҳамсуҳбатда бўлиш лозимлиги ҳақида сўрадик. Асл мақсадимиз шайх Бурҳон ад-дин [Қилич] билан танишиб олишга мушарраф бўлиш эди. Биз унинг шуҳрати ва фазилатдари ҳақида кўп эшитдик, шу туфайли унинг кароматларини кўришни ҳоҳлардик. Бу ҳолат то биз суфилардан бўлган шайх сифатида танилган зот билан кўришиб қолгунимизга қадар давом этди. Унинг марҳамати билан биз ҳонақоҳларга эга бўлдик ва унинг билан тасаввуф илми билан танишдик ҳамда унинг ишқибизлари ҳақидаги ҳикояларни эшитдик. Шу тариқа Ғиждувонга[54] етиб келдик ва (32^{а}-32^{б}) Варғанзадаги[55] ҳонақоҳда қўним топдик”.

Сўнг Ўзганд томон йўл олдик. Йўлда биз тасодифан Фарғона ҳокими Малик ас-саид ал-афиф ас-сандид Илчи [Улжой] Маликни учратдик ва унинг хонадонида тўхтаб ўтдик. Биз ният(режа)ларимиз уни қизиқтириб қўйди. Биз Ўзганд томон йўлимизда давом этдик. Шаҳарга яқинлашгач шайхни биз сайёҳлар ҳақида огоҳлантириш учун одам юбордик. Бироқ (биз) юборган киши қайтиб келмади ва ҳеч ким бизни қарши олмади. [Шаҳар] бозорга кириб шайх ўтирган масжидни аҳтариб топдик. Масжид олдида чўккалаб ўтириб шайх чиқишини ва бизни кутиб олмаганлиги учун узр сўрашини кутдик. Бу вақт мен (фақат) ўзим ҳақимда ўйлаб, икки қўлим ён томонимга қўйиб “урушдаги армия, жангдаги аскар” сингари шайх мени кутиб олмаганлиги учун шайхга ташланишни ҳаёл қилдим. Унинг олдига икки киши бирин-кетин кириб биз ҳақимизда хабар бериб уни

[54] Ғиждувон –ҳозирдаги Бухородан 50 км масофада жойлашган шаҳар ва туман маркази.

[55] Варғанза – Бухородан унча узоқда бўлмаган қишлоқ номи.

шошилтирдилар. Лекин у: “машғулотлар тамом бўлмагунча ўтираверишсин, кутишсин” – деб жавоб қилди. Кутиб чарчаб, зерикканимиздан сўнг шайх масжиддан чиқиб келди. Унинг нигоҳи менга тушди ва у менга ўзини қараши билан қўрқитиб “ўқ отди”. Шу пайт [ҳаёлда] ҳарбий қўшиним чекиниб, ҳаёлларим тарқаб кетди, уят, ҳижолатдан кар, сақовга айландим ва кўришишни ҳам унутдим. У мени куч олиб аста шипшитди: “мен билан кўришишни ҳам унутдинг, бахслашмоқчимисан дейман? Қани энди лашкарларинг?”. Сўнг дарҳол у мени ҳато иш қилишга мажбур қилди. У ҳизматкорига қараб деди: “Хўкиз қаерда? Эй фалончининг ўғли фалончи шу пайтга қадар нима билан машғул бўлдинг?”. У [шайх] уни қаттиқ урушиб, шаънига тегадиган сўзларни айтди, зеро бу нарса инсонларга хос эмас эди. Қандай қилиб бундай сўзларни айтиш мумкин? Шу заҳотиёқ ўрнимдан туриб дедим: “Мен адашдим, бу киши мен ўйлагандек эмас экан”. Балки ҳозир димоғимга Бухоро келди, ундай бўлса кучга кириб ўзимни у билан бахслашаётгандек қилиб кўрсатаман. Шунда тушундим. У [шайх] деди: “Юринглар уйга”. У олдинда юриб борди ва биз унинг ортидан эргашдик. Иккинчи гал мен ичимда курашувни тартиблаб (режаларимни) тарқаб кетган ўй фикрларимни ҳамда воқеаларни бу ерга йиғиб олдим. У бошини мен томонга қарата сирли равишда деди: “Таслим бўлсанг ҳам мен ўзимнинг эски ҳолатимга (инжиқлигимга) қайтдим, (бу эса) Гуноҳ (айб)”. Шу пайт мен чин дилдан пушаймон бўлганимдан сал бўлмаса унинг оёқларига йиқила ёздим ва (энди) унинг иродаси ила қалбан ва руҳан ўзимни яхши тута бошладим. Шундан сўнг унинг хизматида бўлиб, кўплаб ютуқларга эришдим, Аллоҳ уни раҳм айласин. Бу ҳикояни мен ундан Ал-Ламиший (Иламиш)да ҳижрий 668/ 1269-1270 милодий йилнинг ойларидан бирида эшитдим.

Улардан – мен тантанали муомиласига, илтифотли мактуботларига, қўлини сиқиб кўришишга, ёқимли сухбатларидан баҳраманд бўлишга мушарраф бўлган (зот) – ал-имам ул-кабир, ал-ҳумам ул-наҳрир Тож мулла ва-д-дин ар-розий ас-сарвий аш-Шаристонийдир. У ўз шуҳрати еридан ва доирасидан бадарға қилингач Андугонда жойлашди, унинг ҳизматлари абадий бўлиб тун ва кунлари ҳуш бўлсин.(қара) унга мен томондан шеърият соҳиби [Аш-Шаҳристоний] билан учрашиш мақсадида наср ва назм кўринишдаги мактуб юборилди. Бу шеър ўзида мазмунни ташкил этади ва у мана бундай:

Мен учун ким у сахий, халоскор,
Ул зот нотиқлик ишқибозидир.

Унинг бу сўзларига қадар, охирги байтлар эса қуйидагича:

У Шаристоннинг порловчи фахри,

Унинг водийси ва жилғаси ила гўзалдир дунё.

Ушбу шеър 15 байтдан иборат бўлиб, рисола охири рубоъи кўринишда ва форс тилида ёзилган. Унинг уч сатри (мисраси) *мувашшаҳ*, тўртинчиси ҳам шу кўринишда қофиялаштирилган:

Эй мавлоно, сен билимдонлар тожисан,
Илму, динда келтирасан юзлаб асос
(бу ерда: сен юзлаб бурҳон ад-дин ал-марғинонийлардан афзалсан).
Сен достон ўқиган дам,[56]

У [Аш-Шаҳристоний], Аллоҳ уни паноҳида асрасин, менга жавобан иккита катта: бири – араб тилида, иккинчиси – форс тилида бўлган хат билан бирга араб тилида ўрта сатрларни ўқиш билан форсча рубоъи ҳосил бўладиган *мувашшаҳ* турда ёзилган қасида жўнатди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. جمال القرشي. الملحقات بالصراح Маҳдум Восилий номидаги маънавий мерос фонди, №2. – 1285 [1868-69]. – 53^{a-b} саҳифа.
2. Бартольд В. В. Чингизиды / История Туркестана. Сочинение. Т. II., Ч. 1. – М.: Наука, 1963. – 760 С.
3. Бартольд В.В. Мулхакат ас-Сурах. Сочинение. Т. VIII. – М.: Наука, 1973. – с. 98-102.
4. Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья. Сочинения. Т. II. Ч. 1. – С. 60.
5. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинение. Т. I. – М.: Наука, 1963. – 760 С.
6. Бартольд В.В. Чингиз-хан / Статьи из «Энциклопедия Ислама». Сочинение. Т. V. – М.: Наука, 1968. – с. 615-628.
7. Джамал ал-Карши. Ал-Мулхакат би-с-Сурах/ Введение, перевод с Арабского, комментарии, текст, факсимиле Ш. Х. Вохидова, Б. Б. Аминова. История Казахстана в персидских источниках. Т. I. – Алматы.: Дайк-Пресс, 2005. – 409 С.
8. Ибрагимов Н.И. Ибн Батута и его путешествия по средней Азии. – М.: Наука, 1988. – 334 С.
9. Материалы по Истории Средней и Центральной Азии X-XIX вв. // Р. Ш. Шарафуддинова. Мулхакат Ас-Сурах // Ташкент.: Фан, 1988. – с. 100-131.
10. Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди / Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р. П. Джалиловой, Л. М. Епифановой. – Т.: Фан, 1996. – 728 С.

[56] Қўлёзманинг бу варағида “эслатиб ўтилган сатр йўқолган” деб белгиланган. Шунингдек Қаранг: Джамал ал-Карши. Ал-Мулхакат би-с-сурах. – С. 150.

11. Рашид ад-дин. Сборник летописей / от персидского О. И. Смирновой, примечание Б. И. Панкратова и О. И. Смирновой. Под редакцией проф. А. А. Семёнова. Т. I-III. – М., – Л.: Наука, 1956-1963.
12. Султонов Т. И. Поднятые на белой кошме. Потомки Чингиз-хана. - Алматы.: Дайк-Пресс, 2001. – 399 С.
13. Фазлаллах Рашид ад-дин. Джами′ ат-таварих / Критический текст А. А. Ромаскевича, А. А. Хетагурова, А. А. Али-Заде. Т. I., Ч. 1. – М.: Наука, 1965.
14. Bekmuradov, Sandjar Tursunmamatovich CHIG‘ATOY ULUSIDA ILK BOSHQARUV SHAKLI // ORIENSS. 2021. №Special Issue 2.
15. Bekmuradov Sandjar Tursunmamatovich CHIG‘ATOY ULUSI BOSHQARUVI LEGITIMLIGIDA ISLOMNING AHAMIYATI // ORIENSS. 2021. №5.

НИЗОМИДДИНХУЖАЕВ ОТАБЕК
Базовый докторант

РАЗВИТИЕ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВТА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ

Аннотация. *В статье анализируются создание Общественной палаты, ее задачи в поддержке развития институтов гражданского общества в Узбекистане, осуществленные масштабные общественно-политические, социально-экономические, судебные правовые, демократические реформы и преобразования в стране.*

Ключевые слова. *Общественная палата, институты гражданского общества Узбекистана, развитие гражданского общества.*

Современное гражданское общество в Узбекистане переживает перемены, которые затрагивают как практические стороны нашей жизни, так и концептуальные положения развития общества. Происходит переосмысление многих ценностей, одна из которых – социальное партнерство. В современных условиях возникает необходимость создания новой модели взаимодействия государства и общества. В силу отмеченных обстоятельств, проблема социального партнерства выдвигается в число приоритетных направлений теории и практики социального управления[57]За последнее время в Узбекистане реализованы значительные меры по повышению уровня социального партнерства между государством обществом и гражданами, роли и значения, общественной активности негосударственных некоммерческих организаций (ННО) и других институтов гражданского общества в осуществлении демократических преобразований во всех сферах жизни общества и государства.Анализ законодательства показывает, что общественные отношения в обществе, связанные с деятельностью ННО и осуществлением социального партнерства в обществе регулируют более 200 нормативно-правовых актов, направленных на повышение эффективности деятельности негосударственных некоммерческих организаций.

Вместе с тем положение дел в данной сфере свидетельствует о

[57] Указа Президента Республики Узбекистан «О создании Общественной палаты при Президенте Республики Узбекистан» от 16 апреля 2020 г., № УП-5980\\Национальная база данных законодательства, 17.04.2020 г., № 06/20/5980/0450
УП-5430-сон 04.05.2018. О мерах по коренному повышению роли институтов гражданского общества в процессе демократического обновления страны... - LEX.UZ

наличии ряда серьезных проблем, препятствующих активному участию негосударственных некоммерческих организаций в проводимых широкомасштабных реформах, повышении политической культуры, правосознания граждан, удовлетворении их духовных и иных нематериальных потребностей, созданию необходимой институциональной базы для их всемерной поддержки.

Исходя из того, что функционирующие на сегодняшний день институты гражданского общества выполняют важную роль в защите прав и законных интересов физических и юридических лиц, демократических ценностей, достижении социальных, культурных и образовательных целей, существует необходимость дальнейшего развития и усовершенствования законодательства страны в данной сфере.

Принятие Указа Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному повышению роли институтов гражданского общества в процессе демократического обновления страны» является переломным моментом в вопросах развития процессов углубления общественно-политических и социально-экономических реформ в стране и создает [58]соответствующие условия для полноценной деятельности участвующих сторон в создании социального партнерства, в формировании атмосферы взаимопонимания, согласия, сплоченности и стабильности в обществе.

Указ, ввиду своей демократичности, новизны, креативности и своевременности принятия обеспечивает дальнейшее развитие институтов гражданского общества, социальный порядок в стране, устойчивое социально-экономическое развитие для регионов и цивилизованное решение жизненных общественных проблем во имя благосостояния и благополучия всех граждан страны.

В целом принятие данного Указа можно считать новым витком развития социального партнерства в стране, закреплением прав и свобод ННО в обществе, учета государством многообразия функциональных групп интересов слоев населения в стране, их согласования (сбалансированности), а не нивелирования. Ее положения являются важнейшим условием жизнеспособности и устойчивости политической системы, развития социально-экономической сферы, дальнейшего

---

[58] Указа Президента Республики Узбекистан «О создании Общественной палаты при Президенте Республики Узбекистан» от 16 апреля 2020 г., № УП-5980\\Национальная база данных законодательства, 17.04.2020 г., № 06/20/5980/0450

[3] Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан, направленных на усиление общественного контроля», принятый 29 августа 2019 года за №ЗРУ-559\\ Национальная база данных законодательства, 30.08.2019 г., № 03/19/559/3670

формирования гражданского общества в Узбекистане.

На наш взгляд Указ главы государства будет способствовать налаживанию эффективных механизмов конструктивного диалога государственных органов и государства в целом с институтами гражданского общества, обеспечения объективного и всестороннего анализа нужд ННО, созданию открытых и транспарантных площадок для обмена мнениями по важнейшим вопросам дальнейшего государственного и общественного развития, усилить вовлеченность институтов гражданского общества в разработку и реализацию программ социально-экономического развития, особенно регионов, своевременных и нужных нормативно-правовых актов, и самое основное позволить скрупулезно изучать и учитывать интересы всех социальных групп в обществе.

Данный Указ разрубить гордиев узел проблем в законодательной базе, так как, социальное партнерство не смогло превратиться в эффективный механизм взаимодействия между государственными органами и негосударственными некоммерческими организациями, направленный на решение широкого спектра социальных проблем граждан, реальное продвижение их инициатив и современных идей, особенно молодежи.

Глава нашего государства уделяет первостепенное внимание вопросам укрепления сильной гражданской позиции и чувства ответственности у населения, реализации мер государственной поддержки и поощрения деятельности активных, самоинициативных ННО, предлагающих инновационные и креативные идеи по дальнейшему социально-экономическому, общественно-политическому развитию страны и общества в целом.

Указ снимает излишние бюрократические требования и препоны в нормах законодательства, регулирующие процедуры жизнедеятельности негосударственных некоммерческих организаций, которые являются устаревшими и не отвечают современным требованиям.

Кроме того, он создаст условия для возникновения эффективных механизмов обмена данными и информацией между государственными органами, направленных на всестороннюю поддержку деятельности институтов гражданского общества в стране, улучшению их материально-технической обеспеченности для реализации среднесрочных и долгосрочных проекты и программы развития страны и общества.

Принятым Указом главы нашего государства предусматривалось создание Консультативного совета по развитию гражданского общества

при Президенте Республики Узбекистан[59], который был бы ответственным по налаживанию системного и эффективного диалога государства и институтов гражданского общества, выработке предложений по определению стратегических направлений и формированию национальной модели развития гражданского общества.

На данном совете предполагался обсуждение актуальных вопросов, дальнейшего развития гражданского общества, с дальнейшим информированием Президента Республики Узбекистан о состоянии и тенденциях развития данного сектора.

Эксперты и видные представители гражданского общества, привлекаемые к работе данного органа, готовили бы предложения и наработки по организации эффективного взаимодействия государственных органов с институтами гражданского общества, мер поддержки и поощрения их деятельности;

Фундаментальные и прикладные исследования, охватывающие вопросы развития гражданского общества, организация систематического изучения, обобщения и анализа общественного мнения о государственной политике в области развития гражданского общества и ее практических результатах, будут в центре внимания данного консультативного органа.

Консультативный совет по развитию гражданского общества систематически вносил бы предложения главе государства по вопросам совершенствования деятельности институтов гражданского общества, осуществления социального партнерства и общественного контроля, создания благоприятных условий для расширения их участия в общественной деятельности, разрабатывать индикаторы в оценки развития [6061]гражданского общества, уровня взаимодействия его институтов с государственными органами, готовить на их основе периодические и специальные доклады, в том числе альтернативные.

Зарубежная практика развития гражданского общества позволяет говорить о том, что развитие рыночных отношений в экономике, формирование ее многоукладности, появление и рост слоя активных предпринимателей, собственников требуют новых подходов к формированию и осуществлению социального партнерства.

---

[59] Данный Совет прекратил свое существование в связи с принятием Указа Президента Республики Узбекистан «О создании Общественной палаты при Президенте Республики Узбекистан» от 16 апреля 2020 г., № УП-5980\\Национальная база данных законодательства, 17.04.2020 г., № 06/20/5980/0450

[60] Каспэ С.И. Лучший итог деятельности Общественной палаты в минувшем году то, что она не принесла никакого вреда // www.lentacom.ru

[61] Кабышев С.В., Векшин А.А. Общественная палата: её роль и место в российской политике //Формула права, 2005, №1 (4), стр. 48. 3

Исторический анализ показывает, что в развитии социального партнерства прослеживается определенная тенденция. Объективные и субъективные предпосылки ею возникновения зародились в XIX веке, когда прочно вошли в жизнь профессиональные и предпринимательские союзы, а государство вынуждено было стать арбитром в конфликтах между трудом и капиталом. Но сам феномен социального партнерства, порой под другими названиями, утвердился идеологически и практически, прежде всего, под влиянием потрясений первой половины XX в (Россия, США, Германия, Турция, Франция, Италия, Испания и др.).

Появлению социального партнерства способствовало также усложнение социальной структуры общества в развитых странах, где благодаря возросшему общему уровню благосостояния возросло число собственников, представляющих интересы большого числа мелких, средних вкладчиков, поручивших им управление своей собственностью. Укрепились позиции мелкого предпринимательства, увеличилась его роль в экономике. Существенно выросла численность и возросла роль служащих, работающих как в государственных, так и в негосударственных организациях и учреждениях. В XX веке образовался "средний класс", коренным образом заинтересованный в укреплении социально-экономической стабильности в своей стране и ликвидации признаков социальных катаклизмов в обществе.

Таким образом, в современном развитии человечества наблюдается тенденция к расширительному толкованию социального партнерства как одного из способов сотрудничества различных секторов жизни общества, причем акцент явно делается на некоммерческий сектор.

Однако, не следует забывать, что традиционно под социальным партнерством понимаются, прежде всего, отношения в социально-трудовой сфере между работниками и работодателями, складывающиеся при активном участии государства. Социальное партнерство означает сотрудничество работодателей и профсоюзов в вопросах улучшения условий занятости и обеспечения права работникам участвовать в решении вопросов, касающихся деятельности организации.

Современное социальное партнерство, существующее в развитых демократических странах (США, Канада, Великобритания, страны Евросоюза, Япония и др.) в целом основывается на компромиссе, выработке оптимальной формулы взаимоприемлемых условий, учитывающей интересы различных общественно-политических и экономических сил в обществе. Ушла в прошлое практика выдвижения требований, способных подорвать положение работодателей и

работающих. Особенно ярко это можно увидеть в Германии, где профсоюзы, имеющие значительный и институционально оформленный опыт сотрудничества с бизнесом, при отстаивании интересов работников идут на значительные уступки, осознавая необходимость модернизации производства и крупных структурных преобразований в экономике. Безусловно, в мире существуют достаточно глубокие традиции социального партнерства, которое надо изучать постоянно. [62]

Можно сказать, что Указ «О создании Общественной палаты при Президенте Республики Узбекистан» является своевременным документом для организации дальнейшего развития социального партнерства в стране, формирования атмосферы согласия и [63]сплоченности в обществе, практическим воплощением идей обеспечения интересов граждан в повседневной деятельности, защиты трудовых прав и свобод человека, обеспечения условий для эффективного и взаимовыгодного сотрудничества между гражданами, предпринимателями и государства, надежным заслоном для профилактики общественных потрясений посредством профилактического осуществления общественного контроля.

Тем более, что его принятие отвечает многим возникающим вопросам современного общества, которое переживает глубокие перемены, затрагивающие как практические стороны нашей жизни, так и концептуальные положения национального законодательства страны.

Виды контрольной юридической деятельности можно разграничивать в зависимости от многих критериев (оснований). Наиболее значимым представляется деление контрольной деятельности в зависимости: от контролирующего субъекта (деятельность государственных и негосударственных организаций и т.д.); юридической силы правового акта, на котором основаны контрольные полномочия; сферы деятельности различных независимых органов; объекта контроля; отраслевой принадлежности контролируемых правовых отношений; уровня контрольной юридической деятельности и иных критериев.

При этом следует исходить из того, что, во-первых, контрольная юридическая деятельность является самостоятельным типом

---

[62] Гнусарева Ю.А. Общественная палата России в системе гражданского общества/ Ю. Гнусарева // Власть. - 2009.- 10.- С. 30

[63] Указа Президента Республики Узбекистан «О создании Общественной палаты при Президенте Республики Узбекистан» от 16 апреля 2020 г., № УП-5980\\Национальная база данных законодательства, 17.04.2020 г., № 06/20/5980/0450

Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан, направленных на усиление общественного контроля», принятый 29 августа 2019 года за №ЗРУ-559\\ Национальная база данных законодательства, 30.08.2019 г., № 03/19/559/3670

юридической деятельности, во-вторых, дополняет другие виды юридической деятельности. Отсюда результатом контрольной юридической деятельности будет не контроль над действиями подконтрольных субъектов как самоцель, а повышение эффективности и качества их работы по выполнению возложенных на них общественных задач и закрепленных за ними функций и на этой основе - более полное удовлетворение потребностей и интересов (общесоциальных, групповых и индивидуальных). Необходимо исследовать соотношение контрольной юридической деятельности с правотворческой, правоприменительной (в том числе оперативно-исполнительной и правоохранительной), координационной и другими разновидностями юридической деятельности. Для Общественной палаты при Президенте Республики Узбекистан юридическая контрольная деятельность направлена на проверку степени исполнения подконтрольными субъектами правовых предписаний и пресечения правонарушения, что в конечном итоге должно приводить к повышению эффективности всех типов юридической деятельности. Возрастание степени исполнения требований законов в Республике Узбекистан со стороны подконтрольных органов, благодаря юридической контрольной деятельности Общественной палаты при Президенте Республики Узбекистан обеспечит возрастание силы механизма правового регулирования обществом и государством путем эффективного разрешения возникающих проблем и удовлетворения законных интересов и прав граждан. Поэтому общественный контроль мы должны считать юридической контрольной деятельностью, представляющей из себя автономную, специфическую деятельность, обособившуюся в процессе разделения труда и специализации в управлении, выполняющую особые цели и задачи, служащую способом соединения нормотворчества, правореализации, координации и систематизации действий различных субъектов права[64].

Если обратиться к зарубежному опыту организации и деятельности Общественной палаты РФ, то следует отметить, что данная палата была сформирована в соответствии с Федеральным законом РФ «Об Общественной палате Российской Федерации» от 4 апреля 2005 года № 32. Согласно Закону, Общественная палата избирается каждые два года и осуществляет взаимодействие граждан с органами государственной власти и местного самоуправления в целях учета потребностей и интересов граждан, защиты их прав и свобод при формировании и

[64] Более подробно см.: Елизаров, Александр Борисович. Контрольная юридическая деятельность : монография / А. Б. Елизаров ;: Ивановский фил. ВЮИ ФСИН России, 2008 (Иваново : ИПК "ПресСто"). - 195 с.; 21 см.; ISBN 978-5-903595-17-4 (в пер.).-С.10-15.

реализации государственной политики, а также в целях осуществления общественного контроля за деятельностью органов власти.

Формирование Общественной палаты проходило в три этапа. На первом этапе Президент РФ по результатам консультаций с общественными объединениями и другими организациями обратился к 42-м гражданам России, имеющим особые заслуги перед государством и обществом, с просьбой принять участие в работе Общественной палаты, после письменного подтверждения согласия на эту работу их кандидатуры были утверждены Указом Президента. На втором этапе 42 утвержденные кандидатуры выбрали еще 42 представителя, изъявивших желание включить своих представителей в состав Палаты, от общероссийских общественных организаций. На третьем этапе избранные члены Общественной палаты образовали семь инициативных групп (по числу федеральных округов) для подготовки собраний в субъектах Российской Федерации и конференций в федеральных округах. От каждого федерального округа предварительно было избрано по шесть кандидатов из представленных кандидатур, определенных на конференциях в федеральных округах. После этого 84 ранее избранных члена Палаты выбрали еще 42 представителя от региональных и межрегиональных объединений.

Такой, на первый взгляд, сложный механизм позволяет сформировать структуру, наиболее полно отражающую «третий сектор», где на одной «площадке» работают известные общественные деятели, некоммерческие организации, общественные объединения.

Формирование первого состава Общественной палаты завершилось 23 декабря 2005 года.

Ведущий научный сотрудник Института географии РАН, член научного совета Московского Центра Карнеги Н.В.Петров на вопрос значимости Общественной палаты отвечает своей статьей «Общественная палата для власти или для общества?». При рассмотрении вопроса «Зачем власти Общественная палата?» он пишет:

«1. Общественная палата (ОП) призвана служить своего рода министерством по чрезвычайным ситуациям или силами быстрого реагирования. В этом случае ОП по мере надобности может выступать в качестве противовеса по отношению к любым неподконтрольным властям правозащитным, экологическим и прочим организациям.

2. Общественная палата может выполнять функцию «министерства по делам ГО (гражданского общества)», которое курирует общественные организации, отслеживает происходящие там изменения и, если надо, вмешивается в их деятельность как на регулярной (кормление «своих» с рук), так и на экстренной основе.

3. Общественная палата может быть представлена как новая, хорошо освещенная и контролируемая площадка для виртуальной публичной политики вместо многочисленных свернутых -- Госдумы, СФ или региональных выборов. В ОП вроде и выборы есть, но многоступенчатые и, главное, почти с неограниченной возможностью государственного вмешательства»[65].

23 января 2008 года прошло первое пленарное заседание нового состава Общественной палаты РФ, в ходе которого были избраны Совет Общественной палаты, Секретарь Палаты, а также утверждены заместители секретаря Палаты и внесены изменения в Регламент ОП. В Общественную палату РФ нового состава избрано 126 человек, из них 24 женщины и 102 мужчины. Все члены Общественной палаты имеют высшее или неоконченное высшее образование. По своему основному роду занятий члены Палаты являются: общественными деятелями (46 человек), учеными (34 человека), работниками искусства и культуры (9 человек), юристами (4 человека), журналистами, писателями и политологами (12 человек), религиозными деятелями (7 человек), предпринимателями (9 человек), врачами (5 человек).[66]

В соответствии с Федеральным законом «Об Общественной палате Российской Федерации» и Регламентом, Общественная палата Российской Федерации не является органом государственной власти. Она призвана обеспечить согласование общественно значимых интересов граждан Российской Федерации, общественных объединений, органов государственной власти и органов местного самоуправления для решения наиболее важных вопросов экономического и социального развития, обеспечения национальной безопасности, защиты прав и свобод граждан, конституционного строя и демократических принципов развития гражданского общества в Российской Федерации путем:

1. Привлечения граждан и общественных объединений к реализации государственной политики;

2. Выдвижения и поддержки гражданских инициатив, имеющих общероссийское значение и направленных на реализацию конституционных прав, свобод и законных интересов граждан и общественных объединений;

3. Проведения общественной экспертизы проектов федеральных законов и проектов законов субъектов Российской Федерации, а также проектов нормативных правовых актов органов исполнительной власти и проектов правовых актов органов местного самоуправления;

---

[65] Петров Н. Общественная палата для власти или для общества? // Pro et contra. 2006. №1. с.51-52.

[66] Селиванова Е.С. Международный опыт в институционализации общественного контроля в современной России // Вестник ВГУ. Сер.: История. Политология. Социология. 2014. № 2. С. 112-116.

4. Осуществления общественного контроля за деятельностью Правительства Российской Федерации, федеральных органов исполнительной власти, органов исполнительной власти субъектов Российской Федерации и органов местного самоуправления;

5. Выработки рекомендаций органам государственной власти Российской Федерации при определении приоритетов в области государственной поддержки общественных объединений и иных объединений граждан, деятельность которых направлена на развитие гражданского общества в Российской Федерации;

6. Оказания информационной, методической и иной поддержки общественным палатам, созданным в субъектах Российской Федерации.

7. Привлечения граждан, общественных объединений и представителей средств массовой информации к обсуждению вопросов, касающихся соблюдения свободы слова в средствах массовой информации, реализации права граждан на распространение информации законным способом, обеспечения гарантий свободы слова и свободы массовой информации, и выработки по данным вопросам рекомендаций. Статья 2 ФЗ «Об Общественной палате РФ».

В задачи Общественной палаты входит проведение экспертизы проектов федеральных законов и проектов законов субъектов РФ, общественный контроль за деятельностью правительства РФ, федеральных органов исполнительной власти, органов исполнительной власти субъектов РФ и органов местного самоуправления, а также контроль за соблюдением свободы слова в СМИ и выработка рекомендаций по этим и другим вопросам.

Таким образом, рассмотрев Федеральный Закон «Об Общественной палате РФ**»,** можно констатировать, что созданная структура - независимый общественный институт, одной из главных задач которого является «аккумулирование и обобщение общественных предложений, которые будут направляться на рассмотрение президента». Также одной из важных функций палаты является работа по укреплению позиций гражданского общества в целом, в связи с этим члены Общественной палаты должны ежегодно предоставлять доклад о состоянии гражданского общества в РФ[67].

Общественный совет Республики Армения в круг задач входят: организация общественных слушаний или обсуждений, по вопросам, представляющим общественный интерес, а также связанным с важнейшими сферами общественной жизни, проведение общественной экспертизы действующих законов и иных нормативно-правовых актов,

[67] Гнусарева Ю.А. Общественная палата России в системе гражданского общества/ Ю. Гнусарева // Власть. - 2009. - № 10. - С. 30

государственных программ, стратегий, концепций и их проектов и дача заключений, включая предложений о внесении в них изменений и дополнений.

Общественная палата состоит из 45 членов. Любое лицо, которое достигло 25 лет, служило Республике Армения, имеет репутацию в обществе или в своей профессиональной сфере, а также любое лицо, обладающее навыками, необходимыми для выполнения задач, поставленных перед Общественным советом, может стать членом совета.15 членов палаты назначаются Правительством, 30 – избираются из числа представителей органов местного самоуправления, соответствующих неправительственных организаций, национальных организаций творческих союзов, студенческих организаций, СМИ, ветеранских объединений, научных организаций, объединений защиты прав потребителей, деловых и промышленных ассоциаций, религиозных организаций.

Консультативный совет по политике гражданского общества Финляндии Совет является содействию и сотрудничеству взаимодействия между гражданским обществом и органами государственной власти; мониторинг изменений в условиях работы гражданского общества; выдвижение инициатив, предложений и мнения для развития областей, имеющих отношение к политике гражданского общества; оценка стратегии ННО, министерств и практики общественных консультаций; выступление с инициативами в национальной и международной политике ННО; инициирование исследований и разработки, продвижение исследовательской деятельности и использование результатов исследований, а также распространение результатов проектов и исследований.

Народный политический консультативный совет Китайской Народной Республики Совет является конституционным совещательным органом, служащим платформой для демократического участия институтов гражданского общества в государственных делах. В круг задач входят: политическая консультация руководства страны и осуществление демократического контроля; организация деятельности входящих в Совет различных партий, организаций и представителей различных национальностей и общественных кругов для участия в политической жизни страны.

Таким образом, исходя из опыта осуществления общественного контроля в Российской Федерации, Республики Армения, Финляндии и Китайской Народной Республики , можно с уверенностью использовать данный опыт и в работе Общественной палаты при Президенте Республики Узбекистан, правовой основой которого может послужить

также Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан, направленных на усиление общественного контроля», принятый 29 августа 2019 года за №ЗРУ-559[68] и предусматривающий общественный контроль в сфере разгосударствления и приватизации; в сфере качества и безопасности пищевой продукции; охраны и использовании растительного, животного мира; в области охраны, защиты, разведения, воспроизводства, восстановления, повышения продуктивности и использования лесов; в сфере радиационной безопасности; в области оказания психиатрической помощи; в области использования бюджетных ассигнований, средств внебюджетных фондов бюджетных организаций, проведенных конкурсах (тендерах) и доставке приобретенных товаров, размещаемой министерствами, ведомствами, государственными целевыми фондами и другими распорядителями бюджетных средств на своих официальных веб-сайтах.

Таким образом, Общественная палата оказывает содействие в активизации участия граждан в делах государства и общества, а также во внедрении современных механизмов государственно-частного партнерства.

Общественная палата состоит из 50 членов, работающих на общественных началах, ее состав формируется в следующем порядке:

- 18 членов назначаются Президентом;
- 18 членов отбираются из числа кандидатов, представленных ННО, СМИ и представителями широкой общественности;
- 14 членов являются представителями региональных общественных палат.

Региональная общественная палата состоит из 21 члена, работающего на общественных началах, и формируется из представителей ННО, осуществляющих деятельность в регионах, научных кругов, СМИ и широкой общественности.

Срок полномочий членов Общественной палаты и региональных общественных палат составляет 3 года.

Указом Президента упраздняются Консультативный совета по развитию гражданского общества при Президенте и Центр развития гражданского общества. Также, веб-портал «Mening fikrim» передан в ведение Общественной палаты.

---

[68] Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан, направленных на усиление общественного контроля», принятый 29 августа 2019 года за №ЗРУ-559\\ Национальная база данных законодательства, 30.08.2019 г., № 03/19/559/3670

Если указывать на обязанности Общественной палаты, то этот орган: ежегодно представляет Президенту и палатам Олий Мажлиса годовой национальный доклад о состоянии и тенденциях развития гражданского общества; рассматривает предложения о внесении изменений и поправок в Конституцию, проекты нормативно-правовых актов по наиболее актуальным вопросам социально-экономической жизни страны и вызывающие особый интерес у общественности; имеет право направлять в государственные органы и организации запрос с требованием предоставления обоснованных разъяснений либо изложения своей точки зрения по реализации законов, государственных программ в различных сферах, а также по другим важным вопросам, входящим в их ведение.

Председатель Общественной палаты по статусу приравнивается к министру, первый заместитель и заместители председателя приравниваются соответственно к первому заместителю министра и заместителям министра.

Одна из важнейших инициатив Послания 2020 года Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису была связана с идеей создания в нашей стране Общественной палаты. 16 апреля текущего года был принят Указ Президента Узбекистана об учреждении такого органа.

На наш взгляд, Общественная палата сыграет свою позитивную роль роль в развитии демократии, в защите прав и интересов граждан, улучшении социально-экономических условий общественной жизни нашей страны.

Одним словом, Общественная палата, совершенно новый институт, который будет являться важным институтом в обеспечении последовательного развития гражданского общества в нашей стране, повышении престижа и роли населения, неправительственных организаций и других институтов гражданского общества в управлении. общественных и государственных дел.

Список использованной литературы

1. Указа Президента Республики Узбекистан «О создании Общественной палаты при Президенте Республики Узбекистан» от 16 апреля 2020 г., № УП-5980\\Национальная база данных законодательства, 17.04.2020 г., № 06/20/5980/0450
2. Елизаров, Александр Борисович. Контрольная юридическая деятельность: монография / А. Б. Елизаров (Иваново: ИПК "ПресСто"). - 195 с.; 21 см.; ISBN 978-5-903595-17-4 (в пер.).-С.10-15.

3. Петров Н. Общественная палата для власти или для общества? // Pro et contra. 2006. №1. с.51-52.
4. Гнусарева Ю.А. Общественная палата России в системе гражданского общества/ Ю. Гнусарева // Власть. - 2009.- 10.- С. 30
5. Закон Республики Узбекистан «О гос-ударственной власти на местах». – Ташкент, 2 сентября 1993, № 913-XII. ст. 1.
6. О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан: Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февр. 2017 г. № УП-4947. URL: http://lex.uz/pages/getpage. aspx?lact_id=3107042
7. Бегматов А.С. Становление и развитие политической системы и гражданского общества в Узбекистане // Этапы демократизации политической системы, либерализации и развития гражданского общества: материалы «круглого стола», проведенного 24 февраля 2015 г., Ташкент // Жамият ва бошкарув (Ташкент). 2015. № 1. С. 38-39.
8. Селиванова Е.С. Международный опыт в институционализации общественного контроля в современной России // Вестник ВГУ. Сер.: История. Политология. Социология. 2014. № 2. С. 112-116.
9. Огнева Е.А. Общественный контроль в системе защиты прав и свобод человека и гражданина Российской Федерации: конституционно-правовое исследование: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2015. С. 33-62.
10. Конституция Республики Узбекистан. Ташкент, 2017.
11. Маликова Г.Р. Общественный контроль в системе сдержек и противовесов (к постановке вопроса) // Жамият ва бошкарув (Ташкент). 2014. № 1. С. 55-59.
12. Послание Президента Республики Узбекистан Мирзиёева Ш.М. Олий Мажлису 24 января 2020 г.
13. Гриб, В.В. Общественная палата Российской Федерации как орган общественного контроля Текст. /В.В. Гриб / Юридический мир. - 2010. Л» 3.
14. Федосов, С.В. Общественная палата Российской Федерации в системе институтов гражданского общества: конституционно-правовой анализ Текст. / С.В. Федосов: Автореф. дисс. . канд. юрид. наук. -М., 2007.

15. УП-5430-сон 04.05.2018. О мерах по коренному повышению роли институтов гражданского общества в процессе демократического обновления страны... - LEX.UZ
16. Кабышев С.В., Векшин А.А. Общественная палата: её роль и место в российской политике //Формула права, 2005, №1 (4), стр. 48. 3
17. Каспэ С.И. Лучший итог деятельности Общественной палаты в минувшем году то, что она не принесла никакого вреда // www.lentacom.ru
18. Петров Н. Общественная палата: для власти или для общества? // Pro et Contra, 2006, № 1, стр.51.https://strategy.uz/index.php?news=913

FAYZULLAYEV A.H
tayanch doktorant

AFG'ONISTON VA TURKIYA HAMKORLIK ALOQALARINING ZAMONAVIY BOSQICHDAGI HOLATI

Annotatsiya: *Osiyoning qoq markazida joylashgan Afg‘oniston o‘zining noyob geosiyosiy mavqei tufayli azaldan ko‘plab davlatlarning e’tiborini tortgan. Shu jumladan xalqaro maydonda nufuzi ortib borayotgan Turkiya ham mintaqaning eng qaynoq nuqtasi bo’lmish Afg’onistondagi vaziyatlarga katta qiziqish bilan qarab keladi. Turkiya va Afg‘oniston o‘rtasidagi munosabatlar tarixiy, diniy va madaniy mushtaraklik asosida qurilgan. Afg'oniston Turkiya Respublikasi uchun har doim katta ahamiyatga ega bo'lgan.*

Kalit so'zlar*: yumshoq kuch, konsullik, TIKA, Lapias Lazuri, NATO, Tolibon, Muvaqqat hukumat.*

Afg‘oniston va Usmonli imperiyasi, keyinchalik Turkiya o'rtasidagi munosabatlar tarixiy asoslarga ega bo‘lib, XX asrdan boshlab yuqori bosqichga ko’tarila boshlangan va hozirgi zamonaviy va tahlikali davrda ham doimiy rivojlanish darajasida davom etmoqda.

Afg'oniston jamiyatining ikki elementi – sunniy diniy ko'pchilik va turkiyzabon ozchilik (o'zbeklar va turkmanlar) Turkiya uchun muhim ahamiyatga ega. Turkiya Afg’onistondagi turkiyzabon ozchilikka doimo e’tibor berib, ularni qo’llab-quvvatlagan, ayniqsa Afg’oniston sobiq vitse-prezidenti Abdul Rashid Do’stum haqida gap ketganda bu masalani yanada aniqroq tushunish mumkin.

Afg'on-turk maktablarini tashkil etish, turk stipendiyalari sonini oshirish va ularni oluvchi yoshlar nufusini kengaytirish, kadrlar tayyorlash, madaniy maslahatlar berish, Yunus Emre[69] jamg'armasining mavjudligi imkoniyatlarini kengaytirish, turk ko'rsatuvlari va filmlarini ko'rsatish va turk tilini o'rgatish Afg’oniston hududida ayniqsa Afg'onistonning turkiyzabon xalqlari yashovchi shimoliy va shimoli-g’arbiy hududlarida Turkiyaning yumshoq kuchini amalga oshirishda muhim rol o'ynaydi.

So‘nggi yillarda ikki davlat o‘rtasida imzolangan strategik kelishuvlardan tashqari yana bir jihatda ular o‘rtasidagi diplomatik va strategik hamkorlik darajasi ko’lami oshdi. Siyosiy darajada Anqara Hirotda bosh konsullik va Qandahorda ham konsullik ochish orqali Afg‘onistonning

[69] **Yunus Emre** – (Darvish Yunus nomi bilan ham tanilgan) 1238–1328 yillarda yashagan. Islom tasavvufi va turk madaniyatiga katta ta’sir ko‘rsatgan buyuk turk shoiri

turli etnik guruhlari bilan aloqa o‘rnatadi, shu bilan birga Tolibon, Jamiyat-e Islomiy-e Afg‘oniston partiyasi va Hizbiy Islomiy partiyalari bilan aloqa o‘rnatadi.[70]

O‘tgan o‘n yil ichida Turkiya Afg‘oniston bo‘yicha bir qancha muhim anjumanlarga mezbonlik qildi. Anqara Pokiston, Afg‘oniston va Turkiya o‘rtasida uch tomonlama uchrashuvlar o‘tkazish, Afg‘oniston va Pokiston o‘rtasida vositachilik qilishdan tashqari, Afg‘oniston hukumatining Tolibon bilan tinchlik muzokaralarida mezbon va vositachi sifatida ko’plab ijobiy harakatlar qildi. Anqara Istanbul tinchlik konferentsiyasiga mezbonlik qilish uchun harakat qildi va 7 marta Osiyo-Istanbul munosabatlari bo’yicha uchrashuvlar tashkil etdi va Turkiya-Afg'oniston-Pokiston uch tomonlama muzokaralarning markazida muvofiqlashtiruvchi kuch sifatida o’zini namoyon qila oldi.

Anqara boshqa muhim o‘yinchilarga nisbatan Afg‘onistonning iqtisodiy tarmoqlariga katta sarmoya kiritmadi, biroq xalqaro konferensiya majburiyatlarini bajarishga, sarmoyalarni ko‘paytirishga, Lapis Lazuli yo‘lagiga investitsiya va o‘z ta’sirini kengaytirish imkoniyati sifatida iqtisodiyotni qayta tiklashga intildi.

Tolibon hukumati qulagach, Turkiya NATOning eng ko‘zga ko‘ringan musulmon a’zosi sifatida 2001-yilda o‘z milliy manfaatlarini ko‘rib chiqdi va o‘z qo‘shinlarini Afg‘onistonga yubordi. Anqara ham turli siyosiy omillarni hisobga olgan holda mamlakatdagi ta’sirini kengaytirishga harakat qildi. Afg’on diyorida turklarning faoliyati asosan iqtisodiy, xavfsizlik va madaniy masalalar atrofida kechdi desak mubolag‘a bo’lmaydi.

Turkiya tashqi siyosati konsepsiyasiga ko‘ra, Afg‘onistonning kelajagi mintaqa mamlakatlari bilan chambarchas bog‘liq, bu masala Anqara va Kobul o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlarda ham o‘z ifodasini topgan. 2002-yildan boshlab Afg‘oniston-Turkiya munosabatlari hamkorlikning yangi bosqichiga ko‘tarildi. 2002 yil aprel oyida Anqaraga Hamid Karzay boshchiligidagi Muvaqqat ma’muriyat delegatsiyasi rasman tashrif buyurdi, 2005 yil noyabr oyida Turkiya Bosh vaziri R.T.Erdog’an javob tashrifi bilan Afg’onistonga keldi. Uchrashuvlarda Afg‘onistondagi vaziyatni normallashtirish masalalari muhokama qilindi. Sog‘liqni saqlash, madaniyat, fan va ta’lim sohalarida kelishuvlar imzolandi. Turkiya o'z qo'shnisining harbiy va siyosiy rivojlanishidagi rolini tiklay boshladi. Turkiyaning Afg‘onistondagi tinchlikparvarlik missiyasini afg’onlar tomonidan qo‘llab-quvvatlovchi asosiy omillardan biri konfessiyaviy birlik va umumiy chegaralarning yo‘qligidir.

AIR prezidenti bo'lgan H.Karzay 2006 yilning yanvarida Anqaraga tashrif buyurdi. Bu Afg'oniston davlat rahbarining so'nggi 50 yildagi birinchi

[70] https://www.newsweek.com/turkeys-role-afghanistan-opinion-1602088

rasmiy tashrifi edi. Kun tartibida Turkiyaning Afg'onistonga harbiy va iqtisodiy yordam ko'rsatish masalalari muhokama qilindi. Liderlar Turk hamkorlik va muvofiqlashtirish agentligi (TIKA) orqali Afg'onistonni rivojlantirish va yordam berishni ko'zda tutuvchi ikki tomonlama hamkorlik shartnomasini imzoladilar.

Turkiya tashqi ishlar vaziri A. Dovuto'g'li 2009-yil 19-dekabr kuni prezident Hamid Karzayning ikkinchi muddat prezidetlik inauguratsiya marosimida ishtirok etish uchun Kobulga keldi. Ushbu tashrif jarayonida TR Afg'onistonni tinch yo'l bilan tiklash jarayonida ishtirok etish, yordam va rivojlanish dasturiga munosib hissa qo'shish qat'iyatini ta'kidladi[71].

2011-yil yanvar oyida Afg'oniston Tashqi ishlar vaziri Z.Rasul Anqaraga tashrif buyurdi va u yerda hamkasbi A.Dovuto'g'li bilan muzokaralar o'tkazdi va Turkiya elchilarining 3-konferensiyasida ishtirok etdi. Bunday tadbirlar har yili o'tkazib kelinmoqda va tashqi siyosatning asosiy masalalarini muhokama qilish uchun maydon hisoblanadi. Z.Rasulning Turkiya Respublikasi Prezidenti bilan uchrashuvida Turkiya Afg'onistonga mamlakat uchun og'ir davrda har tomonlama yordam ko'rsatayotgani, bu yordam ko'lami mintaqadagi boshqa davlatlarga nisbatan ham ana shunday sa'y-harakatlardan ko'p ekani ta'kidlandi. Afg'oniston - Turkiya hamkorligi muhimligini ta'kidlaydi[72]. Turkiyada har yili ikki davlat o'rtasida diplomatik munosabatlar o'rnatilgani munosabati bilan butun mamlakat bo'ylab afg'on-turk do'stlik kunlari o'tkaziladi.

2014-yil Turkiya Respublikasi va Afg'oniston Islom Respublikasi (AIR) uchun muhim yil bo'ldi. Prezidentlik saylovlari natijasida hokimiyat tepasiga R.T.Erdog'an va A.G'ani keldi. O'shandan beri eng afg'on-turk munosabatlari yangi pog'onaga ko'tarildi va hamkorlik aloqalari va uchrashuvlari tez-tez bo'lib turdi. 2014-yilning 18-oktabr kuni Turkiya Prezidenti R.T.Erdog'an AIRga rasmiy tashrif bilan keldi. Bu uchrashuv Turkiya davlati rahbarining so'nggi 46 yil ichida Afg'onistonga birinchi tashrifi bo'lgani uchun tarixiy ahamiyatga ega edi. Yetakchi tandem – Prezident A.G'ani va Bosh ijrochi direktori (BID) A.Abdulla va TR prezidenti bilan muzokaralardan tashqari, Turkiya rahbari Afg'oniston o'zbeklari yetakchisi, AIR birinchi vitse-prezidenti A.R.Do'stum bilan ham uchrashdi. Tashrif yakunlari bo'yicha Strategik sheriklik va do'stlik to'g'risidagi bitim imzolandi (2014-yil 18-oktabr), uning maqsadi munosabatlarni yanada yaxshilash va ikki davlat o'rtasidagi hamkorlikni mustahkamlash ekanligi ta'kidlandi. Hujjat dari, pushtu, turk va ingliz

[71] Press Release Regarding the Visit of Minister of Foreign Affairs H.E. Mr. Ahmet Davutoğlu to Afghanistan, 18.11.2009: http://kabul.emb.mfa.gov.tr/ShowAnnouncement.aspx?ID=116949 (дата обращения 22.01.2017)

[72] Свистунова И.А. О политике Турции в отношении Афганистана/ И.А.Свистунова: ttp://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1295733060 (дата обращения 10.09.2016).

tillarida tayyorlangan 17 moddadan iborat. Bitim yangi chaqiriq va tahdidlarga qarshi kurashish sohasida, ayniqsa, migratsiya va chegaralarni boshqarish, terrorizm va ekstremizmga, uyushgan jinoyatchilik va narkotik moddalarning noqonuniy aylanishiga qarshi kurashish sohasidagi hamkorlik orqali aloqalarni mustahkamlashni nazarda tutadi.[73] Tomonlar iqtisodiy va savdo hamkorlikni kengaytirish maqsadida ikki tomonlama shartnomaviy-huquqiy bazani kengaytirish bo‘yicha konsensusga erishdilar. Mintaqaviy iqtisodiy hamkorlik va integratsiyani faollashtirish maqsadida Kobul va Anqara qo‘shma iqtisodiy komissiyalar, mintaqaviy ko‘p tomonlama forumlar, savdo-sanoat palatalari faoliyati kabi mexanizmlardan foydalanish niyatida iqtisodiy o‘zaro hamkorlikning yangi yo‘nalishlarini o‘rganish, ish o‘rinlari yaratish va aholi bandligini oshirishga yordam beradigan xususiy sektorga sarmoya kiritishni rag‘batlantirish, bank tizimini tartibga solish. Bitim mudofaa va sanoat, transport, qishloq xo‘jaligi, sog‘liqni saqlash, ta’lim, atrof-muhitni muhofaza qilish, sport va fan kabi sohalardagi hamkorlik masalalarini o‘zida aks ettiradigan muhim masalalarni ko’rib chiqishdi. Transport sohasida ikki davlat o‘zaro va mintaqaviy savdoni osonlashtirish, mavjud mintaqaviy transport infratuzilmasi salohiyatidan to‘liq foydalanish, yuklarni tashish bo‘yicha Xalqaro yuklarni tashish bo‘yicha bojxona konvensiyasi (TIR[74]) amalga oshirishga intilish zarur deb hisoblandi. Ikki tomonlama va ko‘p tomonlama hamkorlik, temir yo‘llar va boshqa quruqlik yo‘laklari tarmog‘ini rivojlantirish, Xalqaro fuqaro aviatsiyasi tashkiloti (ICAO[75])ga muvofiq o‘quv dasturlari orqali fuqaro aviatsiyasi sohasida hamkorlikni davom ettirish, parvoz yo‘nalishlarni kengaytirish va har ikki tomon tijorat parvozlari chastotasini oshirishga kelishildi. Kobul va Anqara Afg‘oniston qishloqlarida o‘zini-o‘zi oziq-ovqat bilan ta’minlash va turmush darajasini yaxshilash, qishloq xo‘jaligi infratuzilmasini rivojlantirish, irrigatsiya va melioratsiyaning zamonaviy usullarini qo‘llash, Afg‘onistondan qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini eksport qilishni osonlashtirish bo‘yicha chora-tadbirlar ishlab chiqish bo‘yicha aloqa o‘rnatishga kelishib olindi. Bitim Afg‘oniston Islom Respublikasining tog‘-kon sanoati va energetika sanoatiga turk sarmoyalarini ko‘paytirish, shuningdek, kichik va o‘rta biznesni rivojlantirish, mahsulot sifatini oshirish va yangi standartlar va zamonaviy texnologiyalardan foydalanish hamda

[73] Türkiye Cumhuriyeti ile Afganistan Islam Cumhuriyeti arasinda stratejik ortaklik ve dostluk Anlaşmasi [Электронный ресурс]. - Режим доступа: http://www2.tbmm.gov.tr/d24/1/1-1028.pdf (дата обращения 15.01.2017).

[74] The Convention on International Transport of Goods Under Cover of TIR Carnets (TIR Convention)-Xalqaro yuklarni tashish bo‘yicha bojxona konvensiyasi. 1975 yil 14 noyabrda Jenevada o’tgan xalqaro konferensiyada tashkil etilgan.

[75] International Civil Aviation Organization-Xalqaro fuqaro aviatsiyasi tashkiloti. 1947 yil 14 aprelda tashkil etilgan. Shtab kvartirasi Kanadaning Montreal shahrida joylashgan.

xalqaro bozorda raqobatbardoshlikni oshirish masalalari muhokam qilindi. Hujjat ikki davlatning mintaqada xavfsizlik va barqarorlikka erishish uchun Istanbul va Anqara jarayonlari doirasida mintaqaviy hamkorlikni davom ettirish niyatlarini tasdiqladi[76]. R.T.Erdog‘an o‘z mamlakati Afg‘onistonda qazib olish sanoati va transportni rivojlantirish bo‘yicha uzoq muddatli loyihalarga, shuningdek, davlat xizmatchilari va Afg‘oniston xavfsizlik kuchlarini tayyorlash sohasiga e’tibor qaratishini va’da qildi[77].

2015-yilning 24-dekabr kuni Afg‘oniston Prezidenti A.G‘ani Turkiyaga ikki kunlik tashrifi doirasida hamkasbi R.T.Erdog‘an bilan uchrashdi. Natijada Xavfsizlik sohasida hamkorlik to‘g‘risidagi bitim, siyosiy maslahat mexanizmini yaratish bo‘yicha o‘zaro anglashuv memorandumi, shuningdek, Turkiya Kobuldagi ayollar universitetida – Mavlono Jaloliddin Rumiy kampusini qurish bo‘yicha hujjat imzolandi[78]. Turkiya Respublikasi Prezidenti qo‘shma matbuot anjumanida Afg‘oniston tashqi siyosatining yo‘nalishiga sodiqligini tasdiqladi: “Afg‘oniston muammolari Turkiyaning muammolari, muvaffaqiyatlari esa bizning muvaffaqiyatlarimizdir”[79]: deb ta’kidladi Erdog’an.

2015-yildan boshlab Turkiya tashqi siyosatining kontseptsiyasi o‘zgara boshladi. O‘z ta’sirini butun mintaqaga yoyishga intilayotgan Anqara kurdlar muammosini hal qilishda katta qiyinchiliklarga duch keldi, buning natijasida G‘arb bilan yaqinlashish siyosatidan biroz chetga chiqdi (Turkiyaning asosiy ittifoqchisi AQSH kurdlarni qo‘llab-quvvatladi). Turkiya Suriya mojarosida borgan sari jarlikka kira boshladi, Eron esa mintaqadagi o'z pozitsiyasini mustahkamlay boshladi. Biroq Turkiya tashqi siyosatidagi o‘zgarishlar afg‘on-turk munosabatlariga ta’sir qilmadi. Ular strategik sheriklik va hamkorlik asosida rivojlanishda davom etmoqda.

2016-yilning 16-iyun kuni Turkiya tashqi ishlar vaziri M.Chovushog‘li Kobulga rasmiy tashrif bilan keldi va bu safar o‘z mamlakatining Afg‘onistonga xavfsizlikni ta’minlashda yordam berishga sodiqligini yana bir bor tasdiqladi. Turkiya tashqi ishlar vaziri afg‘onistonlik hamkasbi bilan uchrashuvda Anqara ikki tomonlama munosabatlarni rivojlantirishni

---

[76] Türkiye Cumhuriyeti ile Afganistan İslam Cumhuriyeti arasında stratejık ortaklık ve dostluk anlaşması [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www2.tbmm.gov.tr/d24/1/1-1028.pdf (дата обращения 15.01.2017).

[77] Turkish investment to spur Afghan economy. http://www.pajhwok.com/en/2015/03/10/turkish-investment-spur-afghan-economy (дата обращения 15.01.2017)

[78] We endeavor to further strengthen our unshakeable ties with Afghanistan Erdoğan http://www.tccb.gov.tr/en/news/542/37411/afganistan-ile-sarsilmaz-baglarimizi-daha-da-guclendirme-cabasiicindeyiz.html (дата обращения 25.02.2017)

[79] Cumhurbaşkani Erdoğan: "Afganistan’in derdi Türkiye’nin derdi, başarisi da Türkiye’nin başarisidir" [Электронный ресурс]. - Режим доступа: http://www.milliyet.com.tr/cumhurbaskani-erdogan-afganistan-in-ankara-yerelhaber-1130210/ (дата обращения 25.02.2017)

xohlashini va Afg‘onistondagi rivojlanish loyihalarini qo‘llab-quvvatlashda davom etishini ta’kidladi hamda uning mamlakati 2017-yildan keyin NATOning “Qat'iy qo‘llab-quvvatlash” missiyasi faoliyatiga hissa qo‘shish niyatida ekanligini ta’kidladi. 2016-yil iyun oyida Turkiya milliy mudofaa vaziri F.Yishik Kobulga rasmiy tashrif bilan bo‘lib, Afg‘oniston Prezidenti A.G‘ani va A.Abdulla bilan muzokaralar o‘tkazdi, shuningdek, uning hamkasbi A.Habibi bilan uchrashdi. Turkiya mudofaa vazirligi rahbari o‘z mamlakati avvalgidek Afg‘onistonni tiklash uchun sa’y-harakatlarni amalga oshirishini ta’kidladi, mintaqaviy xavfsizlikni ta’minlash maqsadida Afg‘oniston Islom Respublikasi va Pokiston Islom Respublikasi o‘rtasidagi hamkorlikni rivojlantirish muhimligini ta’kidladi. A.Habibiy, o‘z navbatida, so‘nggi 15 yil davomida Turkiya Afg‘onistonga katta yordam ko‘rsatganini ta’kidladi. 2016-yil avgust oyida AIR Birinchi vitse-prezidenti A.R.Do‘stum Anqaraga rasmiy tashrif bilan keldi va Turkiya Bosh vaziri B.Yildirim bilan uchrashdi. Anqara Afg‘onistonda barqarorlikni ta’minlash muhimligini ta’kidlab, ikki davlat o‘rtasidagi do‘stona munosabatlar barcha sohalarda yanada rivojlanishini ta’kidladi.

Turkiya tashqi ishlar vaziri M.Chovushog‘lining 2016-yil iyun oyida Kobulga tashrifi va afg‘onistonlik hamkasbi S.Rabboniy bilan o‘tkazgan muzokaralari chog‘ida iqtisodiy va gumanitar sohalarda turli loyihalarni amalga oshirish uchun AIR hukumatiga 150 million AQSh dollari miqdorida transh[80] ajratish bo‘yicha kelishuvga erishilgan edi.

2017-yil yanvar oyida bo‘lib o‘tgan Turkiya elchilarining 9-konferensiyasida Turkiya tashqi ishlar vaziri M. Chavusho‘g‘li Afg‘oniston xavfsizligini ta’minlash uchun zarur bo‘lgan yordamni oshirishini aytdi[81].

Ikki mamlakat o’rtasidagi o‘zaro hamkorlik platformalaridan yan biri bu ikki davlat tashqi ishlar vazirliklari darajasidagi muntazam maslahatlashuv uchrashuvlaridir. 2017 yilning aprel oyida Anqara shahrida ikki davlat tashqi ishlar vazirliklari o‘rtasidagi siyosiy maslahatlashuvlarning ikkinchi raundi bo‘lib o‘tdi. Afg‘oniston delegatsiyasiga tashqi ishlar vazirining siyosiy masalalar bo‘yicha o‘rinbosari H.H.Karzay boshchilik qildi. Turkiya tomonidan Turkiya tashqi ishlar vaziri maslahatchisi U.Yalchin ishtirok etdi. Tomonlar mintaqadagi so‘nggi voqealar yuzasidan fikr almashdilar. H.H.Karzay ikki davlat o‘rtasidagi tarixiy do‘stona munosabatlarni qayd etib, Turkiya Respublikasi hukumatiga Afg‘onistonga ko‘rsatayotgan yordami uchun minnatdorlik bildirdi, shuningdek, umumiy tahdidlar, jumladan

[80] **“Transh”** so'zi kelib chiqishi fransuzcha. Transh shartnomaning ma'lum bir qismini yoki tuzilgan loyihani to’laligicha moliyalashtirishni nazarda tutadi. Transhlar qandaydir shartnoma yoki bitim bilan bog'langan turli xil qimmatli qog'ozlardan iborat bo'lishi mumkin, ammo shu bilan birga har xil xatarlar, muddatlar, to'lovlar muddati va boshqa individual shartlar mavjud bo’ladi.

[81] Dışişleri Bakanı Sayın Mevlüt Çavuşoğlu’nun IX. Büyükelçiler Konferansı Açılışında Yaptığı Konuşma, 9 Ocak 2017, Ankara

terrorizm, ekstremizm va buzg‘unchi zo’ravonlik harakatlarga qarshi kurashda hamkorlik zarurligini ta’kidladi. U.Yalchin Turkiya xalqi va hukumati Afg‘onistonda tinchlik va barqarorlik o‘rnatilishini istashini va bu yo‘nalishdagi har qanday sa’y-harakatlarni qo‘llab-quvvatlashini ta’kidlab, o‘z mamlakati AIRga yanada ko‘mak berishga sodiqligini tasdiqladi. Afg‘oniston TIV vakillarining so‘zlariga ko‘ra, bunday uchrashuvlar 2018 yilda o‘tkazilishi rejalashtirilgan edi, biroq Afg‘onistonda parlament saylovlari o‘tkazilishi munosabati bilan ular vaqtincha qoldirilgan.

2017-yil 30-noyabrda O. Ertug‘rul TRning Afg‘onistondagi elchisi etib tayinlandi. 2017-yilning 12-dekabr kuni Afg‘oniston davlati rahbari A.G‘aniga ishonch yorliqlarini topshirar ekan, Turkiya Afg‘oniston bilan turli sohalarda hamkorlikni rivojlantirishda davom etishini va mamlakatlar o‘rtasidagi ikki tomonlama munosabatlarni yaxshilash uchun barcha sa’y-harakatlarini amalga oshirishini ma’lum qildi. Afg‘oniston iqtisodiyotiga turk kompaniyalarining sarmoyalarini jalb qilish ustuvor yo‘nalishlardan biri bo‘ldi.

Shuningdek ikki davlat Islom hamkorlik tashkiloti (IHT) ishi doirasida uchrashuvlar o‘tkazmoqda. Afg’onistonning sobiq prezidenti A.G‘ani 2017-yil sentabr oyida Ostona shahrida ilk bor tashkil etilgan IHT fan va texnologiya sammiti doirasida turkiyalik hamkasbi Rajab Toyyib Erdo‘g‘an bilan uchrashdi. Rahbarlar ikki tomonlama hamkorlikni yanada rivojlantirish istagi borligini ta’kidladilar. Turkiya rahbari, o‘z navbatida, AQShning Afg‘oniston bo‘yicha yangi strategiyasini olqishladi.[82]

Bundan tashqari, D.Trampning Quddusni Isroil poytaxti sifatida tan olish haqidagi bayonoti muhokama qilingan IHTning navbatdan tashqari sammiti yakunida Turkiya prezidenti afg‘onistonlik hamkasbi A.G‘ani bilan yana uchrashdi.[83] Oliy martabali siyosatchilar o‘z mamlakatlari va butun mintaqa uchun muhim bo‘lgan qator masalalarni ko‘rib chiqdilar. Tomonlar Istanbul jarayoni faoliyati bilan bog‘liq muammolarni muhokama qildilar, mintaqaviy hamkorlikni rivojlantirishga xizmat qiluvchi voqealarni, xususan, Lapis-Lazuli[84] yo‘lagini yaratish bo‘yicha kelishuv imzolanganini

---

[82] Yangi elchi turk sarmoyasini jalb qilishga va'da berdi [Elektron resurs]. - Kirish rejimi: https://www.pajhwok.com/en/subscription-required?redirect_from=501536 (12/15/2017 dan foydalanilgan).

[83] Erdo‘g‘on Istanbulda IHTning Quddus bo‘yicha sammitidan so‘ng Eron va Afg‘oniston rahbarlari bilan uchrashdi [Elektron resurs]. - Kirish usuli : https://www.dailysabah.com/diplomacy/2017/12/13/erdogan-holds-meeting-with-iranian-afghan-leaders-in-istanbul-after-oic-summit-on-jerusalem (12/15/2017 dan foydalanilgan).

[84] *Storai Karimi; Azizullah Hamdard; Navid Ahmad Barakzai, eds. (December 13, 2018). "Ghani inaugurates Lapis Lazuli route, ring road in Herat". Pajhwok Afghan News. Retrieved 2020-10-09*

Lapis Lazuli 2018 yilda ochilgan xalqaro tranzit yo‘nalishi bo‘lib, Afg‘onistonni Turkmaniston, Ozarbayjon va Gruziya orqali Turkiya bilan bog‘laydi. "Lapis lazuli" nomi Afg'onistonning 2000 yil avval qadimgi Ipak yo'li bo'ylab Kavkaz, Rossiya, Bolqon, Yevropa va Shimoliy Afrikaga eksport qilingan lapis lazuli va boshqa yarim qimmatbaho toshlari tarixiy yo'ldan olingan. Tashabbus Afg‘oniston hukumatining infratuzilma va aloqalarni rivojlantirish, energetika va xususiy sektorni rivojlantirish milliy ustuvor dasturlarini mustahkamlashga xizmat

olqishladilar. Afg‘oniston rahbari tomonidan mazkur loyihaning amaliy chora-tadbirlarini amalga oshirish uchun qo‘shma iqtisodiy qo‘mita tuzish taklifi bildirildi. Turkiya prezidenti Afg‘onistonning Tolibon bilan tinchlik muzokaralari va Pokiston bilan muloqotga tayyorligini qo‘llab-quvvatlab, AIRda imkon qadar tezroq tinchlikka erishishdan manfaatdorligini bildirdi va afg‘on rahbarini Turkiya zaruriy yordam berishga tayyorligiga ishontirdi.

Harbiy va xavfsizlik sohasida Turkiya afg‘on harbiylari va politsiya xodimlarini o‘qitish, ularga stipendiyalar berish bo‘yicha ko‘maklashish dasturini yanada rivojlantirishga intildi. Anqaraning maqsadlari orasida siyosiy barqarorlikni saqlash, mavjud siyosiy tuzilmalar va institutlarni mustahkamlash, tinchlikni amalga oshirish, terrorizm va ekstremizmga barham berish kiradi. Turkiya Afg'onistonda muhimroq rol o'ynashga intildi, ayniqsa AQSh qo'shinlari sentyabr oyida chiqib ketishga tayyorlanar ekan bu jarayon jonlandi. Turkiya uchun tinchlikparvar kuchlar shaklida bo'lish, Kobul aeroportini himoya qilish va boshqarish ma'qul. Afg'onistonda Turkiyaning mamlakatdagi rolini oshirish bo'yicha ikkita umumiy nuqtai nazar mavjud.

Birinchidan, ekspertlar Turkiya va Afg’oniston o’rtasidagi diniy mushtaraklikni, Anqaraning iqtisodiy va ta’lim sharoitlarini yaxshilash qobiliyatining yuqoriligini, ichki ishlarda betarafligini, Turkiyaning NATOdagi rolini va Turkiyaning siyosiy tizimiga soya solayotganini ta’kidlaydilar va ijobiy baholaydilar.

Ikkinchidan, Anqaraning Afg‘onistondagi roliga qarshi bo‘lganlar fikricha, Turkiyaning panturkizm yetakchiligiga intilishi, jamiyatni dunyoviylashtirishga urinishi va mintaqaviy raqiblarning noroziligi Afg‘oniston manfaatlariga to‘g‘ri kelmasligi mumkinligini qayd etadilar. Anqaraning urinishlariga qaramay, Tolibon hamon Turkiyaning mamlakatdagi roliga ijobiy munosabatda emas. Shunga qaramay, Turkiya Afg'onistonda yanada ko'proq siyosiy va xavfsizlik masalalari bo’yicha bo’sliq mavjudligi uchun Yevropa, Amerika Qo'shma Shtatlari va NATOning qo'llab-quvvatlashiga erishish uchun sa'y-harakatlarini davom ettirmoqda. Hindiston, Xitoy va Rossiya kabi boshqa nufuzli ishtirokchilar Turkiyaning mintaqadagi keng qamrovli ishtirokini kengaytirishni o‘zlarining strategik manfaatlariga ziyon deb biladilar.

Turkiyaning Afg'onistondagi rolining kelajagi bir qator ichki o'zgaruvchan masalalarga, jumladan eng muhimi, Kobul hukumati tuzilishiga bog'liq. Ba'zilar Turkiyaning mamlakatdagi mavjudligi va rolining kuchayishi hamda Turkiyaning Afg'onistondagi iqtisodiy va vositachi rolining oshishini olqishlasa-da, Turkiyaning harbiy ishtirokiga nisbatan

---

qiladi.Lapis Lazuli koridori Osiyo taraqqiyot banki tomonidan moliyalashtiriladi. Hozirda tranzit loyihasining byudjeti 2 milliard dollarga baholanmoqda.

kengroq qarshilik mavjud. Turkiya Afg‘onistonda kelajakda kattaroq iqtisodiy, diplomatik va siyosiy rol o‘ynaydi, deb taxmin qilish mumkin, ammo bu rol Turkiya va qolaversa hozirgi afg’on jamiyati elitasining keying qadamlariga bo’qliq bo’lib qolaveradi.

Foydalanilgan manbalar.

1. Press Release Regarding the Visit of Minister of Foreign Affairs H.E. Mr. Ahmet Davutoğlu to Afghanistan, 18.11.2009 [Электронный ресурс]. - Режим доступа
2. Мейер М.С. Неоосманизм как фактор в геополитической ситуации на
   Ближнем Востоке/ М.С.Мейер// Глобалистика как область научных
   исследований и сфера преподавания. Спец. выпуск, 2014. – С. 193–203.
3. Иванова И.И. Турецко-афганские отношения на современном этапе/
   И.И. Иванова // Афганистан 2010 / Отв. ред. У.З. Шарипов. – М.: ИВ РАН, 2010. – С. 175–196.
4. https://www.newsweek.com/turkeys-role-afghanistan-opinion-1602088
5. http://kabul.emb.mfa.gov.tr/ShowAnnouncement.aspx?ID=116949 (дата обращения 22.01.2017)
6. Свистунова И.А. О политике Турции в отношении Афганистана/ И.А.Свистунова [Электронный ресурс]. -Режим доступа: http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1295733060 (дата обращения 10.09.2016).
7. Türkiye Cumhuriyeti ile Afganistan Islam Cumhuriyeti arasinda stratejik ortaklik ve dostluk Anlaşmasi [Электронный ресурс]. - Режим доступа: http://www2.tbmm.gov.tr/d24/1/1-1028.pdf
8. Türkiye Cumhuriyeti ile Afganistan İslam Cumhuriyeti arasında stratejık ortaklık ve dostluk anlaşması [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www2.tbmm.gov.tr/d24/1/1-1028.pdf
9. Turkish investment to spur Afghan economy. http://www.pajhwok.com/en/2015/03/10/turkish-investment-spur-afghan-economy.
10. Cumhurbaşkani Erdoğan: "Afganistan’in derdi Türkiye’nin derdi, başarisi da Türkiye’nin başarisidir".- Режим доступа: http://www.milliyet.com.tr/cumhurbaskani-erdogan-afganistan-in-ankara-yerelhaber-1130210
11. Dışişleri Bakanı Sayın Mevlüt Çavuşoğlu’nun IX. Büyükelçiler Konferansı Açılışında Yaptığı Konuşma, 9 Ocak 2017, Ankara.

XUDOYBERDIYEV I.
TDSHU doktoranti

2001-2014 YILLARDA POKISTON-AFG‘ONISTON MUNOSABATLARI

Annotatsiya. *2001-yil 11-sentabr voqealari xalqaro maydon va mintaqalardagi geosiyosiy vaziyatni o‘zgartirdi va bu Pokiston-Afg‘oniston munosabatlarida yangi davrni boshlab berdi. Ushbu maqola 11-sentabrda voqealardan so‘ng AQSh-Pokiston-Afg'oniston munosabatlarida boshlangan yangi davrni siyosiy jihatdan yoritishga bag’ishlangan.*

Kalit so’zlar: *Tolibon, Al-Qoida, ISAF CENTCOM, “Durand chizig‘i”, “Tehrik-e Tolibon Pokiston”, Usama bin Lodin, qochqinlar, terrorizmga qarshi kurash.*

2001-yil 11-sentabrda AQShda sodir bo‘lgan voqealardan so‘ng xalqaro vaziyat va mintaqadagi vaziyatning o‘zgarishi munosabati bilan Pokiston va Afg‘oniston munosabatlarida yangi davr boshlandi. Bu, albatta, Pokiston va Afg‘oniston o‘rtasidagi munosabatlarni o‘zgartira olmadi, ammo islom aqidaparastlari va hatto o‘zlarini xalqaro terrorizm bilan bog‘laganlar hukmronligi ostida bunga erishishning iloji yo‘qligi ayon bo‘ldi. Biroq, Afg‘onistonga nisbatan Pokiston siyosatini o‘zgartirish oson ish emas edi. Pokiston uchun o‘zgarishi kerak bo‘lgan siyosatining negizida Shimoliy ittifoq bilan ham, uning ortida turgan Hindiston va Eron bilan ham munosabatlarni yaxshilash nazarda tutilgan.

2001-yil oxirida BMT shafeligida Bonnda bo‘lib o‘tgan konferensiyasida Pokiston prezidenti P.Musharraf Afg‘onistonda muvaqqat hukumat tuzulishi qo‘llab-quvvatladi, shuningdek Shimoliy Alyans va ushbu ittifoqning barcha a’zolarini tan oldi[85]. Ushbu konferensiyaning natijasi Bonn kelishuvining imzolanishi edi. Bundan biroz avval ikki tomon o‘rtasida Eron va Turkiya vositachiligida boshlangan va AQSh tomonidan ma’qullangan aloqalar juda yaxshi ketayotgani haqida xabarlar bor edi. Shimoliy alyans yetakchilaridan biri B. Rabboniy shu munosabat bilan barcha qo‘shni davlatlar bilan ayniqsa Pokiston bilan aloqalarni rivojlantirishga tayyor ekanligini bildirdi. Bonn kelishuviga muvofiq Afg‘onistonning muvaqqat ma’muriyati (muvaqqat hukumat) tuzildi, unga Bosh vazir Hamid Karzay rahbarlik qildi. Shimoliy alyans rahbarlari unda asosiy lavozimlarni oldilar. Doktor Abdulla Abdulla tashqi ishlar vaziri, Yunus Qonuniy ichki ishlar

[85] Пакистано-афганские отношения: эволюция, проблемы, решения. 1947 – 2014 гг. Паничкин Ю.Н Москва. 2015 С.324

vaziri, Muhammad Qosim Fahim mudofaa vaziri lavozimini egalladi. 2002-yil iyun oyida mamlakat prezidentini, parlamentini saylash va bir yarim yil muddatga umumiy saylovlargacha o‘tish davri muvaqqat hukumatini shakllantirish uchun favqulodda Loya Jirg‘a chaqirish to‘g‘risida qaror qabul qilindi. Anjumanda Afg‘oniston poytaxtida xavfsizlikni ta’minlash uchun xalqaro xavfsizlik kuchlarini (ISAF) tuzishga qaror qilindi. Vaqtinchalik hukumat rahbari H.Karzay o‘z ishini 2001-yil 22-dekabrda boshlagan[86]. Bonn kelishuviga muvofiq, Shimoliy alyans qo‘shinlari Kobuldan olib chiqildi va 17 davlat armiyalarining 4000 harbiy bo‘linmasidan iborat ISAF qo'shinlari kiritildi: Buyuk Britaniya, Fransiya, Italiya, Germaniya, Belgiya, Gollandiya, Daniya, Avstriya, Finlyandiya, Gretsiya, Norvegiya, Portugaliya, Ispaniya, Shvetsiya, Ruminiya, Yangi Zelandiya va Turkiya. AQSh esa ISAFga a’zo bo‘lmadi. Loya Jirg‘ani tayyorlash va o‘tkazish bo‘yicha komissiya tuzildi. Yanvar oyida Afg‘onistonning an’anaviy davlat bayrog'i ko‘tarildi, 1964-yilgi konstitutsiya kuchga kirdi (undan monarxiya institutlariga oid moddalar olib tashlandi). 2002-yil fevral oyida “Matbuot to‘g‘risida”gi qonun qabul qilindi, unda erkin mustaqil matbuot nashr etish huquqi berildi[87].

Pokistonga kelsak, uning xalqaro maydondagi pozitsiyasi tubdan o‘zgardi. 2001-yilda Tolibonga qarshi urushda Qo‘shma Shtatlarni qo‘llab-quvvatlab, Pokiston Vashington uchun odatdagidek "ittifoqdosh davlatlar ichida eng ittifoqchi" vazifasini bajardi. Qarzlardan ozod qilinganidan keyin, Qo‘shma Shtatlar Islomobodga 2005-yildan boshlab 5 yil davomida 3 milliard dollardan ortiq miqdorda harbiy va iqtisodiy yordam va'da qildi. Qo'shma Shtatlar Pokistonni xalqaro terrorizmga qarshi kurashda ishtirok etishga undagan holda, "Al-Qoida" yetakchilari va amaldorlarini qo‘lga olish uchun u bilan birgalikda harakatlarni amalga oshira boshladi.

2002-yilda Pokiston BMT Xavfsizlik Kengashining doimiy bo‘lmagan a'zosi etib saylandi. 2002-yil fevral oyida Afg‘oniston Prezidenti H.Karzayning Pokistonga birinchi tashrifi bo‘lib o‘tdi, so‘ngra o‘sha yilning aprel oyida Pokiston rahbari P.Musharraf Afg‘onistonga tashrif buyurdi. Muzokaralar davomida giyohvand moddalarni ishlab chiqarish va sotishga qarshi birgalikda kurashish, asosiy transport yo‘nalishlari va havo qatnovini tiklash bo‘yicha kelishuvlarga erishildi. 2002-yil 21-yanvarda 61 davlat va 21 xalqaro tashkilot vakillari Tokiodagi konferensiyaga Afg‘onistonga urush natijasida vayron bo‘lgan iqtisodiyotni tiklashda yordam berish masalalarini muhokama qilish uchun yig‘ildi. Bu anjumanda Pokiston faol ishtirok etdi. Xalqaro hamjamiyat Afg‘onistonni qayta tiklash uchun 5 yil muddatga 4,5 milliard dollar ajratishga rozi bo‘ldi. Pokistonning ushbu konferensiyadagi ishtiroki uning uchun juda muhim voqea bo‘ldi. Tinchlik jarayonining

[86] История Афганистана. XX век. В.Г. Коргун Институт востоковедения РАН, 2004 С.463
[87] История Афганистана. XX век. В.Г. Коргун Институт востоковедения РАН, 2004 С.464

dastlabki bosqichi 2002-yil 22-dekabrda Afg‘oniston poytaxtida yakunlandi. Afg‘oniston va uning qo‘shnilari – Pokiston, Eron, Xitoy, Tojikiston, Turkmaniston va O‘zbekiston o‘rtasida yaxshi qo‘shnichilik munosabatlari to‘g‘risidagi Kobul deklaratsiyasi qabul qilindi. Ikki tomonlama savdo-iqtisodiy munosabatlarda ham muayyan muvaffaqiyatlarga erishildi. Har ikki tomon o'zaro tranzit savdosini qayta tiklashga kelishib oldilar. Kobul iltimosiga ko‘ra, Islomobod Afg‘onistonga yo‘l oladigan yuklar uchun Arab dengizi sohilidagi Qosim portini (Karachi portiga yaqin) ochishga, shuningdek, Afg‘oniston tovarlari uchun transport bojlarini kamaytirishga rozi bo‘ldi. Chaman – Hirot, Chaman – Qandahor, Torg‘ham – Kobul asosiy transport yo‘nalishlarini tiklash bo‘yicha hamkorlik qilish to‘g‘risida kelishuvga erishildi. Pokiston Afg‘oniston infratuzilmasi va energetika tizimini qayta qurishda ishtirok etishga kelishildi[88].

Biroq Pokistonning Tolibon bilan uzoq yillik hamkorligi hamon ikki davlat o‘rtasidagi munosabatlarga soya solib qo‘ydi. Ular, shuningdek, Durand chizig‘i masalasi hal qilinmaydi qoldi. 2002-yil fevral oyida Afg'oniston Prezidenti Hamid Karzay Pokistonga tashrifi chog‘ida o‘tmishdagi noroziliklarni unutishga va Pokiston va Afg‘oniston o‘rtasidagi hamkorlikning yangi davrini boshlashga chaqirdi[89]. Afsuski, Afg‘onistonda yana Pokiston bilan chegara sifatida “Durand chizig‘i” mavjud emasligi, sharqiy Pushtunlar va Balujistonning Arab dengizigacha bo‘lgan hududlari Afg‘onistonga tegishli bo‘lishi kerakligi haqidagi xabarlar ommaviy axborot vositalarida keng yoritila boshladi. Tabiiyki, bu xabarlar Pokiston rahbariyatini xavotirga soldi. Kobul, o‘z navbatida, Islomobodni Usama Benladen va Mulla Umarning Pokistonda “erkin qabilalar” hududida yashiringanligida aybladi. Pokiston, o‘z navbatida, Afg‘oniston rahbariyati “Tolibon” va “Al-Qoida” jangarilari harakati to‘g‘risida razvedka ma’lumotlarini almashish bo‘yicha kelishuvni buzayotganini ta’kidladi. Tolibon rejimi ag`darilgandan keyin, Tolibon va Al-Qoida guruhlari partizanlik harakatlarini boshladi. Ushbu harakatlarni “erkin qabilalar” hududidagi yashovchi aholi qo`llab-quvvatladi. Bu esa o`z navbatida harakat a`zolarini chegarani osongina kesib o'tib, Pokiston hududiga borib, mahalliy pushtun aholisi orasida tarqalib ketishlari uchun imkoniyat yaratdi. Bundan tashqari, guruh a`zolarining asosiy qismi "erkin qabilalar" hududiga to‘g‘ri keladi. Pokiston qo‘shinlarining o‘z hududida yashiringan jangarilarga qarshi operatsiyalariga kelsak, dastlab ular faol bo‘lmagan. 2002-yilning kuzida Tolibon va al-Qoida yangi ittifoqchini qabul qildi. Eronda yashiringan G.Hikmatyor Afg‘onistonga qaytib, afg‘onlarni AQShga qarshi “jihod”

[88] Белокреницкий В.Я., Москаленко В.Н., Шаумян Т.Л. Указ. соч. с 304

[89] Пакистано-афганские отношения: эволюция, проблемы, решения. 1947 – 2014 гг. Паничкин Ю.Н Москва. 2015 С.327

boshlashga chaqirdi va Tolibon yetakchilari bilan “Islom shahidlari armiyasi” nomi bilan atalgan guruhga birlashishga kelishib oldi[90]. Pokiston hukumati ham Hindistonning Afg‘onistondagi faolligidan xavotirda edi. Hindiston har doim Shimoliy Alyans bilan yaxshi munosabatlarga ega edi[91]. Pokiston hukumati Hindistonning Afg‘onistonda Pokistonga qarshi faoliyat olib borishi va ikki davlat o‘rtasidagi munosabatlarning rivojlanishidan qo‘rqqan. Islomobod Hindistonni Afg‘onistondagi diplomatik missiyalarning kengayganligi va ko‘payganligi tufayli Pokistonga qarshi faoliyatda aybladi. Pokistonning bu harakatiga javoban, H.Karzay o‘z chiqishlaridan birida Afg‘oniston va Hindiston o‘rtasidagi aloqalar qanchalik yaxshi bo‘lmasin, ular hech qachon Pokistonga qarshi qaratilmasligini ta’kidladi. Hindistonning Afg‘onistondagi pozitsiyasini mustahkamlash borasida Prezident Hamid Karzay Afg‘onistonning aniq pozitsiyasini bildirdi: “Biz Hindistonga ham, Pokistonga ham Afg‘onistondan o‘zaro qarama-qarshilik qilish uchun foydalanishiga yo‘l qo‘ymaymiz”[92]. Hindiston Kashmirdagi Tolibon tomonidan yaratilgan islomiy terorizmni yo‘q qilish va Tolibonni mag‘lub qilishni maqsad qildi[93]. Lekin harakatlar kutilgan natijani bermadi. 2001-yil kuzidan boshlab u yerda ekstremistlar jiddiy faollasha boshladi. Bunga to‘g‘ridan-to‘g‘ri kelib chiqishi pokistonlik bo‘lgan toliblar yordam berdi. Natijada Pokiston va Hindiston o‘rtasidagi munosabatlar keskin murakkablashdi. Bu vaziyatda Rossiya, AQSh, Xitoy rahbarlari ta`siri ostida Islomobod va Dehli o‘rtasidagi muammoni harbiy yo‘l bilan hal qilmaslikka chaqirildi. Shundan so‘ng Pokiston Kashmirdagi terrorchilik harakatlarining oldini olish uchun muayyan choralarni ko‘rdi

Ushbu mojaroning hal etilishi munosabati bilan Pokiston Tolibon va Al-Qoidaga qarshi harakatlarini kuchaytirdi, ayniqsa uning bu boradagi sust faoliyati nafaqat Afg'oniston, balki AQSh va uning g‘arbiy ittifoqchilari tomonidan ham tanqid qilina boshladi. Ular Pokiston hukumatini “Tolibon”, “Al-Qoida” va G.Hikmatyorning “Hizb-e islomi” partiyasi islomiy jangarilarining Afg‘oniston bilan chegarasiga kirib kelishiga sust to‘sqinlik qilayotgani va ularni yo‘q qilish choralarini ko‘rmayotgani uchun to‘g‘ridan-to‘g‘ri qoraladi. Pokistonga ularga qarshi kurashda faqat chegaraning har ikki tomonining faol harakatlari bilan muvaffaqiyatga erishish mumkinligi ta`kidlandi. Pokistondan bunday harakatlarni kuchaytirish talab qilingan va agar u aksilterror koalitsiya o'z doirasida vazifalarini amalga oshira olmasa, AQSh va uning ittifoqchilari buni qilishlari kerak, buning uchun ular o'z

[90] Исламский фактор в истории и современности Москва “Восточная литература” 2011. С. 179

[91] Белокреницкий В.Я., Москаленко В.Н., Шаумян Т.Л. Указ. соч. С. 317-318.

[92] Пакистано-афганские отношения: эволюция, проблемы, решения. 1947 – 2014 гг. Паничкин Ю.Н Москва. 2015 С.329

[93] Пакистано-афганские отношения: эволюция, проблемы, решения. 1947 – 2014 гг. Паничкин Ю.Н Москва. 2015 С.330

qo'shinlarini Pokistonning chegaradosh hududlariga yuborishlari kerak edi[94]. AQSh, NATO, ISAF Afg‘onistonning Pokiston bilan chegaradosh janubiy viloyatlarida Tolibonga qarshi bir qancha muvaffaqiyatli harbiy amaliyotlar o‘tkazdi[95]. Shu munosabat bilan Pokiston hukumati bir necha ming kishilik harbiy kontingentni "erkin qabilalar hududi" ga yuborishga[96], shuningdek, unga yordam berishga va hatto ko‘ngilli otryadlar tashkil etishga rozi bo‘lgan qabilalar boshliqlari bilan muzokaralar olib borishga majbur bo‘ldi. Bunga javoban radikal guruhlar qarshilik ko‘rsatish maqsadida "o‘n oqsoqollar kengashi"nomli guruh yaratdilar.

2002-yil may oyida Pokiston qo'shinlari Janubiy Vaziristonda Al-Qoida va Tolibon guruhlariga qarshi qidiruv operatsiyasini o‘tkazdi. Shu bilan birga, Pokiston-Afg‘oniston chegarasi mustahkamlandi, xususan, bir nechta nazorat-o‘tkazish punktlari o‘rnatildi. AQSh qo'shinlarining Janubiy Vaziriston hududiga kirishi Pokistonda, ayniqsa uning shimoli-g‘arbiy qismida katta norozilikni keltirib chiqardi. Mamlakat bo‘ylab Pokistonning Afg‘onistondagi voqealarga aralashuvi kuchayib borayotganiga qarshi namoyishlar o‘tkazildi. 2003-yil iyun oyida Pokiston armiyasining bo‘linmalari AQSh va Afg‘oniston harbiylari bilan birgalikda Pokiston-Afg‘oniston chegarasida keng ko‘lamli operatsiya o‘tkazdilar. Pokiston-Afg‘oniston chegarasidagi vaziyat bilan bog‘liq keskinlik 2003-yil aprel oyida AQSh prezidentining Afg‘onistondagi maxsus vakili chegaradagi mojarolar bo‘yicha Pokiston hukumati bilan muzokaralarga olib keldi. Afg‘oniston hukumati Pokiston qo‘shinlarining Afg‘oniston hududiga bostirib kirgani va ularning afg‘on qo‘shinlari bilan to‘qnashuvi haqida e'lon qildi. 2003-yil iyul oyida afg‘on matbuotiga ko'ra, chegaraning alohida uchastkalarida Pokiston qo‘shinlari Afg‘oniston hududi chegaralaridan 45 km ichkarigacha bostirib kirgan. Chegarada Afg‘oniston va Pokiston qo‘shinlari o‘rtasida qurolli to‘qnashuvlar sodir bo‘lgan. Rasmiy Islomobod bu ma’lumotni inkor etgan bo‘lsa-da, Afg‘oniston jamoatchiligi Pokiston harbiylarining chegara hududlaridagi faolligiga salbiy munosabat bildirdi[97]. Ehtimol, 2003-yil 8-iyulda Kobuldagi Pokiston elchixonasiga hujum afg‘on rasmiylari tomonidan uyushtirilgan. Buning natijasida Islomobod hukumati rasmiy norozilik bildirdi va elchxonani yopdi. Prezident Hamid Karzay va Afg‘oniston tashqi ishlar vaziri doktor Abdulla Pokistondan kechirim so‘rashga majbur bo‘ldi va aybdorlarni jazolashga va tovon puli to‘lashga

[94] Замараева Н.А. Пакистано-афганские отношения в региональном измерении. Статья в сборнике Афганистан и Пакистан: современное состояние и перспективы развития. М. 2012. С. 57.
[95] Замараева Н.А. Пакистано-афганские отношения в региональном измерении. Статья в сборнике Афганистан и Пакистан: современное состояние и перспективы развития. М. 2012. С. 59
[96] Замараева Н.А. Пакистано-афганские отношения в региональном измерении. Статья в сборнике Афганистан и Пакистан: современное состояние и перспективы развития. М. 2012. С. 57.
[97] История Афганистана XX век. В.Г.Коргун 2004. С.474

va’da berdi. Birlashgan Millatlar Tashkiloti mojaroni hal qilishda vositachilik sa'y-harakatlarini taklif qildi, ammo bu ikki tomonlama darajada hal qilindi va 21 iyul kuni elchixona qayta ochildi va o‘z faoliyatini davom ettirdi[98].

2003-yil sentabr oyida AQSh harbiylari ishtirokida terrorizm, kontrabanda va chegarani noqonuniy kesib o‘tishga qarshi kurashni kuchaytirish maqsadida Pokiston va Afg‘oniston chegaraning har ikki tomoniga qo‘shimcha harbiy qismlarni joylashtirish to‘g‘risida qo‘shma qaror qabul qilindi. Oktyabr oyida yana aksilterror operatsiyasi o‘tkazildi. Aksilterror tadbirlari davomida asirga olingan va yo‘q qilingan jangarilar orasida mahalliy bo‘lmagan ko‘plab millat vakillari – o‘zbeklar, chechenlar, arablar va boshqalar borligi aniqlangan[99].

Ayni paytda Pokiston va Afg‘oniston o‘rtasidagi hamkorlik nafaqat terrorizmga qarshi kurash, balki ta’lim sohasida ham davom etdi. Masalan, 2003-yil 12-noyabrda afg‘on diplomatlari Pokiston Diplomatik akademiyasini tamomladilar. Bitiruv marosimida Pokiston prezidenti P.Musharraf ishtirok etdi. U o‘z nutqida Pokiston va Afg‘oniston o‘rtasidagi munosabatlarni mustahkamlash, jumladan, xalqaro terrorizmga qarshi kurashni kuchaytirishga chaqirdi.

Pokiston-Afg‘oniston chegarasidagi qurolli to‘qnashuvlardan so‘ng tuzilgan Pokiston, Afg‘oniston va AQSh vakillaridan iborat uch tomonlama komissiya ishining natijalari katta ahamiyatga ega bo‘ldi. 2003-yil 3-dekabrdagi uchrashuvda tomonlar xalqaro terrorizmga qarshi kurashda hamkorlikni mustahkamlash istagini tasdiqladilar. “Al-Qoida”, “Tolibon” va G.Hikmatyor guruhi jangarilariga qarshi olib borilgan amaliyotlar natijalari tahlil qilindi. Chegara hududlarida joylashgan Pokiston, Afg‘oniston va Amerika harbiy bo‘linmalari o‘rtasida o‘zaro hamkorlikni kuchaytirish va aloqani kuchaytirish hamda razvedka ma’lumotlarini muvofiqlashtirish va almashish bo‘yicha kichik qo‘mita tashkil etishga qaror qilindi. Shu bilan birga, uchrashuv chog‘ida Pokiston va Afg‘oniston rahbarlari har ikki davlat hududidan bir-biriga qarshi foydalanishga yo‘l qo‘yilmasligini bir necha bor ta’kidladilar. P.Musharraf bir necha bor “Al-Qoida” va “Tolibon” jangarilarining Pokiston hududiga chegara orqali kirib kelishiga qarshi kurash Pokiston uchun ustuvor vazifa ekanini ta’kidlagan. Ikkala tomon ham iqtisodiy hamkorlikni, ta’lim, sog‘liqni saqlash va boshqa sohalardagi hamkorlikni kengaytirishga kelishib oldilar. Shu bilan birga, 2003-yil may oyida AQSh Markaziy qo'mondonligi (CENTCOM) hisobotini e'lon qildi, unda 58 000 ga yaqin AQSh harbiy samolyotlari Pokiston aerodromlaridan yoki Pokiston havo hududi orqali Afg'onistonga uchib o'tgan, 8000 dengiz

[98] История Афганистана XX век. В.Г.Коргун 2004. С.474

[99] Пакистано-афганские отношения: эволюция, проблемы, решения. 1947 – 2014 гг. Паничкин Ю.Н Москва. 2015 С.332

piyodalari Afg'onistonga o‘ish maqsadida tranzit nuqta sifatida Pokiston portlaridan foydalangan[100].

Ekstremistlarni qo‘zg‘atmaslik uchun Pokiston bu ayblovlarni rad etdi. Biroq, Pokiston uchun eng muhim muammo uning harbiy sohadagi hamkorlikdagi aksilterror faoliyatdagi ishtiroki edi. Pokiston haqiqatan ham faol ishtirok etdi, Ammo terrorchilarga qarshi kurash jarayonida AQSh harbiylari yanglishib pokistonliklarga qarata o‘t ochgan va ulardan qurbonlar ham bo‘lgan. AQSh askarlarining Pokistonga kirishi holatlari ham kuzatilgan. Buning oldini olish uchun chegara hududlarida terrorchilar harakatiga qarshi kurashda hamkorlikni yanada rivojlantirish choralari ko‘rildi. Qo‘shma Shtatlar mutaxassislari chegara postlarining aniq joylashuvini aniqlash va AQSh qo'shinlari yoki samolyotlarining Pokiston chegarasini kesib o‘tishi bilan bog‘liq hodisalarning oldini olish maqsadida global joylashishni aniqlash uskunalari yordamida yerda razvedka o‘tkazdi. 2003 yil avgust oyida iqtisodiy masalalar bo'yicha Pokiston-Afg‘oniston qo‘shma komissiyasining yig‘ilishida o‘zaro iqtisodiy hamkorlik rejalari tuzildi. Ikki mamlakatning tegishli vazirliklari darajasida ham hamkorlik amalga oshirildi. Shu tariqa, tashqi ishlar vazirlari narkotiklar va qurol-yarog‘ kontrabandasiga, noqonuniy immigratsiyaga qarshi kurashda hamkorlik muammolarini ko‘rib chiqdilar. Pokiston Ta’lim vazirligi Afg‘onistonga maktablar qurilishida yordam berishga va’da berdi. 2003-yil sentabr oyida ushbu vazirlik afg‘on maktab o‘quvchilari uchun 700 ming dona darslik sovg‘a qildi. Transport tashkilotlari Chaman – Jalolobod, Chaman – Qandahor, Torxon – Kobul, Chaman – Hirot asosiy magistrallarini tiklashda hamkorlik qilishga kelishib oldilar. Shunday qilib, ikki davlat o‘rtasidagi iqtisodiy hamkorlik umuman muvaffaqiyatli rivojlandi. Afg‘onistonlik qochqinlarni o‘z vataniga qaytarish muammosi ham yanada muvaffaqiyatli hal etildi. Bunga Afg'onistondagi oldingi davrga nisbatan barqarorroq vaziyat yordam berdi. Jahon hamjamiyatining moliyaviy yordami va BMTning 2002-yilda e’lon qilingan “Qochqinlarni ixtiyoriy vataniga qaytarish” dasturining amalga oshirilishi 1,9 million afg‘onning o‘z vataniga qaytishiga yordam berdi. Biroq, 2004-yil boshida Pokistonda 1 milliondan 1,5 milliongacha odam qolgan. Pokiston Bosh vaziri Zafarullahxon Jamalining Afg‘onistonga tashrifi chog‘ida, 2004 yil yanvar oyida harbiy hamkorlik masalalari bilan bir qatorda qochqinlar muammosi va ularni vataniga qaytarish istiqbollari muhokama qilindi. Tolibon tarafida jang qilgan va Afg‘oniston qamoqxonalarida bo‘lgan barcha pokistonliklarni bosqichma-bosqich ozod qilish bo‘yicha kelishuvga erishildi. Pokiston, o‘z navbatida, turli jinoyatlar uchun o‘z qamoqxonalarida o‘tirgan afg'onlarni ozod qilishga va'da berdi. Afg‘on tomoniga vayron bo‘lgan iqtisodiyotga yordam sifatida 100 ta yangi

[100] https://www.britannica.com/topic/CENTCOM

avtobus va 200 ta yuk mashinasi berildi. Avvalroq (Tokiodagi anjumanda[101]) Pokiston tomonidan Afg‘onistonga ajratilgan 100 million dollarlik yordamni amalga oshirish dasturlari muhokama qilindi. 2004-yil yanvar oyida bo‘lib o‘tgan iqtisodiy masalalar bo‘yicha Pokiston-Afg‘oniston qo‘shma komissiyasining yig‘ilishida o‘zaro tovar ayirboshlash hajmini 1 milliard dollarga yetkazish to‘g‘risida qaror qabul qilindi. Umuman olganda, Pokiston va Afg‘oniston o‘rtasidagi o‘zaro hamkorlik to‘rtta asosiy yo‘nalishda amalga oshirildi:

1. Narkotik moddalarning noqonuniy aylanishiga qarshi kurash;
2. Iqtisodiy hamkorlik;
3. Qochqinlarning qaytishi;
4. Terrorizmga qarshi kurashda harbiy hamkorlik.

Shunday qilib, qochqinlarni qaytarish muammosini amalga oshirishda eng katta natijalarga erishildi. 2004-yilda "Al-Qoida" va "Tolibon" terrorchilariga qarshi keng ko'lamli amaliyotlar o‘tkazildi. Eng muhimi mart oyida AQSh harbiylari boshchiligidagi koalitsiya kuchlari tomonidan “Tog‘ bo‘roni” dasturi doirasida amalga oshirildi. Ushbu dastur davomida "Al-Qoida" razvedka boshlig‘i o‘ldirilgan. Biroq, natijalari unchalik katta bo'lmagan - 167 kishi hibsga olingan (ularning aksariyati, asosan, mahalliy pushtunlar bo‘lib, tez orada ozod qilingan) va 63 terrorchi o‘ldirilgan (turli manbalarga ko'ra, qabilalar hududida 500 nafargacha jangari bo‘lgan). Keyingi operatsiyalar ham unchalik muvaffaqiyatli bo‘lmadi. E`tiborli jihati shuki, Tolibon yoki Al-Qoida ushbu dastur doirasida kuchli talofat ko`rmagan. Natijada Pokiston razvedka boshqarmasi bosh direktori polkovnik Bashir Valiy ishdan bo‘shatildi. Pokiston Tashqi ishlar vazirligi qabilalar bo‘ylab maxsus amaliyotlar Tolibonning barcha sheriklari va “Al-Qoida” faoliyatiga aloqador shaxslar qo‘lga olinmaguncha davom etishini ma’lum qildi.

Avvalroq harbiy faoliyatni muvofiqlashtirish uchun quyi qo‘mitalarga ega bo‘lgan uch tomonlama AQSh-Pokiston-Afg‘on komissiyasi tuzilgan edi. Ushbu komissiyaning sessiyalari muntazam ravishda o'tkaziladi. Shunday qilib, 2004-yil 18-aprelda Ravalpindi shahrida komissiyaning ettinchi majlisi bo‘lib o‘tdi, unda Pokiston tomoni ittifoqchilarni Janubiy Vaziristonda mart oyida Al-Qoida va Tolibon jangarilariga qarshi o‘tkazilgan operatsiya natijalari haqida ma'lum qildi. Uchrashuv ishtirokchilari terrorizm va jangarilarning Pokiston va Afg‘oniston chegarasidan o‘tishiga qarshi kurashda hamkorlikni kuchaytirishga kelishib oldilar. Pokiston va Afg‘oniston o‘rtasidagi iqtisodiy hamkorliklarda bir qancha ijobiy o`zgarishlarga erishdi. 2005-yil may oyiga kelib Pokistonning Afg‘onistonga eksporti qariyb 1 milliard dollarga yetdi, bu o‘tgan yil ko'rsatkichlardan

[101] https://www.mofa.go.jp/region/middle_e/afghanistan/tokyo_conference_2012/summary.html

deyarli 84 foizga oshganligini ko‘rsatadi. Pokistonning Afg‘onistonga quruqlikdagi eksporti keyingi yilining iyuldan aprelgacha bo‘lgan davrda 966,67 million dollarga yetdi va butun yil uchun 1 milliard dollarlik ko‘rsatkich oshib ketishi mumkin. Ikki qo‘shni davlat o‘rtasidagi savdo dovonlari Torxam va Chaman aholi punktlari orqali yuk mashinalari orqali o‘tgan. Iyul-aprel oylari davomida 150 303 ta avtoreys orqali Pokistondan Afg‘onistonga 58,104 milliard rupiylik yuk tashildi. Taxminan 92 335 ta eksport reysi Afg‘onistonga Torxam orqali, 57 968 tasi Chaman orqali yo‘lda chegarani kesib o‘tgan[102]. Pokiston Afg‘onistonga sabzavot, yangi meva, quritilgan mevalar, don, mahalliy ishlab chiqarilgan dori-darmonlar, ziravorlar, yog‘och, metal va boshqa turli xil tovarlarni import qildi. Biroq, "Durand chizig‘i" bo'ylab chegara masalasi Pokiston-Afg'oniston munosabatlari istiqbolida hamon muammoligicha qoldi. 2005-yilda Pokiston tarixida birinchi marta Xalil ur-Rahmon shimoliy-g'‘arbiy chegara provinsiyasi general-gubernatori so‘zga chiqdi[103]. U bu boradagi munozaralar haqida va ikki davlat o‘rtasida yangi chegara shartnomasini tuzish zarurligini bildirdi. 2006-yil 19-aprel Afg‘oniston prezidenti Hamid Karzay tomonidan Milliy siyosat va chegaralar bo‘yicha yangi vazir lavozimiga taklif qilingan Karim Baraxui parlament yig‘ilishida Durand chizig‘ini o‘z mamlakati va Pokiston o‘rtasidagi chegara sifatida tan olmasligini aytdi. U shuningdek, Kobul radiosi xabar qilganidek, bu masalani parlament yoki Loya Jirga orqali hal etish tarafdori ekanini qayd etdi. 2006-yil bahorida Pokiston qo‘shinlarining Vaziristonda jangarilarga qarshi operatsiyasini amalga oshirganligi haqida Pokiston hukumati tomonidan Afg‘onistonni xabardor qilishi kerakligini ta’kidladi. Pokiston hukumati Shimoliy va Janubiy Vaziristondagi ikki afg‘on qochqin lagerini yopgani uchun afg‘on hukumati tomonidan tanqid qilindi. Islomobod va Kobul o‘rtasidagi munosabatlarning keskinlashuvida asosiy omil "erkin pushtun qabilalari" zonasidagi vaziyat edi, ular hududida turli terroristik tuzilmalar, shu jumladan Tolibon harakati o‘rnashib va faoliyat yuritishda davom etdi. Afg‘oniston qo‘shnisini ayblab, Pokiston hududiga ko‘chib o‘tgan va u yerdan dadil harakatlarni amalga oshirayotgan Tolibon bazalarini yo‘q qilish uchun hech narsa qilmayotganiligini bildirdi. Islomobod esa bu yerda Pokistonning aybi yo‘qligini, Tolibon Afg‘onistonning janubi va janubi-sharqidagi katta hududlarni uzoq vaqtdan beri nazorat qilib kelayotganini va Kobul o‘z muammolari uchun javobgarlikni o‘z zimmasiga olishi kerakligini ta’kidladi. Islomobod terrorizmga qarshi kurashda boshqalardan ko‘ra ko‘proq ish qilganini, haqiqatda Al-Qoida bilan kurashayotganini, bir necha o‘nlab taniqli

[102] https://globaledge.msu.edu/countries/afghanistan/economy#:~:text=Afghanistan%3A%20Economy

[103] https://timesofindia.indiatimes.com/world/south-asia/the-durand-line-a-128-year-old-thorn-in-af-pak-ties/articleshow/88955917.cms

terrorchilarni (ularning aksariyati AQShga o‘tkazilgan) hibsga olish uchun sharoit yaratayotganini va Afg‘oniston bilan chegaraga jangarilar bilan jang qilish uchun 80 ming askarni joylashtirganini takrorladi.

2007-yil 2-fevralda Pokiston prezidenti Parvez Musharraf Islomobodning Pokiston-Afg‘oniston chegarasidagi bir qator hududlarni o‘rab olishni (to‘siqlar o‘rnatish) e’lon qildi va Tolibon yetakchisi Mulla Umarning Pokistonda borligi haqidagi ma’lumotlarni rad etdi. Uning so‘zlariga ko‘ra, Pokiston butun 2400 kilometrlik chegarani “to‘siq” qilmoqchi emas, balki birinchi navbatda umumiy uzunligi qariyb 35 km bo‘lgan yetti-sakkizta o‘ta muammoli chegaraning shimoliy qismidagi uchastkalarda to‘siqlar quradi. Keyinchalik, Islomobod rejasiga ko'ra, Balujiston viloyati janubida yana 250 kilometrga yaqin to'siqlar qurish rejalashtirilgan edi. “Biz u yerda hududni minalashtirish masalasini ko‘rib chiqyapmiz”, — deya qo‘shimcha qildi Pokiston prezidenti va yakuniy qaror hali qabul qilinmaganini aytdi. P. Musharraf jangarilar harakatini butunlay to‘xtatish uchun Pokiston-Afg‘on chegarasini birgalikda nazorat qilishga chaqirdi. “Buning uchun hamma, jumladan Afg’oniston, NATO, ISAF va Pokiston ham javobgar bo’lishi kerak” - deydi u. 2007-yil 10-mayda Rossiyaning “Novosti” axborot agentligi Pokiston Afg‘oniston bilan chegaraning birinchi qismini to‘sib qo‘yishni yakunlagani haqida xabar berdi. “Shimoliy Vaziristonda taxminan 20 kilometr masofani devor bilan o‘rab oldik va ish davom etmoqda. Birinchi bosqichda jami 35 kilometr masofani o‘rab olish rejalashtirilgan”, — dedi jurnalistlarga Pokiston armiyasi matbuot kotibi general Vohid Arshad[104]. Uning so‘zlariga ko‘ra, Kobulning noroziligiga qaramay, Pokiston-Afg‘oniston chegarasining bir qator uchastkalarini devor bilan o‘rash ishlari davom etadi. Islomobod chegaraning muammoli uchastkalari bo‘ylab to‘siqlar va minalangan maydonlar tizimi transchegaraviy terrorizmni to‘xtatishga yordam beradi va terroristik guruhlar, birinchi navbatda, Tolibon jangarilari harakatining oldini oladi, deb hisoblaydi. O‘z navbatida, afg‘on rasmiylari to‘siqlar va minalangan maydonlar “qardosh xalqlarni bir-biridan ajratib qo‘yishi”ni, biroq terrorchilarni to‘xtata olmasligini ta’kidladi. Bundan tashqari, Afg'onistonda birinchi navbatda Pokiston-Afg'oniston chegarasini yakuniy demarkatsiya qilish kerak deb hisoblangan. O‘z navbatida, afg‘on rasmiylari to‘siqlar va minalangan maydonlar “qardosh xalqlarni bir-biridan ajratib qo‘yishi”ni, biroq terrorchilarni to‘xtata olmasligini ta’kidladi. Bundan tashqari, Afg‘onistonda birinchi navbatda Pokiston-Afg‘oniston chegarasini yakuniy demarkatsiya qilish kerak deb hisoblangan. Kobul to‘siqlar va mina maydonlarining paydo bo‘lishidan va Durand chizig‘ini to'liq chegaraga aylantirishidan qo‘rqardi. Islomobod esa bu chegara muammosi mavjudligini

[104] https://www.pakistanarmy.gov.pk/

rad etib, o‘z tomonida "kerak deb hisoblagan hamma narsani, jumladan, chegara to‘siqlarini" qurish huquqiga ega ekanligini ta'kidladi. 2006-yilda Islomobod Kobulga butun federal boshqaruvidagi qabila hududlari to'siqlar qurish bo‘yicha muzokaralar olib borishni taklif qildi. Taklif rad etildi va bu pokistonliklarga afg'on hukumati transchegaraviy terrorizm muammosiga yechim topilishini istamaydi, degan fikrga asos bo‘ldi. Shuningdek, Afg‘oniston pushtun qabilalari guruhi kelajakda mustaqil Pashtuniston,davlat tashkil etilishiga umid qilish imkonini yaratib berdi. Chunki ushbu davlat orqali Afg‘oniston uchun Arab dengiziga yo‘l ochilishi mumkin edi. 2007-yil 14-may kuni Afg‘oniston va Pokiston kuchlari o‘rtasidagi artilleriya otishmasida 12 nafar afg‘on halok bo‘ldi. “Kechadan buyon sakkiz nafar politsiyachi va to‘rt nafar tinch aholi halok bo‘ldi”, — dedi pokistonlik general S.Badr. Pokiston hukumatining 2009-yilda barcha afg‘on qochqinlarini vataniga qaytarish niyatiga javoban, BMT bu harakat vaziyatni yanada og‘irlashtirishi haqida ogohlantirdi. Qochqinlarning aksariyati Sovet istilosi davrida Pokistonga kelgan va ularning aksariyati shu lagerlarda tug'ilgan. 2008-yil 28-iyun kuni Afg‘oniston hukumati Pokistonni 2008-yil 27-aprelda Kobuldagi paradda prezident Hamid Karzayga suiqasd uyushtirishni rejalashtirganlikda aybladi. Pokiston hukumati ushbu ma`lumotni rad etgan. Amerikalik harbiy xizmatchilarning “Tolibon” va “Al-Qoida” jangarilariga qarshi operatsiyalari chog‘ida chegarani vaqti-vaqti bilan buzishi va Pokiston hududiga bostirib kirishi Pokiston-Afg‘on munosabatlarining yaxshilanishiga yordam bermadi. Shunday qilib, 2008-yil oktyabr oyi boshida bu kabi operatsiyalar davomida AQSh va Afg'oniston kuchlari tomonidan 60 ga yaqin jangari yo'q qilindi. 2008-yil avgustidan 2010-yil avgustigacha Qo‘shma Shtatlar Afg‘oniston bilan chegaradosh hududlarga 20 dan ortiq raketa zarbalari berdi, u yerda Al-Qoida va Tolibon saflarida harakat qilayotgan ko‘plab jangarilar boshpana topgan edi.

2008-yil avgust oyida Pokiston prezidenti Parvez Musharraf iste'foga chiqqanidan so'ng va bu lavozimga Pokiston Xalq partiyasi (PXP) rahbari Osif Ali Zardoriy[105] (PXP 2008 yil fevral oyida bo'lib o'tgan umumiy saylovlarda g'alaba qozongan) saylanganidan so'ng, o'zaro munosabatlar sezilarli darajada o'zgarishlar bo`lmadi. Afg‘oniston Prezidenti Hamid Karzay Prezident O.A. Zardoriyning inauguratsiyasida ishtirok etdi. Prezidentning ishtroki ikki davlat o‘rtasidagi munosabatlarni biroz yaxshiladi.

Durand liniyasidagi vaziyatga kelsak, 2009 yilga kelib u yomonlashdi. Bunda 2004-yildan beri shakillanib kelgan “Tehrik-e Tolibon Pokiston” harakati asosiy ro‘lni o‘ynagan. Ushbu harakatga Beytulloh Mehsud boshchilik qilgan. Pokiston Toliboni 2007 yil oxirida tuzilgan va o`zini

[105] *The Presidency of Pakistan. Archived from* the original *on 29 July 2012. Retrieved 9 August 2012*

terrorchi kuch deb e'lon qilgan. Guruhning asosiy maqsadi Pokistonga qarshi harakatlar olib borish edi. 2009-yil fevral oyida Pokiston hukumati Tolibonparast guruhlarga harbiy harakatlarni to‘xtatish evaziga bir qator shimoli-g‘arbiy hududlarda shariat qonunlarini joriy etishga va’da bergan edi. Fevral oyi oxirida Pokiston armiyasi va jangarilar o‘rtasidagi janglar to‘xtatildi. 2009-yilning aprelida prezident Osif Ali Zardoriy 3 millionga yaqin aholi istiqomat qiladigan Xayber-Paxtunxva viloyatining Malakand viloyatida shariat qonunlarini joriy etish haqidagi farmonni imzoladi. Bu hududda go‘zal Svat vodiysi joylashgan bo‘lib, tinchlik bitimi imzolangandan so‘ng radikal islomchilarning an’anaviy shariat qonunlariga amal qilmagan tinch aholiga qarshi dahshat maydoniga aylangan. Rasmiylar, armiya va islomchilar o‘rtasidagi sulh juda tez orada buzildi. May oyi boshida parlament bir ovozdan mamlakat qurolli kuchlariga islomiy jangarilarga qarshi hal qiluvchi hujum boshlashga ruxsat berdi.

2009-yilning may-avgust oylarida Pokiston armiyasi Svat vodiysi va Janubiy Vaziristonda keng ko‘lamli operatsiya o‘tkazdi. O‘ta xavfli va yengilmas ko‘ringan Pokiston Toliboni og‘ir mag‘lubiyatga uchradi. Ularning rahbari Beytulloh Mehsud dastlab o'lgan deb e'lon qilingan, keyin esa aslida Amerikaning uchuvchisiz uchish apparatidan uchirilgan raketa hujumi paytida vafot etgan. Hech bo'lmaganda o'sha Pokistonni Tolibonlashtirishga bo‘lgan urinish butunlay barbod bo‘ldi. Shubhasiz, Pokiston Tolibonining bu mag‘lubiyati afg‘on toliblariga qattiq zarba bo‘ldi va bularning barchasi, umuman olganda, ikki davlat o‘rtasidagi munosabatlarning yaxshilanishiga xizmat qildi.

Shunga qaramay, Pokistondagi vaziyat nihoyatda keskinligicha qolmoqda. Bunga Pokistonning Xayber-Paxtunxva viloyati hududida o‘z faoliyatini davom ettirgan “Al-Qoida” yetakchilarining davomli ta’siri ham sabab bo‘ldi. 2010-yil 14-oktabrda “Argumenty fakty” nashriyoti Markaziy razvedka boshqarmasi ma’lumotlariga ko‘ra, Usama bin Lodin Pokiston-Afg‘oniston chegarasidagi tog‘li hududlarda yashiringanligi haqida xabar berdi. Chegaradagi vaziyatga kelsak, 2010-yil 14-oktabrda Falastin axborot agentligi Pokistondagi diplomatik manbalarga tayanib, Isroil Pokiston armiyasiga Pokiston-Afg‘on zonasida kuzatuv o‘tkazish uchun “Sky Star-300” tipidagi dirijabllarni taqdim etgani haqida xabar bergan edi[106]. Bundan tashqari, pokistonlik va amerikalik zobitlar Pokiston-Afg‘oniston chegarasida Tolibonga qarshi havo hujumlari uchun Isroilda ishlab chiqarilgan uchuvchisiz uchish apparatlarini kuzatish va nazorat qilish funksiyalarini bajaradi. Lekin bu xabarlar boshqa manbalarda keltirilmagan.

Umuman olganda, Afg‘onistonda Tolibon rejimi ag‘darilganidan keyin ikki davlat o‘rtasidagi munosabatlar yaxshilandi. Buni 2010-yil 4-dekabrda

[106] https://www.rt.co.il/skystar-300

Pokistonning Afg‘onistondagi elchisi Muhammad Sodiq tasdiqlagan. 2011-yil 27-yanvar kuni Ozodlik radiosining xabar berishicha, 2011-yilning 27-yanvarida Islomobodda Pokiston tashqi ishlar vaziri Shoh Mahmud Qureyshi afg‘onistonlik hamkasbi Zalmon Rasul bilan qo‘shma matbuot anjumanida Pokiston va Afg‘oniston hukumati bilan harbiy ekspertlar ishtirokida, qo‘shma komissiya tuzish niyatida ekanini ma’lum qilgan. Ushbu komissiya yig‘ilishi 2011-yil fevral oyida AQShda bo‘lib o‘tishi kerak edi, biroq u faqat AQSh va Afg‘oniston delegatsiyalari tarkibida bo‘lib o‘tdi. Bu uchrashuvda Pokiston delegatsiyasi ishtirok etmadi. Shunday qilib, Tolibon rejimi ag‘darilganidan so‘ng Pokiston bilan Hamid Karzay boshchiligidagi Afg‘onistonning demokratik yo‘naltirilgan yangi rejimi o‘rtasidagi munosabatlar, ayniqsa, iqtisodiy aloqalar mustahkamlandi. Biroq, keyin ular sovib keta boshladilar. Har bir tomon bir-birini terrorchilik harakatlariga o‘tgan Tolibonga qarshi kurashga yetarlicha hissa qo‘shmaganlikda ayblay boshladi. Afg‘oniston tomonining keskin noroziligiga Pokiston tomonining Durand chizig‘i bo‘ylab chegaraning o‘ta xavfli uchastkalarida to‘siqlar qurishi sabab bo‘ldi. Afg‘on tomoni bu harakat Pushtun hududlarini Pokiston hududiga o‘tishiga sabab bo‘lishidan qo‘rqishini va Pokiston tomoni o‘z hududida erkin harakat qilishini bildirdi. Pokiston toliblari va ularning afg‘on ittifoqchilarining mag‘lubiyati Pokiston va Afg‘oniston o‘rtasidagi munosabatlarning yanada yaxshilanishiga umid uyg‘otdi. Shu bilan birga, “Durand chizig‘i” bo‘ylab chegara muammosi uzoq vaqt davomida ikki davlat o‘rtasidagi munosabatlarni buzulishining asosiy sababi edi. Afg‘onistondagi vaziyatning burilish nuqtasi Prezident Barak Obama boshchiligidagi yangi AQSh ma'muriyatining afg‘on masalasidagi siyosati bilan bog‘liq edi. 2009-yil boshida Afg‘onistonda terrorga qarshi urush to‘xtab qolgan bir paytda hokimiyatni qo‘lga olgani Tolibon harakatining qayta tiklanishiga va ularning mamlakatning turli hududlarida o‘z pozitsiyalarini tiklashga bo‘lgan muvaffaqiyatsiz urinishlariga sabab bo‘ldi. AQShning yangi ma'muriyati vaziyat va siyosiy yo‘lni qayta ko‘rib chiqdi. Obama Afg‘onistondagi AQSh qo‘shinlari sonini sezilarli darajada oshirishga qaror qildi (40 dan deyarli 100 ming kishigacha). Qo‘shma Shtatlar va uning ittifoqchilari qo‘shinlarining kontsentratsiyasi 2010-yilda eng yuqori cho‘qqiga chiqdi. O‘sha yilning oxiriga kelib, xorijiy kontingent 140-150 mingga yaqinlashdi. Harbiylarning asosiy qismi BMT qarori bilan yaratilgan Xalqaro xavfsizlik kuchlarida to‘plangan bo'lib, o‘sha vaqtdan beri ular doimo amerikalik generallar qo‘mondonligi ostida edi. Ularning ko‘payishi Afg‘oniston janubidagi Tolibon pozitsiyalariga qarshi hujum uyushtirish va Afg‘oniston-Pokiston chegarasi hududidagi jangarilarga zarba berish imkonini berdi. 2011-yil 2-mayda “Al-Qoida” yetakchisining yo‘q qilinishi jiddiy zarba bo‘ldi. Ma’lum bo‘lishicha, u 2005-yildan beri, pushtun

qabilalari hududida yashiringan emas, balki oilasi bilan 2011-yilning 2-may oyiga qadar Pokiston shimolidagi Abbotobod shahrida yashab kelgan.. Uning uyi Pokistonning bosh harbiy akademiyasi yaqinida bo‘lgan. Bin Lodinning uyiga AQSh dengiz piyodalari ikki vertolyotda bostirib kirdi va Pokiston havo hududini qo‘pol ravishda buzdi. Bin Lodinning o‘ldirilishi bilan yakunlangan reyd bir muddat Pokiston va Qo‘shma Shtatlar o‘rtasidagi munosabatlarga jiddiy putur etkazdi, ammo ularni butunlay buzmadi. 2011-yilning noyabr oyida sodir bo‘lgan yana bir voqea Pokiston va Afg‘oniston chegarasiga bevosita bog‘liq. Amerika samolyotlari Durand chizig'ining Pokiston tomonidagi tog'lardagi baland Pokiston harbiy postini noto‘g‘ri o‘qqa tutdi. Natijada 24 nafar pokistonlik harbiy halok bo‘ldi. Va bu voqea, garchi Pokiston-Amerika munosabatlariga salbiy ta'sir ko'rsatgan bo‘lsa-da, tanaffusga olib kelmadi. G‘arb OAV ma'lumotlariga ko‘ra, faqat 2004-yil iyunidan 2012-yil sentyabrigacha bo‘lgan davrda Amerika БПЛА[107] havo hujumlari natijasida Pokistonda 2562 dan 3325 gacha inson halok bo'lgan. 2010-yildan keyingi Pokiston-Afg‘oniston munosabatlariga kelsak, ular mohiyatan o‘zgarmagan. Pokiston armiyasi chegarani mustahkamlash va uning ayrim qismlarida to‘siqlar qurish harakatlarini davom ettirdi. Afg‘oniston Durand liniyasi bo‘ylab chegarani tan olishga majbur bo‘ldi. 2011-yilda Pokiston va Afg‘on qo‘shinlari o‘rtasida vaqti-vaqti bilan shu yo‘nalishda to‘qnashuvlar kelib chiqqan, biroq ular Pokiston-Afg‘on munosabatlariga jiddiy ta’sir ko‘rsatmagan. Tolibon bir necha bor tinch aholini qurbon qilmaslik haqidagi va’dalariga qaramay, 2011-yilda bu ko‘rsatkich 77 foizga oshgan. 2012-yilda afg‘on tinch aholi o‘limining 81 foizi jangarilar, 8 foizi NATO kuchlari sabab bo‘lgan. 2013 yilning birinchi yarmida tinch aholi qurbonlarining 74 foizi hukumatga qarshi hukumatga qarshi guruhlar, 9 foizi esa hukumat tomonidan sodir etilgan.

Afg'onistondagi vaziyat va Afg'oniston va Pokiston o'rtasidagi munosabatlarning rivojlanishidagi yangi bosqich AQSh tomonidan 2009 yilda qabul qilingan yana bir qarorning amalga oshirilishini va'da qilmoqda. Gap 2014-yil oxirigacha keskin qisqartirish va kelajakda barcha xorijiy qo‘shinlarni Afg‘oniston hududidan bosqichma-bosqich olib chiqib ketish haqida ketmoqda. Afg'onistonda aprel (birinchi tur) va iyun (ikkinchi tur)da bo'lib o'tgan navbatdagi prezidentlik saylovlari mamlakatdagi ichki siyosiy vaziyatni murakkablashtirdi. Faqat 2014- yilning kuzida ovozlarni sanab chiqish va Ashraf G‘anini yangi prezident etib saylash jarayonini yakunlash mumkin edi.

2013-yil may oyida Pokistonda o‘tkazilgan navbatdagi umumiy saylovlar Navoz Sharifning Pokiston musulmon ligasi g‘alabasi bilan yakunlandi. U uchinchi marta mamlakat bosh vaziri bo'ldi. Demokratik yo‘l

[107] БПЛА (беспилотные летательные аппараты)

bilan saylangan ikkala hukumat ham Afg‘oniston Tolibon harakati ekstremistlarining vaziyatni beqarorlashtirishga urinishlariga qarshi birgalikdagi sa’y-harakatlarni amalga oshirish maqsadida aloqaga chiqdi. Ekstremistlar terror xurujlari bilan kamaytirishga uringan ushbu operatsiyaning muvaffaqiyati ikki qo‘shni davlat o‘rtasidagi munosabatlarni yanada yaxshilashga zamin yaratmoqda. Biroq Tolibon harakati xavfi Pokistonda ham, Afg‘onistonda ham kamaygani yo‘q. Tolibonning Peshovar maktabiga hujumi oqibatida 100 dan ortiq kishi halok bo‘ldi, ularning aksariyati bolalar[108]. yetakchilarining Pokiston va Afg‘onistondagi jangovar harakatlar uchun mas’ul bo‘ladigan yangi bo‘linma tashkil etilishi haqidagi bayonoti yanada xavotirliroqdir. 2015-yil boshida Afg‘oniston janubida uchuvchisiz harakatlanuvchi texnika hujumi natijasida kamida olti nafar jangari, jumladan, “Tolibon”ning asosiy qo‘mondonlaridan biri, IShIDga o‘tgan Mulla Abdul Rauf o‘ldirilgani buni tasdiqlaydi. Yuqorida aytilganlarning barchasidan ma'lum bo‘ladiki, Pokiston ham, Afg‘oniston uchun ham umumiy xavf mavjud bo‘lib, unga qarshi kurashish uchun zudlik bilan birgalikda harakat qilishni talab qiladi. Shu bilan birga, ular o‘rtasida kuchli va yaqin hamkorlikka erishish kafolatlangan emas.

[108]www.newstabe.ru/media/napadenie-talibov-na-shkolu-v- Peshaware «Спецназ Пакистана уничтожил последнего террориста из напавших на военное училище в Пешаваре». Lenta.ru 16 декабря 2014 г.

РИСКУЛОВ Ш.Н
таянч докторант

АМИР ДЎСТ МУҲАММАДНИНГ АФҒОНИСТОНДА ОЛИБ БОРГАН ИСЛОҲАТЛАРИ

Аннотация*: Мазкур мақолада биринчи инглиз-афғон (1838-1842) урушидан сўнг ҳокимият тепасига қайтган Дўст Муҳаммаднинг мамлакатни бирлаштириш сиёсатини олиб боришга харакат қилиши, унинг Афғонистонни марказлашган давлатга айлантириш, ҳокимиятни қайта қуриш ва уни ислоҳ қилиш йўлида барча сиёсий ҳаракатларни бошидан бошлашга тўғри келганлиги, урушдан сўнг Афғонистоннинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи жуда оғир аҳволга тушиб қолганлиги, бир неча йиллик шиддатли урушнинг оқибатлари кўплаб инсонларнинг қурбон бўлишига ва у сизҳам қашшоқ бўлган мамлакатнинг иқтисодий ҳаётига жиддий путур етказганлиги, Амир Дўст Муҳаммаднинг мамлакат ичида тинчлик ва осойишталикни ўрнатишга ҳаракат қилганлиги ёритилади.*

Таянч сўзлар: *Афғонистон, Дўст Муҳаммад, Ҳирот, Қандаҳор, Панжоб, Эрон, Кўхандил, Ғулом Хайдархон.*

Биринчи инглиз-афғон (1838-1842) урушидан сўнг Ҳокимият тепасига қайтган Дўст Муҳаммад эҳтиёткорлик ва қатьият билан мамлакатни бирлаштириш сиёсатини олиб боришга харакат қилди. У Афғонистонни марказлашган давлатга айлантириш, ҳокимиятни қайта қуриш ва уни ислоҳ қилиш йўлида барча сиёсий ҳаракатларни бошидан бошлаши керак эди. Урушдан сўнг Афғонистоннинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи жуда оғир эди. Бир неча йиллик шиддатли урушнинг оқибатлари шу қадар фалокатли бўлдики, кўплаб инсонларнинг қурбон бўлишига ва усизҳам қашшоқ бўлган мамлакатнинг иқтисодий ҳаётига жиддий путур етказди. Замондош афғон тарихчиси Риштиянинг таькидлашича Британия агрессиясидан сўнг мамлакат ва халқ учун биринчи навбатда тинчлик, халқ хўжалиги ва иқтисодиётни тиклаш зарур эди. Буни англаган амир Дўст Муҳаммад мамлакат ичида тинчлик ва осойишталикни ўрнатишга ҳаракат қилди[109].

Амир Дўст Муҳаммаднинг ҳокимиятни қайта тиклаш ҳаракатлари осон кечмади, унинг учун кўп вақт ва куч сарфлади. Мамлакат маркази ҳисобланган Қобул шаҳри уруш мобайнида жиддий зарар кўрган эди.

[109]Риштия С.К., Афганистан в X I X веке. – М., 1958. – С. 228. [Rishtiya S.K., Afghanistan v XIX veke. –M., 1958. - S. 228.] [Rishtiya S.K., Afghanistan in the XIX century. – M., 1958. - P. 228.].

Бунинг устига афғон қабилалари марказий ҳокимиятга ҳеч қандай солиқ тўламас, Бунинг оқибатида амир ғазнаси бўшаб қолган, давлатнинг маьмурий бошқарув тизими парокандаликка юз тутган эди. Амир Дўст Муҳаммадга хизмат қилган кўплаб олдинги амалдорлар ва мансабдорлар вафот этган, инглизларга ва Шужоул Мулкка хизмат қилган кишиларга Амир ишонмас эди[110]. Шу сабабли давлат бошқарув органлари, шаҳар ва вилоятларга амир ўз ўғилларини тайинлайди, масалан Амир Мухаммад Афзаль-хонни Зурмат ва Каттавозга, Шер Алихон Куррамга, Мухаммед Аьзамхон Лугарга, Мухаммад Аминхон Кўхистонга, Ғулом Хайдархон Ғазни вилоятларига ҳоким қилиб тайинлайди[111]. Дўст Муҳаммаднинг ўғилларининг ичида инглиз босқинчиларига қарши озодлик курашчиси сифатида халқ орасида обрў эътиборга эгаси Муҳаммад Акбар-хон эди. Амир уни тахт вориси сифатида кўрарди, бироқ уни расман тахт вориси сифатида эълон қилмайди бунинг сабаби инглизлар томонидан унга нисбатан бўлиши мумкин бўлган хавф эди[112]. Дўст Муҳаммад Кобулга қайтганидан сўнг Акбар-хонни вазир эътиб тайинлайди, бироз вақтдан сўнг эса уни Афғонистоннинг йирик вилояти саналадиган Жалолободга хукмдор қилиб юборади. Амир Дўст Муҳаммад ўғли Акбар-хонни мамлакатнинг айрим ҳудудларидаги қабилалар исёнинни бостириш учун ҳарбий экспедиция ва солиқларни йиғиш ва бошқа мақсадларни амалга ошириш вазифасини юклайди. Акбар-хон ўзига юклатилган шу каби топшириқларни бажариш чоғида кутилмаганда беьтоб бўлиб қолади, натижада 1846 йил ўттиз ёшида вафот этади[113][114]. Айрим маълумотларга кўра Акбар-хоннинг ҳинд табиби унинг таьомига олмос заррасини қўшиб уни ҳалок қилади[115]. Охирги йилларда Акбар-хон Қандахорни бўйсундиришга харакат қиларди. Аммо Дўст Муҳаммад Қандаҳор ҳукмдори Кўхендил ва Англия билан бўлиши мумкин бўладиган ҳарбий тўқнашувдан ташвишланиши натижасида ота-ўғил орасида сўнги

---

[110]В.М.Массон, В.А.Ромодин, История Афганистана, М., 1965, с.219. [V.M.Masson, V.A.Romodin, Istoriya Afganistana, M., 1965, s.219.]. [V.M.Masson, V.A.Romodin, History of Afghanistan, M, 1965, p. 219.].

[111]Файз Мухаммед Катиб Хазара. Сираджат-таварих, – Кабул, 1915. – С. 200. [Fayz Muxammed Katib Xazara. Sirajat-tavarih. – Kabul, 1915. – S. 200.]. [Fayz Muxammed Katib Xazara. Sirajat-tavarih. – Kabul, 1915. – S. 200.].

[112]Риштия, Афганистан в X I X веке, стр. 233. Rishtiya, Afganistan v X I X veke, str. 233. [Rishtiya, Afghanistan in the X I X century, p. 233.].

[113]В.М.Массон, В.А.Ромодин, История Афганистана, М., 1965, с.221. [V.M.Masson, V.A.Romodin, Istoriya Afganistana, M., 1965, s.221.]. [V.M.Masson, V.A.Romodin, History of Afghanistan, M, 1965, p. 221.].

[114]Сираджат-таварих, 201. [Sirajat-tavarih, 200.]. [Sirajat-tavarih, 200.].

[115]В.М.Массон, В.А.Ромодин, История Афганистана, М., 1965, с.221. [V.M.Masson, V.A.Romodin, Istoriya Afganistana, M., 1965, s.221.]. [V.M.Masson, V.A.Romodin, History of Afghanistan, M, 1965, p. 221.].

пайитларда бироз кескинлик юзага келган эди[116]. Бу вақтга келиб Дўст Муҳаммад ҳокимияти замонавий Афғонистоннинг тўртдан бир қисмини эгаллаган эди. Қандахорни эндиликда Кўхандил Эрондан мухожирликдан қайтган акаси билан мустақил бошқарарди, Хирот эса 1842 йилда Камрон вафотидан сўнг амирнинг собиқ вазири Ёр Мухаммад-хон қўл остида эди[117].

Мамлакатни бирлаштириш сиёсатини олиб боришда Дўст Муҳаммад армияни қайта тузишга киришди. Натижада У қайтатдан шакиллантирилган қўшинни қурол аслаха ва тайёргарлигини кучаайтирди. Дўст Мухаммад қўшинининг катта қисми отлиқ аскарлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг сони 12 мингдан зиёдни ташкил этар, пиёдалар эса узун стволли пилта милтиқлар билан қуролланган бўлиб, хатто бу қуроллар инглиз милтиқларига қараганда узоқроққа отар эди. Ушбу милтиқлар сифати шағзода Акбар-хон кўрсатмалари натижасида яхшиланилади, яьни шахсан унинг ўзи ушбу милтиқларнинг ясалишини кузатиб борган. 1847 йилда Дўст Мухаммад қўшинни қайта ташкил этгандан сўнг гилзай хонининг хатарли бўлган қўзғалонини бостиради. Кейинчалик амир полки Амударёнинг чап соҳилидаги ерлар учун бўлган жангларда ўзбек хонликларига қарши муваффақиятли харакат қилади[118].

1843- йилда Ост-Индия компанияси Синд ўлкасини босиб олади. Шундан сўнг 1845-1846 йилда бошланган биринчи инглиз-сикх урушида Ост-Индия компанияси Панжоб устидан ҳам ўз назоратини ўрнатади. Бу урушдан сўнг Сикх давлати худуди жудаҳам қисқариб кетади ва унинг мустақиллиги номигагина бўлиб амалда уни Лахор шаҳрида жойлашган инглиз резиденти бошқарарди[119]. Инглиз мустамлакачилик сиёсатини олиб борувчи хукмрон доира вакиллари Панжобни бутунлай босиб олиш учун тайёргарлик кўра бошлайди ванатижада 1848 йил ноябрь ойида Ост-Индия компанияси қўшини уруш эълон қилмасдан сикхлар чегарасини кесиб ўтади, шу тариқа

---

[116]В.М.Массон, В.А.Ромодин, История Афганистана, М., 1965, с.221. [V.M.Masson, V.A.Romodin, Istoriya Afganistana, M., 1965, s.221.]. [V.M.Masson, V.A.Romodin, History of Afghanistan, M, 1965, p. 221.].

[117]В.М.Массон, В.А.Ромодин, История Афганистана, М., 1965, с.221. [V.M.Masson, V.A.Romodin, Istoriya Afganistana, M., 1965, s.221.]. [V.M.Masson, V.A.Romodin, History of Afghanistan, M, 1965, p. 221.].

[118]В.М.Массон, В.А.Ромодин, История Афганистана, М., 1965, с.221. [V.M.Masson, V.A.Romodin, Istoriya Afganistana, M., 1965, s.221.]. [V.M.Masson, V.A.Romodin, History of Afghanistan, M, 1965, p. 221.].

[119]В.М.Массон, В.А.Ромодин, История Афганистана, М., 1965, с.221. [V.M.Masson, V.A.Romodin, Istoriya Afganistana, M., 1965, s.221.]. [V.M.Masson, V.A.Romodin, History of Afghanistan, M, 1965, p. 221.].

иккинчи инглиз-сикх уруши бошланади[120] ва инглизлар 1849 йилда Панжобни босиб олади..

Дўст Муҳаммад ва унинг атрофидагиларга шимоли-ғарбий Ҳиндистонда инглизларнингнавбаттаги агрессияси Афғонистонга қанчалик таҳдид солишэҳтимоли албатта кундек равшан эди.Шунинг учун ҳам Афғонистон амири сикҳлар билан узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган адоватга барҳам беришга биринчи навбатдаПешоварни қайтариб олиш умидида улар билан иттифоқ тузишгакелишиб олади.

1848-йил охирида амир Дўст Муҳаммад Ҳазар вилоятининг сикх ҳокими Чаттар Сингх инглизларга қарши курашда унга ҳарбий ёрдам бериш ҳақидаги илтимосига жавобан у билан битим тузади.Афғонистон амири Чаттар Сингхга ёрдам бериш учун қўшин жўнатишга ваъда беради ва бунинг учун сикхлар Пешовор вилоятини унга қайтариб беришга келишиб олишади.Сикхлар билан шартнома тузилгандан кейин Дўст Муҳаммад қўшинлари Пешовар вилоятига кириб келди. Амир сикҳларга ёрдамга афғон отлиқ аскарлар бўлинмасини юборади. Аммо бу юборилган ёрдам кучлари сикҳларга ёрдам бермади. 1849 йил февраль ойида Ост-Индия компанияси аскарлари Гуджорот шаҳрида бўлиб ўтган жангда сикҳлар қўшинига ҳал қилувчи зарбани беради ва шу тариқа Панжоб ишғол қилинади. 1849 йил март ойида Ҳиндистон генерал-губернатори Жеймс Эндрю Дальхузи томонидан Панжоб Британия империяси мустамлакаси ҳисобланган Ҳиндистон таркибига кирганлиги тўғрисида эълон қилади[121]. Панжобнинг аннексия қилинганлиги шарафига қиролича Виктория томонидан Жеймс Эндрю Дальхузига маркиз унвони берилади.

Дўст Муҳаммад Пешавор учун инглизлар билан бўлган жангларда нафақат Пешаворни балки унга яқин ҳудудларда яшайдиган афғон қабилаларини инглизлар ихтиёрига топшириб чекинишга мажбур бўлади. Дўст Муҳаммад шарқ ва жанубий-шарқдамуваффақиятли ҳаракатлар қилишдан умидини узган ҳолда у шимолда фаол сиёсат юритишга ўтди.Шунинг учун амир Дўст Муҳаммад “Кичик Туркистонни” босиб олиш мақсадида уерга йирик ҳарбий экспедиция юборади. Амир бу ҳарбий экспедицияни амалга ошириш учун учинчи ўғли Муҳаммад Акромхон ихтиёрига кўп сонли қўшин ва қўшин таркибига кирувчи иккита пиёдалар бўлинмаси, шунингдек дурроний, гилзай ва қизилбош қабилаларига тегишли отлиқ суворийлар бўлинмасини ҳам қўшиб беради[122]. Бу қўшин ўз йўлини тўсишга

[120]См. Н.И. Семенова, Государство сикхов. – М., 1958, -СС. 152, 153, 175. [Sm. N.I.Semenova, Gosudarstvo sikxov. – M., 1958. – S. 152, 153, 175.]. [See N.I.Semenova. The Sikh State. – M., 1958. – P. 152, 153, 175.].

[121]https://ru.wikipedia.org/wiki/

[122]Сираджат-таварих, 206. [Sirajat-tavarih, 206.]. [Sirajat-tavarih, 206.].

уринган ўзбек ва туркман отрядлари қаршилигини енгиб, Балхга яқинлашади ва шаҳарни қўлга киритади. Балх, Акче, Шибирғон, Андхуд, Ҳулм, Сарипул ва Каттагандаги маҳаллий феодал ҳукмдорлар ўзларининг мустақиллигини сақлаб қолиш мақсадидаМуҳаммад Акромхонга турли қиммат баҳо совғалар келтиради ва ўзларининг юртига қайтиб кетади. Аммо шимолдаги мағаллий феодаллар Амирга ҳар йили солиқ тўлаб туриш мажбуриятини олади.

Шундай қилиб, афғон амирлари қўшинлари томонидан Амударёнинг чап қирғоқларидаги ерларни эгаллаш учун узоқ давом этган урушлар бошланади.Фатҳга Амударёнинг чап қирғоғида жойлашган кичик феодал ҳукмдорларининг ўзаро адовати ва парчаланиши ёрдам берган, бироқ маҳаллий аҳоли босқинчиларга қаттиқ қаршилик кўрсатган.Узоқ вақт шимолда афғон амирлари ҳукмронлигининг асосий омилиБалх, Мозори Шариф, Акча ва Тошқўрғонда жойлашган амир қўшинлариэди.Ички бошқарув маҳаллий ўзбек ва тожик феодаллари қўлида қолдирилди. XIX асрнинг 50-йилларида Дўст Муҳаммад мамлакат шимолидаги бўйсундирилган ҳудудларни янги тузилган вилоят яъни Афғонистон Туркистони таркибига киритади ва унга катта ўғли Муҳаммад Афзалхонни ҳукмдори этиб тайинлайди.Дўст Муҳаммаднинг шимолдаги тажоввузкор сиёсати Бухоро амирлиги билан узоқ давом этган ихтилофларга олиб келди.Сабаби ҳозирги Афғонистоннинг шимоли яъний Амударёнинг чап қирғоқлари ўтмишда Бухоро амирлигига қарашли бўлган. Шунингдек Дўст Муҳаммад ва Эрон ўртасида ҳам зиддиятлар пайдо бўлган, чунки Шоҳ ҳукумати фақатгина Ҳиротга даъвоқилиб қолмай, Ҳиротнинг шимолий-шарқий қисмини бўйсундуришга ва уерда жойлашишга амалий жиҳатдан ҳаракат қилган. 1837 йилда Эрон шохи Муҳаммад Ҳиротни эгаллаб олади. Бу ҳодиса Англиянинг норозилигига сабаб бўлади ва Эрон қўшинларининг Ҳирот ҳудудидан чиқиб кетишини талаб қилади ва инглиз флотини Форс кўрфазига олиб киради. 1841 йил март ойида Эрон қўшинлари Ҳиротни тарк этади. 1851 йилда Ҳирот ҳукмдори Ёр Муҳаммадхон вафот этади ва Ҳирот учун қўшни Қандаҳор, Амир Дўст Муҳаммад, Эрон шохи ва Англия билан кураш кечади. 1855 йилда Қандаҳорнинг Афғонистон таркибига кириши билан Эрон қўшинлари Ҳиротни Афғонистон тажоввузидан ҳимоя қилиш баҳонаси билан Ҳиротга яна бостириб кирди. Бу эса Англиянинг Эронга хужум қилиши учун сабаб бўлди. Шаҳарга инглиз артиллерияси ҳужуми натижасида катта талофат етказилди. Ҳирот 1863 йилда Афғонистонга тўлиқ қўшиб олинди.

САЙФУЛЛАЕВ Б. Д
таянч докторант

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Аннотация. *Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган очиқ прагматик, амалий конструктив ташқи сиёсат натижасида халқаро майдонда давлатлар билан амалга оширилаётган дипломатик алоқалар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Жумладан, Ўзбекистонннинг Жанубий-Шарқий Осиё давлатларидан Ҳиндистон билан муносабатлари йилдан-йилга янги форматларда ривожланиб бормоқда. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик барқарор ва ривожланиш тенденцияларигари эга. Мазкур мақолада Янги Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан амалга ошираётган дипломатик алоқалари атрофлича ёритилган.*

Калит сўзлар: *Янги Ўзбекистон, Ҳиндистон, конструктив ташқи сиёсат, иқтисод, мудофаа, фан-таълим*

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги алоқаларнинг тарихий илдизлари милоддан аввалги I мингйилликларга бориб тақалади. Дунё свилизацияси тамаддунига ҳисса қўшган Буюк ипак йўлида икки мамлакат ўртасида муносабатлар ривожланиб борган ва тарихнинг ҳеч бир даврларида ушбу алоқалар тўхтаб қолмаган. Ҳиндистон узоқ вақт давомида Ўзбекистонда бой тарих ва бетакрор маданиятга эга мамлакат сифатида яхши танилган, ўзбек халқи билан кўп асрлик маданий, савдо-иқтисодий алоқалар, энг аввало, самимий дўстлик ришталари билан боғланган мамлакат [1].

Иккала мамлакат ҳам глобаллашув даврида ўзаро муносабатларни яхшилашга интилмоқда. Ҳиндистон учун Марказий Осиё минтақаси, жумладан Ўзбекистон савдо ва тижорат нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга бўлган ҳудудлардан ҳисобланади. Ўзбекистон учун Ҳиндистон иқтисодий ва маданий алоқаларга эга бўлган, ҳамда Жанубий Осиёга кириш имкониятини тақдим этадиган, шунингдек Ҳинд океани, Шарқий Осиё мамлакатларига чиқиш имконини берадиган жонли алоқа эга бўлган бўлган мамлакатлардан ҳисобланади [2].

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистон давлат раҳбари Рам Натҳ Ковиннинг таклифига биноан 2018 йил 30 сентябрь – 1 октябрь кунлари давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтарди ва келгуси муносабатларни янада ривожлантиришга

мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди. Давлатимиз раҳбарининг Ҳиндистон Республикасига дастлабки амалий ташрифи юқори даражадаги стратегик аҳамиятга эга эканлиги дунё матбуот нигоҳида ҳам кенг талқин этилди. Инглиз тилида нашр этиладиган “The Times of India” газетасида: “Яқин орада Ҳиндистонда хориж давлат раҳбарини бундай катта миқёсида кутиб олишмаган эди. Бу Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсатида Ўзбекстон нақадар муҳим аҳамият касб этишини яққол тасдиқлайди. Боз устига “ўзбек дипломатиясининг” салмоқли даражада фаоллашуви натижасида минтақада мутлақо янгича геосиёсий вазият шаклланиб бораётган шароитда расмий Тошкентнинг ўрни янада ортаётир. Ўзбекстон раҳбари ўзининг самимияти, прагматизми ва аниқ натижаларга эришишга интилиши билан ҳиндистонликларда ёрқин таасурот уйғотди”-деб таъкидланади [3].

Юқоридаги ташриф давомида ўтган олий даражадаги Ўзбекистон – Ҳиндистон мулоқоти якунида дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан озод этиш, туризм, қишлоқ хўжалиги, фан-техника ва инновациялар, коинотни тадқиқ этиш ва ундан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт илми соҳасида ҳамкорлик тўғрисида икки мамлакат ҳамкорлигини турли соҳаларида 20 та ҳужжат имзолангани қайд этилди.

2019 йил 17-18-январь кунлари “Жўшқин-Гужарат 2019” халқаро саммитида президент Шавкат Мирзиёевнинг иккинчи маротаба ушбу давлатга ташрифлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқди. Мамлакатларимиз ўртасида фарматсевтика, тиббиёт, таълим ва фан, ахборот техналогиялари, туризм ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида истиқболли ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Биргина таълим соҳасидаги ҳамкорликда 2019 йилда Ҳиндистоннинг нуфузли олий таълим муассасаларидан Тошкентда Амити, Андижонда Шарда Унверситетлари, ўз навбатида Ҳиндистоннинг Ноида шахридаги халқаро унверситетида Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтини филиали ташкил этилди.

Иқтисодий соҳадаги алоқаларимиз ҳам ривожланиб бориб, бугунги кунда Ўзбекистонда Ҳиндистон капитали иштирокидаги 330 га яқин корхона, жумладан, 100 фоизлик Ҳиндистон капиталига асосланган 220 корхона фаолият кўрсатмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги йиллик товар айирбошлаш ҳажми 440 миллион АҚШ долларидан ошади. Келгусида мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган [4].

2020-йил 29-декабрда Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ҳам мамлакатимизнинг ташқи сиёсатини амалга оширишда устувор вазифалардан бири сифатида Ҳиндистон давлати билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш, ташқи ишлар вазири ва унинг ўринбосарлари ҳамда юртимизнинг чет эллардаги элчилари мазкур давлат билан янги, янада самарали иш тизимини жорий этишлари зарурлиги белгиланганди.

Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш, терроризм, халқаро жиноятчилик ва миллий хавфсизликка таҳдид солувчи бошқа ҳолатларга қарши курашиш, гиёҳванд моддалар савдосининг олдини олишда икки томонлама мудофаа соҳасидаги ҳамкорлик янги даражага кўтарилди. 2019 йил 1-4 ноябрь кунлари Ҳиндистон мудофаа вазири Ражнат Сингнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бўлиб ўтди ва бу сўнгги 15 йил ичида Ҳиндистон мудофаа вазирининг Ўзбекистонга биринчи ташрифи эди.

Ташқи ишлар вазирликлари даражасида Афғонистон иштирокида “Ҳиндистон-Марказий Осиё” мулоқотининг яратилиши Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг қўшма ташаббуси бўлиб, Ҳиндистоннинг минтақа давлатлари билан алоқаларида янги саҳифа очди. Самарқандда асос солинган ушбу дипломатик платформа минтақавий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришда долзарб ва самарали механизмга айланди. Бу Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги тарихий алоқаларнинг янги босқичга кўтарилганидан далолатдир. Зеро, ҳар икки давлат асрлар давомида Европа – Осиё савдо муносабатларида ўзига хос дарвоза ҳисобланган [5]. 2019 йилнинг 12-13 январь кунлари Самарқанд шаҳрида Афғонистон иштирокидаги “Ҳиндистон – Марказий Осиё” мулоқоти ташқи ишлар вазирларининг биринчи учрашуви, 2020 йил 28 октябрь куни видеоконференция шаклида “Ҳиндистон-Марказий Осиё” мулоқоти ташқи сиёсат идорлари раҳбарларининг иккинчи йиғилиши ва 2021 йилнинг 19 декабрь куни Деҳли шаҳрида “Ҳиндистон – Марказий Осиё” мулоқоти дипломатик платформанинг учинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Хусусан, ташқи ишлар вазирларининг охирги учрашувида Ўзбекистон томони Ҳиндистон ва Марказий Осиё бозорларига маҳсулот етказиб бериш мақсадида «яшил йўлак» ташкил этиш, ИТ-мутахассислари учун платформа яратиш, Минтақавий ривожланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида иштирок этувчи ҳар бир давлатда навбат билан йиллик тадбирларни ўтказадиган “Ҳиндистон ва Марказий Осиёдаги таҳлилий марказлар форуми” платформасини ташкил этиш таклифларини киритди. Шу тариқа, икки томоннинг ҳам келгусида кўп томонлама муносабатини кенгайтиришдан манфаатдорлиги натижасида янги “Ҳиндистон-

Марказий Осиё” деб номланган музокара майдони юзага келди [6].

2021 йил 15-16 июль кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент шаҳрида “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференция ташкил этилди. Конференция ишида дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларидан 250 дан нуфузли вакиллар иштирок этди. Бу конференция Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсат ва халқаро иқтисодий алоқалар борасидаги янги геостратегик қарашларни акс эттирди. Сўнгги бир неча асрда илк бор минтақа Жанибий Осиёни ўзи учун устувор йўналиш сифатида шаклланаётган янги бир муҳим минтақа сифатида белгилади. Ушбу конференциянинг Президентимиз томонидан юқори савияда ва янги форматда ташкил этилганлигини «Вивекананда халқаро жамғармаси» тадқиқот марказининг етакчи эксперти, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Сканд Таял такидлаб Ҳиндистонда нашр этиладиган нуфузли «Political & Defence Weekly» ҳафталик журналида: “2016 йили Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти этиб сайланганидан буён мамлакатда ва бутун Марказий Осиё минтақасида ижобий ўзгаришлар муҳити ҳукм сурмоқда”-деб ёзади [7].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 27 январь куни Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди ташаббуси билан ташкил этилган видеоанжуман шаклида ўтган “Ҳиндистон–Марказий Осиё” биринчи саммитида иштироки ҳамкорлик муносабатлари равнақининг янги қирраларини очиб берди [8]. Ўзбекистон Президенти минтақа давлатларининг Ҳиндистон билан ўзаро муносабатларида учта стратегик муҳим устувор йўналишни – таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги фаол ҳамкорлик, иқтисодий шерикликни чуқурлаштириш ва маданий-гуманитар соҳани кенгайтириш орқали инсон капиталини ривожлантиришни белгилаб берди. Мазкур саммит иқтисодий, гуманитар, коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш, “Ҳиндистон — Мар-казий Осиё” форматида амалий ҳамкорликни ривожлантириш ва алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича аниқ таклифларни илгари суриш орқали Марказий ва Жанубий Осиё интегра-циясига янги туртки бағишлайди.

Ўзбекистон-Ҳиндистон дипломатик алоқаларида қуйидаги тенденциялар мунтазам ривожланиб бормоқда. Биринчидан, Ўзбекистон-Ҳиндистон ўртасида олий даражадаги дипломатик алоқалар йўлга қўйилган, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида доимий маслаҳатлашувлар ўтказилади, хар икки давлат халқаро сиёсий жараёнларга қарашлари, минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашга оид масалаларга ёндашуви ўхшаш ва яқин, бир-бирини

қўллаб-қувватйди, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳамкорликни ривожлантириб бормоқда. Давлат раҳбарининг ташрифи чоғида дипломатик муносабатларнинг янги ва истқболли йўналишлари муҳокама қилинади, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикрлар алмашилади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Ҳиндистоннинг принципиал ва тинчликсевар сиёсатини қўллаб қувватлайди. Шунингдек. Ўзбекистон Ҳиндистоннинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлат сифитида иштирокини Ташкилотнинг геосиёсий аҳамиятини ошириш ва унинг минтақавий ва глобал жараёнларга таъсир кўрсатиш борасидаги имкониятларини кенгайтиришнинг муҳим омили, деб ҳисоблайди.

Хулоса қилиб айтганда, сўнгги йилларда Ўзбекистон ички сиёсатида кузатилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, очиқлик ва янгиланишлар, мамлакатнинг ташқи сиёсатида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг ўртасида тарихан қарор топган узоқ асрлик самимий, очиқ ва прагматик, ўзаро ишонч асосига қурилган алоқаларимизни янада юксак поғоналарга олиб чиқишига хизмат қилади. Шунингдек, Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг юқори даражаси мудофаа, терроризмга қарши курашиш, савдо, инвестиция, таълим, мутахассислар малакасини ошириш, тиббиёт, туризм соҳаларда ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сайфуллаев Б. Ўзбекистон ва Ҳиндистон: икки томонлама манфаатли, азалий дўстлик ва ишонч асосида мустаҳкамланган муносабатлар // ЎТМИШГА НАЗАР. Махсус сон. Тошкент. 2021. 143-149 б.
2. Skand R. Tayal Indo-Uzbek relations: An Evolving Partnership / Contemporary Indo-Uzbek Perspectives on Bilateral and Regional Issues. Nyu-Delhi, 2009. 1-10 page.
3. O’zbekiston Prezidentining tashrifi Hindiston matbuoti nigohida // Халқ сўзи, 2018-йил 5-октябръ.
4. Ахатов Д. "Важный этап взаимодействия между Узбекистаном и Индией" // Народное слово, В 144-номере газеты опубликована (https://xs.uz/ru/60034).
5. Шоназаров У. Узбекистан - Индия: новая эра вековых уз сотрудничества // https://dunyo.info/ru/site/inner/uzbekistan_indiya_novaya_era_vekovih_uz_sotrudnichestva-gzn
6. Хайдаров А. Ўзбекистоннинг қадим дўсти – Ҳиндистон // https://uza.uz/uz/posts/ozbekistonning-qadim-dosti-hindiston_356368 (accessed 1.05.20221)
7. Марказий ва Жанубий Осиёнинг минтақалараро боғлиқлиги бўйича халқаро конференция якунлари Ҳиндистон ОАВ диққат марказида //https://dunyo.info/cyrl/site/inner/ I5H. (accessed 11.01.20221).

8. “Ҳиндистон – Марказий Осиё” саммити // Янги Ўзбекистон, 2022 йил 29 январь

SULAYMONOVA SH.N
tayanch doktorant

IBN MISKAVAYHNING “TAHZIB UL-AXLOQ VA TATHIR UL–A’ROQ” ASARIDA AXLOQIY MASALALAR MUHOKAMASI

Annotatsiya. *Ushbu maqolada Ibn Miskavayhning “Tahzib ul-axloq va Tatxir ul-a’roq” asaridagi axloqiy masalalar muhokama qilingan. Ibn Miskavayh qarashlarida insonning komillik sari intilishi va uni muntazam rivojlantirish orqali baxt-saodatga erishish yo’llari bayon etilgan hamda germenevtik tahlil qilingan. Mavzuni yoritishda uning fors va arab tillarida yozilgan boshqa asarlari birinchi manba asosida tadqiq etilgan.*

Kalit so’zlar: *Ibn Miskavayh, “Tahzibul-axloq”, “Kitab at-Tahora”, “Tathirul-A’roq”, amaliy axloq, go‘zal xulq, axloqiy komilik, baxt-saodat, johiliyat, aql va e’tiqod, adolat.*

Kirish. Ilm dunyosidagi har qanday ilmning tarixisiz nazariyasi bo‘lmaydi, degan hikmat, ayniqsa axloqshunoslikka taalluqlidir. Zero, axloqshunoslik tarixi axloqiy tafakkurning vujudga kelishi hamda uning taraqqiyoti qonuniyatlarni o‘rganadi, ma’naviy merosning ulkan qismi bo‘lishi axloqiy ta’limotlar, hikmatlar, pand-o‘gitlarni zamonaviy jamiyat hayotiga tadbiq etish targ‘ib qilish yo‘llarini tahlil etadi. Garchand har bir axloqiy konsepsiya ma’lum bir mutafakkir mulohazalari va faoliyatining mevasi bo‘lsada, u mohiyatan, muayyan tarixiy davr talabidan kelib chiqadi. Ayni paytda, turli odob va axloqiy qonun-qoidalarini o‘z ichiga oladigan axloqiy targ‘ibot muammolari, axloqiy pand-o‘gitlar va me’yoriy talablarni bajarish, axloqiy boshqarish sohasiga kiradi hamda axloqshunoslikning odatda “amaliy axloq” deb ataladigan qismini tashkil etadi.

Amaliy axloqning dastlabki namunalari bundan 3 yarim ming yil avval paydo bo‘ldi.

Falsafiy-axloqiy oqimlar borasida gap ketganda, musulmon Sharqida ikki yo‘nalish alohida o‘rin tutadi. Bular mashshoyyunlik va tasavvuf axloqshunosligi. O‘rta asr musulmon Sharqida mashshoyyunlik yoki, boshqacha qilib aytganda, arastuchilik oqimining vakillari buyuk mutafakkirlar al-Forobiy, at-Turkiy, Abu Ali ibn Miskavayh, Ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Abul Barakat al – Bag‘dodiy, Umar Xayyomlar hisoblanadi.

Adabiyotlar tahlili va metodlar. Tadqiqot jarayonida Ibn Miskavayhning “Tahzib ul-axloq va Tatxir ul-a’roq”, ”at-Tahara”, “Jovidon xirad” va “Kitab adab ad-dinya vad-din” kabi asarlaridan foydalanildi. Shuningdek, Abdul Aziz Izzatning “Ibn Miskavayhning axloq falsafasi va

uning manbalari” asariga murojaat etildi. Tadqiqot olib borish davomida tizimlilik, nazariy-deduktiv xulosa chiqarish, analiz va sintez, tarixiylik va mantiqiylik tamoyillari qo’llanildi.

Muhokama va natijalar. Arastu izidan borib Miskavayh ham falsafani nazariy va amaliy falsafaga bo‘ladi hamda axloqshunoslikni amaliy falsafa tarkibiga kiritadi. Axloqiy muammolar uning “Tahzib ul-axloq va Tatxir ul-a’roq”, ”at-Tahara”, “Jovidon xirad” va “Kitab adab ad-dinya vad-din” singari asarlarida ko‘tarilgan.

Mutafakkirning “Tahzib ul-axloq va Tathir ul–a’roq” (“Axloq takomili va Ildizlar pokligi”) asari uning ilmu axloq va hikmatga doir asarlari ichida asosiy o‘rin egallaydi. Islom falsafasining ko‘zga ko‘ringan tarixchilaridan biri Majid Faxrining ta’kidlashicha, Ibn Miskavayhning etikaga qo‘shgan hissasi uning sistematik etikaga oid arab tilida yozilgan ushbu risolasidir. Bu asar yunon falsafiy-axloqiy an’analariga bog‘liqdir. Asarda muruvvatlilik, baxt, adolat, muhabbat va do‘stlik muammolari ko‘rib chiqiladi. Masalan, adolat haqida Miskavayh shunday yozadi: ”Adolat maqsad va imkoniyatning o‘rtasidagi narsadir, yaxshiliklar ichida eng afzali hamjihatlikka eng yaqinidir”.[123]

Faylasuf huquqshunos, so‘fiy zamondoshi va do‘sti Abu Hayyan at-Tavhidiyning “Nohaqlik to‘g‘risida”gi xati bevosita “Risola fi-mihayyatil-adl”ning yozilishiga sabab bo‘ldi. At-Tavhidiyning “al-Hamavil” kitobiga javob tarzida yozilgan falsafa, tilshunoslik va huquqqa oid 175 savol-javobni o‘z ichiga oluvchi ”ash –Shamovil” kitobida (yo‘qolgan) Miskavayh adolatning tabiati, uning namoyon bo‘lishi va ko‘rinishlari tasvirlanishining qay tarzda sharh qilish yo‘llarini aniqlaydi. U adolatni haqiqiy, shartli, erkin harakatga asoslangan va ilohiy adolatga bo‘ladi. Shu bilan birgalikda adolat konsepsiyasi, uning fizik, ijtimoiy hamda falsafiy munosabatida ko‘rib chiqiladi. Mazkur risolaning asosiy manbalari Platonning “Davlat”, Arastuning “Kategoriyalar”, “Nikomax etikasi” kitoblari bo‘lgan.

Miskavayh “Axloq takomili” asari muqaddimasida kitobining mavzusi va bayon usuli haqida bunday deydi:

“Bu kitobda qo‘ygan maqsadimiz shuki, o‘z ruhimizga shunday sifatlarni berdikki, uning yordamida qiyinchiliklarsiz yengil va go‘zal harakatlar qilsak. Bunday sifatlarni egallash o‘zlashtirilgan mahorat layoqat, tartib-qoida asosida vujudga keladi.

Bizning yo‘limiz-bu ruhimizning borliq tizimidagi mohiyati, sifatlari va paydo bo‘lish sabablarini bilishga intilishidan iborat. Ya’ni ushbu paydo bo‘lishning maqsadini bilish va bizga berilgan quvvat va qobiliyatlar javharini anglash. Zero, biz ana shu quvvat va qobiliyatdan kerakli o‘rinda

[123] Majid Fakhry. History of Islamic Philosophy, N.Y. 1970 y

foydalansak, yuksalamiz.

Va bu maqsad yo‘lida bizga halaqit beradigan narsalarni bilish ham vazifamizga kiradi. Shuningdek, iymon saodatini egallashga yordam beradigan sabablarni aniqlash bilan ruhimizni oziqlantiradiganlarni ham bilib olishni xohlaymiz”.[124]

Miskavayhning axloq asoslari to‘g‘risida aytgan fikrlari - bu axloqiy-falsafiy tahlil, demak, qo‘lga kiradigan natijani ham falsafiy natija deyish mumkin. Va shu yerning o‘zida u o‘z yo‘lini axloq masalasida jon kuydiruvchi tasavvuf va irfon ahli hamda Qur’on va sunnatga amal qiladigan, ammo shariatni zohiriy anglaydigan kishilar yo‘lidan ajratib ko‘rsatadi.

Miskavayhning axloqi bu dunyoviy axloq, bunda u Aflotun bilan Arastu fikrlaridan keng foydalanadi. Ammo unga Arastu eng ko‘p ta’sir o‘tkazgan. Aytish mumkinki, kitobning butun mazmuni bo‘lmasa ham, har holda ko‘p narsalarni Arastudan o‘zlashtirgan.

Miskavayhning ideal baxt-saodati-bu oqilona baxt –saodatdir. Harakat esa, garchi u ham muhim va asosiy narsa bo‘lsada, ammo u shunchaki bir vosita bo‘lib, agar odamni oxirgi maqsadiga olib kelmasa, u nomunosibdir. Aql haqida gapirar ekan, faylasuf yangi aflotunchilar talqinidan o‘tib islomga kirib kelgan yunonchilar aqliy merosini nazarda tutadi.

Komillashuvning birinchi bosqichi, uningcha bu – ilm yordamida erishiladigan imkoniyatdir. Komillikka intiluvchi inson barcha ilmlarning yakuni va oxiri bosqich bo‘lgan parvardigorni bilish darajasiga yetish uchun zina va bosqichlar bo‘lib, sabr toqat bilan mukammallashish lozim.

Inson harakat quvvatiga bog‘liq bo‘lgan komillashuvning ikkinchi bosqichi - bu axloqiy takomillashuv bo‘lib, insoniy “faoliyat imkoniyati” bilan bog‘liq harakatlarida kuchni taqsimlashdan boshlanadi.

Nazariy takomillashuv bamisoli shakl (surat) bo‘lsa, amaliy komillashuv-materiya (modda)dir va bularning birortasi ham ikkinchisisiz qiyomiga (yakuniga) borib yetmaydi, ilm-bu boshlanish, harakat (yoki ish, faoliyati) esa, bu – oxirgi yakun.[125]

Inson o‘z-o‘zini takomillashtirish yo‘lida hamma maxluqot va uning xossalari haqida bilimga ega bo‘lgan taqdirdagina (narsalar, ularning mohiyati, belgilovchi chegaralari haqidagi bilimni egallash), u “olami sag‘ir”- kichik olam deb atalishiga munosibdir. Albatta, inson mavjud narsalarni kulldan bilsa, u ju’zlarni ham (chunki ju’zlar kull ichidadir) bilib olishi muqarrardir. Shunday qilib, agar inson komillikning ana shu darajasiga (ilmiy darajasiga) yetib borsa, keyin o‘z quvvatlarini takomillashtirish harakatida qo‘llaydi va o‘zining ichki quvvat hamda qobiliyatini bor bilimiga muvofiqlashtirib, o‘zi bir olamga aylanadi. Zero narsalarning surati uning

[124] Abdul Aziz Izzat. Ibn Miskavayhning axloq falsafasi va uning manbalari. Qohira, 1946 y. –B.317
[125] Abdul Aziz Izzat. Ibn Miskavayhning axloq falsafasi va uning manbalari. Qohira, 1946 y. –B.319

mohiyatining bir qismi bo‘lib qoladi. Bunday vaqtda qandaydir holatda, u olam(undagi jami narsalar bilan birga) bilan birlashib, yagona yaxlitlikni tashkil etadi.

Boshqa tarafdan inson o‘z ruhini ezgu harakatlar bilan bezagandan keyin, u xudoning xalifasi bo‘lib qoladi.[126]

Ya’ni Miskavayhga ko‘ra, baxt-saodat bu xushaxloqlilikning yakuniy maqsadi bo‘lgan aqliy tushunchadir. Haqiqiy baxtiyor odam ruhi ilm tufayli butun olam bilan birlashib ketgan odamdir. Uning sifati va axloqi shunday mukarramki, bu unga tangrining o‘rinbosari (xalifasi) bo‘lishiga ijozat beradi.

Ya’ni Miskavayhga ko‘ra, baxt-saodat bu-xushaxloqlikning yagona maqsadi bo‘lgan aqliy tushunchadir. Haqiqiy baxtiyor odam ruhi ilm tufayli butun olam bilan birlashib ketgan odamdir. Uning sifatlari va axloqi muqarramki, bu unga tangrining o‘rinbosari (xalifasi) bo‘lishiga ijozat beradi.

“Saodatga erishish shartlari” deb nomlangan boshqa bobda Miskavayh bu haqda ancha batafsil gapirib o‘tadi. Bu yerda u ochiq-ravshan dalillarga tayanib, o‘zining falsafadagi maqsadi, saodatga erishish sharti bo‘lgan bilim haqida so‘zlaydi. Bu xuddi o‘sha biz Arastuda ko‘rganimiz fikridir:

“Mukammal baxt-saodatni izlagan inson (asta-sekin) intiladigan bu bosqichga falsafaning barcha sohalarini to‘g‘ri bilmasdan turib erishishini tasavvur qilib bo‘lmaydi. Bu haqda “Tartib us-saodat” (“Baxtga erishish usullari”) nomli kitobda ham batafsil to‘xtab o‘tilgan. Kimki bu yo‘ldan yurmasdan turib saodatga erishmoqni niyat qilgan bo‘lsa, adashadi va haqiqatdan xiyla uzoqlashadi”.[127]

Miskavayh taklif etgan yo‘l Arastu bosib o‘tgan yo‘ldir. Ya’ni u bu yunon faylasufining barcha ilm sohasidagi fikrlarini o‘rganishini tavsiya bayon etadi:

“Arastu barcha zaruriy mavzular bo‘yicha (saodatga erishishini uchun) kitoblar ta’lif etgan, uning kitoblari hamma narsani qamrab oladi. Agar uni aql bilan o‘rganilsa, shuni bilib olish mumkinki, hech narsa uning diqqatidan chetda qolmagan”[128]

Faylasuf “ Birinchi muallim” ning “Axloq bo‘yicha kitobini”, insonga ezgu va sharafli shaxsiy sifatlar va najib axloq fazilatini o‘zlashtirishini ko‘rsatuvchi foydali va buyuk asar” deb ataydi.

Arastuda ilmning ko‘p sohalariga bag‘ishlangan kitob va risolalar bor, Miskavayh ularning ro‘yhatda yunon faylasufining arab tiliga tarjima qilinmagan kitoblari ham bor.

“Saodat sharti bo‘lgan falsafa“ - ana shu yaxshi, yaratuvchi va sahiy

---

[126] O‘sha joyda. –B.320.

[127] Mashkuya Roziy. Tahzib ul-axloq va tatxir ul-a’roq. Bidar nashr, Qum, hijr. 1371 y.-B.94

[128] O‘sha joyda. –B.447.

faylasuf (ya’ni Arastu) bizga qoldirgan falsafadir”[129] -deydi u.

Faylasuf Arastu zamondoshlari va uning asarlaridan dars beruvchi mudarrislardan misollar keltirib, o‘z shogirdlariga faylasuf asarlarini ”Etika” (“Axloq”) kitobidan boshlab o‘rganish va bilimni tavsiya etadi, chunki bunda, avvalo o‘rganuvchilarning o‘zi bu bilan axloqan boyiydi. Zero, axloqiy fazilat haqiqatni qabul qilish shartidir.

Olim amaliy axloq, go‘zal xulq, axloqiy komilikka yetishishi haqida fikr yuritadi. U individga oid axloq qoidalarini umumiy axloq qoidalaridan ajratib, tabiatni ozod qilishni (ya’ni inson tabiati haqida) axloqni yolg‘on va qullikdan qutqarish bilan solishtiradi.

Yuqorida Miskavayh fikrlari haqida qisqacha to‘xtab o‘tdik. Bular uning insoning kamolga yetish yo‘li aql va falsafa orqali borishini ma’qul hisoblagan mutafakkirlardan ekanini bilib olishga kifoya deb o‘ylaymiz. Faylasufning din va axloqqa oid qarashlari ham falsafiy yo‘nalishda. Garchi Forobiy, Ibn Sino kabi chuqur fikrli faylasuflar ro‘yxatida uning o‘rni va ahamiyati birinchilar qatorida bo‘lmasa ham, ammo nima bo‘lganda ham u buyuk faylasuf va uning “Tahzib ul-axloq va Tatxir ul-a’roq” asari fikrimizni tasdiqlaydi. Uning o‘zi kitobining uchinchi bobi oxirida ravshan bayon etadi: “Mazkur kitob falsafa ixlosmandlari uchun maxsus ta’lif etilgan, omma uchun emas.”[130]

Miskavayh asarlari ta’sirida islom dunyosida o‘ylab axloqiy-didaktik asarlar yozildi. Nosiriddin Tusiyning “Axloqi Nosiriy” asari ham shular jumlasidandir.

Xulosa va takliflar. Ibn Miskavayhning insonning komillikka yetishishidagi duch kelinadigan muammolar va ularning ijobiy hal etish usullari, baxtli hayot kechirish shartlari, ruhiy va jismoniy sog‘lomlikka yetishish choralarini yechishga urinadi. Uning bu qarashlari hozirda biz axloqan jismonan va ma’nan sog‘lom farzandlarni tarbiyalashga, kelajagi buyuk vatan qurish yo‘lidagi fikrlarimiz bilan hamohanligi ahamiyatlidir.

Ibn Miskavayh fikricha, inson shaxsiyatini rivojlantirish xatolarga barham berish uchun uning sabablarini ko‘rib chiqish lozim. Bundan xulosa kelib chiqadiki, o‘zini hurmat qilgan inson o‘zgalarni ham hurmat qila oladi, o‘zligini tanigan inson o‘zgalar tarixiga o‘tmish an’analariga xolisona, to‘g‘ri fikr bildira oladi, aql va bilimga ega inson ilm-fanni, aqlning mahsuli bo‘lgan narsalarni qadrlay oladi.

REFERENCES

1. Abadiy hikmat. A. Badaviy tahriri ostida. Tehron, universitet nashr. Hijr.1358 y.-B.20.

[129] O‘sha joyda. –B.459.

[130] Mashkuya Roziy. Tahzib ul-axloq va tatxir ul-a’roq. Bidar nashr, Qum, hijr. 1371 y.-B.81

2. Abd al- Aziz Izzat.»Tahdib ul-akhlaq». Ibn Miskaweyh. – Beyrut. 1963. – R. 15.
3. Abdul Aziz Izzat. Ibn Miskavayhning axloq falsafasi va uning manbalari. Qohira, 1946 y.
4. Ahmedov B. O‘zbekiston tarixi manbalari. T.,2001 y. - B. 130
5. Ibn Miskaweyh «Tahdib ul-akhlaq». Beirut. 1966. –R. 14-26.
6. Ibn Miskaweyh.Al-Khikmat al-holida. – Beirut. 1952. –R. 15-45.
7. Qodirov M. Markaziy Osiyo, Yaqin va O‘rta Sharqning falsafiy tafakkuri. – T.: 2010. –V. 225.
8. Sulaymonov, J. (2021) Abdurahmon Ibn Xaldunning tamaddun taraqqiyoti haqidagi qarashlarida jamiyat tahlili*//Academic Research in Educational Sciences,* Vol. 2 Special Issue 1, 2021. 451-455 R.
9. Sulaymonov, J. B. (2021). Ibn Xaldunning „Muqaddima “asarida jamiyat taraqqiyotiga ta’sir qiluvchi omillar talqini. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *1*(4), 732-737.
10. Sulaymonov, J. Karimov, N.Contribution of Abu Isa Tirmidhi to the Science of Hadith //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN: 2278-3075, Volume-9 Issue-1, November, 2019. P. 593-599.
11. Sulaymonov, J. B. (2021). Abu Zayd Abdurahmon Ibn Xaldunning „Muqaddima “asarida davlat tushunchasiga yondashuvlar talqini. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *1*(6), 9-14.
12. Sulaymonova, S. N. (2021). Ibn Miskavayh Mashshoiyyunlik yo ‘nalishining sistemalashtiruvchisi. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *1*(5), 15-20.
13. Sulaymonova, S. N. (2021). Ibn Miskavayhning arab tilida yozilgan asarlari tavsifi. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).
14. Sulaymonova, Shahnoza. Farabi ve Miskaway'in etik görüşlerinin karşılaştırmalı analizi//”Islam’in Altin Chag’inda Ilimlerin Gelişmesine Katki Yapan Bilim Onculeri” Uluslararasi Avrasiya Chalishmalari Simpoziumi. Istanbul. 2020.;
15. Tavhidiy Abu Xayyon. Al-havomil vash-shamovil. – Kair. 1951. –S. 102.
16. Yaqut. Irshad al-arib ila ma’rifat al-adib. (Mujam al-udaba)/ Edited by S.D. Margoliouth. – Montana-Whitefish. 2010. Vol. I. –R. 88-96.

TAYLAQOV T.A
Magistrant

ARAB BAHORI VOQEALARINING “AL-JAZIRA” TELEKANALIDA YORITILISHI

Annotatsiya.*Ushbu maqolada arab davlatlarning o’z milliy manfaatlari yo‘lida siyosiy mojarolar, axborot va psixologik urushlarda ommaviy axborot vositalaridan foydalanish xususiyatlari ko‘rib chiqiladi. ¬Bugungi kunda axborot urushlarida ma’lumotlarni omma ongiga singdirishda yetakchi rol o’ynaydigan sun'iy yo'ldosh televideniyasi hisoblanadi. Xususan, maqolada “Arab bahori” voqealarini yoritishda “Al-Jazira” telekanalining tutgan o‘rni va roli tahlil qilindi. Zamonaviy jahon siyosati kontekstida aytilishicha, dunyo jamoatchiligi fikri, asosan, yirik media korporatsiyalarga tegishli bo‘lgan va o‘zlari mansub bo‘lgan siyosiy tabaqa manfaatlarini ifodalovchi eng nufuzli ommaviy axborot vositalari tomonidan shakllantiriladi.*

Kalit so'zlar: Al-Jazira, Arab televideniyasi, sun'iy yo'ldosh telekanallari, Arab ¬bahori, Yaqin Sharq.

«Axborot jamiyati»ning paydo bo‘lishi va rivojlanishi bilan davlatlar o’rtasida yuz berib kelayotgan mojaro va to’qnashuvlar axborot makoniga ko’chdi. Axborot urushlarida foydalaniladigan gazeta, radio, televideniya, internet va ijtimoiy tarmoqlar ¬aholini doimiy axborot oqimlari bilan bombardimon qilmoqda. Ularda xabarlar bir zumda tahlil qilinadi, tayyorlanadi, sharhlanadi va real vaqt rejimida tarqatiladi. Buni arab mamlakatlarida yuz bergan “arab bahori” voqealari misolida ko’rish mumkin.

Bugungi kunda axborot urushlarida ma’lumotlarni omma ongiga singdirishda sun'iy yo'ldosh televideniyasi asosiy rol o’ynaydi, deb hisoblanadi. “Al-Jazira” va “Al-Arabiya” telekanallari “arab bahori” voqealari haqida arab va ingliz tillarida ko’rsatuvlar tayyorlovchi arab davlatlari, ham G‘arb dunyosi uchun eng muhim axborot manbasiga aylandi. Televizorning samaradorligi, birinchidan, uning keng tarqalganligi bilan, ikkinchidan, tomoshabinga ma'lumotni tahlil qilmasdan voqeani tushunishga imkon beradigan vizual talqinga egaligi bilan izohlanadi.

Inqilobga qadar telekanal efirlarida G'arb mamlakatlaridagi aholining dabdabali hayoti namoyish etildi. Natijalar ko'p kuttirmadi. Minglab arab yoshlari o'zlarining qashshoqliklarini G'arb davlatlari aholisining dabdali hayoti bilan taqqoslab¬, farovon hayot haqida umidlar va reallik o'rtasida tafovut paydo bo'ldi.

Bamberg universiteti professori A. Jungerrning “...agar ijtimoiy tarmoqlar odamlarni norozilik namoyishlariga, ko‘chalarga chiqishga safarbar qilgan bo‘lsa, sun’iy yo‘ldosh telekanallari inqilobni

harakatlantiruvchi tizimlashgan real kuch bo’ldi, degan fikrga qo‘shilishimiz mumkin .

Al-Jazira - Qatar poytaxti Dohada joylashgan xalqaro teleradiokompaniya¬. Uning asosiy xususiyati arab dunyosidagi yangiliklarni G‘arb jurnalistik standartlari bilan uyg‘unlashtira olganligidadir. Kanal 1996-yilda Qatar amirining homiyligida bilan tashkil etilgan. Al-Jazira g’arb va arab dixotomiyasidagi qarama-qarshiliklarni namoyish qila boshlagan birinchi arab kanalidir. Telekanal Yaqin Sharqdagi muxolif kuchlarning ham dunyoviy, ham diniy guruhlari uchun efirga chiqish imkonini taqdim etdi. Al-Jazeeraning islomiy boshqa kanallardan farq qiluvchi yana bir xususiyati kanalda hatto Isroil vakillari uchun ham efir vaqti ajratilganlidir. Telekanal o’z yangiliklarida AQSh va ittifoqchi kuchlarning Afg‘onistonga havo hujumlari va raketa zarbalarini real vaqtlarda yoritishi, shuningdek, “Al-Qoida” rahbari Usama bin Ladenning bayonotlarini jonli efirda namoyish qila boshlaganidan so‘ng dunyoga tanildi.

“Arab bahori” yuz bergan davlatlarda namoyishchilar bilan hukumat kuchlari o’rtasidagi to’qnashuvlar jonli efirda namoyish etilishi bilan telekanal reytingi keskin ko’tarildi. Biroq, aynan “arab bahori” voqealari bilan bog’liq ba’zi reportajlar kanal reytingining tez tushib ketishiga sabab bo’ldi. Natijada, Arab ijtimoiy xizmatlarining rasmiy statistik ma'lumotlariga ko'ra, Al-Jaziraning arab auditoriyasi 43 milliondan (eng yuqori reyting ko’rsatkichi) 6 milliongacha kamayib ketgan .

“Al-Jazira”ning reytingdagi o‘zgarishi tasodifiy va sababsiz emas. Buni tushunish uchun Al ¬-Jazira faoliyatini tavsiflovchi faktlarni ko’rib o’tish yetarli. Gap shundaki, ijtimoiy-iqtisodiy va demografik omillar tufayli yuz bergan “arab bahori” hodisalari haqidagi jamoatchilik fikri turli tashqi kuchlar ta’sirida arab mamlakatlarida va undan tashqarida ham turlicha media talqinlar ta’sirida o’zgara boshladi. Natijada, ba'zi davlatlarda namoyishchilar talablari ijtimoiy-iqtisodiy masalalar bilan cheklanmasdan, siyosiy islohotlar va hatto inqilob haqida o’ylay boshlashdi. Bu holat nafaqat arab davlatlari rahbarlarini, balki Isroil, AQSh va Yevropa Ittifoqi davlatlari manfaatlari uchun ham xavf tug’dirgan edi. Rossiya va Xitoy davlatlari ham voqealarning bunday rivojlanishidan manfaatdor emas edi. Butun dunyo e’tiborini jalb qilgan bu voqealardan Al-Jazira telekanali o’z mashxurligini saqlab qolishda samarali foydalana boshladi.

Taniqli fransuz yozuvchisi va teleboshlovchisi Tyerri Meyssan ¬o‘z veb-saytida chop etilgan maqolasida fransuz va isroil fuqaroligiga ega ikki aka-uka Devid va Jan Fridmanlar tomonidan Al-Jazira telekompaniyasiga asos solinishi haqida yozadi. Qatar qirollik hukumati tomonidan telekanal uchun aka-ukalarga 150 million AQSh dollari ajratilgan va besh yildan so'ng butunlay sotib olingan. Tyerri Meyssanning so'zlariga ko'ra, Al-Jazira o'z

faoliyatining boshidanoq ¬Qatar hukumatining ko'magiga tayangan telekanal maqsadi dastlab va hozir kunda ham G‘arb strateglari uchun foydali bo‘lgan dunyo va arab jamoatchilik fikrini yaratishdir. 1991-yilda Fors ko‘rfazi mojarosini va 2003-yilda Iroqdagi urushlarni hech qanday senzurasiz yoritib borganligi tufayli teletomoshabinlar ishonchini qozongan Al-Jazira telekanali ¬2011-yilda yuzaga kelgan qulay vaziyatdan foydalanib, arab dunyosida Qatar qirolligi manfaati uchun mos kelmagan davlat rahbarlari hokimiyatini o’sha davlatlarning aholisi yordamida ag’darishni reja qildi va “Arab bahori”ga tayyorgarlik ko‘rish kampaniyasini boshlab yubordi.

Masalan, 2011-yil 21-avgust sanasida Al-Jazira kanali yangiliklarida Tripolidagi isyonchilarning to‘liq g‘alabasi aks etgan video yangiliklar paydo bo’ldi. Natijada bu video qisqa vaqtda dunyoning barcha axborot kanallarida namoyish etildi. Hozirga kunda bu soxta video kanal tomonidan maxsus tayyorlangan sahnada suratga olingani hech kimga sir emas. Liviya elchixonasi taqdim etgan dalillarga ko’ra, "G’arb telekanallari yangiliklarida Tripolida isyonchilarning g'alabani shahar markazida nishonlayotgani ko'rsatilgan kadrlar bir oy avval Qatar poytaxti Doha yaqinida qurilgan maxsus pavilyonda suratga olingan. Pavilon deyarli to‘liq Tripoli rejasiga ko‘ra qurilgan bo’lsa-da, biroq shahardagi yaqinda sodir etilgan portlashlar natijasida yuzaga kelgan vayronagarchiliklar hisoblabga olinmagan. Bu o’z-o’zidan barcha savollarga oydinlik kiritadi, - ta'kidlaydi elchixona vakili. Shu bilan birga, translyatsiya qilingan kadrlarda juda ko‘p odamlarning uyali telefonda gaplashayotganini ko‘rish mumkin. Vaholanki, NATO havo kuchlarining Tripolini tinimsiz bombardimon qilishi natijasida shaharda elektr va aloqa ta’minoti to’liq yaroqsiz holatga kelgan edi. Xullas, shahar hali ¬isyonchilar tomonidan to’liq qo‘lga olinmagan bo’lsa-da, video xabarlarda shahar aholisi bayroq ko‘tarib ko’chada “g’alaba”ni nishonlardi .

Keling, Al-Jazira faoliyati bilan bog'liq ba'zi holatlarni ko’rib o’tamiz. Birinchi holat. 2011-yil sentabrida telekanal bosh direktori Vaddah Xanfar ¬iste’foga chiqishini e’lon qildi. Xonfar hamkasblariga yozgan xabarida ish faoliyatini boshqa sohada davom ettirishga qaror qilganini tushuntirishga harakat qiladi. Uning so‘zlariga ko‘ra, uning iste’fosi “bir muddat” boshqaruv raisi bilan muhokama qilingan va u bosh direktorning qaroriga xayrixohlik bildirgan. ¬Xonfar Al-Jazira telekanalini qariyb sakkiz yil davomida boshqargan, deb yozadi Associated Press. Ba'zi ommaviy axborot vositalari uning ishdan chetlatilishi ¬WikiLeaks veb-saytida Xanfarning AQSh bilan hamkorligidan dalolat beruvchi hujjatlarni e'lon qilinishi bilan bog’lashadi. Amerikalik diplomatlarning xabarlariga ko'ra¬, Al-Jazira bosh direktori AQSh harbiy razvedkasi bilan doimiy aloqada bo'lgan va kanal veb-saytida Amerika manfaatiga zid materiallar joylanmasligiga va'da bergan.

Ikkinchi holat. Ba’zi tanqidchilar Al-Jazira kanali yangiliklar talqini

Amerika Qo’shma Shtatlarining xalqaro maydondagi obro’yini tushirishga mo’ljallangan deb aytishsa-da, so'nggi paytlarda Qo'shma Shtatlar haqidagi yangiliklarda nisbatan xolisona fikrlar ustunlik qildi. Kolumbiya universiteti mutaxassislari tomonidan olib borilgan global ommaviy axborot vositalari monitoringiga ko’ra, Al-Jazira kanalida AQSH ishtirokidagi yangiliklarni yoritishga alohida e’tibor qaratiladi. Davlat tomonidan moliyalashtiriladigan beshta xalqaro telekanaldan: Al-Jazeera English, CCTV-I, Fransiya 24, Press TV va Russian Today; AQSh siyosatiga salbiy munosabat bildirish darajasi bo'yicha sanalganlarning so’nggi ikkitasi ustunlik qilishi ma’lum bo’ldi. Bulardan Press TV (Eron) kanali yetakchi hisoblansa, Russian Today salbiy munosabat bildirishning 5 balli tizimida 4 ball bilan baholangan. Al-Jazeera English va France 24 kanallari 2 ball bilan ro’yxatni yakunlagan. Shuningdek, Kolumbiya Universiteti mutaxassislari tomonidan nisbatan eng ishonish mumkin bo’lgan kanal sifatida ham Al-Jazeera English ma’qul ko’rilgan.

Strategik operatsiyalar amalga oshirilayotgan sharoitda dunyo jamoatchiligiga kamchilikning manfaatidan kelib chiqib noto'g'ri ma'lumot tarqatishda xalqaro OAV ga tayanish “qimmatga tushadi”.

Uchinchi holat. Al-Jaziraning Bayrutdagi ofisi bosh direktori Hasan Shaaban 2012-yil mart oyida iste’foga chiqqan edi. Bu haqda Livanning Al-Axbar gazetasiga tayangan holda SANA agentligi xabar beradi. Shaabon o’z iste’fosini so’nggi yillarda telekanalning arab dunyosida ro’y berayotgan siyosiy jarayonlarni, xususan, Suriya va Bahrayndagi voqealarni yoritishda noxolislik va tarafkashlikka yo’l qo’yayotganligi bilan izohlaydi. Bunga qadar Al-Jaziraning Bayrutdagi ofis prodyuseri Musa Ahmad va muxbir Ali Hoshem ham xuddi shu sabablarga ko'ra iste'foga chiqqan edi. Ahmadning aytishicha, telekanal Qatar qirollik hukumatining Suriya prezidenti Bashar al-Assad rejimiga qarshi qo‘llaniladigan siyosiy vositasiga aylangan. Kanalning translyatsiya siyosatidan norozi bo’lib iste’fo bergan muxbir Ali Hoshem haqida ma’lumotlar uning elektron pochta yozishmalarini o’rganish natijasida ma’lum bo‘ldi. ¬Jumladan, muxbir hamkasbiga telekanal rahbariyati Suriya armiyasiga qarshi jang qilayotgan Asad hukumatiga muxolif qurolli askarlarning suratlarini efirga berishdan bosh tortgani haqida yozgan. Bosma gazeta manbalariga ko'ra, ayni paytda Al-Jazira Bahrayndagi ommaviy muxolifat namoyishlar vaqtida sukut saqlagan.

To'rtinchi holat. "Al-Jazira" va "Al-Arabiya" arab telekanallari muxbirlari ko'plab mintaqalarda terrorchilik tashkilotlari tarkibida jangarilar sodir etgan jinoyatlarga sherik va ular bilan birday qonun oldida javobgar ekanligi Suriya hukumati tomonidan bir necha bor ta’kidlanadi. Al-Jazira yangiliklarida vahshiylarcha o‘ldirilgan 47 nafar ayol va bolaning jasadlari namoyish etilib, Suriya hukumati o’z fuqarolarga nisbatan zo’ravonlik va

jinoyatda ayblanganda, Damashq barcha ayblovlarni quyidagicha rad etadi: ¬ “Bu jinoyatlar terrorchilik tashkilotlari tomonidan sodir etilgan. Zo‘ravonlik uchun javobgarlikni Suriya armiyasiga yuklashni maqsad qilgan bu kuchlar o’zlari o'g'irlab ketgan va o'ldirgan odamlarni suratga olishib, ushbu materiallarni dushman OAV ga yetkazishgan”.

Al-Jazira telekanali faoliyati bilan bog’liq yuqorida ko’rib o’tilgan to’rtta holat birgalikda tahlil qilinganda telekanal haqida miflarni tushunish yanada osonlashadi. Qatar qirollik hukumatining kuchli professional media jamoasini yig‘ishga muvaffaq bo‘lganligi o’z navbatida Al-Jazira kanalini arab dunyosida siyosiy ta’sirga ega asosiy kanalga aylanishini ta’minladi. “Arab bahori” voqealarini tahlil qilgan ba’zi tadqiqotchilar: “Al-Jazira bo‘lmaganida Misr, Tunis, Liviyadagi to‘ntarishlar va Suriyadagi qo‘zg‘olonlar yuz bermas edi” deya ta’kidlashadi . Telekanalning “Arab bahori” voqealaridagi roli Liviya inqilobi misolida yaqqol ko‘zga tashlanadi. “Al-Jazira” telekanali efirlarida Liviya sharqidagi mojarolar haqida tinimsiz bo‘rttirilgan ma’lumotlar namoyish etib turilishi bilan Liviya rahbari Qaddafiyga xayrixoh bo’lgan Arab Ligasi unga qarshi qaror qabul qilishga majbur qilindi. O’sha vaqtda Misr rahbari bo’lgan Muborak bunga qarshi chiqishi mumkin edi, lekin u allaqachon hibsga olingan edi. Qaddafiy arab davlarining qo'llab-quvvatlashiga erisha olmadi. Rossiya va Xitoy arab muammolariga aralashishni xohlamadi. Natijada NATO ittifoqchi kuchlari Qaddafiy rejimiga nuqta qo’yish uchun maxsus operatsiyani boshlab yubordi.

Suriyadagi qo’zg’alonlarda BAA isyonchilarning “Ozod Suriya” armiyasini qurol-yarog‘ va jangchilar bilan ta’minlayotgan bir sharoitda ¬Al-Jazira telekanalida Asadning tinch namoyishchilarga nisbatan zo’ravonlik ishlatayotganini isbotlovchi materiallar efirga uzatib turildi, biroq tele¬kanal isyonchilar tomonidan nasroniylarning o‘ldirilishi, talon-taroj qilinishi va ta’qib qilinishi haqida kadrlarni efirga uzatmadi.

Dunyoda yuz berayotgan voqea –jarayonlarga Qatar qirolligi manfaatlari nuqtai nazaridan nigoh tashlashi va mintaqada Qatar tashqi siyosiy manfaatlariga xizmat qilishi ko’zda tutilgan Al-Jazira telekanal rahbariyati arab dunyosidagi radikal siyosiy kuchlarni, jumladan “Musulmon birodarlar” va shu kabi radikal islomiy partiya va harakatlarni qo’llab-quvvatlar edi. Ammo bu Al-Jazira o‘z auditoriyasini yo‘qota boshlaganining sabablaridan biri xolos. Asosiy sabablardan biri Dohaning Yaqin Sharq mintaqasida yetakchi bo‘lishga intilishi, arab davlatlarining ichki siyosatiga aralashishi, turli mojarolarni hal qilishda diplomatik emas haddan tashqari agressiv yo’llardan foydalanishi va mintaqadagi boshqa davlatlarni manfaatlariga qarama-qarshi kuchlarni qo’llab-quvvatlashi deb ko’rsatiladi.

Misrda Tahrir inqilobidan 2 yil o’tib harbiylar tomonidan ikkinchi davlat to’ntarishi amalga oshirildi. Misr harbiylari va sobiq prezident

Muhammad Mursiy tarafdorlari o’rtasidagi to’qnashuvlardan so’ng tashkillashtirilgan press-konferensiyada Al-Jazira jurnalistlari bilan sodir bo’lgan voqea e’tiborga loyiqdir. Telekanalning Misr voqealarini radikal islomiy kuchlar foydasiga noxolis yoritib kelayotganidan g’azablangan jurnalistlar Al-Jazira muxbirlari rasman press-konferensiya zalidan haydab chiqarishdi. Ushbu matbuot anjumanidan uch kun o'tib, 2013-yil 12-iyulda Al-Jaziraning 20 ga yaqin muxbirlari bir vaqtning o'zida rahbariyatga o'z iste'folarini taqdim etishdi. Jurnalistlar o’z iste’folarini telekanal rahbariyatining Misrdagi harbiy to'ntarishni yoritishda "Musulmon birodarlar"ni qo'llab-quvvatlash haqidagi ko’rsatmalarni bajarishni istamasliklari bilan izohladilar.

Qolaversa, Al-Jazira o’z faoliyati davomida mintaqada raqiblarga ega bo‘lib bordi. Ular “arab bahori” davrida fuqarolarning ongiga ta’sir ko’rsatish va mintaqadagi o‘zgarishlar yo’nalishini belgilashda ishtirok etishdi. Zero, mamlakat yoki mintaqa miqyosida ommaviy axborot vositalarining ko’pligi va xilma-xilligi ushbu makonda yuz berayotgan jarayonlarga ta’sir etuvchi muhim omil hisoblanadi. Shuning bilan birga, qonli to'qnashuvlar yuz berishida asosiy javobgarliki to’liq ommaviy axborot vositalariga yuklashni ko’zda tutgan ekstremal fikrlarni ham oqlab bo'lmaydi. Biroq, strategik kommunikatsiyalar doirasida global ommaviy axborot vositalari odamlarni boshqarishning muhim vositasidir.

Global ommaviy axborot vositalari keng jamoatchilikning ijtimoiy ongiga o‘z manfaatlari yo‘lida ta’sir ko‘rsatish uchun harakat qiladigan davlat va nodavlat tuzilmalar, oshkora va yashirin homiylar, lobbi guruhlari va boshqalarning doimo diqqat markazida bo'ladi.

Keskin ijtimoiy-siyosiy to‘qnashuvlar doirasida -nafaqat ob’ektiv bilimlarning yo‘qligi tufayli, balki ommaviy axborot vositalari buyurtmachilar talabi bo’yicha qo’pol ravishda sahnalashtirilgan to’qnashuv kadrlarini va yaqin qarindoshlari yoki do’stlaridan ayrilish sahnalarini efirlarda namoyish etish orqali jamoatchilik ongida yolg‘on voqelik yaratishi va manipulyatsiya qilishga urinishi mumkin. Afsuski, buning uchun deyarli hech kim javobgar emas. Xalqaro maydondagi shiddatli urushlar axborot makonida yangicha ko’rinishda davom etmoqda va buning oqibatlari arab davlatlari aholisi uchun avvalgidan ham achinarliroq bo’lishi mumkin.

МАМАТҚУЛОВ С.Х.
Магистрант

ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА ПОКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

